

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУ/БЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

А.Э.АБДУСАМЕДОВ

## ДИНШУНОСЛИК

(миллий ғоя маънавият асослари ва ҳукуқий таълим  
йўналиши бакалавр талабалари учун) фанидан  
ўқув қўлланма

Тошкент-2008

**Муаллиф:** фалсафа фанлари доктори, проф. А.Э.Абдусамедов,

**Масъул мұхаррир-Фалсафа факультети декани фалсафа фанлари номзоди, доц. А.Ү.Үтамуродов**

**Тақризчилар:** ф.ф.д., проф. И.Каримов,  
ф.ф.д. проф. И.Хўжамуродов

**Техник ходим:** О.Х.Ҳаётбеков

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультетининг Илмий ўкув-услубий кенгашининг 2008 йил \_\_ март қарорига асосан «Диншуносдлик» (миллий ғоя маънавият асослари ва ҳукуқий таълим йўналиши бакалавр талабалари учун) фанидан ўкув қўлланма бакаларв йўналишига тавсия этилган (3-сонли Баённома).

*Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаётган ҳаётбахи таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга..*

И.А.Каримов

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг конститутцион таъминланиши фуқароларда дин ва диний қадриятларга нисбатан адолатли ва холисона муносабатни белгилаш имкониятини яратди.

Янги таҳрирдага қонун Республикамиз Конституцияси тамойилларига асосланиб, виждон эркинлигини амалга оширишнинг оқилона демократик ечимини топди. Қонун фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминламоқда.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий омиллар тобора биринчи ўринга чиқиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизда, хусусан ёшларда дин ва ундаги реал қадриятларга маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида қарааш шаклланмоқда. Ёшларда миллий ва диний қадриятлар ҳамда динлар тарихини ўрганишга қизиқиши эҳтиёжи ортмоқда. Ҳозирги замон фани ва илғор қараашлари асосида тайёрланган ушбу «Диншунослик» ўқув қўланмаси талабаларга ибтидоий диндан тортиб жаҳон динларигача, уларнинг келиб чиқиши, моҳияти, тарихи, эволюцияси, ҳозирги ҳолати, инсоният ҳаётидаги тутган ўрни ҳақида умумий илмий маълумот беришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси анъанавий ислом дини кенг тарқалган худудлардан эканлигини ҳисобга олиб, бу минтақада VIII асрдан бошлаб ислом ягона ҳукмрон динга айланганлиги сабабли унинг шахс, оила, жамият ҳаётига кириб бориши, маданияти ва маънавиятни бойитишга қўшган хиссаси ҳусусида ёшларни илмий, фалсафий, бинобарин дунёвий билимлар билан кенгроқ, батафсил қуроллантириш кўзда тутилади. Галабаларга ислом маънавияти, миллий ва диний қадриятларни тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятларга уйғунлашиши, ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини тушунтириш тавсия этилади. Шунингдек, Миллий ғоя ва

ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг диний илдизлари изоҳланади.

Миллий ва исломий қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиши каби муаммоларга кўпроқ эътибор қаратилган. Мазкур қўлланма талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари, йўналишлари, мазҳаблари ҳақида илмий хуносалар чиқара оладиган, динийлик ва дунёвийлик"" муносабатларини асосли тахлил қила оладиган илмий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган.

«Диншунослик» ўқув қўлланмаси тайёрлашда Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида дин ва виждан эркинлигига доир фикрлардан, А.С.Васильевнинг «История Религии Востока» (М.;1998), И.Н.Яблоковнинг «Основы религиоведения» (М.:1998), «Диншунослик» (А.Мўминов ва бошқалар - Т.: 2004); А.Абдусамедовнинг «Динлар тарихи» (Т.:2004) ва бошқа адабиётлардан фойдаланилди.

## **1-МАВЗУ. «ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ»**

**Режа:**

- 1. Диншунослик фанининг предмети*
- 2. Диншунослик фанининг мақсади ва вазифалари*
- 3. Диннинг функциялари*
- 4. Курснинг амалий аҳамияти*

**Диншунослик фанининг предмети.** «Диншунослик» диннинг пайдо бўлиши ва ривожланишӣ тарихини, унинг ижтимоий, гносеологик, психологик илдизларини, турли хил динлар таълимотининг вужудга келиши ва шаклланишини ўргатувчи фан, таълимот ва ўкув предметидир. У дастлабки диний тасаввурларнинг пайдо бўлишидан уруғ-қабила, миллий ва жаҳон динлари пайдо бўлган даврда юз берган жараённи ҳамда жамият тараққиётида дин билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий, ҳодисаларни, маънавий омилларни - мафкура ва ақидалар, урғ-одат ва маросимлар, масжид ва диний ташкилотларнинг талаб ва тартибларини ўрганиш, таҳлил қилишни кўзда тутади.

Дин муаммоларига хос дастлабки ғоялар Марказий Осиёда -деизм, пантеизм ва бошкалар, бу ўлкада яшаган, ижод қилган улуғ алломалар Муҳаммад Мусо Хоразмий, Ахмад Фаргоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайёмнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида, Ибн Рушдинг "Икки ҳақиқат" таълимотида олға сурилган эди. XVII асрда Бобурнинг набираси Шоҳ Акбар, сўнгра XVIII асрда француз файласуфларининг динга, диний ташкилотларга муносабатлари XIX асрда илмий диншунослик доирасида янги оқим, йўналиш ва назариялар юзага келишига катта туртки бўлган. Бинобарин, XIX асрда мифологик мактаб (ака-ука Я. ва В. Гримм, М.Мюллер); антропологик мактаб (Л.Фейербах) ва бошқа мактаблар пайдо бўлган. XX асрда диншунослик янада янги назариялар билан бойиган. Букда швейцариялик психолог К.Юнг ва айниқса, француз социологи Э.Дюркгеймнинг "коллектив онг" ҳақидаги таълимоти диққатга сазовордир.

Аммо ўша давр диншунослиги динга ўз ижтимоий-сиёсий қарашларини баён этар экан, бу қарашлари диний ташкилотлар манфаатлари билан боғланмаган, мафкуравий жиҳатдан бетараф қилиб кўрсатмоқчи бўлган. Бу уринишларни "асослаш" да турли фалсафий ҳамда ижтимоий назариялардан фойдаланган. Амалда эса илоҳиётга кўпроқ ёндашган.

Олимларнинг диншунослик соҳасидаги изланишлари муҳим хуносалар чиқаришга олиб келган: биринчидан, ҳар кдндей дин

ижтимоий ҳодиса феномен ҳисобланиб, диний онг ижтимоий онг шаклларидан биридир; иккинчидан, диний тасаввур ва эътиқодлар жамият тараққиётининг муайян ижтимоий шароитлари таъсирида турли-туман шакл касб этган; учинчидан, ибтидоий диний тасаввурлардан тортиб жаҳон динларигача бўлган динлар эволюциясини эътироф этиш диншунослик ҳақида тўғри илмий холоса чиқариш имкониятини беради.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, "Диншунослик" предметини қуидагича таърифлаш мумкин: *Диншунослик кишилик жамияти тарихий тараққиётининг муайян босцичида пайдо бўлган барча дин шаклларининг маънавий, ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини, уларнинг таълимоти ва маросимчилиги, ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ва ижтимоий функцияларини илмий жиҳатдан ўрганувчи фандир.*

**Диншунослик фанининг мақсад ва вазифалари.** Диншунослик курсини ўқдтишдан 1-мақсад талабаларни дин ва диний таълимотларнинг диний талқинидан ташқари илмий тушунча, таълимот, назария, фалсафий холосалар билаи қуроллантиришдан иборат. Бунинг учун ҳозирги замон фани ютуқлари асосида диннинг келиб чиқиши, эволюцияси, ҳозирги ҳолати, инсониятнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳақида илмий-назарий таълимотлар билан қуроллантириш кўзда тутилади.

2-мақсад Ўрта Осиёда, шу жумладаи Ўзбекистовда VIII асрдан бошлаб ислом ягона ҳукмрон динга айланганлиги, ҳалқимиз турмуш тарзига чуқур кириб борганлигини ҳисобга олиб, унинг шахс, оила, жамият ҳаётида тутган ўрни, маданият ва маънавият, санъат ва адабиётни бойитишга кўшган ҳиссаси хусусида талабаларни илмий-фалсафий билимлар асосида фикр юритишга ўргатилишдан иборат.

3-мақсад талабаларда ибтидоий динлардан тортиб то жаҳон динларигача бўлган динларнинг шакллари, таълимотлари, йўналиш ва оқимлари мазҳаб ва секталари ҳақида умумий илмий тасаввур ҳосил қилиш орқали ўzlари мустақил фалсафий холосалар чиқара олиш малакасини ҳосил қилишдан иборат.

Юқоридага мақсадларга эришишда И.А.Каримовнинг асарлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" ги янги тақрирдаги қонун, Жиноят, Фуқаршгак, Оила, Ёшлар кодексларидағи дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастурламалар амал бўлиб хизмат қиласади.

**"Диншунослик" фанининг вазифалари қуидагилардан иборат:**

*биринчидан*, Олий ўқув юрти талабаларига шу соҳада чуқур билим бериш орқали курс доирасига кирган масалаларни тахлил этишда

илмийлик ва объективлик услубини кўлланиб, уларга диний қарашлар тараққиётига, инсон камолотига хизмат қиласидиган жихатларини ажратиб олиш, мустақил фикр юритиш орқали илмий-фалсафий дунёқарашга асосланган дунёвий иймон ва эътиодни шакллантириш;

*иккинчидан*, ибтидоий дин шаклларидан тортиб то уруғ, қабила ва миллий динларгача, уларда жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва ривожланншининг ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини тарихий далиллар асосида ҳар томонлама илмий тахлил килиш ва умумлаштириш;

*учинчидан*, курсни ўрганиш жараёнида диннинг таърифи, тавсифи, диний ва илмий категория (асосий тушунчалар), диннинг моҳияти ва унинг кишилик жамияти тараққиётидаги турли босқичларда тутган ўрни; жамиятни, шахсни маънавий камол топтиришда миллий ва диний қадриятларнинг аҳамияти; исломнинг Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон халқдари маданияти ва маънавиятига таъсири каби масалаларни фалсафий тахлил қилиш;

*тўртинчидан*, талабаларга ислом манбалари - Қуръони карим, ҳадис, шариат ҳакида умумий илмий тушунчалар бериш, уни ривожлантиришга улкан ҳисса кўшган ватандош бобокалонларимиз ҳаёти ва ижоди билан таништириш; ҳадисларнинг тарбиявий аҳамиятини кенг ёритиш; тасаввуф таълимотини такомиллаштиришда ҳамюртларимиз ижодини баён этиш;

*бешинчидан*, ҳозирги даврда мустақил мамлакатимизда виждон эркинлиганинг тўлиқ кафолатланганлиги исботлаб бериш, исломдаги реал қадриятларни тиклаш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатларни тавсифлаш, ниҳоят, миллий ва диний қадриятларнинг соғлом авлодни, жумладан талабаларни камол топтиришга бағишлиш, уларда илмий дунёқарашни шакллантиришдан иборат.

**Диннинг функциялари.** Умуман дин, хусусан ислом дини 5 асосий функцияни бошқаради. Булар қаторига компенсаторлик, тўлдирувчилик, интегратив (бираштирувчилик), регулятив (назрат қилувчилик), коммуникатив (алоқа боғловчилик), легитимевчилик (қонунлаштирувчилик) функциялар киради.

Жамият шаклланишининг дастлабки даврларида пайдо бўлган дин халқлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланган, мослашган, секин-аста диний тизимни вужудга келтирган. Натижада муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, тарбиявий вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган. Бундай вазифалар жамият тараққиётининг юқори босқичларида айниқса яққол кўзга ташланиб муайян қолипга тушиб, ҳар бири маҳсус қоида, фоя, мафкура, дастур системасига айланган.

Диннинг юқорида қайд қилинган беш функциясининг қўсқача таърифи ва тавсифлари қўйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, ҳар қандай дин ўз динидагилар учун тўлдирувчи, овутувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради. Масалан, инсонда диний эҳтиёж ҳосил бўлишини олиб қарайлик. У ўз ҳаёти. турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида шахсий ва ижтимоий эҳтиёж, мақсадларга етишиши қийин, иложсиз бўлиб кўринганда бундай маънавий эҳтиёж вужудга келган. Чунки инсон ҳаётида қувончли ёки ташвишли онларда, орзулар рўёбга чиқиши иложсиз бўлган пайтда инсониятнинг динга зҳтиёжи жамият бўлиб яшаш талабларида бошланган; дин бу ўринда маънавий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган.

*Иккинчидан*, динлар ўз таълимот тизимини вужудга келтириб, унга эътиқод қилувчи шахс ва жамоани шу таълимот доирасида сақлашга ҳаракат қиласи. Буни динларнинг бирлаштирувчилик (интегративлик) функцияси дейилади. Бунда дин муайян ижтимоий, этник ва маънавий ҳаётнинг ўз таъсири доирасида бўлишини кўзда тутади. Масалан, ислом ўтмишда Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаёти, ахлоқий муносабатлари, ҳаттоқи адабиёт ва санъатига ўз таъсирини кўрсатган. Булар орқали элат ва халқдарда турли хил бирлаштирувчи муносабатлар қарор топган.

*Учинчидан*, дин диндорлар ҳаётини тартибга солиш, назорат қилиш (регулятивлик) функциясини ҳам бажаради. Ҳар қандай динларнинг муайян урф-одат, маросим ва байрамлари бўлиб, уларни ўз вақтида, диний таълим ва талаб асосида бажарилиши шарт қилиб қўйилади.

*Тўртинчидан*, дин диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқасини таъминловчи хусусият - алоқа боғлашлик вазифасига ҳам эгадир. Бунда конкрет бир динга эътиқод қилувчи киши шу диндаги бошқа кишилар билан боғлиқ бўлиш, урф-одат ва ибодатларни жамоа бўлиб адо этиш кўзда тутилади. Черков, масжид ва диний ташкилотлар диннинг бу функциясини амалга оширишга кўмаклашади, айни пайтда, бу ҳолатни назорат киласи.

Бешинчидан, ҳар қандай дин ижтимоий тизим сифатида муайян чекловларсиз бўла олмайди. Шунинг учун у қонун даражасига кўтарилиган ахлоқ нормаларини ишлаб чиқади. Бу билан у легитюмловчилик-қонунлаштирувчилик функциясини бажаради.

Ҳар қандай диннинг муайян тарихий шароитда бажарадиган функциялари йифиндиси унинг ижтимоий ролини белгилайди. Диннинг ижтимоий ҳаётга таъсири ҳамма вақт ҳам бир хил бўлган эмас. У вақтга, ўринга, шароитга қараб сезиларли даражада ўзгариб боради.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистонда исломнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш учун муайян-тарихий шароит, халқнинг ўтмиши, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш усувлари, этник

хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Ислом ва Қуръоннинг вужудга келиши тарихи билан боғлик бўлган муаммолар ва уларнинг ечимлари XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб аввало, Шарқ сўнгра Европа исломшунослигида ўрганила бошланган. Европа, Америка исломшунослиги ва Қуръоншунослигида олиб борилган тадқиқотларнинг кўпчилиги, аниқ далилларга бойлигидан қатъи назар, уларнинг барчаси услубий жиҳатдан чекланган.

Дин тарихида диншунослар диннинг пайдо бўлишини турлича изохлаб келганлар. Уминг пайдо бўлиш сабаблари қадимги дунё диншуносларини қизиқтирган, бинобарин, унга жавоб топишга ҳаракат қилишган. қадимги Хитой, Ҳиндистон ва хусусан, қадимги грек файласуфлари борлиқ тўғрисида фикр юритганларида дин, унинг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисида ҳам айrim ғояларни олға сурганлар.

Диннинг пайдо бўлиши ва ривожланишини илмий асосларда ўрганиш қуидаги: а) объективлик; б) муайян тарихий шароитни ҳисобга олиш; в) илмийлик; г) қиёсийлик; д) умуминсоний қадриятлар билан боғлиқлик, е) дин мавжудлигини, умуман гносеологик, ижтимоий-иктисодий ва психологияк сабабларни ҳисобга олишни тақозо этади.

Ҳозирги замон воқелигининг характерли хусусияти шундаки, жамиятнинг ҳамма томонларига илмий тафаккурнинг таъсири кескин кучаймоқда; унинг ижтимоий тараққиёт омили сифатидаги роли тобора ортмоқда. Фаннинг XX асрдаги муваффакиятлари чиндан ҳам ғоят буюkdir. Улар бевосита ишлаб чиқарувчи кучларга айланиб, инсонга табиат сирларини тобора чуқур англаш имконини бермоқда. Бу йўналишдаги энг муҳим босқич - инсон омили ва унинг маънавий қадриятларига бўлган ижобий муносабатлардир. Талабалар бу имкониятлардан тўла фойдаланиш учун ҳар хил уйдирмаларга, бузғунчилик ғояларига мутлақо ишонмай, илм-фангагина ишонишлари, уни чуқур эгаллаб, шахсий ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этишлари лозим.

Ҳозирги вазиятда илмий диншуносликнинг назарий ютуқлари ва мамлакатимиздаги диний ташкилотларнинг ғоявий ва амалий иш фаолиятини ҳисобга олганда, дин ва диндорларга Ўзбекистон давлатининг адолатли муносабати ўрнатилди. Бу ҳол диний ташкилотларнинг ҳозирги ижтимоий тузумга бўлган холисона, дўстона муносабатларига объектив баҳо беришни талаб этади.

Буларнинг ҳаммаси давр талабидан ва келажакдаги масъулиятни ҳис этган ҳолда республикамизда аҳоли диндорлиги даражасини аниқлаш, диндорлар ва диний уюшмаларнинг жамиятда тутган ўрнини оширмай-тоширмай тўғри талқин этиш ҳамда дин билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг умуминсонийлик тамойилларини тиклаш

ва ҳоказолар дин ва диний муассасаларга доир муаммоларга бўлган холисона ёндашишdir. Бу ёндашув кўпёклама хусусиятга эга бўлиб, мустақил республиканизнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда. Мамлакатимиз Шарқ ва ғарбдаги барча тинчликсевар давлатлар билан уларнинг ижтимоий тузуми, динга муносабатидан қатти назар, иқтисодий-ижтимоий, маданий алоқаларни кенг йўлга қўймокда. Ижтимоий, сиёсий ҳаётда диний ташкилотлар фаоллиганинг ортиб боришини демократик жараёнда улар ўрнининг мустаҳкамланиши деб қараш мумкин. Аввало диний ташкилотларни давлатдан ажратиш, уларнинг сиёсатдан узоқлашувига олиб келади; аммо бу ташкилотларнинг фаолияти муайян маънода сиёсий характерга эга бўлиб келган. Диний ташкилотларга хос ижтимоий, сиёсий фаолликнинг тобора ортаётганини эътиборга олиб, уни икки йўналишда - ижтимоий ҳаётда ва дунёқарашда шахснинг фаоллигини талабаларнинг ошириш талаб этилади. Диний ташкилотларнинг ижтимоий, сиёсий йўналишларда объектив воқеликка ошкора ва ижобий ёндашишлари кенгайиб бораётганлиги анъана тусига кириб бормоқда. Бунга республикамиз ҳаётига ҳозирги кунда диний ташкилот ва руҳонийларнинг холисона муносабатлари, бераётган ижобий баҳолари жонли шоҳид бўла олади. Бунда айрим диний ташкилотларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари муайян аҳамиятга моликдир. Шунинг учун ҳозирги даврда уларга нисбатан бўлган муносабатларда умуминсонийлик, демократик холислик тамойиллари тикланмоқда. Динга эътиқод қилувчиларга шўролар давридагидек маъмурий-буйруқбозлик тазиики ўтказишдан воз кечилди.

Табиат ва жамиятдаги кузатилаётган ҳодисалар моҳиятига кўра ниҳоятда мураккабdir. Табиий ва ижтимоий-гуманитар фанларда буюк муваффақиятларга эришилган ҳозирги замонда ҳам ҳали билиб етилмаган сирли жараёнлар мавжуд. Табиат ва жамиятда ҳамма нарса ва ҳодисалар доим ўзгариб ва ривожланиб боради.

Фан ҳам доим ўзгариб ва ривожланиб борар экан, унда ҳали ечишмаган янги-янги жумбоқлар, муаммолар юзага келиб туради. Фаннинг ривожланиши йўли ҳам шундан иборатки, табиат ва жамият ҳақидаги билимлар тобора бойиб боради. Кузатилаётган ҳодисаларнинг моҳиятига янада чукур кириб бораверади. Одамзод ақли табиатда кўп ажойиб-гаройиб нарсаларни кашф этган, шу билан табиат сирларини ўрганиб боради. Бу жараён ҳозир интенсив тарзда давом этмоқда.

«Диншунослик» фани диннинг гаосеологик ва ижтимоий илдизларини, унинг моҳиятини, келиб чиқиши ва ривожланиб боришини муфассал тахлил этиб берган. Диннинг психологик илдизи инсон психикасининг хусусиятларига боғлик бўлиб, у оламнинг одам онгига инъикос этиши учун қулай имконият яратади.

Динга ишонувчининг рационал ва ҳиссий элементларини ўз ичига олувчи бу рухий (психик) ҳолатлари диний ўз-ўзини англаш ва ўзини ўзи ҳис этиш вужудга келиши учун шарт-шароит ва имконият яратади. Бунда муайян ижтимоий, аввало салбий субъектив омилларнинг таъсирида рўёбга чиқиши, амалга ошиши мумкин. Бу омиллар турли хил салбий ҳислар пайдо бўлиши учун сабабдир. Диншуносликнинг вазифаси талабаларга ана шу сабабларнинг салбий оқибатлари олдини олиш, уларни бартараф этиш йўлларини ўргатишдан иборат.

Илмий фалсафанинг инсон ижтимоий муносабатлар мажмуидир, деган қоидасига асосланадиган бўлсак, жамиятдаги бирликларни, ҳамкорликларни шакллантиришда ижтимоий омиллар ҳал килувчи рол ўйнаши, шахс бу омилларнинг қонуний маҳсули эканлиги аён бўлади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотчини жамиятга хос бўлган асосий ҳодисалар хусусиятларини, уларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва ривожланишини аниқлашга ундейди ва англашга ёрдам беради. Тарихий, ижтимоий усул деб аталмиш бундай ёндашув тарихий этнографик тадқиқотларни олиб боришда ва уларнинг натижаларидан талабаларни хабардор қилишда айниқса яхши самара беради. У ёш авлодда, жумладан талабаларда диний эътиқод ва анъаналарнинг сақланиши ва такрорланишига сабаб бўладиган ижтимоий-психологик омилларни тадқиқ этишда тўғри йўналишни белгилаб олиш имконини беради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг хусусиятларини ҳисобга олмай туриб динни тушуниш, изоҳдаш, тавсифлаш мумкин эмас. Дин маънавий, аниқроғи, ғоявий-маданий омил бўлибина қолмай, айни вақтда, кўпгина жиҳатлардан ижтимоий-рухий ҳодиса ҳамdir.

Дин ижтимоий бирликлар ва гурухлар мафкураси ва психологиясининг таркибий қисми, байрам, урф-одат ва маросимдарнинг манбаи бўлиб, жамоа ва гурухлар фикрини шакллантиради, шахс ва ижтимоий гурухларнинг дастурларини, қадрият йўналишларини белгилайди. Шу билан бирга, диннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси, муайян жамиятдаги шарт-шароитни ва унинг дастлабки шакллари - тотемизм, фетишизм, анимизм, сехгарлик, зардуштийликларни ўрганиш, турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда диннинг пайдо бўлиш, мавжуд бўлиб туриш сабаблари ва илдизларини ўрганишни ҳам тақозо этади.

**Диншунослик фанининг амалий аҳамияти.** "Диншунослик" курсининг амалий аҳамияти, олий мактаб талабаларининг шу соҳадаги билим доираларини кенгайтириш уларни қизиқтирган масалалар юзасидан эркин фикр юритиш ҳамда илмий ва динии таълимотларни ҳозирги фанлар ва талаблар нуқтаи назаридан туриб ўрганишдан иборат.

Фалсафанинг бошқа таркибий қисмлари каби "Диншунослик" ҳам дунёкараш билан боғлиқ масалаларни ечиб беришга қаратилган. Бунда у фан-техника тараққиётининг улкан ютуқларига, олам ва унинг ривожланиш қонуниятларига сұянади.

«Диншунослик» ўзининг ўрганиш ва илмий текшириш обьектига эга. У диннинг пайдо бўлиши, ижтимоий моҳияти ва жамиятдаги ролини тадқиқ қилиш билан бирга диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва яшаши, уларнинг жамият тараққиётидаги эволюциясини илмий жиҳатдан ўрганади. "Диншунослик" курсининг вазифаси динни фалсафий, табиий-илмий, тарихий ва психологияк нуқтаи назарлардан ҳар томонлама тахлил қилишдан ва бу тахлил берган далилларни умумлаштиришдан иборат. Илмий фалсафа диннинг моҳиятини, унинг ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини очиб беради; диний қарашлар ва тасаввурларни тарихий нуқтаи назардан тавсифлайди, баҳолайди. "Диншунослик"нинг табиий-илмий, инсоншунослик ва ижтимоий-гуманитар фанлар билан ўзаро узвий боғлиқликда ривожланади. Унинг этика, эстетика, тарих, этнография, археология, психология, ҳурфикрлилик ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан мустаҳкам боғлиқлиги диншунослик назариясини бойитади.

«Диншунослик» курсининг Ўзбекистон халқлари тарихи билан узвий боғлиқлигини алохида таъкидлаш зарур. Зеро, Марказий Осиё халқларининг тарихи умуман дин, хусусан ислом тарихи билан узвий боғлиқ бўлиб, фан ва маданият тарихий тараққиётида кейинги минг йилликда ислом таълимотининг таъсири кучли бўлган. Ўзбекистон халқлари тарихи предмети қадимги замонлардан ҳозирги давргача жамият тараққиётидаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиш босқичларини ўрганса, бу жараённинг барча жиҳатларида мавжуд динларнинг аралашуви, ёҳуд кучли таъсири бўлган, хусусан, Марказий Осиё. Халқлари ҳаётида исломнинг кириб келиши ва ҳукмрон мафкурага айланиши бу халқлар тарихида катта из қолдирган.

Олий мактаб талabalари учун янги ўқув предмети сифатида ўқитилаётган Маданиятшунослик, маданият тарихи ва назарияси билан диншунослик асослари курси ўзаро узвий боғлиқдир. Чунки маданият тарихи билан дин тарихи бир-биридан ажралмаган, аксинча ўзаро таъсир ўтказиб келаётган жараёндир. Бу тарихий тараққиёт ҳодисаларнинг обьективлигини, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ҳар иккала ўқув предмети учун ҳам аҳамиятлидир. Бир-бирини тўлдирувчи Ўзбекистон халқлари тарихи билан «Диншунослик» ўқув предметлари ёшларни бу соҳадаги зарур билимлар билан куроллантиради.

«Диншунослик» курси ўқитишнинг яна бир амалий аҳамияти шундаки, мустақиллик туфайли мамлакатимизда бошланган ижобий

ўзгаришлар дин тарихига, у билан боғлиқ бўлган маданий меросга холисона объектив муносабатни ўрнатиш имкониятини яратди. Жумладан, янги таҳрирдаги "Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги шароитда демократик ва инсонпарвар жамият қураётган Ўзбекистон халқлари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, ўз натижасини кўрсатмоқда.

Динга, диний ташкилотларга ва диндорларга нисбатан тўғри муносабатнинг қайта тикланиши ҳақиқий виждан эркинлигини амалга оширишга хизмат қилмоқда. Мустақилликнинг ўтган йилларида урушдан кейинги даврга нисбатан бу соҳада кўп ишлар амалга оширилди. Чунончи, қонун доирасида диний ташкилотлар ва жамоалар учун тўлиқ эркинлик, янги диний жамоаларни, жумладан масжид ва мадрасаларни руйхатдан ўtkазиш, диний ибодатларни bemalol адо этиш, диний адабиётлар нашр этиш, диний арбоблар ва ташкилотлар фаолиятига муносабатда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Диний ташкилотларнинг жамоат ташкилотлари, тинчлик ва хайрия ишларида фаол қатнашишдан иборат хуқуқ кафолатланди ва рўёбга чиқарилди.

Маданий ва маънавий маросимларни, диний қадриятларимизни тиклаш, илм толибларига ўргатишга қаратилган чора-тадбирларни халқимиз кенг қувватлади. Мустақиллигимиз шарофати билан илм-фан, дин соҳасида катта из қолдирган олиму-фозиллар, уломалардан иборат ватандошларимиз Исмоил Бухорий, Аҳмад Яссавий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Фарғоний, Навоий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва бошқаларнинг ўтказилган ва бўлажак юбилейларини тантанали нишонлаш ва меросларини ўрганишга кенг йўл очилди.

«Диншунослик» курсининг фалсафа, тарих, этика, психология фанлари билан боғлиқлигидан ташқари бу курс дин социологияси билан ҳам боғлиқ, бўлиб, унинг натижалари муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дин ва социологияда муайян аҳоли ўртасида динга, унинг кддриятларига ҳамда ижтимоий ролини аниқлаш мақсадида социологик тадқиқотлар ўтказилади. Бу тадбир социологик тадқиқот методикаси, сўров ва рақалари ишлаб чиқилгандан сўнг ишга солинади. Олинган натижалар муайян ҳудудда диний вазиятни, диний онг даражасини, ижтимоий ҳаётдаги ролини аниқлашга ёрдам беради.

Булардан ташқари «Диншунослик» дин антропологияси, дин феноменологияси, дин аксиологияси каби фан тармоқлари ютуқларидан ҳам фойдаланишнинг муайян амалий аҳамияти мавжуддир.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. “Диншунослик” фанининг предмети нимани ўргатади?
2. Курснинг назарий ва амалий аҳамияти нимада?

3. Бу курс билан бошқа ўқув предметлари ўзаро алоқалигининг қандай аҳамияти бор?

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли.-Т.: Ўзбекистон, 1992
3. Жўраев У., Сайджонов И. Дунё динлари тарихи. Ўқув кўлланмаси.-Т.: 1998.
4. А.Мўминов, Ҳ.Йўлдошхўжаев, Б.Раҳимжонов, М.Комилов, А.Абдусатторов, А.Орипов «Диншунослик» (дарслик). - Т.: Mehnat, 2004.
5. Мустақиллик изохли луғати. - Т.: «Фан» 1998 (тегишли мақолалар).

## **2-МАВЗУ: ДИН ИЖТИМОИЙ-ТАРИХИЙ, ЭТНИК ҲОДИСА**

### **Режа:**

1. Диннинг дастлабки кўринишлари.
2. Дин ва этномаданият тарихи.
3. Дунёқарашнинг тарихий шакллари.

**Диннинг дастлабки кўринишлари.** Дин тушунчаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, ишонч, инонмоқ маъносини билдиради. Бизнинг фикримизча, дин реал воқеликдаги, ижтимоий ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни табиатдан, жамиятдан ташқарида мавжуд деб ҳисобладиган, уларни ўзига хос тарзда акс эттирадиган маънавий эътиқод ва амалнинг бир туридир. Эътиқод сўзи ҳам араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур, мустаҳкам ишонч маъносини англатади- Демак, диний эътиқод деганда мустаҳкам, чуқур ишонч, маслак, ишониш тушунилади. Илоҳиёт, яъни диний таълимот нуқтаи назардан "дин", "диний эътиқод" тушунчалари жамият, инсон, унинг онги ҳаётнинг маъноси, мақсади ва тақдиди уни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, уни гўё яратган, айни замонда инсонларга бирдан-бир "тўғри", "ҳақиқий", "одил" ҳаёт йўлларини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар мажмуидан иборатдир.

Араб истилочилари Ўрта Осиёни эгаллаб олгандан сўнг исломни жорий қилиш билан ўз ёзувларини таълим-тарбия, одоб-ахлоқдарини ва шу билан бирга араб маданиятини олиб келдилар. Исломгача бўлган динлар билан боғлиқ ёзувларни, тоат-ибодат буюмларини йўқ

клишган. Ибодатхоналар ўрнига масжидлар қурилган, араб алифбосига асосланган ёзув киритилган. Давлат тили, илмий тил асосан араб тили ҳисобланган. Бу ҳақда Беруний ўзининг "Кадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида ёзишига кўра, Хоразмда араб лашкарбошиси қутайба исломгача бўлган дин билан боғлиқ ёзувларни яхши биладиган ва ўз билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, бу ёзувларни бутунлай йўқ қилиб юборган<sup>1</sup>.

Исломгача "дин" сўзининг ўрнига "тангри йўли", "унга ишонч" иборалари қўлланилган бўлса керак. Туркий элатларнинг исломгача бўлган диний эътиқодларига биноан "тангри" бутун оламни, инсонни яратган, "юксаклик", "энг баланд", "баҳайбат" деган маъноларни ҳам англатган.

Муайян иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ғоявий сабабларга кўра диний дунёқарашлар тўла хукмон бўлган шароитларда қар қандай илғор табиий, илмий, жумладан, фалсафий қарашлар ҳам диний қарашларни, уларнинг мавжудлик сабабларини, моҳияти масалаларини четлаб ўта олмаган; лекин уларнинг дин ҳақидаги қарашлари руҳоний ва уламоларнинг расмий қарашларидан жиддий фарқ қилган. Биз бу вазиятни Форобий ва Берунийнинг динга бўлган муносабатларида кўришимиз мумкин.

Форобийнинг динга муносабати асосан унинг "Фозил шаҳар аҳолиси ҳакида китоб" рисоласида баён қилинган. Унинг фикрича, дин ҳам фалсафа каби воқеликни ўрганишга қаратилган, Бу фалсафа моддий оламни билиш, сабаб, оқибат боғланишларини аниқпаш орқали ўрганади. Дин эса воқеликка бу услуг билин эмас, балки тасвири (образли), рамзий, мажозий, қиёсий тасаввурлардан фойдаланиш орқали эътиқод қилишга чакириш йўли билан ёндашади. Демак, дин воқеликни, сабаб ва оқибат боғланишларининг моддий асосини ўрганмасдан изохлашга киришади. Айни замонда воқеликни фалсафий билиш, ўз моҳиятига кўра, диний билишдан устивордир.

Берунийнинг динга муносабати унинг "қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва "Хиндистон" асарларида баён қилинган. Унинг фикрича, дин ҳам билим бўлиб, бундай билим воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни далиллар орқали исботлаш билан ўрганиш мумкин бўлмаган жойда қўлланилади. Диний билим исботсиз эътиқодга, илмий билим эса далиллашга, исботлашга асосланади. Берунийнинг ўзи эса буткул далилларга асосланган билимлар билан шугулланган. У моддий олам ҳақидаги илмий масалаларни ҳал қилишда диннинг таъсирини чеклашга интилган. Форобий ва Беруний динга бундай ёндашишлар орқали илмий билимни дин таъсиридан халос этишга ғоят ўринли

<sup>1</sup> +аралсин: Беруний. "+адимга Хал=лардан =олган ёдгорликлар". Танланган асарлар, Т. I – Б. 72.

ҳаракат қилғанлар. Улар динга эмас, унга сингиб қолган мутаассибликка қарши чиққанлар.

Илмий билимларга асосланган дунёвий ишончли, ҳақиқий таълимот оламнинг мавжудлик сабаблари масаласида диний қарашлар билан келишмаса-да, аммо инсонни, унинг ижтимоий фаолияти, маънавий ва ахлоқий қадриятларини ўрганишда минглаб йиллар мобайнида унинг бағрида қўлга киритилган билим, тажриба, уларнинг ҳозирги кундаги ижобий аҳамиятини асло рад қилмайди. қолаверса, дин бағрида шаклланган маънавий, жумладан ахлоқий қадриятларнинг вужудга келиш сабаблари, уларнинг кишиларга ижобий таъсирчанлик масалалари илмий жиҳатдан ўрганиш ва бу маънавий-ахлоқий қадриятлардан фойдаланиш кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ибтидоий одамлар ҳозирги даврдаги сингари тўла шаклланган диний системага эга бўлмаган. Уларда бошланғич диний тасаввурларгана бўлган, холос. Диннинг ана шундай ибтидоий шакллари уруғчилик тузуми шаклланаётган даврда пайдо бўлган.

Ибтидоий одамларнинг диний эътиқодлари тотемизм, анимизм, фетишизм, шомонлик, магия (сехргарлик) шаклларида тарқалган; уларнинг элементлари ҳозирги замон динларида ҳам учрайди.

Тотемизм - ҳиндлар тилидаги "О тотем" (унинг уруғи) деган сўздан келиб чиққан. Тотемизм ибтидоий ғоят содда диний эътиқоднинг бир тури бўлиб, қадимги замондаги урут-қабила аъзоларининг муайян бир ҳайвон, ўсимлик билан ғайритабиий алоқаси, якинлиги, қон қариндошлиги бўлган деб, бу ҳайвон ва ўсимликларни муқаддаслаштиришдан иборатdir. Тотемизмнинг муайян кишилар гурухининг табиат, бинобарин, ташқи муҳит билан боғликлигини ифодаловчи дастлабки шаклларидан эди. Ҳар бир кабила ёки уруғ ўз шароитини ҳамда имкониятларини кўзда тутиб, баъзи ҳайвонларни овлар ва улар ҳақида етарли маълумотларга эга эди. Бундай ҳайвонларни яқиндан билиш уларнинг уруғ билан яқинлиги ёки қон-қариндошлиги бўлса керак, деган тасаввурни келтириб чиқарган. Натижада баъзи ҳайвонлар, ксийнчалик эса ўсимликнинг баъзи навлари ҳам муайян уруғ аъзоларининг аждоди -тотемидир, деган тасаввур шаклланишига олиб келган. Шу боисдан кейинчалик уруғ аъзолари тотемнинг "ёрдамига" кўз тикканлар, уни муқаддаслаштириб, ўз ҳомийлари деб ҳисобланганлар, сехр йўли билан унга таъсир қилишга уринганлар. Тотемга сажда килинган, у ҳимоя қилинган, эъзозланган, уни отиб ўлдириш, истеъмол қилиш ман этилган. Фақат айrim ҳолларда, яъни тантанали кунгарда тотем ҳисоблаиган ҳайвон ёки ўсимликни маҳсус расм-русмга риоя қилинган ҳолда истеъмол қилиш мумкин бўлган. Урут аъзоларида шундагина тотемнинг куч-куввати кишиларга ўтади ва у келгусида ҳам уругаинг ҳомийси бўлиб қолади

деган тасаввур бўлган.

Тотемизм эътиқодлари туб австрияликларда кенг сақланганлигини уларнинг уруғлари номларидан пайқаш мумкин. Улар уруғларни конкрет ҳайвоилар (кенгру, оқ ҳўқиз, кора ҳўқиз каби еки айрим ўсимликлар) номи билан атаганлар.

Тотемизмнинг элементларини ҳозирги динларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, хиндуизм динида фил, сигир, маймун, илон кабилар муқаддас ҳайвонлар ҳисобланган. Ўзбекларда қалдирғоч, мусича, лайлақ, кўк қарғани муқаддас қушлар деб эъзозлаш ҳам тотемизмнинг кўринишларидан биридир. Марказий Осиё халкларида, шу жумладан ўзбекларда мучалга қараб вақт ҳисобини чиқариш тотем эътиқоди билан боғлиkdir. Масалан, ота-боболаримизда одамларнинг ёшини яъни туғилган кунидан бошлаб канча яшаганлигани мучал орқали, муайян ҳайвон номлари билан аталган йил ҳисобидан қелтириб чиқариш одати бўлган.

Мучал мўғул, хитой ва бутун туркий халқдарда кенг тарқалган йил ҳисоби бўлиб, унда йил ойлари 12 ҳайвон номи билан аталади: сичқон (муш), мол (гав), йўлбарс (паланг), қуён (харгўшт), балиқ (наҳанг), илон (мор), от (асп) қўй (гўсфанд), маймун (ҳамдуна), товук. (мурғ), ит (сак), тўнгаз (хўк) шулар жумласига киритилган.

Халқимшда, айниқса мусулмонларда тотемнинг элементларидан бўлган мучалга эътиқод қдлиш ҳали ҳам. кисман давом этмоқда.

**Анимизм** - (лотинча - анимус - жон, рух демакдир) қадимги замон динларида бири, киши руҳининг мавжудлигига ишонишдан иборат. Анимизм табиатдаги буюмларни илоҳийлаштиради, ҳар бир жисмда рух бор, танадан ташқарида ҳам жон бор, деб ҳисобланади.

Анимистик тасаввурлар барча халқдар тарихидаги динларда жон ва рух ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишида маълум рол ўйнаб келган. Анимизм ҳар бир кишида унинг ҳаёти ва онгининг манбай бўлган жон бор, деб талқин қилган. Дастрлабки анимистик тасаввур жонни соя ёки нафас билан айнан, деб билар эди. Масалан, Шимолий Америка халкларида соя билан жон, қадимги арабларда жон билан қон, Гренландияда эса нафас олиш билан жон битта ном билан аталади. Анимизм одамда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, предмет ва ҳодисалар хусусиятларини чуқур ўрганиш, жон ва руҳларнинг тирик одамлар сингари қобилиятга эга деган фикрлар пайдо бўлиши муносабати билан таркиб топган. Шу даврда жоннинг ўлмаслиги ҳақидаги тасаввур пайдо бўлган. Чунки қадимги одамлар ўз таналарининг тузилиши тўғрисида тўлиқ бир тушунчага эга бўлмай, ҳатгоқи уйқу ва туш кўришининг сабабларини ҳам изоҳлай олмаганлар. Шундан сўнг ибтидоий одамлар инсон танасини бошқарадиган қандайдир алоҳида бир куч бўлиб, одам ўлгандан сўнг у куч, яъни жон

танадан чиқиб кетади деган тасаввур ҳосил бўлган. Натижада жоннинг танани тарқ этгандан кейинги фаолияти қандай кечиши ҳакида ўйлай бошлаганлар. Ибтидоий одамлар ўзларини табиатдан ажратиб қўймаганлар. Шунинг учун улар ўзлари билан бир қаторда ҳайвон, ўсимлик, ҳатто меҳнат куроллари, кейинчалик, сув, ўрмон, момақалдироқ ва бошқаларда ҳам жон бор, деган тасаввурларни келтириб чиқарганлар. Буни фанда гилозоизм деб атайдилар.

Жон ва руҳдарга ишониш барча динларга хосдир. Диндорларнинг фикрича, жон барча кишиларда бўлиб, худо энг олий руҳ ҳисобланади. Одам ўлгандан сўнг танадан чиқиб кетадиган жон бор, деган тасаввур чукурлаша борган. Демак, одам ўлганда жон чиқиб кетиб, яшай берар экан, унинг ўзи абадий яшайди деган тушунча пайдо бўлган. Абадий руҳ тўгрисидаги . тасаввур ана шу йўсинда шаклланган. Руҳларга ишониш арвоҳларга ишонишни келтириб чиқарган.

Жон ва руҳларнинг ўлмаслиги ҳақидаги қадимиј анимистик тасаввурларнинг элементлари ҳозирги барча динларда сакланиб қолмокда. Масалан, диндорлар тасаввурларида ўлган кишиларнинг арвоҳини йўқлаш, уларни тирик одамлар сингари ҳамма нарсадан хабардор, деб тушуниш мавжуд. Шу туфайли жон ва руҳларга атаб қурбонлик, хайр-худойи қилиш, садақа бериш одатлари ҳамон учраб туради. Баъзан мурдани кийимлари билан дағн этиш, ёнига сув, овқатлар қўйиш одатлари ҳам анимизмнинг кўринишидир. Ўзбекларда арвоҳлар ҳақидаги тасаввурлар, уларни эслаб пайшанба оқшоми арафасида чироқ ёкиш, кабрстонларга бориб қуръон сураларидан ўқиш анимизмга бўлган эътиқоднинг шаклларицир.

**Фетишизм** - (фетиш - француз тилидаги "фетико" - ясалган тумор, бут, санам деган сўзлардан олинган) моддий буюмларда ғайритабиий хусусиятлар борлигига ишониб, жонсиз нарсаларга сифинишидир. Ибтидоий одам онгода ҳар хил моддий буюмлар - тоғ, қоя тош, дарахт, кейинчалик турли ҳайвонларнинг суяги, пати, тумор, санам ва ҳоказоларда ғайритабиий кучлар бор, деган тасаввур пайдо бўлган. Ўзлари вужудга келтирган бундай кучларга ўзлари сифина бошлаганлар. Ибтидоий дин шаклларидан бири бўлган фетишизм барча халкларда диний тасаввурлар шаклланиши билан узвий боғлиқцир.

Фетишизм политеистик (кўп худолик), ҳатто монотеистик (якка худолик) динларида ҳозиргача сакланиб келмоқда. Масалан, христианларда крестга (бутга) сифиниш, исломда эса турли ўсимлик турларини - седана, кўзтикан, қалампирмунчок, аччиқ қалампир, исириқ, чилонжийда, дарахтлардан - ёнғоқ, чинор, арча ва бошқалар муқаддаслаштирилиб, бошқа буюмларга, шу жумладан одамларга таъсири ёки ёрдами бўлиши мумкин деган тасаввур пайдо бўлган. Бундай хусусиятни тоғ-тошларга, турли буюмларга ҳам хос деган

ғайритабиий фикрлар шаклланган.

Фетишизм диний ибодатнинг ажralmas қисмидир. Ҳозирги вактда баъзи соддадил, мутаассибларнинг турли тумор, кўзмунчок, ва ҳоказоларн тақиб юришлари, дараҳтларга латта-путталарни осиши, ис чикириши шундай жисмларни илоҳийлаштириш, уларнинг мўъжизавий кучига ишониш фетишизмнинг диний эътиқоддаги энг характерли кўриниши ва қолдигидир.

**Шомонизм** - ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида пайдо бўлган анимистик эътиқод ва ибодатнинг кенг доирасига кирадиган қадимги диний эътиқодлардан бири. Унинг ўзига хос хусусияти - кишилар орасида турли рухлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар қобилиятига ишонишдир. Шомонларга, шунингдек, келажакни олдин айтиб бериш, касални даволаш, ўлганларни охиратга узатиш, табиатда хоҳлағанча ўзгартишлар килиш каби хусусиятлар ҳам хосдир. Ўтмишда шомонларнинг рух билан алоқаси шомон дўмбираси ёки мўъжизавий мусиқа ижросида турли расм-русумларни бажариш жараёнида жазаваси тутиб, ҳолдан тойганча бажарилган. Шомонизм ўтмиш динлар сарқити сифатида баъзи ҳолларда учраб туради.

**Магия** (сехргарлик) - инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисалариға ғайритабиий йўл билан таъсир кўрсатиш мақсадида бажариладиган хатти-ҳаракатдир.

Сехргарлик ҳаракатининг шакллари турлича бўлиб, улар турмушнинг ҳар хил соҳаларида қўлланилган. Муҳаббат магияси, даволаш магияси, ишлаб чиқариш магияси, душманни енгиш магияси каби сехргарлик ибодат ва ҳаракатлар анча кенг тарқалган. Мехнат билан боғлиқ бўлган магик ҳаракатлар ибтидоий одамлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган, яъни улар тирикчиликка керак бўлган нарсаларни топишдан олдин шу буюм ёки ҳодисага боғлиқ бўлган магик ҳаракатларни бажарганлар.

Ишлаб чиқариш муваффакиятига багашланган сехргарлик ҳаракатлари, ишлаб чиқариш характеристига қараб, турли шаклларда ва ҳар хил мақсадларда ўtkазилар эди. Бундай ҳаракатлар ибтидоий жамоа аъзоларининг умумий манфаати йўлида қилинар эди.

Ибтидоий жамоа ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг даражаси, пастлиги, кишилар ҳаётининг уруғ ва қабила муносабатлари тор доираси билан чекланганлиги, табиат кучлари олдидаги ожизлик диннинг илк шаклларида ўз инъикосини топган. Бу ожизлик ибтидоий одамнинг содда, юзаки тасаввурларига асосланган сохта, сехргарлик усулларни қўлланишга мажбур этган. Ожизлик, қадимги одамларнинг ҳар доим мўъжизага ишониш билан хаёлдагана мақсадга эришишига мадад берган.

Ибтидоий динлардаги ҳаёлий инъикос маҳсули бўлган тоғ, сув,

бўрон қуёш, момақалдириқ худоси каби тасавурлар турли-туман бўлсада, улар олий ва паст табақаларга ажратилган эмас. Бундай ажратиш жамият тарақкиётининг кейинги босқичларига ўтилгандан сўнг юз бера бошлади.

Жамият тарақкиётига мос равища ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ўзгариб, ривожланиб борган. Ишлаб чиқаришни ташкил этувчи ва бошқарувчи кучлар - кишилар ҳам табақаланишда давом этган, дунёқарашлари кенгая борган.

### **Дин ва этномаданият тарихи.**

Маълумки, диний онг ижтимоий онг шаклларидан бири бўлиб, унинг мавжудлиги ҳам ижтимоий борлик билан белгиланади. Кишиларнинг ижтимоий, маънавий ҳаёти моддий асосга (базисга) боғлиқ. Ижтимоий ҳаёт жамият билан табиат орасидаги бирликнинг муайян қўриниши бўлган ҳукмрон ишлаб чиқариш усулининг тараққист даражасига асосланади. Демак, ижтимоий борлик, бир томондан, жамият билан табиат орасидаги бирликни, иккинчи жиҳатдан, жамият аъзолари орасидаги ўзаро муносабатни қамраб олади. Диний онг ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида ана шу муносабатнинг муайян шаклларининг инъикосидир.

Ижтимоий борлик кўп шаклларга эга бўлган мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шундай экан, унинг инъикоси ҳисобланган ижтимоий онг ҳам турли шаклларга, жумладан, диний онгга бўлинади. "Дин" атамаси қадимиј сомит ва яхудий тилларидан келиб чиқиб, шу холида араб тилига ўтган. Ҳозирги пайтда "дин" атамаси орқали муайян дунёқараш, ҳис-туй(у, тасаввур ва урф-одатлар асосида одамлар, уларнинг уюшмалари, ва маросимлар, халқлар ва миллатларнинг яқинлашуви, маънавий, жумладан ахлокдӣ карашлардаги ҳамфикрилилк англашилади. Ислом нуқтаи назаридан дин "Аллоҳ йўли" дир. Диний иймон ва эътиқод эса шу йўлнинг тўғрилиги, ҳақлигига ишончдан иборат бўлган руҳий ҳолатdir.

Диндор ўз тасаввuriда ўзининг тоат-ибодатга оид харакатлари орқали илохий куч билан бевосита алоқа боғланиш ўрнатади. Дин муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўлганлиги учун улар диннинг элементлари (қисмлари) деб аталади. Бу таркибий қисмлар бир-бирлари билан узвий боғлиkdir; диннинг мавжудлиги бу таркибий қисмларнинг ҳаммасини тақозо килади. Диннинг таркибий қисмлари орасида диний онг, диний тасаввурлар етакчи ўрин эгаллайди. Бинобарин, диний маросимлар, диний психология, диний бирлашмалар эса диний тасаввурларни мустахкамлайди ва узок даврларда яшashi учун хизмат килади.

Диний онг бир бири билан боғлиқ, ўзаро муайян даражада ижобий

мустақил бўлган диний мафкура ва диний психикадан иборат. Диний мафкуранинг вужудга келиши ва шакланиши синфий жамиятда рўй берган аклий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиши ва бунинг натижасида вужудга келган дастлабки қоҳинлар, кейинчалик руҳонийлар фаолиятлари билан боғлиқ. Улар ўз ғоявий фаолиятларида диний мафкуруни яратадилар ва буни асослаш, тарғиб қилиш билан шугулланадилар.

Диний психология - руҳий ҳолат булиб диний мафкурадан анча олдин вужудга келган. У оддий диндорларнинг ҳис туйғулари бштан боғлиқ одатлари, кайфиятларидан ташкил топади. Диний мафкура диний психик ҳолатни ғоялар билан мустақкамласа, буниси диний мафкуруни ҳис туйғулар, одатлар воситасида чуқурлаштиради. Диний мафкура ҳамма вақт ҳам диний психик ҳолатлар билан тўла мос келавермайди. Ҳозирги даврда оддий диндорларнинг хатти-ҳаракатларидаги исломга хос бўлган ибтидоий динларнинг қолдиклари бунга мисол бўла олади. буларга пол очириш, кинна солдириш, иссиқ-совук қилдириш, ва ҳ. к. лар киради.

Диннинг таърифи, унинг таркибий қисмлари, диний онг даражаларини билишининг илмий, амалий аҳамияти шундаки, у кишилар ҳаётидаги диний ва диний бўлмаган ҳаракатларни бир-биридан фарқдаш, уларга алоҳида-алоҳида ёндашиш имконини беради.

Дин билан идеалистик фалсафа кўп жиҳатдан бир бирига яқин туради. Ҳар иккаласи моддий оламнинг мавжудлигини, унинг пайдо бўлиш сабабларини шу моддий оламдан ташқарида деб билади.

Динда оламни яратувчи худо ёки худолар ҳисобланса, идеализм "мутлақ ғоя", "дунёвий руҳ", "дунёвий акл" ва шу каби маънавий омилларни моддий оламдан устун қўяди. Айни вақтда, булар бир-бирларидан жиддий фаркланадилар. Динда олдин эътиқод, сўнг мантиқ бўлса, фалсафий идеализмда олдин мантиқ, сўнг ишонч илгари сурилади.

Жамият моддий ҳаёт шароитларининг таъсири остида вужудга келган дин тарихий ва ижтимоий ҳодисадир. У ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичида, маълум бир сабабларга биноан вужудга келган.

/айритабии кучларга ишониш шаклидаги дастлабки диний қарашлар уругчилик тузумининг илк давларида, яъни бундан таҳминан 50-70 минг йиллар илгари пайдо бўла бошлаган. Улар қаторига табиатдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунеси, барча нарса ва ҳодисалар қудратли ва сехрли кароматга эга деган тасавурлар билан боғлиқ. бўлган тотемизм, анимизм, фетишизм, магия, яъни сеҳргарлик кабилар кирган. Диннинг мазкур ибтидоий шаклларининг элементлари ҳозирги замон жаҳон динларида ҳам ҳамон сакланиб келмоқда.

Диний онг, диний тасаввурлар жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузумининг характерига мувофиқ равища келиб чиккан ва ривожланган. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиши даврида «политеистик, яъни қўп худоликка асосланган динлар пайдо бўлган. Ишлаб чикариш қуроллари ва воситаларига хусусий мулкчилик келиб чиққач, бир неча уруғ, қабила, элат, халқларни бирлаштирган йирик давлатлар вужудга кепгач, якка худолик тўғрисидаги диний тасаввур ва таълимотлардан иборат бўлган монотеистик динлар вужудга келган. Улар қаторнга милоддан олдинги VI-V асрларда Марказий Осиёда шаклланган зардуштийлик, буддавийлик, яхудийлик, кейинчалик вужудга келган христианлик, ислом киради. Ҳозирги даврда жаҳон халқлари эътиқод қилаётган барча монотеистик динларда политизмнинг тасаввурлари қисман бўлсада сакланиб келмокда.

Барча жаҳон динлари қатори ислом руҳонийлари ҳам жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан поклаш, ўзаро ҳурмат, меҳр -оқибат, муруват сингари умуминсоний қадриятларнин қайтадан тиклашга ёрдам бермокда. Бу ёрдам ўз навбатида ҳозирги даврда диннинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора кучайиб бораётганлигидан, дин ижтимоий тараққиёт билан ҳамоҳанг бўлишга интииаётганлигидан далолат бермокда.

Ислом шариати ва тариқати асосида шаклланган мусулмон ҳукуқида инсон хулк-авторининг барча томонлари қамраб олинган; хусусан унда мусулмонлар бир-бирини кўрганларида самимий саломлашишлари, хар бир ишни яхши ният билан бошлашлари, катталарни ҳурмат қилишлари, кичикларга нисбатан иззатда бўлишлари уқтирилган. Бу этномаданиятни шакланишига олиб келган.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий, жумладан ахлоқий нуқсонлар ҳукм суроётган ҳозирги даврда исломнинг меҳр-шафкат, муруват, саҳоват, одамийлик, ҳалоллик хусусидаги панд насиҳатларидан умуминсоний қадриятлар сифатида фойдаланиш ғоят ўринлидир. Зеро ҳаётимизнинг маънавий жабҳалари қайта қурилаётган ҳозирги даврда исломнинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Хусусан Узбекистон мусулмонлари идораси турли хилдаги хайри эҳсон, саҳоват жамғармаларини ташкил этиб, хожатмандларнинг дардига малҳам бўлмокда. Шўролар даврида вайрони ҳолатига келган маданий ёдгорликларни ва тарихий обидаларимизни давлат маблағлари ва умумхалқ ҳашари йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бормокда.

Ислом, унинг дунёвий вазифаларини ҳам бажарадиган руҳонийлари асрлар мобайнида жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, фан, маданият, маорифини ўз назорати остида ушлаб, тарихий анъаналар, инсонларнинг турмуш тарзига катта таъсир ўтказиб келган. Яна у

исломга эътиқод қилувчи турли миллат ва элатларга хос ижтимоий табақалар вакилларининг Аллоҳ олдидағи тенглигани тан олган ва уларни ягона худонинг бандалари сифатида тенглаштирган. Бу диний таълимотларнинг умумийлигини мустаҳкамлаган ҳолда ижтимоий муносабатларнинг мавжуд системасини сақлаш функциясидир.

Ҳокимиятни бошқаришда диндан восита сифатида фойдаланиш қадимда қам бўлган. Масалан, дастлабки халифаликларда ҳали сиёсий, ҳарбий ва диний ҳокимият халифаларнинг қўлларида бўлган; Бухоро амирлиги, Хива ва қўқон хонликларида ҳам ҳокимият араб халифалиги ёхуд Туркия султонининг гўёки ўринбосарлари бўлган амир ва хонлар қўлида эди. Ўрта Осиёлик амирлар ва хонлар сиёсий, хуқуқий, диний ва иқтисодий ҳаётни ўзларича бошқариб борганлар. Ҳалқ оммасига улар ўзларини худонинг ердаги сояси, деб ташвиқот қилиб, ҳокимиятни муқаддаслаштирганлар. "Амир сояи худо хасб" деган ибора шунда пайдо бўлган.

Исломнинг ҳаётга жорий этилишида унинг ихтиёрида бўлган маориф ва мусулмон хуқуқи шариат катта рол ўйнаган. У ўз ихтиёридаги барча воситалар ёрдамида ҳукмрон тузумни мустаҳдамлашга уринган. Ягона тилда ёзилган муқаддас ёзувларда айтилган фикрлар асосида, ягона тилда тоат-ибодат ишларини олиб бориши барча мусулмонларни бирлаштирган. Барча динларнинг арбоблари ўз динларини бирдан-бир тўғри дин деб тарғиб этганлар.

Марказий Осиё ҳалқлари тарихий тараққиётида турли диний головурлар, диний тизимлар бўлиши билан бирга, уларнинг ўзига хос миллий қадриятлари ҳам ривожланиб, диний қадриятлар билан ўйғунлаша бориши ҳалқларнинг этномаданиятини шаклланишига ҳам олиб келган.

Динларнинг пайдо бўлиши, қарор топиши ва кайта тикланишининг гносеологик, ижтимоий ва психологик илдизлари мавжуддир. Унинг илдизлари ўзаро алоқадорликда бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида уларнинг эгаллаган ўрни ҳам, одамларга таъсир даражаси ҳам гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб турди; бу илдизлар туфайли дин тарқалиб, қарор топиб, амал қилиб, гоҳ авж олиб, гоҳ заифлашиб турди. Масалан, ҳозирги даврда умумбашарий (глобал) муаммолар, чунончи озиқ-овқат етишмаслиги, хом ашё камайиб бораётганлиги, энергия танқислиги, аҳолининг тез кўпайиб бораётганлиги, термо-ядро уруши хавфи кучаяётганлиги, атроф-муҳитнинг тобора ифлосланаётганлиги, экологик вазият, яъни ахлоқий бузилиш (сиёсий, диний экстремизм, террорчилик, корупция, ўгарлик, талончилик, бузғунчилик ва ҳ. к., тобора кўпроқ таҳдид, хавф-хатар туғдирмокда.

Дин кишилар ўртасидаги муайян муносабатлар ва бу борада диний

ташкilotларнинг фаолиятидан ҳам иборатдир. Диннинг ҳамма таркибий қисмлари сингари диний муносабатлар ва диний ташкilotлар фаолияти ҳам ижтимоий вазиятлар билан белгиланади. Буларнинг фаолияти нисбий мустақилликка эга бўлиб, кишиларнинг воқеликка бўлган муносабатига муайян даражада ижобий ёки салбий таъсир этиб туради.

Диний тушунчалар, тасаввур ва кайфиятларга мослашиб, буларнинг бевосита таъсири натижасида вужудга келадиган диндорлар ўртасидаги алоқадорлик ва диний жамоа, уюшма ва ташкilotларнинг фаолиятлари диний муносабатлар деб аталади. Бундай муносабатлар ижтимоий, гоявий, мафкуравий муносабатларнинг турлари бўлиб, муайян дунёқараашни шаклантиради, пироварди-оқибатда ишлаб чиқариш муносабатларининг маҳсули ҳисобланади.

Жамиятда диний муносабатлар алоҳида мавжуд бўлмайди; ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари, чунончи сиёсий, хуқуқий, ахлоқий, маънавий муносабатлар, меҳнат жараёнлари билан узвий боғлиқцир; бир-бирини озиклантириб туради.

Диний муносабатлар, биринчидан, ҳар бир диний жамоа, уюшма, ташкilotлар орасидаги, иккинчидан, диний ташкilotлар ўртасидага ва учинчидан, ташқи муносабатлар доирасидаги алоқаларга бўлинади. Бу алокаларнинг обьекти ва субъекти диний жамоалардир, улар диний эътиқодга асосланган дунёқараашга эга бўлган кишилар бирлигининг муайян шакли ва диний уюшманинг бошланғич элементидир. Бу бирликнинг асосий белгилари қуйидагича:

1) диний эътиқод, мақсад ва вазифалар бирлиги; 2) диний маросимлар ва ундан ташқаридағи фаолиятларнинг бирлиги; 3) этник бирлик туйғуеи; 4) жамоа аъзолари орасидаги ўзаро тақсимланган мавқе ва вазифаларнинг бирлиги.

Диний жамоаларнинг тузилиши анъаналар ва урф-одатлар, қуқук ёки умумий дастурлар, қоида, фатволар бидан белгиланади. Булар маҳсус мезонлар сосида расмий ва норасмий гурухларга: -"жамоа кенгаши", "руҳонийлар", "қавмлар" ва "ваъзхонлар" га, диний ва хўжалик, молия ишлари билан шуғулланувчи гурухларга бўлинади.

Муайян шароитларда диний жамоа кўшничилик, қишлоқ ва маҳаллачилик жамоасига мос келган. Бунда диндорлик даражаси юқори ва чукур бўлади. Жамиятнинг тараққий этиши жараёнида ижтимоий муносабатлар тармокданади. Унда шаҳарнинг мавқеи ортиб борган сари турли ахлоқий ва миллий гурухдардан ташкил топган ишлаб чиқариш жамоалари ҳосил бўлган ва кўпайиб борган сари диний жамоалар мустақил тус олган. Ҳозир ҳам шундай. Масалан, исломда дастлабки мусулмон жамоаси 622 йили Мадинада мухожирлар ва ансорлардан иборат ҳолда ташкил топган. Кўп ҳолларда диний бирлик географик

жойлашиш жиҳатидан этник бирликка мос келгани учун дин этник миллий бирлик маъносини ҳам англатган. Исломдаги мавжуд қонунларга биноан 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро диний жамоа аъзоси бўла олади. Бундай жамоа камида 100 мўминдан иборат бўлиши лозим, акс ҳолда диний гурӯҳ деб ҳисобланмайди. Диний уюшмалар фаолияти ўз аъзоларининг яшаётган жойи билан чекланади. У ихтиерий ва мустакил ташкилот бўлиб, моддий жиҳатдан ҳам ўз-ўзини таъминлайди. Диний ишларни бошқариш, диний мол-мулк ва пул маблағлари билан боғлиқ вазифаларни бажариш, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш учун диний уюшма аъзолари ўз орасидан ижроия органини сайлайди. Диний ташкилот бу динга ишонувчиларнинг ва диний жамоаларнинг уюшмасидир.

Ўрта Осиё халқлари исломгача эътиқод килган зардуштийликда диний қараш ва тасаввурлар дунёвий ишларга фаол муносабатда бўлишга чақирилган. Хусусан, бу динда чорва молларини боқиши, дехқончилик билан шуғулланиш диндорликнинг асосий белгиси, вазифаси даражасига кўтарилиган. Тақводорликнинг асосий белгиси чорвага, оиласа эга бўлиш ва дон экишдир. Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади. Бунга ихлос қўйиш 10 минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик килишга teng деб ҳисобланган. Бу зардуштийликнинг ғоят муҳим ижобий томони эди.

Бу даврдаги кишиларнинг дунёқарashi ўзига хослиги билан ажралиб туради. Зеро, улар фақат диний тасаввур ёки кўрсатмалар билан чекланмасдан табиатга, ижтимоий-иктисодий муносабатларга ҳам ўз қарашларини йўналтирганлар.

Марказий Осиё<sup>1</sup> халқлари шаклланиш тарихининг мураккаб ва ўзига хос томонлари мавжуддир. Бу вазият уларнинг диний эътиқодларида ҳам дунёқарашларида ҳам ўз аксини топган. Бу тарихий жараённинг мазмунини диннинг қадимги шакллари ва элементлари, зардуштийлик, монихейлик, буддизм, христианлик, яхудийлик ва исломдан ташкил топган динларнинг тарихи ташкил қиласи. қайд килинган бу динлар Марказий Осиё халклари тарихида олдинма-кетин ўрин олган.

Бу ҳудуд халқдарининг дастлабки манзилгоҳдари Фарғона водийси тош даврида, яъни эрамизгача бўлган 1 млн. - 500 мингинчи йилларда вужудга кела бошлаган. Куйи палеолит давридаёқ (эрамизгача бўлган 10 минг йиллар) бу ерларда Тешиктош, Шеробод ва бошқа маконлар) маънавий маданиятини шаклланганлигини ифода этувчи қояларга ўйиб тасвирланган расмлар, ҳайкалтарошликтининг энг оддий турлари пайдо бўла бошлаганди. Ибтидоий одамлар ўсимлик ва

<sup>1</sup> Марказий Осиё атамаси ор=али ўозирги пайтда 5 жумшурият – Козо\истон, Йизбекистон, Туркманистон, Кир\изистон ва Тожикистон республикалари тушунилмо=да.

ҳайвонларнинг рамзий ифодаларини хаёлий тарзда ўзаро биритирган, уйғунлаштирган; бу илк бадиий асарлар воқеликни инсоннинг реал ва ҳаёлий ўзлаштиришларини ўзида ифода этган; шу билан бирга булар диний қарашларнинг ҳам дастлабки дунёқарашларни ҳам вужудга кела бошлаганлигани билдирган. Кейинчалиқ, неолит даврида "муқаддас" ҳайвонларга, она-худога бағишиланган ҳайкаллар, тоат-ибодатлар, диний урф-одатлар билан боғлиқ буюмлар пайдо бўла бошлаган.

Синкремизм<sup>1</sup> фақатгана инсон томондан воқеликни ҳақиқий ва ҳаёлий тарзда ўзлаштиргашшгининг мураккаб кўринишида ўзаро уйғунлашганлигини, бирикканлигини ифодаламайди. У қадимги одамларнинг тафаккурини ҳам узлуклилик ва узлуксизлик хусусиятини, уни аник буюм ва ҳодисалар орқали ифода этилишини ҳам билдиради. Ушбу нуқтаи назардан ёндоишлганда фетишизм -айрим нарса ва ҳодисаларда ғаиритабиий хислатлар, сифатлар бор деб билиш диний тасаввурларнинг энг қадимга шакли бўлиши мумкин деган фикрга борамиз. Ҳар қандай нарса ва ҳодисалар -тош, ёғоч, ғор, булоқ, дарахт хоҳ табиий бўлсин, хоҳ инсон меҳнати орқали яратилган сунъий бўлсин, барибир, фетиши сифатида кўриниши мумкин. Кўзмунчоқ, тумор ва бошқа шу кабиларнн тақиб юриш одатлари Марказий Осиёнинг деярли ҳамма халқдари орасида хозир ҳам учраб туради. Бирок, шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим ҳолларда тумор, кўзмунчоқ,, муқаддас ёзувлар диний хизматлар билан бир қаторда бадиий жиҳатдан ҳам муайян вазифаларни бажарганлар. Улар маҳаллий халкларнинг айрим гарихий маданий анъаналарини ҳам ифода этган. Ана шулардан бир тури аниматизм диний тасаввурларнинг ўзгариб бориши ва тараққиёти нуқтаи назаридан фетишизмга нисбатан юқорироқ босқичдир. Ҳозирга қадар бизнинг сўз бойликларимизда аниматизмга хос бўлган қарашлар билан боғлиқ бўлган сўз бирикмалари учрайди. Бунга "ёмғир келяпти", "куёш чиқяпти", "тонг отияпти" кабилар мисол бўлади.

Шундан сўнг нарса, ҳодисаларни бутун мавжудотларни "иккилантириш", нъни уларнинг инсон кузига кўринмайдиган "жони", "рух^" мавжудлиги ҳақида дуалистик тасаввур шакллана борган. Бундай тасаввурларни инглиз тарихчиси, элшуноси Э.Тайлор анимизм - табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бошқариб борадиган жон ва рухларнинг гўё мавжудлигига ишонч деб атаган.

Шарқ халқларининг қадимги диний қарашларида самовий жисмларга, ҳодисаларга итоат қилишлар ҳам кенг ўрин олган. Бу борада юлдузлар харакатига кенг ўрин берилган. Марказий Осиё халқларининг «Тангри» га ишониши, самовий жисм ва ҳодисаларни муқаддаслаштиришлар билан боғлиқ қадимги бир қанча диний

<sup>1</sup> Синкремизм - юон тилидая олинган сыз былиб, бирор нарса, щодисанинг дастлабки, бир-биридан ажралмаган, =ориши= щолатини англатади.

тасаввурларнинг ўзаро уйгуалашувининг натижасидир. Кўпгана туркий халқларда Тангри худо сифатида осмонга, ерга, ойга нисбатан ҳам қўлланилган. Бу вазият осмон, ер, сув, тоғ худоларини у даврларда бирбиридан ажратилмаганлигидан далолат беради. Шарқ халқдари орасида аждодлар, рухларига сиганишлар, улардан мададлар кутишлар, ер, инсон саломатлига учун фойдали бўлган чашма ва булокдарни муқаддаслаштиришлар, улар билан боғлик. қурбонликлар қилишлар ҳанузгача учраб туради. Тоғ баландликлари, довонлари, сўқмоклари билан боғлик руҳдар энг кучли ва құдратли руҳдар ҳисобланган. Улар шарафига бағишлиланган тош буюмлари, муқаддас тепаликлар, сунъий тўсиқлар, айрим ҳолларда эса хом ғиштлардан қурилган гумбаз том билан ёпилган маҳсус иншоотлар барпо қилинган. Одатда булар атрофига тоғ эчки ва қўйларининг шохлари териб қўйилган, узун таёқларга бир тутам жун, латта, пахта ва ёввойи қўтосларнинг думлари осиб қўйилган. Ҳозирда ҳам бундай "муқаддас жойлар"да, гарчи ҳеч ким дафн қилинмаган бўлса ҳам, мозорлар деб аталаверади. Булар исломга гарчи зид бўлади, ислом билан боғлик маросимчилик, тоатибодатларнинг таркибий қисмига айланиб қолган. Диннинг қадимиш шаклларига она худо (Онахит) билан боғлик тасаввурлар ҳам киради. Она худо ҳосилдорликнинг, мўл-кўлчиликнинг рамзий ифодаси, оила ўчоини, янги ёш авлоднинг ҳомийси ҳам ҳисобланган. Ўзбеклардаги Анбар она, қирғизлардаги Умой энелар шулар жумласига мансубдир. Дехқонларда "Бобо дехқон" ҳакидаги тасаввур ҳам шулар қаторига киради.

Ўрта Осиё халкларининг илк қарашлари тарихи тотемистикқарашлар билан ҳам боғлиkdir. Бу қарашлар асосан йиртқичларни муқаддаслаштириш орқали намоён бўлган. Муайян инсонлар гурухлари ҳайвон туридан келиб чиққан деб фараз қилиш тотемистик қарашларнинг асосий мазмунидир. Масалан, ит, бўри, кийик ёки бугу, бургутлар туркий халқларнинг бош тотемлари ҳисобланган. Улар муайян уруғларнинг асосчиси ва ҳомийси деб билинган. Энеолит даврига келганда эса (эрамиздан 3-5 минг йилилгари) сопол идишларда ўсимликлар, буюмлар, геометрик шаклларгина эмас, тоғ эчкиси ва кўйлар аждаҳоларнинг тасвирлари ҳам учрайди. Шунга кўра қадимги одамлар ёввойи ҳайвонларни будунёда эмас, балки ўзга дунёда - ғайритабиий мавжудотлар, худолар, руҳдар дунёсида яшайдилар ва одамлар билан худолар орасидаги боғланишларда воситачилик вазифасини бажарадилар, деб тахмин қилганлар. Чунончи, туркман халкларининг афсоналарига кўра бургут одамлар учун эмас, балки эчкилар ва уларнинг болалари учун ёмғирни ёғдиради. Қозоқларда туғиши яқинлашган ва янги түққан аёлни ёвуз руҳ ҳисобланган "алвасти" дан асрasha бургутдан фойдаланиш ҳакидаги тасаввурлар

сақланиб-қолган. Ўзбек ва тожик халқарининг миллий бош кийими - дўппиларда қушларнинг, жумладан, мусичанинг тасвири учрайди, деярли ҳамма ерларда болаларни кўз тегишлардан, бало-қазолардан сақлаш максадида уккининг пати ва панжаларидан, кўзмунчоқлардан фойдаланилган. Бу ҳол чорвадорларда ҳам учрайди. Дунё халқарида кенг тарқалган қушларни, айниқса сувда сузадиганларини эъзозлаш, инсон вафотидан сўнг унинг жони, руҳи қуш шаклида инсон танасини тарқ этади деб ҳисоблаш; хоразмликларда ва тоғли туманларда яшовчи тожикларда ҳам учрайди. Тожикистоннинг узоқ тоғли вилоятларидан бирида яшовчи элатлар кабутарларни ҳанузгача инсон руҳи деб қараб, уларга озор бермайдилар, истеъмол қилмайдилар, эъзозлайдилар. Марказий Осиё халқарининг илк диний қарашларида тужа ва отларни муқаддаслаштириш кенг ўрин олган. Бу жараён эрамиздан олдинги даврларда кўчманчилик турмуш тарзи ва у билан боғлиқ ҳўжалик ишларининг шаклланиши туфайли янада ривожланган. Эрамизнинг III-IV асрларидан бошлаб 300 йилдан кўпроқ давр мобайнida қадимги Бухорда зарб этилган тангалаарда, гарчи турли-туман кўринишларда бўлса ҳам, туюнинг тасвиirlари чоп этилган. Марказий Осиё халқарининг диний қарашларида бундай ҳайвон шаклларидағи муқаддаслаштиришларнинг қолдиқлари узоқ даврлар мобайнida сақланиб қолган. Чунончи, бу вазият Сиёвуш (бу "қора айғир от тойча" маъносини англатади) билан боғлиқ қарашларда ҳам ўз ифодасини топади. Бу ўша давр кишиларида муайян дунёқарашни акс эттирган.

Фетишизм, анимизм ва бошка шу кабилардан иборат бўлган қадимги халқарининг илк диний қарашлари уруғчилик тузумининг емирилиши ва унинг ўрнида синфий табақавий жамият ташкил топиши жараёнида ўзгариб борган. Овчилик билан боғлиқ, сехргарлик, афсунгарлик ва тотемистик хислатларга эга бўлган қараш ва ҳаракатлар, кейинчалик руҳлар ёки шайтонлар ҳақидаги тасаввурларга, ҳамма нарса ва ҳодисаларни, одамларни иккилантиришга, яъни бир-бирига нисбатан мустакил моддий ва руҳий томонлари бор деган қарашларни вужудга келтирган. Шайтонлар ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши, дин тарихидаги муҳим ҳисобланган босқич, кўп худоликнинг (политеизм) мавжудлиги билан ўзаро туташиб кетган. Марказий Осиё халкларининг пари, жин, шайтон, аждаҳо, дев, алвастилар ҳақидаги тасаввурлари озми-кўпми бир-биларига анча ўхшашdir. Бу ғайритабиий кучлар ўзларининг хислатлари, одамларга бўлган муносабатларига кўра, шартли тарзда уч гуруҳга бўлинади: биринчи гуруҳга одамларга ҳомийлик килувчи, айни вақтда уларга зарар ва хасталик ҳам келтирувчи бўлиб, уларни зарар-захматидан қутулиш ва раҳм-шафқатига эга бўлиш учун ис чиқариш, қурбонлик орқали халос бўлиши мумкин деб ҳисобланган руҳлар киради. Буларга мозорларда

яшайдиган арвохлар, рухдар, ўт-ўчоклар билан боғлиқ диний тасаввурлар ва маросимлар мисол бўла олади. Иккинчи гуруҳга, инсонларга зиён келтирувчи ҳисобланмиш алвасти, ажина, дев, аламон, сарқиз, олмоз кабилардан иборат бўлган руҳий, ғайритабиий кучлар киради. Учинчи гуруҳга эса, инсон билан ўзига хос тарзда жинсий муносабатда бўла олади деб тушунилган парилар киради. Ҳозирда ҳам баъзи туманларда буларга бағишлиланган маҳсус маросимлар ўтказилади. Чунончи, жониворлар сўйилади, холвайтар, қатлама ва ҳоказоларга ўхшашиб маросимчилик таомлари тайёрланади.

Юқоридаги тасаввурлар пайдо бўлган даврлардан бошлаб сехргарлик вужудга кела бошланган. Бунинг асосий белгиси айрим одамлар сехргарлар инсонлар билан руҳлар ўртасидаги муносабатларда воситачилик вазифасини бажара оладиган хислатларга эга деб ишонишдир. Маҳсус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва бошқа турли нарсалар таққан сехргарларнинг халқ ўртасида ракс тушиб ва жазавага кириб руҳлар билан "алоқа боғлаши" ва улардан маълум йўл-йўриқ олиши сехргарликнинг асосий маросими ҳисобланган. Сехргарлар асосан руҳий, асаб касалликлари билан оғриган кишиларни "даволашган", каромат кўрсатиш билан шуғулланишган. Каромат мўъжиза кўрсатиши ва сехргарларларнинг айрим вазифаларини яна бир алоҳида тоифадаги кишилар азайимхон, шомон, дуохонлар ҳам бажаришган. Сехргарлик бир қанча диний тартиб ва усулларни ўзига хос равишда "пайвандлаған".

Касалликларни сехргарлик усули билан даволашга уринишлар ҳанузгача Марказий Осиё халқлари орасида учрайдиган ибтидоий турмуш тарзининг энг турғун бўлагидир.

Диний тасаввурларнинг дастлабки шакллари мавжудлик давриданоқ диний ишонч, тоат-ибодат, афсунгарлик, сехргарлик, жодугарлик ўз мақсадларига, йўналишларига кўра яхши ва ёмонларга ажратилган; кишиларни ё овчилик, ё алоҳида малака, билимни талааб қиласиган бошқа ҳунар билан, боғлиқ бўлган турларга бўлинган. Сехргарликнинг асосини хавф-хатардан сақлашга қаратилган маҳсус ҳаракатлар (дуо ўқишлиар, ҳар хил ирим-сирим билан боғияқ ишлар) ташкил қилган.

Кишилик жамиятининг ilk босқичларида; тоат-ибодатлар билан боғлиқ ижтимоий ҳаётда жамоанинг, уруғнинг ҳамма аъзолари бир хил шаклларда қатнашганлар. Чунки бу босқичларда уруғдош ва қабиладошлар орасида ижтимоий тенглик ҳукм сурган. Кейинчалик уруғчилик-қабилачилик тузумининг емирилиш даврида, масъул кишилар учун маҳсус жойлар, руҳонийликни касб-ҳунар килиб олган кишилар тоифаси (коҳинлар, сехргарлар ва бошқалар) вужудга келган.

Диний тасаввурларнинг ilk шакллари Марказий Осиё

халқарининг дунёқарашида ўзига хос даражада шакланиб кейинги диний қарашларининг таркибий қисмларида тарихий шароитлар таъсирида ўзгарган ҳолда сакланган: уларнинг санъати, маданияти ва турмушига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида миллий ва жаҳон динлари вужудга келиши билан диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг дунёқарашида қадимий тасаввурлар ўрнини янги диний таълимотларга асосланган қарашлар секин-аста эгаллай бошлаган.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Дин, унинг элементлари хусусида қандай тушунчаларга эгасиз?
2. Диннинг ибтидоий шакллари ҳақида нима биласиз?
3. Миллий ва диний қадриятларнинг халқлар этномаданият шаклланишига қандай таъсири бўлган?
4. Мустақиллик шароитида диний муносабатларнинг ўзига хос томонлари нимада?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2005, 48 б.
2. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ислом университети, 2004.
3. Токарев С.А. Ранние формў религии. – М.: Политиздат, 1990.

## **3-МАВЗУ: ДИН ТУРЛАРИ, ЗАРДУШТИЙЛИК ВА МИЛЛИЙ ДИНЛАР**

### **Режа:**

1. Қабила ва миллий динлар (Яхудийлик, Хиндуилик, конфуцичиллик, даосизм).
2. Дин ижтимоий онг шаклларидан бири эканлиги
3. Зардештийлик таълимоти ва ахлоқи.

Кишилик жамияти тарихида дин шакллари турли-туман бўлган. Аммо ҳар қандай дин муайян, конкрет тарихий шароит ва нжтимоий муносабатларга мувофиқ ҳолда пайдо бўлган, ўзгарган ҳамда ривожланган. Дин шаклларини шартли равишда учта асосий гурухга бўлиш мумкин: уруғ-қабила динлари, миллий динлар ва жаҳон динлари.

Уруғ-қабила динларида кишиларнинг табиат билан бўлган муносабатлари, ишлаб чиқаришга оид фаолиятлари (овлаш, овқат излаш ва тўплаш) билан бир вактда уларнинг ибтидоий ташкилотчилик хусусиятлари ҳам акс этган. Уруғчиликнинг илк давларида табиат диний эътиқоднинг асосий обьекти ҳисобланган. Ўша давр кишилари

қайси географик минтақада яшаншари ва қандай турдаги меңнат билан шуғулланишларига боғлиқ ҳолда буюм ва ҳодисаларнинг турли жиҳатларини илоҳийлаштирганлар. Масалан, ов билан шуғулланувчи қабилалар учун ҳайвонларнинг турли зотларига сиғиниш, дехқончиликнинг ғоят содда шакллари билан шуғулланувчилар учун эса ўсимліклар ва самовий жисмларга сиғинганлар.

Ишлаб чиқарувчи күчлар тарақкий қилиб, ижтимоий муносабатлар такомиллаша борган сари кишилар онги ҳам ўса борган. Даврлар ўтиши билан кишиларнинг табиат ҳодисаларига муносабатлари ҳам ўзгара борган. Инсоннинг табиатдаги тайёр маҳсулотларни йиғиб-териб ва ов қилиб тирикчилик ўтказишдан дехқончилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланишга ўтиши жамиятда эркаклар роли оша боришига олиб келган.

Матриархат (она уруғи хукмронлиги) дан патриархат (ота уруғи хукмронлиги) га ўтилиши ва бу асосда вужудга келган янги ижтимоий муносабатлар диний тасаввурларда ҳам ўз аксини топган. Натижада эркак худолар ҳақидаги тасаввурлар биринчи ўринга чиқкан. Урф-одат ва маросимларни уюштириш ва бажариш ҳам эркакларнинг иши бўлиб қолган. Шу тариқа аждодларга, уруғ, қабила бошликларига сиғиниш кучая борган. Диний мифологиядаги ота худо қабилга ҳаёти ва фаолиятида энг қудратли ҳомий ҳисобланган.

Ибтидоий жамоа тузумининг емирилган ва синфий табақаланиш бошланган даврда худолар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши улар билан боғлиқ бўлган урф-одат ва маросимларда ҳам муайян ўзгаришлар бўлишига олиб келган. Дехқончилик билан шуғулланадиган қадимий халкларда халок бўлиб, қайта жонланадиган мавжудот худоларига сиғиниш, ер, сув, самовий жисмларни илоҳийлаштириш, шулар билан боғлиқ бўлган қурбонлик килиш маросимлари пайдо бўлган.

Аммо ибтидоий жамоа тузуми даврида дин жиддий ўзгаришларга учраган бўлса ҳам, муайян бир тизимга айлана олмаган. Уруғ-қабила динларига хос диний ибодат-маросимлар Осиё, Африка, Жанубий Америка ва Океанияда яшовчи бир кднча халқларда ҳозиргача мавжудцир. Шунингдек бу дин шаклларининг элементлари ҳозирги замон миллий ва жаҳон динларида ҳам учрайди.

Миллий динлар деб, одатда, бир миллатга мансуб халқдар эътиқод қиласидиган динлар тушунилади. Бундай динлар шаклланишининг дастлабки ва энг сўнгги даврларини бир-биридан фарқлаш лозим. Дастлабки миллий динлар қулдорлик жамиятида вужудга келган бўлиб, одатда, политеистик, яъни кўп худолик динлари бўлган. Масалан, қадимги грек дини кўп худоликнинг ўзгинасидир. Зевс-пантион (қадимги грек тилида - бош худо) ҳисобланиб, бир укаси денгаз худоси, иккинчи укаси- ер ости подшолиганинг худоси ҳисобланар эди.

Шунингдек, муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси, уруш худоси, қуёш худоси ва санъат ҳомийси ва бошқа яна бир қанча худолар бўлган. Худди шунга ўхшаш қадимги яхудийлар диннинг худоси - Яхве ҳам кўп худолиликнинг яққол намунасиdir.

Қулдорлик жамиятидаги дастлабки миллий динларнинг ўзига хос яна бир хусусияти охират тўғрисвдаги тасаввурнинг пайдо бўлиши ва унга ишонишdir. Аммо бу даврда бундай тасаввурлар ҳали тўла шаклланмаган эди. Улар кейинги даврларда ривожланган. Бу даврда қурбонлик килиш кенг расм бўлиб ҳатто мажбурий маросимлардан бири ҳисобланар эди. Худолар йўлида мева-чева, ноз-неъматлардан тортиб, уй ҳайвонларининг барча турларигача, қадим замонларда эса ҳатто одамлар ҳам қурбон қилинар эди. Миллий динлар ривожланишининг сўнгти даврлариغا келиб одамлар ўрнига ҳайвонлар қурбон қилина бошланган. Шу билан бирга охират ҳақидаги тасаввурлар кенг тарғиб килинарди.

Миллий динлар элат-миллат динлари деб ҳам юритилади. Чунки улар уруғ-қабила динларидан фаркли равишда синфий жамият қарор топиши ва шаклланиши даврида вужудга келган ва ривожланган. Бинобарин, улар аввало элатнинг сўнгра, миллатнинг шаклланишини ўзларида акс эттирган.

Миллий динларда тасаввур килинган худолар миллий худолар ҳисобланиб, ибодат-маросимлар асосан муайян элат еки миллатникигагина мос тушар эди. Бинобарин, бу хилдаги қадимга динлар миллий давлат характерида бўлиши бнлан бошқа дин шаклларидан ажralиб тураган.

Энг сўнгги даврнинг миллий динларига қуйидагилар киради: ҳиндуизм, жайнизм, сикхизм, даосизм, конфуцийлик, синтоизм ва иудаизм (яхудийлик).

**Ҳиндуизм** - ҳозирги Ҳиндистонда тарқалган дин шаклиdir. У эрамиздан олдинги динлар - брахманизм ва ведизмнинг эволюцияси натижасида эрамизнинг биринчи минг йиллиги ўрталарнга келиб шаклланган. Шу даврдан бошлаб ҳиндуизм ҳукмрон динга айланган. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон аҳолисининг ўрта ҳисобда 80 дан ортиқрок фоизи ҳиндуизмга эътиқод қилади. Ҳиндуизм синкетик дин бўлиб, турли эътиқодлар, урғ-одат ва маросимлар, маҳаллий диний эътиқод ва қарашларнинг мураккаб комплекси сифатида вое бўлиб, уруғ-қабила динлари элементларини, брахманизм, буддизм ва жайнизмнинг асосий гояларини қамраб алган. Ҳиндуизм ўзининг ягона ташкилотига эга эмас.

Ҳиндуизм инсоннинг туғилганадан то вафот этишигача бўлган ҳукуқ ва вазифаларини белгалаб ва чеклаб қўяди. Шунинг учун унда маросимчиликка кенг ўрин берилган. Ҳиндуизм кишиларнинг ижтимоий тенгсизлигани оклади ва абадийлаштиради, руҳнинг

бўлмаслиги ва кўчиб айланиб юриши (сансара таълимоти), қайта туғилиши (карма таълимоти), гуноҳ ишлар учун жавоб бериши, жаннат ва дўзах каби ақидаларни ўз ичига олади.

Ҳиндуизм политеистик дин бўлиб, унда кўп худолилик элементлари сакданган. Диндорлар тасаввурида бош худо Брахман Коинотнинг ижодкори ва яратувчисидир. Бундан ташкдри ҳиндлар Вишну ва Шива худоларига ҳам эътиқод қиласидар. Ҳиндуизм таълимотида худонинг уч хил кўринишда тасаввур этилиши (тримурти) энг олий, илоҳий, якка худонинг уч хусусияти, деб талқин қилинади. Бу христианликдаги уч юзли худога ўхшайди.

Ҳиндуизм таълимотича, олам пайдо бўлиб, емирилиб, йўқ бўлиб туради, яъни оламнинг яшами прогрессив эмас, аксинча, ретгрессив характерга эга; ҳар бир давр оламнинг юксак ривожланган чўққисидан бошланиб, унинг инқизозга учраши билан тугайди, инсонлар гуноҳга ботиб кетгач, олам йўқолади.

Ҳиндуизм жамиятнинг табақаларга бўлинишини акс эттирувчи савоб ва жазо (карма) ғоясига асосан, инсон ҳаётида 4 та асосий мақсад бор, деб даъво килинади: 1) дхарма - оила ва жамиятда диний талабларни бажариш; 2) артха - фойдали ишлар қилиш, зарур материалларга эга бўлиш; 3) кама - муҳаббат туйғуларига эришиш, ҳистийғуларни қондириш; 4) мокша - ўзгариш занжиридан бутунлай халос бўлиш.

Вишнуизм ва шиваизм оқимларининг вакиллари ўз худоларига бағишлиб минглаб катта-кичик ибодатхоналар курганлар. Бу динга эътиқод қилувчилар "муқаддас жойлар", дарёлар ва бошқа ҳар хил нарсаларга сифинадилар. Ҳинд ҳалқи орасида ёвуз руҳларга эътиқод қилиш кенг тарқалган. Улар турли ҳайвонлар - ҳўқиз, сигар, маймун ва илон кабиларга ҳам сифинадилар, уларни муқаддаслаштирадилар. Масалан, ҳиндуизм тарафдорлари сигирни саҳийлик манбаи ва гўзал аёл тимсоли деб ҳисоблайдилар. Руҳонийлар сигирларни сўймаслик ва гўштини емасликни тарғиб қиласидар. Аммо ҳиндуизм сигар сутини ичишни ва ундан хўжаликда иш ҳайвони сифатида фойдаланишини тақиқламайди.

Ҳинд ҳалқи учун Ганг дарёси муқаддас ҳисобланади. Ҳиндуизм динига эътиқод қилувчилар Банорас шаҳрини ҳам муқаддаслаштиришган. Ривоятларга кўра, гўё Ганг дареси қирғоғида киши ҳаётдан кўз юмса, нариги дунёдаги ҳаёти анча енгиллашар, жаннатга йўл олар деган диний фикр бор.

Ҳиндуизмнинг характерли хусусиятлари, юқорида қайд килингандек, жамиятдаги кишиларни табақаларга - касталарга<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ҳиндистонда кишиларни бир-бирига аралашмайдиган табақаларга ; брахман (кощин)лар, кшатрий (шарбий)лар, вайший (савдогар), щунарманд, ырта табақалар , шудрийларга, яъни бош=а табақаларга

ажратишидир. Ҳозирги пайтда кишиларни табақаларга бўлиш тақиқланган. Аммо табақаларга бўлиниш минглаб йиллар давом этганлиги ва кишиларнинг онгига чуқур сингаб кетгаилиги учун бу масалада муайян кийинчиликлар юз бермоқда. Ҳиндуизмнинг "муқаддас" ёзувлариға Веда<sup>1</sup>, Упанишадлар<sup>2</sup> киради. Кейинчалик "Махабхарата" ва "Рамаяна" достонига ўхшаш, диний маросимлар ва урф-одатлар сингдирилган ҳар хил афсона, ривоят, хикматли сўзлар, эпик достонлар пайдо бўла бошлади.

XIX асрнинг бошларида ҳиндуизм миллий-озодлик ҳаракати ғояларига катта ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан ҳиндуизмда шовинистик диний эътиқодларни тарғиб қилган бир қатор ўнг тескаричи оқимлар ҳам пайдо бўлган.

Ҳозирги вақтда ҳиндуизм Ҳиндистондан ташқари Непал, Шри Ланка, Бангладеш, Гавана ва хиндлар яшайдиган бошка худудларда тарқалган.

**Жайнизм** - диннинг асосчиси сифатида эътиқод қилинадиган яrim афсонавий пайғамбар - Жина номи билан аталган бўлиб, эрамиздан олдинги VI асрда пайдо бўлган. Жайнизм брахманизмдаги кишиларни табақаларга ажратиш системасига қарши пайдо бўлган. Унинг таълимотида 24 пайғамбарга, айниқса охирги пайғамбар - Вардхамана Махавирага сиганиш талаб этилади. Жайнизмда жоннинг ўлмаслигига, унинг бир моддий шаклдан иккинчисига кўчиб юришига ишониш марказий ўринни эгаллайти.

Инсон ер юзида қиладиган ҳар қандай ҳаракат ва иш ана шу жон билан тан бирлигиде содир бўлади деб қараш. Жонни гуноҳдан сақлаш учун ҳаётда тўғри йўлни тутмоқ, яъни дин тарғиб қиладиган барча таълимотларга, талабларга сўзсиз итоат этиш ва эътиқод қилиш зарур. Жайнизмда дигамбарлар ва шветамбарлар номли йўналиши ҳам мавжуд.

**Сикхизм** - (сикх - ўқувчи демакдир) XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Шимолий-/арбий Ҳиндистонда ҳиндуизмга қарши йўналиш сифатида пайдо бўлган. У майда ҳунарманд ва савдогарларнинг феодал зулм ва жамиятнинг табақаланишига қаршилигини ўзида акс эттирган.

XVI асрга келиб сикхлар жамоасига дехқонлар ҳам қўшила

---

хизмат =илувчи энг паст табака щисобланган хизматкорга былишдан иборат =атый диний таълимотга асосланган.

<sup>1</sup> Ведаиар эрамиздан илгариги 11 минг йиллик ырталаридан бошлаб пайдо былган. "Веда" - =адимги щинд тили - санскрите "билим" демакдир. Улар 4 тыпламдан иборат: 1) гимнлар ва дуолар; 2) маросимчиликда ижро этиладиган гимнлар; 3) =урбонликка оид =оидалар ва дуолар; 4) ёвуз кучларга карши дуо ва афсоналар.

<sup>2</sup> Упанишадлар эрамиздан олдинги минг йилликлар бошларида пайдо былган. Упанишадлар - санскрите, "сирли таълимот" деган маънени анлатувчи, ведаларни шархлаш жараёнида юзага келган ахло=ни ва бош=а характердага рисолалар былиб 250 га я=инdir.

бошлаганлар ва бу антифеодал ҳаракатни кувватлаганлар. Сикхизм монотеистик дин ҳисобланиб, жамоа бўлиб биргаликда ибодат қилишни инкор этади, рухонийликни тан олмайди. Моддий оламдаги барча ҳодисалар сикхизм таълимотича, ягона худо - олий кучнинг ижоди, инсонлар эса худо олдида тенг, деб ҳисобланади. Бу дин таълимоти "Грантх Соҳиб" (Жаноб китоб) номли китобда изоҳланган. Сикхизм таълимотига эътиқод қиладиганлар ҳозирги кунда кам учрайди.

**Даосизм** - Эрамиздан олдинги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган ярим фалсафий, ярим диний, синкретик таълимот. Унинг туб гояси моддий оламдаги буюм ва ҳодисалар турли-туманлигининг моҳиятини таъминловчи, уларнинг мавжудлик сабаби ва манбаини ташкил этувчи "дао" тўғрисидаги тасаввурлардан иборат. Эрамизнинг II асрига келиб бу таълимот асосида диний қарашлар ҳам шаклланган ва у даосизм номинн олган. Бу дин қадимги дуне файласуфи Дао Цзи номи билан боғлик, "Дао дэ цзин" китобидаги таълимотга асосланган.

Даосизмда моддий олам ҳақида содда диалектика элементлари ҳам мавжуд. У дунёдаги барча буюм ва ҳодисалар ўзгаришда, ҳаракатда, баъзи нарсалар тикланса, бошкалари сўнади, деб ғоят тўғри таълим беради.

Аммо коҳинлар бу таълимот асосига диний ғояларни қўйиб, ғоят кўп рух ва худоларга нбодат қилишдан иборат диний тизимни яратдилар. Бу дин коҳинлари "даос" номи билан юритилган. Улар учун роҳиблиқ, дарвешлик қилишдан ташқари, оила қуриш ҳам ман этилмаган.

Шу тариқа даосизмда оламни бошқарувчи уч худоликдан иборат худолар пантиони - қароргоҳи (Шан ди, Дао цзи, Пан гу) пайдо бўлган.

Даосизм дастлаб мулкдорлар ҳокимиятига қарши бўлиб, камбағаллар манфаатини ифодалаган. Кейинчалик эса у ҳукмон синфларнинг ғоявий қуролига айланган. Манъчкурлар сулоласи Цин ҳукмонлиги даврида (1644-1911) даосизм диний таълимоти инқирозга учраган. Ҳозирги вақтда даосизм динига эътиқод қилувчилар жуда камчиликни ташкил этади.

**Конфуцийчилик.** Бу оқим қадимга Хитойда эрамиздан аввалга VI-V асрларда пайдо бўлган. Кейинчалик диний мазмун касб этган бу таълимотга маърифатпарвар Конфуций (Кун-Цзи, 551-479 йиллар) асос солган.

Конфуцийчилик таълимотида дунёқараш масалаларига эмас, балки ижтимоий ахлоқ муаммоларига кўпроқ ўрин берилган. Унда "ахлоқли киши" бўлиш, донишмандлардан таълим олиш ҳақидаги гоялар илгари сурлади. Бу таълимотга кўра жамиятда ҳукм сурган "жень" инсонпарварликка риоя қилмоғи лозим. Бу эса камтарлик, онглилиқ, вазминлик, меҳрибонлик, одиллик, саҳийликдан иборат.

Инсон "жень" қонунини ўзлаштириш учун жамиятда тутган ўрнига қараб "ли" меъёрларини бажариши талаб этилади. Аньаналар, урфодатлар шунга мувофиқ белгиланади. Паст табақа халқнинг "ахлоқий улуғ" бошлиқларга итоат қилиши зарурлиги шу билан оқланган.

Конфуцийчиликда кишиларни юқори ва қуи табақаларга ажратишда уларнинг бойлиги ёки ижтимоий келиб чиқиши асосий рол ўйнамаган; бунда юксак ахлоқий фазилатнинг хизмати катта деб ҳисобланган. Бироқ бу ҳукмрон ва қарам табақаларга ажратшп бутунлай инкор этилади, деган гап эмас. Конфуцийнинг фикрича, табақаларга ажратиш тартиби эски анъаналарга асосланиши ва уни давлат бошқариши лозим. Номларнинг тўғриланиши, Чжен-мин сиёсати бу тартибларни амалга ошириш қуроли қилиб белгиланган. Чжен-мин сиёсати бўйича ҳамма нарса ва ҳодисалар ўз исмига мос келиши керак. Ана шунда ҳамма ўз ҳуқуқи ва мажбуриятини билади.

Эрамизнинг бошида конфуцийчиликка диний ғоялар киритилган ва у диний таълимот сифатида талқин қилина бошланган. Конфуцийнинг қабри ёнига кўплаб ибодатхоналар қурилган, унга қурбонликлар қилина бошланган. Шу тарика Конфуций худо даражасига кўтарила бошланган. XX аср бошларига келиб, Конфуций шарафига қурилган ибодатхоналар сони тобора кўпая борди.

Конфуцийчиликда олий илоҳий куч осмон хисобланиб, Хитой ҳукмрони эса худолар билан инсонлар ўртасидаги воситачи, "осмон ўғли", деб талқин қилина бошлаган. Хитой императорларини ҳатто худо даражасига кўтаришгача бориб этилган.

Конфуцийчиликда аждодларга ва руҳдарга сифиниш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан қурбонлик қилиш, туғилиш, оила қуриш, дағн ва бошқа маросимлар тантанали бажарилади. Буларни давлат ҳокимлари, оила ёки уруғ бошлиқлари бошқарадилар.

Конфуцийчиликда кохинлар бўлмаган, дастлабки даврларда ҳеч қандай системали таълимот ҳам бўлмаган. Кейинчалик бу таълимотлар яратилиб, у ҳамма классик қонунлари 13 китобда, шарҳи эса 40 жилдда баён қилинган. Буларнинг энг аҳамиятли қисми 9 та китобдан иборат. Булар: "Синшу" (Тўрт китоб) ва "Уцзин" (Беш китоб)дир. Бу қонунлар ҳам диний "муқаддас", ҳам дунёвий донишмандлик манбай қисобланади.

Конфуцийчилик тарафдорлари диний китоблардаги таълимотга катыйириоя қиласидилар; бу таълимот мавжуд тузумнинг енгилмаслигани тарғиб қилганлиги учун Хитой феодализмининг асосий мафкураси бўлиб қолган.

**Синтоизм** (синто - худолар йўли демакдир). Японияда кенг тарқалган, анъанавий миллий характердаги динлардан бири. Бу дин илк феодализм даврида (VI-VII асрлар) ривожланган ва уруғчилик,

кабилачиликка хос анимистик ва шомонлик маросимлари йифиндисидан иборат ҳолда вужудга келган. Синтоизм таълимотида Японияда жорий этилган ижтимоий-сиёсий тартибнинг мустаҳкамлиги ва ўзгармаслигига, қуёш тангриси - Аматэрасунинг наслидан деб ҳисобланган япон императори - Микадо ҳокимиятининг илохийлигага ишониш, император аждодларини муқаддас деб тан олиш, аждодлар шарафига тайинланган оила-уруг маросимларини бажариш кабилар асосий ўрин эгаллади. Синтоизмнинг пухта ишланган ақидалари йўқ. Диний маросимларни каннушлар деб аталадиган алохида кохинлар ижро этади. Каннушлик вазифаси наслдан наслга ўтади. Ҳозирги вақтда японларнинг ярмидан кўпи синтоизм билан буддизмни тенг кўриб, хар иккаласига эътиқод киладилар; ҳаётий маросимлар - туғилиш, никоҳ кабилар синтоизм ибодатхоналарида бажарилса, дафн этиш ва марҳумни хотирлаш маросимлари буддавийлик ибодатхоналарида ўтказилади.

Синтоизм билан буддавийликнинг бир-бирига таъсири қучли. Синтоистлар буддавийлик дини учун ибодатхоналар қуриш билан чекланмадилар, балки ўрта асрларга келиб синто-будда қўшма ибодатхоналари вужудга кела бошлаган. Синтоизмнинг ўзига хос хусусияти ўзи тарғиб қилган худога сифиниш, бошка миллат кишиларининг бу динга сифинишини ман этишдан иборат. Синтоистларнинг муқаддас китоби бўлмаган, аммо ибодатхоналарда ёзилган диний афсоналар учраб туради. VIII асрга келиб оғзаки диний афсоналар асосида "Кодзики" (қадимги ишлар тўғрисида ёзувлар) номли диний китоб пайдо бўлди. Унда асосан императорлар сулоласининг келиб чиқиши илохийлаштирилган. VIII-X асрларда сифиниш қоидалари ишлаб чиқилган ва худолар номи рўйхатга олинган эди.

1886 йилдан то XX асрнинг 40 йилларигача синтоизм Япониянинг давлат дини ҳисобланар эди. Натижада диннинг структураси ҳам ўзара бошлади, илохий руҳдар ўрнига император шахси улуғланди. Синтоизмда миллий ибодатхоналар кўплаб курилди. XIX асрнинг охирларига келиб моҳиятини йўқота бошлаган синтоизм 1945 йилда давлатдан ажратилди. Ҳозирга пайтда синтоизм тарафдорлари унчалик кўп эмас, аммо уни замонга мослаштиришга уринишлар давом этмоқда.

**Иудаизм** - энг қадимги динлардан бўлиб, эрамиздан олдинги XIII асрда яхудийларнинг миллий дини сифатида вужудга келган. Бу дин ўзининг асосий ақидаларини бевосита ўша даврда мавжуд бўлган политеистик динлардан олган. Унинг пайдо бўлиши ва мустақил монотеистик дин сифатида майдонга чиқиши марказлашган яхудий давлатининг ташкил топиши билан узвий баглийдир.

Ҳозирги Фаластин ҳудудида қадимги замонларда дехқончилик ва

чорвачнлик билан шуғулланган кўчманчи яхудий қабилалари яшаган. Бу қабилаларда дин сифатида аимизм, магия, фетишизм, сексгарлик ва турли ўсимлик ҳамда ҳайвонларга сифиниш хукмронлик қилган. Яхудий қабилалари ўзларини муайян ҳайвонларнинг номлари билан атаганлар. Иудаизмнинг "муқаддас" китоблар тўпламида ҳайвонларни ва ўсимликларни, табиатдаги даҳшатли, стихияли кучларни, арвохларни ва бошқаларни эъзозлаш излари бор.

Рұхонийлар иудаизмнинг обрўсини қўтариш мақсадида яхудийлар "мумтоз ҳалк.", унга динни худонинг ўзи ато этган, деган фикрни илгари сурадилар; ҳозир ҳам қисман шундай. Бунинг исботи сифатида улар асрлар давомида жамиятда содир бўлган улкан ижтимоий ўзгаришлар иудаизм таълимотига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади, у ягоиа миллий динлигача қолди, шунинг учун унинг ижтимоий ва гносеологак илдизлари ҳам йўқ, деб жар солмоқдалар. Аслида эса яхудий ҳалқининг ижтимоий-иктисодий шароитига мувофиқ иудаизм, бошка динлар каби, шакл ва мазмунини бир неча бор ўзgartирган.

Иудаизм политеизмдан монотеизмга ўтгунча бир қанча тарихий жараённи бошдан кечирган. Бу жараён ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик жамиятига ўтгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Мана шу тарихий даврда яхудий қабилаларн кўп худоларга эътиқод қилганлар. Ҳар бир қабиланинг, ҳар бир уруғ, ҳатто шаҳарнинг ўз худоси бўлган; моддий олам ҳодисаларининг ҳар бир гуруҳи алоҳида худонинг номи билан боғланган. "Сенинг шаҳарларинг қанча бўлса, худоларнинг шаҳри ҳам шунчадир", дейилади Таврот ёзувларида. Иудаизмда маҳаллий авлиёлар хисобланмиш Исо (Иисус), Навин, Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак) Ёқуб (Иаков), Юсуф (Иосиф) ва бошқалар. Булар бошка динларда ҳам пайғамбар деб тан олинган.

Эрамиздан аввалги X асрда иудаизм яхудий қабилалари ўртасида синфий табақаланиш рўй бериши ва қулдорлик муносабатларининг вужудга келиши жараёнида мавжуд қабилавий динлар асосида шаклланган.

Аммо тарихий феномен сифатида иудаизмнинг ривожланиши қабилалар ўртасидаги муносабатлар тараққиёти билан бевосита боғлиқ эди. Чунки қабилавий худолар эволюцияси натижасида ягона худо юзага кела бошлаган эди. Бу жараён ўша даврдаги ижтимоий-иктисодий ривожланишга асосланиши муқаррар эди. Ривожланишнинг муайян даврида энг кучли қабилалар худоси бошка кабила худоларидан юкори турувчи бош худо ҳисоблана бошлаганди. Фаластиндаги Рувим, Симон, Левин ва Иуда сингари энг машхур қабилалар обрўси қўтарила бошлаган. Буларнинг орасида Иуда кабиласи кучли ҳисобланиб, обрўси жуда ошиб кетган, унинг худоси Яхве эса барча худолардан юкори турувчи якка хукмрон худо сифатида қабул қилинган. Бунга қадар

политеизмда Яхве тоғ-тош, чақмоқ, момақалдириқ ва сув худоси сифатида тасвирланган. қулдорлик давлатининг барпо этилиши ва ривожланиши яхудий қабилаларини яқинлашиш ва бирлашишга олиб келган. Яхудий давлати вужудга келиши билан яхудий қабилалари ўзларини ерда ҳукмдор дейиш билан чекланмасдан, ягона худони ҳам осмон ҳукмдори сифатида ҳам тасвирлай бошлаганлар.

Шу тариқа Яхведан бошқа худоларга эътиқод қилишга барҳам берилган. Илгариги қабила худоларидан бири бўлган Яхве якка деб эътироф этилган. қуддус (Иерусалим) шаҳрида марказий ибодатхона қурилган ва яхудий миллий-давлат дини вужудга келган. Яхудийлик монотеизм синфи муносабатлар билан бевосита боғлиқ равиша юзага келганлиги учун жамият ҳаётидаги тенгсизликни оқлаган.

Иудаизм миллий-давлат дини сифатида подшо ҳимоясидаги руҳонийлар мавқенини мустақкамлаган; улар эса подшонинг ғоявий ҳимоячисига айланганлар. Яхудий руҳонийлари, коҳинлар политеистик динлардаги ақида, ривоят, мифологик қарашларни ҳамда урф-одат, маросимларни ҳукмрон синф манфаатларини кўзлаб, янги монотеистик дин талабларига мослаб қайта ишлаш орқали иудаизмнинг асосий ақидавий таълимотларини ўзида акс эттирувчи муқаддас китобларни яратдилар.

Шундай қилиб, иудаизмнинг ривожланиши ва бу дин таълимотининг вужудга келиши узоқ даврларни ўз ичига олган. Шулардан дастлабкиси Библия даври, дейилади. Библия текстлари бир неча юз йиллар давомида юзага келган. У икки қисмдан - Қадимий ахднома (Ветхий завет) ва Янги ахднома (Новыши завет) дан иборат. Иудаизм руҳонийлари Янги ахднома таннах деб атайдилар. Иудаизм тарафдорларининг фикрича, таннахни худо - Яхве "муқаддас ёзувлар" сифатида яхудийларга юборган. Аслида эса Янги ахднинг муаллифлари уни ёзишда қадимги Шарқ ҳалқларининг турли диний эътиқод ва тасаввурлари, тарихий ҳикоялар ва афсоналар, миф ва диний-фалсафий қарашлар, муҳаббат киссалари ва бошқа шунга ўхшаш манбалардан фойдаланганлар.

Қулдорлик тузуми даврида иудаистлар давлати Ассирия, Вавилония ва юнонлар томонидан бир неча бор босиб олинишн туфайли яхудийлар Фаластинни ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Эрамизнинг 70-йиларида римликлар яхудийларнинг диний маркази Куддус шариф ибодатхонасини бузиб ташладилар. Ўз ибодатхонасидан маҳрум бўлтан яхудийлар турли жойларда маҳаллий йиғилишлар - синагоглар<sup>1</sup> ташкил этдилар.

Яхудий диний ёзувлари асосан 2 қисмдан: Таврот ва Талмуддан

<sup>1</sup> Кейинчалик синагога (грекча *иисилии*) яхудийлар ибодатхонаси ролини ыйновчи диний ташкилот ва ибодат уйига анлантирилган.

иборат. Яхудий динида муқаддас ҳисобланган Таврот эрамиздан илгариги минг йиллик ичида шаклланган 5 та китобдан иборат. Тавротни шархлаш натижасида аввало Мишна, сўнг Гемара пайдо бўлган. Уларни қўшишдан вужудга келган рисолалар тўплами Талмуд деб аталган. У яхудий жамоаларида диний урф-одат, маросим меъёрлари, ижозатлар, тақиқлар, фукаролик муносабатлари, оиласи ҳаёт ва бошқаларга оид кўрсатмаларни ўз ичига олган.

Яхудий динидага асосий ақида якка худо - Яхвега эътиқод қилишдир. Диний ақидалардан бирида замона охир бўлгач, Яхве ўз элчиси Маҳдий (Мессия) ни юбориб, "мумтоз халқ" ни дунёга ҳукмрон қиласмиш. Иудаизмда маҳдийлик ғояларига кенг ўрин берилган. Мусо худонинг амрини ерга етказиб турувчи пайғамбар тариқасидагина эмас, балки инсонларни ёвузиликдан, гунохдан сақлаш мақсадида худо ерга юборган вакил сифатида ҳам тасвирланган.

Иудаизмда мураккаб урф-одат ва маросимлар бўлиб, уни таълимотининг муҳим ақидаларидан бири кишиларни азобуқубатлардан қутқариш билан юртдаadolat ўрнатиб, оламни янгиловчи Маҳдийнинг келишини кутишдир. Иудаизм таълимоти инсон ҳаётини 600 турдан зиед тоат-ибодат, урф-одат билан боғлайди.

Иудаизм тарихи давомида унинг бир қанча мазҳаб ва йўналишиари пайдо бўлган. Иудаизмда XX асрда вужудга келиб, фаолиятини ҳозиргacha давом эттираётган ислоҳотчилар динни замонавийлаштиришга интилнишари содир бўлмоқда. Турли тангликлар иудаизмни ўз системасига баъзи тузатишлар киритишга мажбур этмоқда.

Иуданизмнинг асосий ақидалари орасидаги энг муҳимлари - монотеизм - ягона худо бўлмиш Яхвега эътиқод; халоскорлик - худо томонидан юбориладиган халоскор Маҳдига ишонч; бу халоскор дунёни қайта қуарар ва бутун яхудийларни фаластинданд Синион (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофига тўплаши ва уларнинг душманларини жазолаши, нариги дунёга ишонч, охиратда ҳар кимнинг ўз қилмишига яраша ажрини топиши, жаннат ва дўзахларнинг мавжудлигига, дунёнинг охири борлигига, муқаддас китобларнинг бенуқсонлиги кабиларга ишонишидир.

Илоҳиётчилар фикрига биноан, Библия<sup>1</sup>нинг биринчи беш китоби бўлмиш Таврот (айнан таржимаси қонун, Мусонинг беш китоби) яхудийларга етказиш учун Мусо пайғамбарга худо Яхвенинг шахсан ўзи Синион тепалигига берган. Библияning бошқа қисмлари эса (Кадимги аҳдга тааллуқлisi) худонинг бевосита панд-иасиҳатлари таъсири натижасида яхудийларнинг бошқа турли пайғамбарларига

<sup>1</sup> Библия (юононча - китоблар демакдир). Иудизм ва христианликлар му=аддас ёзувлар туплами былмиш бу китоб ын беш аср мобайнида (милоддан аввалги XIII аср ва милоднинг II асрлари) вужудга келган.

юборилган деб тушунилади. Шундай қилиб Библнияни шакланиши узқ даврни ўз ичига олади.

Одатда иудаизм шартли равища икки даврга бўлинади. Биринчиси, қадими (кулдорлик даври бўлиб, у милоднинг II асригача бўлган бу даврда Бибиянинг қадими ахд қисми юзага келган. Иккинчиси, XIX асрнинг этган Ўрта аср феодал, раввин, талмуд., анъанавий даврларга бўлинади. Шу даврларда диаспораларда (юн. тарқоқ, фаластиндан ташқаридаги яхудий масканларининг номи) Тавротни талқин этиш натижасида иудаизмнинг янги бир мукаддас китоби Талмуд (қадимги яхудий тилида ўрганиш) шаклланган. Унда иудаизмнинг ақида ва маросимлари батафсил ёритилган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларвда иудаизмда янги босқич- ислоҳ қилинган иудаизм вужудга келган. Бу даврларда янги буржуа шароитига мослашиш мақсадида ақидаларни янгилаш ва Талмудда белгиланган бир қатор йўл-йўрикдардан, ибодатлардан воз кечишлар рўй берган.

Ҳозирги замон иудаизмида ислоҳ қилинган иудаизм билан бир қаторда ортодоксал (соф) фундаментал иудаизм ҳам мавжуддир. Ортодоксал иудаизм Исроилда алоҳида мавқега эга бўлиб, расмий давлат дини ҳисобланади. Бунга XX асрда вужудга келган муҳофазакор йўналишдаги иудаизм, унинг мағкурачилари иудаизм ва сионизм иттифоқининг тарафдорларидир. Утган асрнинг 20-30-Йилларида ғарбда реконструкционизм деб ном олган, гўеки шахсий миллий мансублигани белгилайдиган иудаизм "яхудийлар революциясидир" деб эълон қилган янги йўналишлар ҳам киради.

Марказий Осиёда яшаётган яхудий диндорлари орасида асосан ортодоксал шаклдаги иудаизм мавжуд ва улар шартли равища этник кўринишлар тартибиға мувофиқ тўрт хил; европалик, бухоро, грузин, тоғли ёки тат яхудийларига бўлинади.

Бу жойлардаги яхудийларнинг асосий қисми, кейинчалик улар Бухоро яхудийлари номини олган, чамаси, сосонийлар даврида Мавр ва Эрон орқали кириб келган бўлсалар керак. Бунга уларнинг қадимги Форс лаҳжаларининг тожик шевасидан бири бўлмиш тили, шуниигдек айрим эроний одатлари ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган элатларнинг маданнатининг биргина обидаси - яхудийларнинг лугати 1327 йил Урганчда ёзиб тутатилгани бундан далолат беради. Бухоро яхудийлари ўзларининг этник хислатларини ҳаммадан кўпроқ аник саклаб қолган яхудийлардир. Буларга Библия иудаизмининг асослари оиласи-маиший тартибдаги патриархал одатлар бўлмиш "халицо"- "тўрт тирсак", "кетуба", "кадиш" ўн кишидан кам бўлмаган диндошлар иштирокида вафот этган ота-онага бағишлиланган хотира ибодатлари киради. Эҳтимол, кўп асрлар мобайнида улар йўқотган асосий нарса, фақатгина диний ибодатларда сақланиб қолган ва жуда оз, тор

даражадаги кишилар -раввинларгина биладиган, қадимги яхудий тили бўлса керак. Тат яхудийлари ёки улар, илгари айтилганвдек, Догистон, Шимолий Кавказда яшовчи "тоғлик яхудийлар" Эрон лаҗжалари шевасидан бири бўлган тат тилида сўзлашганликлари учун ҳам эроний тилида сўзлашувчи халқ ҳисобланади. Чамаси, улар У-У1 асрларда Дарбантга Эрондан кўчиб келган бўлиб, аввал зардуштийликни, кейин эса (VIII асрлардан бошлаб) икки асрлик Ҳазар когонларининг хукмронлик даврида иудаизм таъсирига ўтганлар. Иудаизмда марказий диний ташкилот йўқ, Москвадаги хорал синагоги ва шибатда (ўқув юрти) руҳоний ходимлар; раввинлар, канторлар ва бошқалар тайёрланади.

### **Зардуштийлик: таълимоти ва ахлоқи.**

Зардуштийлик энг қадимги динлардан бўлиб, бу дин эрамиздан аввалги VII-VI асрларда даставвал Урта Осиёда-Хоразм воҳасида пайдо бўлган. Унинг пайғамбари Зардушт тарихий шахс эди. У маздаийлик динини ислоҳ қилиб, унинг асосида янги яккахудолик динини ижод этган.

Зардуштийлик - илгариги диний тасавурлар ва кўп худочиликка асосланган диний эътиқодларни такрор Зардушт ислоҳ қдлиши оқибатвда юзага келган диндир. Бу қадими дин ҳақида бир-бирини истисно этувчи фикрлар ҳануз давом этиб келади. Кўп тадқиқотчилар Зардушт тарихий шахс бўлиб, милодгача 589-512 йилларда яшаб ижод этган биринчи илоҳиётчи, файласуф, табиётшунос ва шоир эканини эътироф этадилар. Бу ҳақиқатга яқиндир.

Зардуштийлик пайдо бўлган вақт қулдорлик тузуми эндинга пайдо бўлаётган давр эди. У уруғ-қабилачилик тузуми емирилиб аҳоли қуллар ва кулдорларга бўлинаётган давр бўлган. Бу дин энг аввал Ўрта Осиё, сўнг Эрон, Озорбайжонда қарор топган эди.

И.А.Каримов "Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмокдамиз"<sup>1</sup> деган асарида биз ўзбек халқи мансуб бўлган халқнинг тарихи ғоят узун, бекиёс, бетакрор эканини таъкидлаб, бундай деган эдилар; "Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз халҳдмиз кўхна Хоразм заминида "Авесто" пакдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади".<sup>1</sup>

И.А. Каримов ўзининг 'Тарихий хотирасиз келажак йўқ" деган асарида бу фикрни янада кенгайтирган ва терранлаштириб яна бундай деган эди: "Энг мўътабар, қадимги қўлезмамиз "Авесто" нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралигига, мана шу заминда умргузаронлик килган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз =ылимиз билин курмо=дамиз.-Т.: Ўзбекистон, 1999

аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир"<sup>1</sup>. Бу, таъбир жоиз бўлса шаклан диний, мазмунан бошдан оёқ дунёвий ёзувнинг қадр-қимматини теран англаб, унинг ўзбек ёзма маданиятининг илк сарчашмаларидан бири сифатида Хоразмда яратилган дурдонага юксак баҳо бериб, яна бундай деб езган эди муаллиф: "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувохлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди"<sup>2</sup>.

И.А.Каримов юқорида қайд этилган асарида жуда ўринли қайт қилганидек, Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Бу ўринда биринчи давлат ташқял топгандан кейинги "ёзма тарих" назарда тутилган. Юнон, Хитой тарихчи сайёҳлари ўз хотираларқца ёзиб қолдирган, кейин Зардуштийлик ёзувларида берилган тарихий далиллар гоят ўринли тарзда назарда тутилган.

Хоразмда ўтроқ ҳаёт ундан ҳам бирмунча олдин юзага келган; давлат эса унинг маҳсули тарзида ташкил топган. Бу ҳақда бундан таҳминан 3 минг йил аввал яратилган "Авесто"нинг қўллэзмаси, бинобарин, ёзма тарихнинг илк дебочаси ишончли далолат берган. Юқорида қайд қилганимиздек, юртбошимиз "Авесто" Хоразмдек қадимий ўлкада буюк давлат, бой маънавият, қимматли маданият ёдгорлиги эканлиги ҳеч ким инкор эта олмаслиги ҳам таъкидлаган.

Зардуштнинг диний ислоҳотини тушуниш учун ўша давр Туроннинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва сиёсий вазиятни эътиборга олиш керак. Гап шундаки, Турон иқлимининг континентал, яъни нисбатан мўътадиллиги, географик жиҳатдан икки катта қитъя ўртасида, Аму ва Сир дарёлари оралиғида жойлашгани сабабли савдо-сотиқнинг кучайиши бу минтақада сунъий суғоришга асосланган дехқончилик эртароқ вужудга келишига сабаб бўлган. Худди шу тарихий даврда ҳунармандчилик ва овчилик ҳам анчагаина ривожланган. Бу ҳудудда йилқичиликнинг ривожланиши, айниқса Фарғона водийсида қорабайир зотига ўхшаш отлар боқиши кенг кўлам олгани ҳам ижтимоий ҳаётда катта рол ўйнаган. Бунинг устига мис ва қўрғошин конларига бой бўлган

Олтойнинг яқинлиги бу ерда темирчилик, мисгарлик ривожига асос бўлган.

Зардушт яшаган даврда ўтроқлик ҳаёти афзаллигин яққол намоён бўлган. Аммо унга қабилалар ўртасидага қирганбарот урушлар рахна solaётган эди. Урушлар кўпинча ҳар бир қабила ва элатнинг ўз худоларига кўплаб қурбонликлар қилиш одатлари заминида ҳам юзага келарди. Ўз даврининг коҳинлари, сехргарлари ва мўътабар қариялари

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йы= . Т., "Шар=". нашриёги, Матбаа Концерни, 1998, Б. 10.

<sup>2</sup> Ыша жойда.

билин кенг мунозаралар олиб борган Зардушт юқоридаги одатларни бартараф этиш ва ҳалқдарга тинч меҳнат билан шуғулланиш имконини яратиш учун қўп худолик эътиқодларига ва оташпарастликка барҳам бераб, яккахудоликка сифинишни таргиб этиш деб билган ва шу вазифани бажарган.

Шундай қилиб, Зардуштийлик эрадан аввалги VII-VI асрларга хос бўлган дин сифатида ундан олдинги уруғ-қабилачилик динлари иегизида пайдо бўлган якка худолик дини бўлган. У эрамизнинг то VII-IX асрларгача турли шакдда давом этиб, сўнгра унинг ўрнини ислом эгаллаган. У даставвал Хоразм воҳасида шаклланиб, Яқин ва Ўрта Шарқгача тарқалиб, айрим асоратлари ҳалигача сакданиб келмоқда.

**Авестонинг муқаддас ёзуви.** Авесто фақат диний манбагина эмас, балки дунёвий билимлар, тарихий воқеалар, ўзи тарқалган ўлкалар, элатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, маданий ва маънавий қарашлари, диний эътиқодлари, урғ-одатлари хақилаги манба ҳамдир. Унда баён этилган асосий гоялар диний эътиқоднинг илк содда билимлари Зардушт деган пайғамбар номи билан боғланган. У "Авесто" нинг энг қадимий қисми "Гат" (хат номи) ни ижод этган. "Авесто" таркибиға кирган билим, маълумотлар қарийб миллоддан аввал 3000-йиллик охирлари ва 2000-йиллик бошларидан то милоднинг бошларигача ўтган даврда юзага келган; авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб олинган, унинг буқа терисига ёзилган кўп қисми йўқолган, еттидан бир қисми сакланган. У милоддан аввалги 3 асрда Ашракийлар сулоласи даврида тўпланган.

Зардуштийлик дини таълимотини қуйидаги уч тарихий қисмга бўлиш мумкин; 1. Энг қадимий қисми милоддан аввалги 3-минг йилликда вужудга келган Яштлардир; уларда уруғчилик тузумидаги эътиқодлар, кўп худолик тасаввурлари тасвирланган; 2. Гатлар деб аталган қисмидир. Бунда Ахурамазда номли худо ҳақида фикрлар ёзилган; 3. Қадимий кўп худолилик ва кейинги якка худолик гоялари орасидаги кураш шароитларида эрамиздан аввалги V асрда хар иккисини келиштирган маздакийлик дини шаклланган. "Авесто" бу диннинг охирги ва асосий қисмини баён этган.

Шоҳ Виштаса фармонига биноан "Зардушт 1200 бобдан иборат пандномаси "Авесто"ни олтин тахтачаларга ёзиб, шоҳнинг оташкадасига топширган" деб ёзганди Фирдавсий. Кейинчалик бу "Китоб" 12 минг буқа терисига битилган, македониялик Искандар Зулқарнайн Шарқ ўлкаларининг бир қисмини забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага элтиб, керакли жойларини таржима қилдирган, колганини ендириган". "Авесто" юқорида айтилганидек, энг қадимий якка худочиликка асосланган диннинг биринчи муқаддас китобигана бўлиб колмай ҳозиргача, эътиборли тарихий манба ва маданият

ёдгорлиги ҳисобланади. Унда дастлабки оддий ижтимоий-фалсафий қарашлар билан диний-мифологик тасаввурлар уйғунлашиб кетган; шу заминда маънавий, жумладан ахлоқияй баркамол одам эзгуликни барқарор қила оладиган курашчан, адолатпарвар инсонни шакллантириш ғояси марказий ўринни эгаллаган. "Авесто"да табиий билимлар- агрономия, метеорология, зоотехника, медицина, фалакиёт, астрономия, географияга доир билимлар ҳам мавжуд.

Зардуштнинг диний ислоҳоти бўш жойда юзага келган эмас. ғарбий Европа ва рус тадқиқотчиларнинг фикрича, милодгача бўлган 3-2 минг йилларда Марказий Осиёда орий деб аталган қабила яшаган. А.П.Примакнинг айтишича, орийлар кўчманчи чорвадорлар бўлишган. Уларда ёзув бўлмаган, аммо ҳайратомуз оғзаки ижод истеъдодига эга бўлиб, улар яратган ўзига хос ашула, гимн, панд-насиҳат шаклидаги қўшиқлар авлоддан авлодга ўтиб борган. Умуман Шарқда қадимдан инсон ички оламини мунаvvар этиш, ният билан амал муштараклигига жиддий аҳамият бериш диний ва фалсафий фикрларнинг марказида турган. Англиядаги Оксфорд университетининг профессори Макс Мюллер Помир атрофида яшаган Орий қабилаларининг бир қисми бундан 3,5 минг йил муқаддам Хиндистонга, бир қисми Европа ва Эронга кўчиб кетганини таъкидлаган. Улар албатта ўзлари билан бирга шу ердаги осориатиқаларни (мифология) ни ҳам олиб кетишган, деб ҳисоблаган. Демак, Европа ва Хиндистонга ҳамда Якин ва Ўрта Шарқка тарқалган кўп худолик асослари аввало Марказий Осиёда вужудга келган Шу билан бирга Зардушт асос солган якка худолик дини ҳам бошқа жойда яшаётган халқлар эътиборини ўзига жалб этган. Зардустийликнинг муқаддас ёзувлар тўплами "Авесто" минтақада Искакдар асос солган ҳокимият тугагач, эрамизгача бўлган 250-йилларда аршохийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида яна тиклана бошлаган; у янги матнлар билан тўлдирилган. Сосонийлар сулоласи ҳокимияти даврида (милоднинг III-VII асрлари) зардустийлик давлат динн мақомини олгач, бу иш ниҳоясига етказилган. Яъни «Кичик Авесто» ҳам ёзам тус олган. "Авесто"нинг учта китоби (боби) қадимги турон тилида ва биттаси пахлавий тилида тиклаиган. Хозирги маълумотларга кўра «Авесто» Ясна, Яшт, Виспарад, Кичик Аеесто қисмлариан иборатdir.<sup>1</sup> Унинг биринчи китоби "Вадавдот", яъни девларга карши қонун, деб аталған. "Ёсин" ва "Виспарад"ни қўшган ҳолда "Вадавдот-Садэ" номи билан юритилган. "Вадавдот"ни покланиш қонун-қоидалари мажмуаси дейиш ҳам мумкин. "Авесто"нинг иккинчи "Ёсин" китоби бўлиб, Зардушт Хат (нома)лари унинг асосий мазмунини ташкил этган. У 72 "ха"- башоратдан иборат бўлиб, биринчи башоратда

<sup>1</sup> Каралсин: Авесто». Тарихий адабий ёдгорлик. Ас=ар Махкам таржимаси-Шар=, 2001. -Т.: 369 б.

табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага кодир Охурамаздинг ваҳийлари ҳақлигига имон келтиришга доир дуолар бор. 19- башоратда олам юзага келмасдан илгари мавжуд бўлган худолар шаънига шукроналар баён этилган.

Иймон қалимаси, покланиш (ювениш гагаенаси), ёвузыкни лаънатлаётган пайтда танани қандай маромда тутишлик, дев, иблисларни ҳайдашга қаратилган ҳаракатлар, гуноҳдан фориғ бўлиш, кечирим сўрашга доир дуолар мавжуд. гуноҳдан фориғ бўлиш, иймонни сақлаб қолиш учун масалан, мана бундай дуолар ўкиш тавсия этилган; "Эй оламнинг ҳукмдори Охурамазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик. учун сенга сўз бераман; мен ҳар қандай ёмон ният (фикр)лардан, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечаман; сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман; гуноҳларимни кенг қараминг или кечирган, у дунёю бу дунёйимни мунаvvар эттил, эй парвардигорим"!

Ёсинларнинг 7-бобида Зардушт орқали хабар берилган башоратлар ўз ифодасини топган. Зардушт Охурамаздан ўз аҳлоқий қонун-қоидаларини маълум этишни сўраган. У бунга жавобан бутун мавжудликийнг икки олий ибтидоси- эзгулик ва ёвузык ҳақида ваҳий қилган. Бир-бирига қарама-қарши бўлган бу бошланғич кучлар ҳар доим биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англацган. Жаҳаннам Охурамазда ваҳийсида "ҳаётнинг энг ёмон онлари", осмон эса рух энг нжсак ҳолати сифатида гавдалантирилган. Оламдаги ёвузык ва нотакомиллик нарса, ҳодисалар ва уларнинг моҳиятидан келтириб чиқарилган. Уларнн бартараф этиш эса истиқболдаги иш бўлиб, иймонли кишилар бу жараёнда энг катта фаоллик кўрсатишга даъват этилганлар. Улар Охурамазда юборган қонунлар, ўгит-насиҳатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузык устидан тантана қилиб бораверади деб қисоблаганлар.

Оlam қарама-каршиликлар кураши асосига қурилган; тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёзувилик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда у ўз ифодасини топган. Диний соҳа эса эзгуликни қарор топтириш руҳи билан ёвузык руҳига, эзгулик руҳи ўртасидаги курашга асосланган. Охурамазда эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузык руҳи бўлган Ахриман унга қарши тарзда одамларни ёмон ишларга бошлайверади деб ҳисобланган. 30-башоратда эзгулик ва ёвузык ўртасидаги абадий курашда оралиқ йўл йўқ, бинобарин, ҳар бир одам бу жараённинг ёки бу томонида иштирок этишга мажбур, дейилган. Шунинг учун диндорликда иймон-эътиқод баркамоллик нишонаси сифатида муҳим бўлиб, у одамларга эзгуликни ёвузыкдан фарқлаш имконини берган деб фараз қилганлар. Иймон-эътиқодли одам албатта

эзгулик тарафида туради деб таъкидланган, ёвуз рухлар - дев, пари, иблис ва бошқалар эса гунохлар, адашишлар, ёлғонлар, касалликлар тимсоли сифатида тасвиrlаниб, Охурамаздинг улардан сақланишга қаратилган даъватлари ёзилган. Ёсиннинг биринчи башоратида худо- "Мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаёсин қонунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман, деб ёзган. Демак, зардуштийлик иймони қуйидаги З таянчга асосланган: фикрлар софлиги, сўзнинг событлиги, амалларнинг инсонийлиги Охурамазда одамларни ўз истакларида холис бўлиб, бир- бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, қалондимоғ, димоғдорлик, шухратпастлик, қонунбузарлик каби иллатлардан ўзларини тийиб юришга чақирган.

Охурамазда берган панд-насиҳатга биноан, "Берган сўзининг устидан чиқиш, унга содик қолиш, савдо-сотиқда шартномага қатъий амал қилиш, қарзни вактида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш иймонлилик аломатларидир". Унинг фикрича, иймонли одам ўғрилик ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилишдан, яъни имонига хилоф иш қилишдан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. "Таналарингизга нисбатан, деган у, қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг", яъни аввал маънавий дунёйингиз мусаффо бўлса, моддий гурмушингиз ҳам мукаммал бўлиб бораверади.

Башоратлардаги Одам Ато ҳақидаги ривоятлар ўзига хослиги билан ажralиб туради. Буларда ийим номи билан биринчи одам ва унинг фаолияти ҳақидаги гаплар ёзилган. Масалан у, Охурамазда иродасига мувоғиқ, одамларни, ҳайвонларни ва қушларни парваришилаган. ер юзида қизил шуълали оловни кўпайтиради ва шу тарзда 300 йил яшаган. Охурамазда унга олтин найза билан олтин қамчи ҳадя этган. Ер одамлар яшashi учун торлик қилиб колганда, Ийим найзани ерга суқиб, худодан уни кенгайтиришни илтижо қилган ва бунга эришган. Охурамазда Одам Атога музламачилик офати келаётганидан хабар берган, бу офатнинг олдини олиб қолиш кераклигини айтган. Ийим маҳсус уй куриб, мавжуд хамма ҳдивон ва ўсимликларнинг энғ яхши зоти ва навидан бир жуфтдан сақлаган; натижада дунёда тирик табиатни офатлардан сақлаб қолинган. Бироқ Ийим ўз ишига ортиқча баҳо бериб, мағрурланиб кетган ва худо тақиқлаган неъмат- йирик шоҳди ҳайвон гўштидан тановул қилиб қўйган. Оқибатда у худонинг қаҳрига учраб, абадийлиқдан маҳрум бўлиб қолган. Одамзод ҳаётининг бу биринчи босқичвдан сўнг, иккинчиси бошланар экан. Бу давр Зардушт фаолияти ва унинг диний ислоҳоти билан бөглиқ бўлиб, у дин ва иймон учун беомон курашлардан иборатдир. 3000 йиллик курашлардан сўнг Зардуштнинг

фарзавди бошчилигига дунёда осойишталик ва фаровонлик даври юзага келар экан; евузлик кучлари тимсоли бўлган дев - Ахриман енгилар экан. З-даврда қиёмат-қойим бошланар ва ўликлар тирилиб, худо ҳузурига ўз қилмишлари ҳақида ҳисоб бергани боришар экан. Ҳамма ишлардан воқиф бўлган ва ҳисоб-китоб қилиб борган худони алдаб бўлмас экан. Зардустийлик эътиқодича, одам ўлгандан сўнг унинг жони уч кун давомида танада тураг экан; тўртинчи кунда ўз маҳрами - фариштаси йўлбошчилигига нариги дунёдаги "Чинвот" деган кўприкдан ўтиши керак. Эзгу ишлар қилган одамлар учун бу кўприк кенгайган ҳолда туради. Улар ундан бемалол ўтиб, умрлари абадий роҳат-фароғатда ўтади; охиратда ўликлар тириладиган кунда ўз таналарига кириб ётади. Ёвуз ишлар билан шуғулланганлар учун "Чинвот" қилдай тораяр ва улар жаҳаннам азобларига маҳкум бўлар эканлар.

Ёштлар ва ёсинлар З қатламдан иборат: Биринчиси халқ достонларининг Зардуштгача бўлган қўшиклари (шеърлари); иккничиси Зардушт Хат (нома) лари ва учинчиси Зардушт ҳалок бўлгандан кейин китоб ҳолига келтирилган ва Кичик Авесто номи билан юритиладиган кисмидир. Демак, "Авесто" нинг илк ва кичик (кейинги) кисмларидан унинг асосий қисми Зардушт Номаларини фарқлаш лозим. Бу Номалар кўп худоликни, ўтга ва табиатнинг стихияли кучларига сигинишни қоралаб, якка худоликка эътиқод қилишни талаб этган. Ҳозиргacha бўлган илмий адабиётлардаги фарқлар кўпроқ "Кичик Авесто" га асосланиб билдирилган. Бунда якка худолик ғоялари кўп худолилик эътиқодлари билан қоришиб кетгани учун тадқиқотчилар зардустийлик кўп худолик ёки икки худо дини сифатида талқин этадилар. Бундай қарашлар зардустийликнинг учинчи йўналиши – кўп худолилик билан якка худолилик қоришмасидан иборат маздаизм билан аралаштириш оқибатидир.

Зардуштгача бўлган Охура, Митра, Мазда, Онахит ва бошқа худолар ҳақида ҳар хил фикрлар бўлган. Аммо улар одамлардек ҳаёт кечирган бўлсалар, Зардушт талқинида Охурамазда Олий ибтидо бўлиб, унинг на хотини, на болалари бор. У ҳамма мавжудотларни яратувчи ва бошқарувчи сифатида, эзгуликни барқарор қилувчи, одамлар қалбини мунавар этувчи Олий рух сифатида намоён бўлади.

Эрон шоҳдари ўз империяларини баркарор килишда зардустийликнинг ўрни ва ролига тўғри баҳо берганлар. Бироқ, бу диндаги ўртаҳол дехқончилик, мўътадил, камтарона ҳаётдан иборат турмуш тарзини илохийлаштириб, қулдорлик муносабатларини қоралаш уларга ёқмайди. Шунинг учун Эрон шоҳлари зардустийларни Зардушт пайғамбаргача бўлган ва Якин Шарқда ҳам кенг тарқалган кўп худолилик ғоялари билан аралаштирадилар. Зардушт ўрнига ўзларини

худо ваҳийларини одамларга етказиб турувчи пайғамбар ўрнига кўядилар. "Кичик Авесто"да Охурамазда оламни яратувчи ва тартиб ўрнатувчиликдан кўра кўпроқ қабилавий худоларни бошқарувчи Бош худога айлантириб қўйган. Аҳамонийлар Грекияни босиб олиш учун олиб борган урушлари (бунда Марказий Осиёдаги турк жангчилари катта рал ўинагани учун Искандар Зулқарнайн улардан қасос олади) ҳамда грекларнинг Эрон ва Туронни ишғол этиши окибатида Охурамазда қадимги Грекияда бош худо Зевс, Афлотун (Платон) сифатида талқин этила бошлаганига тадқиқотчилар эътиборни қаратадилар. Аҳамонийлар зардуштийликни ўз эътиқодларига бўйсундирган бўлсалар, Искандар бу динни бутунлай йўқ қилиш учун унга оид ёзувларни ёқтириб юборган.

Зардуштийликнинг асосий ғоялари оламдаги барча тартиблар, эзгулик (яхшилик) ва ёмонлиқдаги, зиё ва зулмат, ҳаёт ва ўлим ўртасидага курашга bogлиқ; дунёдаги барча эзгуликларни Аҳурамазда, ёмонликларни Ахриман ифодалайди; бу курашда одам асосий куч ва ролий ўйнайди, у танлаш эркинлигага эга, у ўз ғайрати билан бу дунеда адолат топишига таъсир эта оладиган кишидир. Демак, ҳозир ҳам кимки, ўзининг иродаси, акл-заковатига ишониб, уни ишга солса, ўзига бирор касбни танлаб олса, ғайратли бўлса, адолатсизликка дуч келса, унга қарши курашса асло кам бўлмайди, адолатнинг тантанасига эришади.

Зардуштийликнинг ҳозирги давр кишилари, жумладан талабалар учун аҳамияти шундаки, унда одамлар доим покиза юришга, баданни тоза тутишга, емон кирдикорлар қиласликка; ҳар қандай ёвуз ният ва ҳақоратли, асаббузар сўзларни айтмасликка, оила тузиш ва уни сақлашга, ота-она ва фарзандларга ғамхўр бўлишга, шахсий ҳаётда мўътадил бўлишга, яъни ҳар бир хатти-ҳаракатларни бузмасликка даъват этувчи қоида, насиҳат, ўғитлар баён этилган.

"Австо" нинг муқаддас китобларида қадимги дунё фалсафасининг 4 асослари (субстанцияси) - тупроқ, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилган. Тупроқ, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳлар қаторига қўшилган. Ҳатто марҳумларнинг мурдалари ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг жасадларини маҳсус сопол идишларда кўмиш расм бўлган. Охурамазда "ерга яхши, мустаҳкам уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ", деган. Худонинг бу айтганига амал қилиш, 10 минг марта ибодат этиш ёки юзлаб жониворни қурбонликка сўйишдан афзал қисобланган. Экин экиш ердаги ёвузликка барҳам бериш, ҳисобланган. "Одам гўзаллиги дехқондан, дехқончиликдан, -дейилган башоратларда, - кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, шу йулгина ягона ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир. Зардуштийликнинг вазмин, мусиқа билан

үйғунлашиб кетган доно ўгитлари она заминга, дәхқончилик, чорвачилик, хунармандчиликка ва Ватанга, халққа улуг мұхаббат рухи билан үйғунлашиб кетган. Бу ҳол унда диний мазмунга қараганда дунёвий элементлар қўп бўлганидан далолат беради.

Зардуштийликнинг барча маросимлари, жумладан, Наврӯз, Мехржон байрамлари тантаналарида бу рух айникса улкан құдрат билан намоён бўлган. Бойчечакнинг чиқиши, лолақизғалдоқнинг очилиши, бодомнинг гуллаши, умуман баҳор билан бирга табиатнинг гўзаллашиб бориши эзгулик руҳининг тантанаси бўлиб, уларнинг ҳар бири катта шодиёналиқка сабаб бўлган. Одамлар табиатнинг бу гўзалликларини муқаддас билиб, уларни халқ байрамлари ва сайилларига айлантириб юборганлар.

"Авесто" нинг Гат клсмида одамлар ҳалол меҳнат қилишга ўз кўли ҳунари билан моддий неъматни яратишга, боқиманда, текинхўр бўлмасликка, буларга йўл қўймай вижданан яшашга даъват этилган. Бу даъватларнинг ҳозир барча кишилар, айникса талабалар учун ҳам фойдаси катта.

Зардуштийликда диний дастурлар ҳақидага ғоялар билан бирга реал, дунёвий, ҳозир ҳам фойдали насиҳат, тавсия, чеклаш, таъкидлаш, рағбатлантиришга доир угит ва даъватлар қўп бўлган. Улардан ҳозирги мустақиллигимиз даврида ҳам фойдаланиш мумкин.

#### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Диннинг келиб чиқии, мавжудлиги сабаблари, функциялари ҳақида қандай қараашлар мавжуд?
2. Қандай миллий динларни биласиз?
3. Зардуштийлик қаерда шаклланган ва унинг асосий ғоялари нима?
4. Зардуштийликнинг маънавий-ахлоқий таълимоти ҳақида нима биласиз?

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагамизда.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Кармов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Мустақиллик изохли луғати.-Т.: «Фан», 1998, 53-54, 74-75, 155-157 бетлар.
4. Токарев С.А. Ранние формы религии.-М.: Политиздат, 1990.
5. Тайлор Э.Б. Первоъгнная культура.-М.: Политиздат, 1989.
6. “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001.
7. Бойс М., Зороастрый: верования и обу чаи. Издание 2-е Санкт-Петербург, 1998.

## **4-МАВЗУ. ЖАҲОН ДИНЛАРИ: БУДДАВИЙЛИК, ХРИСТИАНЛИК**

### **Режа:**

- 1. Буддавийликнинг таълимоти, унинг Марказий Осиёга тарқалиши.*
- 2. Буддавийликнинг Моҳаяна ва Ҳинояна йўналиши.*
- 3. Христианликнинг таълимоти, Ўзбекистонга тарқалиши.*
- 4. Христианлик йўналишилари (католицизм, провославия, протестантизм), ахлоқий ҳаётдаги ўрни.*

**Буддавийликнинг таълимоти, унинг Марказий Осиёга тарқалиши.** Буддавийликнинг асосчиси милоддан аввалги 1-минг йилликда яшаган Будда ҳисобланган. У тарихий шахс бўлиб, 80 йил яшаган. Унинг хусусида турли ривоятлар мавжуд. Унинг номи ҳинд тилида нурланган, олий ҳақиқатга эришган деган маънони англатади. Ривоятларга қараганда, кенг маънода кўп марта илоҳий туғилишлар туфайли мутлоқ баркамолликка эришган; бошкаларга ҳам диний нажот йўлини кўрсата оладиган одам бўлган.

Тарихий манбаларнинг далолат беришича буддавийликнинг асосчиси шахзода Сидхартхадир. У вафот этгандан сўнг Будда - "ҳақиқатга эришган" деб аталган; у ушбу олий мақсадга эришиш учун Гаутама уруғидан бўлган энг обрўли Шакъя қабиласини танлаган; ана шундан бу диний ривоятда Будда-Гаутама номи кенг тарқалган. Диний ривоятларга кўра Гаугама ҳинд қабиласи хукмдорларидан бирининг ўғли бўлиб, у бефарзанд бўлган; аммо унинг хотини ғойибдан ҳомиладор бўлиб, 45 ёшида ўғил тукқан; бола туғилганда мўъжиза юз берган: табиий ҳодисалар - ер кимирлаб, чақмоқ чақиб, момақалдироқ гумбирлаб турган; унинг овозини Коинотдаги илоҳий кучлардан ташқари барча тирик мавжудодлар ҳам эшитиб тургангар; чақалокқа Сидхартха (топшириқни бажарувчи) деб ном қўйганлар; У 7 кундан кейин юриб кетган ва гапира бошлаган.

Сидхартханинг отаси ўғлини дин йўлига бағишлашга рози бўлмай, унга яхши маълумот берган ҳамда яхши шароитларда тарбиялаган ва у ҳеч қандай қийинчилик кўрмай ўсган; ўспиринлигига ёк ўзининг донолиги, кучлилиги ва эпчиллиги билан хаммани ҳайратга солар экан. У бир чолга дуч келган, касал ётган кишини, ўликни кўргандан сўнг ҳаётнинг моҳияти, мақсади, оғирликлари, касаллик ва ўлим ҳакида ўйлай бошлаган. Бинобарин, ҳаётнинг беҳудалигани англаб, тарки дунё қилган, дарвеш йўлига кирган; бу билан у кишилар бошига тушадиган кулфатлар, азоб-уқубатлар сабабларининг моҳиятига тезроқ етиб,

улардан қутулиш йўлини топмоқчи бўлган. Ниҳоят, 36 ёшида "ҳақиқий билим" ни топғанлигани эълон қилган. Шундан сўнг у Будда деб ном олган ("будда" сўзи илоҳий ҳақиқатга эришган, деган маънони англатади). Шу тариқа унда улуғвор ҳакиқат сири очилган, улар буддавийлик таълимотига асос қилиб олинган.

Ҳар қандай динлар каби буддавийликнинг ҳам келиб чиқиши сабабини халқларнинг яшаш шароити ва ҳаётидан, муайян даврдаги ижтимоий муносабатлардан излаш ва топиш лозим.

Қадимги Ҳиндистонда буддавийлик шаклланганга қадар мураккаб синфий муносабатлар мавжуд эди. Кишилар олий, ўрта ва қуий табақаларга ажратилиб, олийга брахманлар, харбийлар, ўрта табақага - деҳқонлар, энг қуий табақага оддий халқ, хизматкор, чўрилар киритилар эди.

Буддавийлик қулдорлик жамиятида брахманлик мазҳабларидан бири сифатида пайдо бўлган. У брахманликни жоннинг кўчиб юриши, жаннат ва дўзах қақидаги ақидаларни сақлаб қолган. Брахманликнинг жамиятнинг табақаларга бўлиниши тўғрисидаги таълимотига қарши чиқиб, барча кишилар эътиқодда тенг ҳуқуқли деб эътироф этилган. Буддавийликнинг диний тенглик ҳақидаги гояси одамларнинг касбларга бўлиниб кетишига қарши курашда ижобий рол ўйнаган. Айни пайтда буддавийлик кишилар "азоб-уқубат" чекишда ва ундан халос бўлишда ҳам тенгдирлар деб ҳисобланган.

Буддавийлик диний таълимотининг асосий манбаи муқаддас китоб - "Трипитака" (Уч сават донолик) деб аталган. Бу тълимотда Будда учта саватда таълимот колдирган дейилади: биринчи сават -Винояпитана (панд - насиҳатлар, ахлоқий меъёрлар); иккинчи сават Сутгапитака (дуолар, достонлар); учинчи сават Абхидҳаммапитака (диний-фалсафий масалалар баёни) лардан иборат.

Марказий Осиё халкларининг қадимги тарихи ва маданиятида буддавийлик муайян ўрин эгаллаган. У зардуштийлик дини таъсирида ва у билан ёнма-ён шаклланган динлардан бири бўлган буддавийлик милоддан аввалги VI-V асрларда Ҳиндистоннинг шимолида вужудга келган; кейинчалик Жануби-Шаркий ва Марказий Осиё хамда Узоқ Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Унинг вужудга келиши ҳинд жамоаларида рўй берган муҳим ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар - уруғ-қабилачилик алоқалари ва тартибларининг емирилиши, синфий жамиятнинг вужудга келиши ва йирик қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. III-асрга келиб дунёвий жамият (император Ашока) нинг фаол кўллаб-куватлаши натижасида мулкчилик даражасида ягона бўлган будда ташкилоти (монахлик жамоаси - сингха) ва диний ақидачилик шаклланган.

Буддавийликнинг Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда

тарқалиши милоддан аввалги II асрларда бу ерлардаги қабилаларнинг авлодлари тугатган ғрек-бактрия подшохлигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келади.

Кушон империяси ўзининг энг гуллаган даврида (милоднинг I-III асрларида) ҳозирги Марказий Осиёning бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шимолий Ҳиндистон, эҳтимол Уйғуристонни ҳам ўз ичига олган. Кушон подшолиги даврида буддавийлик Ҳиндистондан Марказий Осиёга, ундан эса Буюк ипак йўли орқали Хитой ва Узок Шарқقا тарқалган.

Кейинга ўн йилликлар мобайнида олиб борилган археологик изланишларнинг натижалари ва тарихий маълумотларни умумлаштирган ҳолда тахмин кидиш мумкинки, ясломгача бўлган даврда буддавийлик Марказий Осиё гоявий ҳаётининг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Буддавийлик фақат маҳсус ибодатхоналаргагина эмас, балки подшо саройларидан бошлаб, оддий камбағал деққон ва хунармандлариинг кулбасигача кириб борган диндир. Буддавийликни қабул қиласган Марказий Осиё халқпари диний ибодатлар учун ҳар хил маҳсус иншоотлар курганлар.

Буддавийлик билан боғлиқ обидалар, ибодатхоналар, ҳайкаллар, деворларга солинган расмлар Марказий Осиёда топилган қадимги тарихий обидалар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Буддавийлик билан боғлиқ иморатлар, қурилишлар ҳозирда ҳам Шимолий қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг Жанубий туманларида, Тожикистонда ва қозогистон жанубида маълумдир. Булар орасида энг йирик иншоот эскл Термиздаги қоратепа номли ғор ибодатхонасиdir. Бу очиқ сарик рангли катта тепалик бўлиб, унга қумтошли ғор бинолар ўйиб солинган; ер устида бинолар барпо этилган; буларнинг ҳаммаси бир бутун уйғун бўлган будданинг 20-25 ибодатхонасини ташкил килиб, Кушон подшохлигига буддавийликнинг муҳим аҳамиятга эгалигидан далолат беради. Деворларга солинган расмларни, ҳайкалларни, тоат-ибодат буюмларини, тангаларга, совға қилинган сопол идишларга битилган ҳар хил ёзувларни ўрганишлар қоратепанинг милоднинг I аср охири ва II асрнинг бошларида бунёд қилинганлигидан, араблар Ўрта Осиёга кириб келганларидан кейин улар тугатилган ва кейинчалик вайронага айланганлигидан далолат беради.

**Буддавийлик таълимоти ва унинг мазмуни.** Буддавийлик таълимотида ҳар қандай борлик (моддийлик) барча қўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт - ҳамма мавжудодларга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби - инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга қайта туғилиб келиш дунёси (сансара) га боғланганлиги, унга кўнгил кўйганлигидир. Унингча ҳар қандай инсоний туйғу, хиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқубатни

чукурлаштиради; "борлик гирдоби" дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, хаётга чанқоқдиқдан күнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интидиишардан воз кечиш лозим; фақат шундагина "нажот топиш йўли"га кириш мумкин. Илк буддавийликда бундай нажотдан фақат зоҳид. ёки монахгина умид қилиши мумкин эди. Фақат яхшироқ қайта туғилишни умид қилиши, бунинг учун эса у монахларга мўл-кўл хайр-садақа беришн ҳамда қуидаги 5 ахлоқий талаб (панча-шила) га амал қилиши керак:

1. Ҳар бир киши ёмонлик қилишдан ўзини тийиши, тирик мавжудотни ўлдирмаслик;
2. Ўғрялик қилмаслик, яъни бирорвнинг мулкини олмаслик;
3. Ҳис-туйғуларга ортиқча берилмаслик, бегона аёлларга қўзолайтирумаслик;
4. Ёлғон гапирмаслик, ростгўй бўлишлик;
5. Ичхилик ичмаслик.

Буддавийликда ҳамма нарса билиб бўлмайдиган рух - нирванага асосланади, дунё реал мавжуд эмас, у фақат кишиларнинг хаёлида, билиб бўлмайдиган рухнинг намоён бўлишида, деб нотўғри таълим берган. Бу билан у субъектив идеализм ботқоғига ботган. Буддавийликдаги рух - нирванинг таълимоти "муқаддас ҳақикат" деб аталган. Унга кўра, ижтимоий ҳаёт ва шахсий турмуш азоб-уқубатларининг сабаби - кишиларнинг истаклари ва нафсларида. Азоб-уқубатдан кутулиш учун кишилар ўзларининг истак ва нафсларини тийишлари, Будда кашф этган ақидаларга амал қилишлари зарур. Буддавийлик азоб-уқубат тушунчасини мутлаклаштирган, борлиқнинг барча шаклларини, унинг мазмунини, ҳар қандай турмуш тарзини азоб-уқубат деб нотўғри ҳисоблаган. Шунинг учун буддавийлик нирванани борлиқнинг интиҳоси, деб асоссиз тушунган. Буддавийлик таълимотича, жонли мавжудотларнинг ўлиши уни ташкил этган дхарма (элемент, заррача) ларнинг ажralиб кетиш жараёнидир. Буларнинг янгидан бирикиши илгари қилинган "савоб ва гуноҳ" лар билан боғлиқ дейилади. Дхарма нирвана даражасига етгандагана қайта туғилишларга барҳам берилиб, азоб-уқубатдан бутунлай халос этилар экан.

Буддавийлик таълимотига кўра, азоб-уқубатлардан халос бўлишнинг энг мақбул йўли роҳиблик (монахлик) жамияти (сангха) га ўтиш ҳисобланади. Роҳиблик бошқа динларга караганда буддавийликда барвақт вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда буддавийлик маҳзабларидан бўлмиш ҳинояна тарқалган мамлакатлар халқдарининг ижтимоий ҳаётида ғоят салбий рол ўйнамокда. Роҳиблар буддавийликка эътиқод қилувчилар орасида ноўрин тарзда жуда катта обрў ва хурматга сазовар бўлиб, уларга итоат этиш ва айтганини бажариш зарур, деб

хисобланади.

Буддавийлик таълимотида олам уч босқиначчи деб тавсифланган. Биринчиси энг юқори олам бўлиб, унда мутлақ осойишталик ҳукмрон. Унда фақат соф руҳгина мавжуд. Бу олам рухнинг маконидир. Буддавийликнинг таълим беришича, мутлақ илоқий куч - руҳни мутлақо билиб бўлмайди. Биринчи оламда руҳ моддий оламдан ташқарида, у ҳеч ҳаракатсиз мутлақ, осойишта ҳолатда яшайди. Иккинчи олам, ривоятларга кўра, руҳий мавжудотлар билан тўла жаннат - бодисатвадир. Бу оламнинг ҳокими Амитабадир. Унинг оламида руҳ ўз гуноҳидан халос бўлган, лекин энг олий оламга, нирванага, мутлақ бўшлик ва осойишталик оламига қўтарилимаган авлиёлар яшар экан. Буддалар кишиларга будда таълимотини ўрганиш, яхши йўлдан бошлаб бориш учун ерга юборилар экан. Учинчи олам, энг қўйи олам бўлиб, унда одамлар ва ҳайвонлар яшар экан. Бу оламдаги руҳ, қафасда яшар экан, у ҳаёт давомида озод бўлиш ҳамда юқори оламга қўтарилишига ҳаракат қиласи; руҳнинг юқори оламга қўтарилиши одамлар қиласиган савобли ишларга боғлиқ; агар одам буддавийлик таълимотига эътиқод қиласа, яхшиликка интилса, унинг жони қайта туғилишлардан сўнг жаннатга ва ундан нирванага қўтариладар экан. Ёмонликка мансуб гуноҳкор кишиларнинг руҳи эса қўйи дунёда азобланиб, қафас ичидаги юра берар, юқори оламга ҳеч қўтарила олмас экан. Агар инсоннинг дин таълимотига зид ишлари қўпайиб кетса, ҳирс ёки товламачиликка берилиб, ундан қутила олмаса, бундай одамнинг руҳи бир неча қайта туғилишлардан кейин дўзахга тушар ва унда абадий азобланар экан.

Буддавийлиқда қайта туғилиш дегақца янгидан пайдо бўлиш тушунилмайди, балки илгари ўлган одамларнинг жисмидан тарқалган дхармаларнинг янги асосда бирлашиб, келажак авлодга ўтиши тушунилади. Шунинг учун буддавийлик инсон ўз қилмишлари учунгана жавобгар бўлиб қолмайди, балки келажак авлод учун ҳам жавобгар деб ҳисобланган. Агар одам яхши бўлса, будда таълимотига тўлиқ риоя қиласа, бой ва эътиборли бўлса, унинг дхармалари асосида қайта тугилган одам ҳам бой ва бадавлат, софдил бўлади. Аксинча, одам ёмон бўлса, камбағал, қашшоқ, бўлса, будда таълимотига риоя килмаса, унинг дхармаларидан пайдо бўлган одам ҳам камбағал, қашшоқ бўлар экан. Бунинг сабаби аввалги авлодлар ёмон ҳаёт кечиргани учун берилган жазодир, деб ҳисобланган. Буддавийлик ўзининг бу таълимоти билан жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни туб моҳиятини яширишга ҳаракат қиласи. Бошқа динлар каби буддавийлик ҳам ҳаётда пассив бўлишни, тақдирга тан беришни тарғиб қиласи, зоҳидликни ёқлаб, эксплуатацияни окдайди.

**Буддавийликнинг парчаланиб кетиши.** Барча жаҳон динлари каби буддавийлик ҳам ижтимоий тараққиёт натижасида ва турли

мамлакатлардаги ижтимоий гурухлар тузумларнинг хусусиятларга қараб, турли мазҳабларга бўлиниб кетган.

Буддавийлиқда бир неча мазҳабдар пайдо бўлган. Булардан энг йириги I - асрда ундан ажралиб чиққан ҳинояна ("кичик арава", тор йўл маъносига) Шри Ланка, Бирма каби мамлакатларда кенг тарқалган; маҳояна ("катта арава", кенг йўл маъносига) Тибет, Хитой, Япония, Монголияда ҳамда Олтой ва Узок Шарқда яшовчи баъзи ҳалқлар ўртасига кенг тарқалган.

Буддавийликка хос мазҳаблардан бири Тибет ва Монголияда ҳам тарқалган бўлиб, у ламаизм деган ном билан юритилади. Буддавийликнинг бу мазҳаби маҳаилий ҳалқлар ўртасига қадимдан мавжуд бўлган диний тасаввур ва урф-одатларни ўзлаштирган. Ламаизмда буддавишшкка хос тасаввурлар билан бир қаторда, Будданинг яна қайтиб келиши ва ер юзида адолатли ҳокимият ўрнатиши тўғрисидаги ривоятга кенг ўрин берилган. Ламаизмни кўчманчи, қалоқ, саводсиз ҳалқ ҳаётига мослаштиришга уриниш мавжуд; ундаги ибодат қилниш тартиби ҳам анча соддалаштирилган.

Ҳиндистонда қулдорлик тартиблари барҳам топиши билан буддавийлик брахманизмга тобора яқинлашиб борган; кейинчалик ҳиндуизмга қўшилиб кетган. X1-X11 асрларда буддавийляк Ҳиндистонда ўз таъсирини деярли бутунлай йўқотган.

Буддавийлик таълимотини тартибга солиши мақсадида 1871 йилда Бирмада буддавистларнинг маҳсус ибодатхонасида Трипитаканинг турли таржималари ва вариантларини таққослаш натижасига ягона тексти ишлаб чиқилган эди. Янги текст мазмуни 729 та мармар плитага тушурилган эди. Бу ёзувлар сақланган ибодатхона дунё буддистларининг мукаддас жойига айлантирилган.

Буддавийлик руҳонийлари ҳалқаро миқёсда унинг мавқеини кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда буддавийликнинг турли ташкилотларини бирлаштиrmоқдалар, буддистларнинг ҳалқаро конференциялари, съездларини мунтазам ўтказмоқдалар.

Буддавийликнинг бир неча ҳалқаро ташкилотлари мавжуд. Шулардан энг йириги Жаҳон буддистлари қардошлигидир. У 1950 йили тузилган. 1956 йили отахон буддистларининг бу дин пайдо бўлганлигининг 2500 йиллиги нишонланди.

Марказий Осиёда бир неча юз мингдан иборат корейс миллатига мансуб кишилар яшайди. Уларнинг оиласвий-маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари маҳояна (шимолий) кўринишдага буддавийлик таъсирида шаклланган. Хозирги вактда бу минтақада, айниқса Ўзбекистонда корейс буддистларни христианлик таъсирига олишга қаратилган ҳаракаглар авж олмокда.

### **Адабиётлар:**

1. Буддизм. Справочник.-М.: Республика, 1992.
2. Жабборо Исо. Жабборов Санжар. Жаҳон динлари тарихи.-Т.: Ўзбектсон, 2002.
3. Дервиш Р.А. Левтева Г., Мусапаева А. Памятники истории, редигии и культуры в Узбекистане.-Т.: 1994
4. Васильев Л.С. История религии Востока. З-изд. перевод и доп.-М.: Книжныш дом, Университет, 1998

### **Христианликнинг таълимоти, Ўзбекистонга тарқалиши.**

Христианлик жаҳон динларидан бири бўлиб, эрамиз 1-асрининг 2-ярмида Рим империясининг шарқий вилоятларида кўп худолик динлари ўрнига қуллар ва мазлум элатларнинг дини сифатида якка худолик (монотеистик) тарзда шаклланган. Христианлик Фаластин ва Ўрта Ер денгизи яхудийлари динлари доирасида вужудга келган; ўнлаб йиллардан кейин эса бошқа, асосан географик жиҳатдан қаралганда Рим империяси билан боғлиқ ёки унинг сиёсий ва маданий таъсирида бўлган халқлар орасида тарқалган. Янги ва энг янги тарих даврларида у мустамлакачилик сиёсати ва миссионерлик натижасида Европадан ташқарига ҳам тарқалган. Христианлик Европа, Америка, Австралия ҳамда қисман Африка ва Осиё қитъаларига тарқалиб дунё халқларининг теярли учдан бирини (2 миллиардини) ташкил этади.

Христианлик вужудга келишини Библияning хабар беришича, Иисус Христос фаолияти билан боғлаб тушутирилади.

Христианликнинг вужудга келишида шарқ динларининг ҳам таъсири бўлган. Жумладан, мисрликларнинг Осирис ва Исида, эронликларнинг Митра, яхудийликнинг Мусо ҳақидаги ривоятлари, охират тўғрисида хикоя килувчи ҳар хил ривоятлар ҳам христианлик таълимотига киритилган.

Христианлнқдаги одам-худо тўғрисидаги тушунчани ишлаб чиқиша ягона империяга бирлашган Рим императорларининг якка Худолик тўғрисидаги ички сиёсати ҳам катта таъсир кўрсатган. Шу мақсадда императорларга ва Рим шаҳри худоларига сифиниш юзага келган.

Лекин шаклланаётган христиан мафкураси асосида биринчи галда иудаизм монотеизмининг "Қадимги ахднома" китобига кирган барча "муқаддас ғоялар", яъни Ерни Худо яратганлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунссининг вужудга келиши, инсоннинг яратилиши, унинг тили, ахлоқи, ҳуқуки, охиратроҳатлари ҳақидаги ғоялар катга рол ўйнаган.

1947 йили Ўлик денгиз қирғоғидаги кумрон яқинида қадимги қўл ёзмалар топилган эди. Булар ҳукмон жамоанинг диний таълимотлари -

иудаизм ва христианлик ўртасидаги оралиқ бутунни ташкил килганлигани кўрсатмокда.

Шундай килиб, христианлик Рим империясида яшаган қўпчилик элатларнинг динлари, ривоятлари, урф-одатлари асосида ташкил топган. Бу дин дастлаб қуллар, эзилган камбағалларнинг талабарини, "холоскорлик" ғояларини ўзига сингдирган дин сифатида вужудта келган. Кейинчалик унинг ижтимоий, диний структураси ўзгариши билан ҳукмрон табақалар қўлида мазлум халқларни эксплуатация қилишнинг ғоявий қуролига айланган.

Ўша даврда жамиятда юзага келган қукмрон доиралар билан мазлум халклар ўртасидаги зиддиятни юмшатишга хизмат қилиши мумкин бўлган христианликдаги диний ғояларни хисобга олган император Константин 324 йили бу динни давлат дини деб эълон қилган. 325 йилда унинг кўрсатмаси билан Никей саборида христианларнинг 1 - йиғини бўлиб ўтган. Унда епископлар ва илоҳиётчилар христианликнинг асосий ақидаларини тасдиклаб, черков ташкилотини такомиллашган ҳолга келтирганлар.

Шундан буён, даврлар ўтиши билан христианлик бугун Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африка, Австралия қитъаларига ёйилган. Кейинчалик Марказий Осиё республикалари худудларига ҳам қисман етиб келган жаҳон динидир.

**Христиашшкнинг диний таълимоти.** Христианликнинг муқаддас диний ёзуви - Библияning иккинчи қисми - "Янги ахднома" бўлиб, у эрамизнинг I-II асрларида грек тилида яратилган.

Библияning христианлик найдо бўлмасдан бирмунча олдин яратилгад 1 - қисми "Қадимий ахднома" деб аталиб, у иудаизмнинг муқаддас ёзуви ҳисобланади. Библияning иккинчи қисми - "Янга ахднома" деб аталиб, у христианликнинг муқаддас ёзуви деб ҳисобланади.

"Янги ахднома" 27 китоб (боб) дан ташкил топган. Унинг таркибига 4 та "Инжил" (Евангелие, яъни Хушхабар), ҳаворийларнинг (Исо шогардлари, христианликнинг дастлабки тартиботлари) амаллари, 21 рисола ва Иоаннинг "Вақийномаси" киритилган.

Христианлик бошқа жаҳон динлари каби мутлақ, абадий, ўзгармас кароматни, билимни, бенихоя қудратнинг эгаси бўлган якка худо ҳақидаги ғояни асослайди. У уч кўринишдаги якка худони ўзида мужассамлаштирганлик ақидасини яратган. Уч куринишдаги худо ҳақидаги таълимотга биноан, худонинг ички ҳаeti сабаби ўз-ўзидан мавжуд бўлган учликдаги уч асос ёки "муқаддас учлик" бўлган - ота-худо, ўғил-худо ва муқаддас руҳнинг ўзаро муносабатидир. Уғил Исо баён қилинган таржимаи ҳолига кўра ота-худодан, муқаддас руҳ ҳам ота-худодан яратилган (проваслав йўналиши таълимоти), (католицизмда

эса ота-худо ва ўғил-худо ҳам худодан туғилган).

Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки моҳияти - одам моҳияти, худо моҳияти ҳақида, "Гуноҳни ювиш", яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда курбон қилиши" ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланган. Христианлик муқаддас рух - ота худо, бола худо ва муқаддас рух - уч юзли худо тўғрисидаги таълимоти, тарғиботи, ташкилотчилиги, жаннат ва дўзах, охират яъни дунёнинг охири борлиги, Исонинг қайта тирилиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христианлик давлат дини деб эълон қилингандан сўнг, 325 йили император Констамтин бошчилигига Никей шаҳрида христианларнинг 1 жаҳон йиғилиши бўлган. Йиғилиш христиан динининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқсан ва худони уч шахснинг (ота худо, ўғил худо) рух худо, бирлиқда ифодалайишидир деб уқтирган. 381 йили христианларнинг Константинополда бўлиб ўтган II жағон йиғилишида чўқиниш ва тирилиш ҳақидаги янги ақида кабул килинган.

Ота худо табиат, одам ва фаришталарни яратган, деб ҳисобланади. Исо ўғил худо ҳисобланган. Худонинг гавдаланиши ақидасига қўра, Исо худолигича қолган ҳолда Мария исмли қиздан туғилган одам ҳам бўлиб колган. Бутга парчинланган худо Исо тортган азоблари ва ўлими билан ўзини одамларнинг гуноҳлари учун ота худога қурбон қилган ва шу билан гуноҳини ювган. Ушбу ақидага қўра, Исо одамзодга гуноҳлардан ҳалос бўлиш йўлини кўрсатиб берган. Исонинг тирилиши ақидаси келгусида ҳамма одамлар тирилишининг гарови, деб эълон қилинган. У тирилгандан сўнг осмонга - ота худо ҳузурига чиқсанлиги, яъни осмонга чиқиб тушиши (исломда меъроҷ) ақидаси бу дунёдаги хаёт охиратдаги мангуликка нисбатан ҳеч нарсага арзимайди, деб уқтиради.

Христианликда нймон калнмаси "ягона, муқаддас собор ва опостол чсркови" га ишонишни, чўқинтириш зарурлигини тан олнишни, қиёматда ўликларнииг тирилишига, шундан сўнг савоб эгаларига мангу роҳат-фароғат кўриш, гуноҳкорларга доимий азоб-укубат тортиш даври келншига ишонишни буюради.

Диний ғоялар таркиб топиши билан бир қаторда христиан ибодат маросимлари ҳам шаклланиб борган. Христиан маросимчилигининг энг муҳим эпементлари сирли ибодат (тайноволар) деб юритилади. Булар қаторига чўқинтириш (сувга шўнғитиб олиш), миропомазание (чўқинтирилган кимсага хушбўй катрон-миропа суртилгач, "муқаддас рух" нинг ҳузур-ҳаловати унга ўтиши); евхаристия ёки причишение (нон ва винони Исонинг танаси ва қони деб тасавнур этган ҳолда истеъмол қилиш), тавба қилиш (диндорнинг руҳоний воситасида худодан кечирим сўраши ва ўз гуноҳларини унга айтиб бериши), никоҳ, руҳонийликка фотиҳа бериш, соборлаштириш, яъни беморни

муқаддаслаштирилган зайдун мойи - елега бўяш кабилар киради.

Христианликнинг бош ибодати литургия (обедня, месса) бўлиб, у ҳар хил афсунгарликлар, музыка чалиш, ашула айтиш, "муқаддас" ёзувларни ўқиш, қад букиб таъзим бажо келтириш, шам ва чироқларни ёндириш, хушбўй нарсаларни чекиш билан қўшиб олиб бориладиган диний амаллардан иборат.

"Муқаддас учлик" нинг хар бирнни, Биби Марямни улуғлаш "худога хуш келган авлиёларга", худо ярлақаганларга ҳам сифинишини келтириб чиқарган. Христиаиликда бугга чўқиниш ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Унда пасха (Исонинг тирилиши), тариқа (ёки пятидесатница), рождество (Исонинг туғилиши) ва бошқа байрамларга катта ўрин берилган.

Христианликдаги йўналишлар. Христианлик шаклланиб турли мамлакатларга ёйилиши, ижтимоий ҳаётда юзага келган сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий силжишларга ҳам дуч кела бошлаган. Бошқа жаҳон динлари каби унда ҳам турли йўналишлар, мазҳаблар, секталарга бўлиниш жараёни содир бўлган.

Энг биринчи ажралиш христианликда IV-V асрларда рўй берган, яъни Исо масиҳни<sup>1</sup> талқин қилишда фарқданадцган иккита диний-ақидавий йўналишлар - монофизилар ва несторианлар юзага келган.

Кўпчилик христианлар Исои масиҳни ҳам худо, ҳам одам табиатига эга деб билса, Константинополь архимандрати Евтахия таълимотининг тарафдорлари бўлган монофизилар у фақатгана худо моҳиятининг бирлигидан иборат деб ҳисоблаганлар.

Коистантинополь патриархи Нестор қарашлари тарафдори бўлган несторианлар эса у худо инсонлар ҳаёти каби яшаши учун вужудга келган одамдир, деб тарғиб қилдилар.

Эфес соборида (431 йил) иесторианчиликка бидъат деб каралиб, унинг тарафдорларини таъқиб қилиш бошланган. Натижада оммавий ҳаракатлар бошлашларига сабаб бўлган.

Ҳозирги кунда монофизитликка Яқин шарқдаги Якобитчилар, Жанубий Ҳиндистон ва Эфиопия христиан аҳолисининг 96 фоизи амал қиласи.

471 йилдан эътиборан юкорида қайд этилган чсрковлар қадимги Шарқ чрковлари деб атала бошлангам. Несторианеар, энг аввал, Оссурийлар орасида тарқалгаи. Буларнинг диний жамоалари хозирда ҳам Суриядга, Ирокда, Эронда, Ҳиндистонда бор.

1054 йилга келиб христианликнинг православ ва католик чрковига бўлиниши расман тан олингаи. Бу бўлиниш Рим империясининг Шарқий ва ғарбий қисмлари орасидаги феодал

<sup>1</sup> Исо номига =ышилган «Масищ» сизи =адимий яхудий тили – ивритдаги мешнах сизидан олинган былиб, «силанганд» ёки «сийланган» маъноларини билдиради.

муносабатларнинг тафовутларини ўзида акс эттирган; Рим папаси билан Константинополь патриархи ўртасидаги барча христиан черковлари устидан якка ҳокимлик ўрнатиш учун шиддатли курашлар билан боғлиқ бўлган. Христианликнинг алоғида ва мустақил ғарбий тармоғи Рим католик черкови, яъни умумий, жаҳон Рим черкови деб атала бошлаган. Дунёвий ҳокимиётга тобе бўлган Шарқий христианлик грек-кефилик (грекча - бутун дунё) ёки изчил. Собитқадам (ортодоксал) христианлик деб атала бошланган. Православие ва католицизм ерларида умумийлик ҳам, бир-биридан фарқланадиган жиҳатлари ҳам бор.

XVI асрдаги реформация жараёнида феодализм ва капитализмга карши кенг қулоч ёзган ҳаракатлар Европадаги буржуа революцияларининг эиг биринчи ифодалари эди. Католицизмдан бир неча Европа черковлари ажralиб чиқиши патижасида христиаликда протестантлик ҳаракатлари вужудга келган. Бунинг доирасида лютеранлик, анабаптизм, англиканлик ва кальвинизм черкошри шаклланган. Ҳар бир чрковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос бўлган томонларга эга бўлиши билан бир қаторда, булар ҳам ўз навбатида бир неча йўналишлар, мазхаблар ва оқимларга бўлинди.

Ҳозирги замон христианлигига турли йўнишш ва оқимлар орасидаги келишмовчиликларнинг камайтирилиши бугунги кун учун хосдир. Бунга 1948 йилда ташкил топган Жаҳон черковлари кенгашининг фаолиятлари ва экуменик христианлар кумаклашмокда.

Католицизм - бу христианликда энг кўп таркалган йўналишdir. У Европа, Осиё, Африка ка Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, муҳлислари тахминан 800 млн. кишини ташкил қиласди.

Католицизм таълимотида жаннат ва дўзахлар оралиғидаги дуне, гуноҳкорларнинг рухи, жопи ҳақидаги, Исои масиҳни бениҳоя қурматлаш, унинг танаси ва жоними кўкларга кўтариш соҳаларидағи диний ақидалар мавжуд.

Католицизмда Библияни шархлаш ҳуқуки фақатгина рухонийларга бсрилади; чунки улар уйланмаслик ҳақндаги диний талабга амал қиласди. Диний ибодатлар дабдабали ва саҳналаштирилгап кўринишга эга; диний ўқиши, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. Православиедаги каби католицизмда ҳам фаришта, илоҳий куч, чиримайдигам марҳум жасадларига сифиниш одатлари сакданиб қолган.

Католицизм бошқа йўналишлардан фарқди ўлароқ марказлашган тизимга эга. Ватикан ана шундай марказ сифатида (майдони 44 гектар) 1924 йилдан бошлаб Папа Пий XI нинг Муссолини ҳукумати билан тузган битимиға мувоғиқ мустақил теократик давлат ҳисобланади. Рим Папаси черковнинг якка раҳбари бўлиб, у Исо Масиҳнинг ердаги ноиби

ҳисобланади. 1870 йили эътиқод ва ахлоқ масалаларида унинг бснуқсонлиги ҳақидаги ақида қабул килинди. 1978 йилда собиқ Польша кардинали Король Войтила 264-Рим папаси этиб тайинланди ва у ҳозирга қадар Иоанн Павел II номи билан бу вазифани бажармоқда.

Сон жиҳатдан унчалик катта бўлмаган католик жамоалари Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида ҳам мавжуд. Тошкентда 1990 йилда католик маркази тузилгаи, унинг қошида жумҳуриятимизнинг бошқа ҳудудларидан рўйхатдан ўтган католик диний жамоалари ҳам ўз фаолиятларини олиб бормокдалар.

Христианликнинг Шарқий тармоғи бўлмиш православиенинг риножланиши жараёнида 15 мустақил (автокефал) черковлари: Коистантинополь, Александрия, Антиохия, қуддус, Рус, Грузия, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албания, Польша, Чехословакия, Америка чсрковлари шаклланган.

Ўзининг аҳамиятига кўра православ дунёсида бешинчи бўлган, лекин муҳлислари сони жиҳатидан биринчи бўлган рус православ черкови X-XI асрларда вужудга келган. Унинг пайдо бўлиши эндиғина шаклланаётган фсадал муносабатларни ҳимоя қилиш учун, янги ғояга муҳтож бўлган Киев давлатиининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжларини қондириш учун керак эди. Руснинг христианлашуви дарров амалга ошгаи ижтимоий жараён бўлмай, бир неча аср давом этган зиддиятли тарихий ҳодиса эди.

Православиенинг Марказий Осиё аҳолиси орасига кириб келиши ХУ1-ХІХ асрларга тўғри келади. Аввал савдо-сотик, кейин бу минтақа халқларини мустамлакага айлантиришдан иборат бўлган ҳарбий ҳаракатлар жараёнида у кириб келган. 1870 йили Покровск монастири қошида миссионерлик жамияти ташкил қилинган. Жамият аъзолари маҳаллий миллатларга мансуб аҳоли орасида, гарчи жиддий натижаларга эга бўлмаган бўлса ҳам, христианлик билан боғлиқ катта тарғибот ишларини олиб борганлар. Шу максадда 1844 йили "Каромат кўрсатувчи Николайнинг хаёт йўли" номли рисолани қирғиз тилига таржима қилдилар ва чоп этдилар, маҳсус диний мактаблар очилди. 1872 йили Рус православ черковига карашли Туркистон (кейинчалик Тошкент, Ўрта Осиё) епархиал бошқармалари очилди.

Православ черкови ҳозирги кунда жамиятимизнинг юксалиши билан боғлиқ тадбирларни қўллаб-қувватламокда, айникса диндорларни ахлокий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ўзининг режаларини ишлаб чиқмоқда. Бунда инсон шахсининг кадр-қимматини улуғлайдиган, оила асосини мустаҳкамлайдиган ва меҳнатга, бутун жамиятга нисбатан соғдил ва виждонлилик руҳида бўлган муносабатларни қарор топтириш назарда тутилган. Черковнинг ички тартибини қайта қуришни амалга оширишга, черков ҳаётини янгилашга,

рухонийлар орасида учрайдиган муҳофазакорлик ва сусткашликларни бартараф қилишларга ҳам катта эътибор берилмокда. 1988 йилда бўлиб ўтган рус православ черковининг минг йиллик санасини тантанавор, улуғвор нишонланиши, рус православ черковининг халқаро обрўсини кўтарилиб боришига таъсир этди. Муҳим санани нишонлаш билан боғлиқ бўлган тантаналар, байрамлар ва бошқа турли-туман тадбирлар рухонийлар учун ўзларининг фақатгана илоҳиётчилик, черковининг ички ҳаёти ва тартиби билан боғланиб колмади; балки жаҳонда, хусусан Осиё минтақаларида тинчлик учун кураш, ирқий камситишларга барҳам бериш, табиатни муҳофаза килиш, соғлиқни сакдаш, демократик жараёнларни ривожлантириш, жамиятда адолатли ҳаётни қарор топтириш билан боғлиқ кўпгана масалаларни муҳокама қилиш учун фойдаландилар. Улуг байрам кунлари диний эътиқод ва маросимчилик масалаларини ҳал қилишга Ҳам қарагилди.

Тошкент ва Ўрта Осиё епархиал бошқармаси (унга 22 диний жамоа бўйсунади) ҳам мустакил жумхуриятларда виждон эркинлиги талабларига риоя киладиган тадбирлар ўтказмокда, халқлар ўртасида осойишталик қарор топтириш учун ҳаракат қўлмокда.

Православ черкови кўп миллатли минтақада миллатларро ва ҳар хил йўналишдаги динлар орасидаги муносабатларга диндорларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ва жамиятни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш учун кўмаклашишларга алоҳида эътибор бермокда. Шунингдек у илоҳиётчиликка оид бўлган қарашлар системасининг айrim элементларида православиедаги бошқа, шу қаторда ислом билан бир-бирига туаш бўлган умумий алокаларни изламоқдалар; фан намояндалари ва жамоатчилик вакиллари билан алокаларни ривожлантироқдалар. Улар православлар билан мусулмонлар диний бошқармалари ўртасидаги мулоқотларни ривожлантиришга қаратилган кўпгана йирик тантанали анжуманлар чакирилишининг ташаббускори бўлмоқдалар.

Бундан ташқари рус православие черкови хайрия шаклидаги фаолиятларга, чунончи, ҳалок бўлган жангчиларга ёдгорликлар ўрнатиш, урушда жабр кўрган байналмилалчи жангчилар соғликларини тиклаш, тинчлик ва болалар учун мўлжалланган жамғармаларии кўпайтириш ва шу кабиларга катта эътибор бермоқдалар.

Православиенинг ижтимоий, сиесий қарашларини ва диндорларнинг диний онгаари билан боғлиқ ҳамма ўзгаришлар уларнинг дунёқараш мавқеларини мажбуран ўзгартиришларига олиб бормайди. Зоро, русга христианлик кириб келишининг минг йиллигини тантанали тарзда байрам қилинишининг ўзи жамоатчиликнинг кенг доиралари орасида муайян таассурот қолдирди.

Протестантлик - бу ҳам христианликдаги яна бир йуналиш бўлиб,

католицизм ва православиедан фарқли ўлароқ, диний қарашлар жиҳатидан ҳам, черковлар орасидаги муносабатлар жиҳатидан ҳам бир хил бўлмаган йўналишларни фақатгина келиб чиқиши жиҳатидан бир-бирлари билан, XVI асрдаги янгиланиш ҳаракати билан боғлиқ бўлган купгина диний жамоалар, черковлар, мазҳабларни юзага келтирилган.

Протестантлик умумхристианлик асослари ва қарашларини эътироф этиш билан бир қаторда, у гунохдан ҳалос бўлишнинг янги усулларини илгари сурди. Исо Масихнинг кишилар гуноҳини ювишга қаратилган ўзини-ўзи қурбон қилишига ишонч, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлигига ишонч, Библияning олий нуфузига ишонч орқали ҳалос бўлиш ана шулар жумласига киради. Шундай қилиб протестантлик художўйликнинг асосий талабини динда одамнинг ташқи кўринишидан ички ҳаётига олиб ўтди ва уни ихтиёрий диний ишонч билан боғлади. Протестантчилик Библияга сиганишнинг ўзига хос шаклини қарор топтириди. Бу билан протестант ислоҳотчилари дастлабки христианликнинг олий мақсадларини, диндорларни ахлокай жиҳатдан тарбиялашга ва жамиятни маънавий жиҳатдан соғломлаштириш учун кўмаклашишларга алоҳида эътибор бермоқца. Шунингдек, у илоҳиетчиликка оид бўлган қарашлар системасининг айrim элементларида православиедаги бошка, шу қаторда ислом билан бир-бирига туташ бўлган умумий алоқаларни изламоқдалар; фан намояндалари ва жамоатчилик вакиллари билан алоқаларни ривожлантироқдалар. Улар православлар билан мусулмонлар диний бошқармалари ўртасидаги мулокотларни ривожлантиришга қаратилган кўпгина йирик тантанали анжуманлар чақирилишининг ташаббускори бўлмоқдалар.

Протестантлик диний маросимларнинг кўпчилигини бекор қилган (фақатгана лютерашшқда нон ва вино билан чўқинтиришлар сайданиб к.олган). Ўлганларга бағишлаб дуо ўқиш, азиз-авлиёдарга сифиниш, улар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, муқаддас мурдаларга, санамларга топинишлар бекор килинган. Ибодат уйлари ортиқча безаклардан, меҳроб, санам, ҳайкаллардан холи қилинган; монастирлар ва монахликдан ҳам воз кечилган, руҳонийларнинг уйланмаслик шарти бекор қилинган. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни шархлаш ҳар бир художўйнинг энг муҳим бурчи бўлиб қолди.

Лютеранлик, анабаптизм, англиканлик, калвинизм, цвингчилик протестантликнинг илк шакллари бўлган. Кейинчалик "сўнгти протестантлик" умумий номи билан маълум бўлган бир қанча диний оқимлар, ташкшютлар пайдо бўлган.

Марказий Осиёда ҳам протестантлик мухлислари учрайди. Лютеран жамоалари аъзолари Кирғизистонда, қозоғистонда ва Тожикистоннинг Жанубий томонларида, Туркманистонда,

Ўзбекистонда, чунончи Сирдарё, Фарғона вилоятларида яшайдилар. Булар асосан немис миллатига мансуб бўлган диндорлардир. Тошкентдаги лютеранларга, диний тоат-ибодатларини бажаришлари учун, умумий диний эҳтиёжларини қондириш учун улар нхтиёрига 30-йилларда қурилган Кирха берилган. Душанбада ана шундай диний мақсад учун диндорларнинг маблағлари хисобига ва кенг жамоатчиликнинг, жумладан хорижий мамлакатдагиларнинг иштирокида янги Кирха қурилган. Бу жамоада диний ҳаёт билан боғлиқ чўқинтириш, марҳумга жаноза ўқиш, балоғат ешига етганларни диндорлар сафига кўшиш ва никоҳ ўқитиш маросимлари ўтказилади. Диний байрамлар мунтазам нишонланади, диний тарғиботлар, ваъзлар ўқилади, диний мулоқотлар ташкил қилинади.

Марказий Осиёда бошқа протестант йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, улар баптистлар, адвентистлар, иеговистлар, пятидесятниклар, менонитлар деб аталади. Бу секталар ҳозирги шароитдаги тарихан ўзгаришлар таъсирини ўзида муайян тарзда ифода этган диний жамоалар ва гурухлардан иборат. Улар келиб чиқишига кўра куйидаги вазиятларга, эски рус сектантчилик шаклларига, протестантчилик ҳаракатига, православиядаги эскича маросимчилик ва бошқа йўналишларга, яъни 1917 йилдан олдинги черковлар орасида зиддиятлар кучайган шароитларга бориб тақалади.

Эски анъанавий рус сектантчилигага Россиядаги крепостной шароитларига, унинг ғоявий ҳимоячиси бўлган хукмрон православ черковига, чоризмга нисбатан кенг деҳқонлар оммасининг ижтимоий норозиликларини ўзида ифода этувчи диний ҳаракатлар асосида XVII аср охири ва XVIII аср бошларида вужудга келган духобарлар, молоконлар, христоверлар, субботниклар, екопчилар, иеговист-ильинчилар ва бошқалар киради. Улар сектантчиликнинг биринчи тоифасини ташкил қиласиди.

Анъанавий рус сектантчилигининг муҳлислари уларни чор ҳукумати ва православ черкови таъқиб этиши натижасида Ставрополь ўлкасига (кейинчалик у ердан Канадага), Сибирга, Кавказ ортига, Марказий Осиёга) кўчиб кетганлар. Марказий Осиёда христиан сектантчилигининг пайдо бўлиши ва тарқалиши бу ерларни Россия чоризми босиб олиши ва пул-товар муносабатларининг ривожланиши билан узвий боғланган. Ҳозирги кунларда қозоғистон, Ўзбекистон, қирғизистон, Туркманистон ҳудудларда сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган молокан, духобар, христовер мавжуд. Тошкентдаги молокан биродарлари жамоаси ва Жиззахдаги жимтурмас (пригун) молоканлар жамоалари республикадаги энг катта жамоалар ҳисобланадилар. Молоканларнинг катта бўлмаган гурухлари Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида ҳам бор.

Сектантчиликнинг иккинчи тоифасига /арб мамлакатларида капитализм тараққиётининг турли босқичларида вужудга келган ва Россия империяси худудида, жумладан, Туркистонда ҳам буржуа муносабатлари шаклланиш жараёнида ва фаол миссионерлик ҳаракатлари натижасида қарор топган сектантчилик киради. Ўз мухлислиарининг сони жиҳатидан энг каттаси - баптистлар (юнон. сув билан чўқинтириш) бирлашмасидир. Ўзбекистондаги христиан секталарининг 65 фоиздан кўпроғини баптистлар ташкил килади. Диний таълимот ва маросимчилик бораснда баптизм анъанавий протестантчилик асосларига таянади ва ўзининг янги асосларини ҳам яратади; чунончи, улар фақатгина балоғат ёшига етганларни янгитдан чўқинтиришади ва ўз сафларига қўшадилар. Бу маросимни табиий сув ҳавзаларида бажарадилар. Чўқинтириш, нон ва винони татиб кўриш каби сирли маросим сифатида эмас, балки рамзий маросимлар, ҳаракатлар сифатида қабул қилинади. Ибодат уйларини жиҳозлашда христианликнинг рамзий белгилари ишлатилмайди; ибодатларнинг ўзи Библияни ўқишлар ва шархлашдан иборат бўлиб, тарғиботлар ва ашула айтишлар билан қўшиб олиб борилади.

1944 йили собик СССР даги баптистлар жамоалари инжилчи-христианлар билан бирлашганлар. 1945-1947 йилларда бу бирлашма иттифоқига пятидесятниклар жамоаси, 1963 йили эса меннонитлар жамоалари ҳам қўшилдилар. Инжилчи-христиан-баптист жамоалари собик СССР да Инжилчи-христиан баптистлар кенгаши томонидан бошқарилиб турилди. (Бу 1990 йилда инжилчи-христиан баптистларнинг иттифоқи деган ном олди). 60-йилларда буларга карши бўлган марказ ташкил топди; инжилчи-христиан баптистлар черковининг кенгаши деган ном олди. Узоқ йиллардан буён бу марказ норасмий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистонда баптизм XIX асрнинг охирларидан бери мавжуд бўлиб, унинг Тошкентдаги жамоалари, шу жумладан, "Еттинчи кун" адвентистлари Ислоҳчи-адвентист, пятидесятниклар, менончилик, инжилчи-христиан баптистлар кенгаши, иегова шоҳидлари каби протестантичи жамоалари ҳам мавжуд.

Протестантлик бошқармаларининг Марказий Осиё раҳбарияти ўз диний фаолиятларини янада фаоллаштирадиган воситаларни мунтазам тарзда изламоқда; жамоаларнинг тузилишларини мустаҳкамлайдиган жиддий тадбирлар билан шуғулланмоқда; тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор бериб, диний ғояларни, ибодатларни ҳозирги шароитга мослаштириб, замонавийлаштирумокда. Бу ҳол Марказий Осиё протестантлик йўналишларидаги жамоалар ва уларнинг мухлислири сони жиҳатдан бирмунча кўпайишига, диндорлар орасидаги муайян бошбошдоқлик кайфиятлари юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда.

Хозирги кунда Марказий Осиёдаги протестантлик бирлашмалари янги мустақил республикаларда демократик ўзгаришларга мувофиқлашишга интияптилар; ислоҳот жараёнларининг ривожланиш тўлқинларида тарғибот ишларини фаоллаштирумокдалар; диндорларнинг ижтимоий жараёнлардаги фаол иштирокларининг ўзларига маъқул бўлган шаклларини белгиламоқдалар.

Маълумки, динлар ва диндорлар орасидаги ўзаро хамфирлик ва мулоқотлар жамият тараққий этган сари ривожланиб боради. Динлар орасидаги мулоқотлар, хозирги даврнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, халқаро аҳамиятга эга бўлган масалага айланмоқда. Ўрта Осиё диндорлари орасидага алоқалар, муносабатларнинг янада чукурлашуви улар раҳбарияти ва оддий диндорларнинг энг долзарб маънавий-ахлоқий муаммоларини, табиатни асраш ва уни муҳофаза қилиш, болалар ва қариялар ҳаклда ғамхўрлик, тинчликни сақяш ва хайрия ишлари, жамиятиинг демократик жараёнларига ва унинг ижтимоий, сиёсий жиҳатлардан ривожланишига кўмаклашишлар билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга каратилган ҳамкорликлар асосида ривожланмоқда.

**Христианликнинг Шарққа томон тарқалиши, Ўзбекистонда христиан черковининг тутган ўрни.** XI асрнинг охирида христианликнииг Шарққа томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий тус олди. Бу динни маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айrim вилоятларига илгарироқ кириб боргаилар. 280 йилдаёқ Талос (Мерке) да христиан черковлари қурилган бўлиб, Самарқандда (301 йилдан), Марвда (334 йилдан), Хиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марида ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Хиротда (558 йиллар) 6-12 егшкоплиқдан иборат диний ҳудуций жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хурросонликлар ва сұғдиеналиклар буддистлар, зардуштийлар, монийлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлган. Улар қорахитойлар ва сосонийларга қарам ерларда таъқиб қилинганлар.

Ўрта Осиё ҳудудида ислом тарқатидган даврларда бу дин билан христианлик ўртасидаги келишмовчиликлар кескинлаша бошлаган. Бироқ, X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларкца христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳагто Беруний яшаган даврда ҳам (973-1050) Марвда православ митрополияси бўлган.

Ана шу даврларда христианлик Кавказда ҳам таркала бошлаган; Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланган. Кавказ Албанияси ҳудудида эса (ҳозирга Озарбайжон ва Жанубий Догистон ҳудуди) IV-VIII асрларда хукмрон дин ҳисобланган.

Ўша даврдаги кўпдан-кўп ва бир-бирига қарши курашаётган

динлар орасидага Шарқнинг ҳукмронлари томонидан энг кўп ҳомийлик кўрсатилган дин христианликнинг шарқий йўналиши бўлмиш несторианлик бўлган. Халиф саройларида несторианлик патриархларига бутун шарқ христианлигининг ҳомийси сифатида қаралган, патриархнинг қароргохи эса Константинополдан Бағдодга қўчирилган. Несторианлар христианликни Туркистонда, амургача бўлган Шимолий ва ғарбий Хитойда тарғиб қилганлар. Несторианликнинг Марказий Осиёдаги таянчи ва исломга карши курашдаги маркази 1257 йилдан сўнгина ўз фаолиятини тўхтатган Самарқанд митрополияси бўлган.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат яшайди. Булар орасидаги диндорлар 17 конфессияга, яъни диний уюшмага эътиқод килади. Булар доирасида исломдан сўнг 2-ўринни христианликнинг православие оқими эгаллади. Унинг бир неча черкови ва марказий уюшмаси, чунончи баптист, иеговист, адвентист каби секталари бор.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга асосланниб ишлаб чиқилган виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида янги таҳрирда эълон қилинган конунга асосан республикадаги барча диний уюшмалар эркин, ошкора, teng ҳуқуқли тарзда фаолият кўрсатмокдалар. Бу ҳукуқ ва эркинликлар қонун бўйича кафолатланган.

Республикамиздаги барча конфессиялар орасида тотувлик. ҳамжихатлилик мавжуд бўлиб, халқимизни тарбиялашга, тинч ва хавфсизликни сақлашга христианлик жамоалари ҳам салмоқди ҳисса қўшмокдалар.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Буддизм таълимоти қачон, қаерда пайдо бўлган?
2. Буддавийликнинг қандай йўналишлари бор?
3. Христианлик қачон ва қаерда пайдо бўлган?
4. Ўзбекистон худудига христианлик дини қачон кириб келган.
5. Ҳозирги замон христиан секталари ҳақида нима биласиз?

### **Адабиётлар:**

1. Буддизм. Сировочник. – М.: Республика, 1992.
2. Васильев Л.С. История релии Востока. З-изд. – М.: 1998.
3. Из истории древних культур Средней Азии. Христианство.- Т.:1994.
4. Исо Жабборов, Рухий олам: жаҳолат ва камотлот. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Дервиш Р.А., Левтева Г., Мусапаева А. Памятники истории, религии и культуры в Узбекистане. - Т.: 1994.
4. Основы религиоведения. Под редакцией И.Н. Яблокова.Изд.

второе.-М.: 1998.

5. Фрезер Д.Д. Золотая ветвь.-М.: Политиздат, 1986.
6. Фрезер Д.Д. Фолклор в Ветхом завете.-М.: Политиздат, 1985.

## 5-МАВЗУ: ЖОҲИЛИЯ ДАВРИ ВА АРАБЛАР МАЊНАВИЙ ҚИЁФАСИ

### Режа:

1. Жоҳилия даври моҳияти
2. Жоҳилия давридаги кўп худолик ва араблар мањнавияти
3. Ҳанифлар ҳаракати

**Жоҳилия даври моҳияти.** Жоҳилия сўзининг луғавий мањноси арабча «жаҳула» сўзидан олинган бўлиб, (билимсизлик), жоҳиллик, нодонлик яъни «ягона Аллоҳни танимаслик» мањносини, англатади. Жоҳилия даврида мањнавий ва ижтимоий ҳаётда ана шундай жоҳиллик, нодонлик хусусиятига эга кишилар исломдан олдинги даврда яшаганлар.

Жоҳилия даври мазмун-моҳиятини тушуниш ва тасаввур қилиш учун ўша тарихий давр V-VII асрларга хос хусусиятлар, араб қабилалари ўртасида ҳукмрон бўлган ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва уларнинг диний-ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб чиқишини тақозо этади.

Жоҳилия даврининг хусусиятларидан бири шунда эди, бу даврда араблар орасида кўп худолик ҳукм сурар, ҳар бир қабиланинг сифинадиган ўз санамлари мавжуд бўлиб, ўзига хос эътиқод қилиш тартиб-қоидалари шаклланган эди. Бу даврдаги арабларнинг мањнавияти тубанлашиб, ҳалқлар орасида майпарастлик, ахлоқий бузуқликлар ўрин ола бошлади. Энг ноҳуш, ва даҳшатли одатларидан бири қизларининг тириклайн кўмиш ҳам ана шу жоҳилия даврида татбиқ қилинган.

V-VI асрларда, хатто VII аср бошларида араб қабилалари ўртасидаги мавжуд ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси бир хил эмас эди. Арабистон ярим оролнинг иқлим шароити ноқулай қумли сахролар ва тоғлардан иборат бўлиб, кўчманчи аҳолиси чорвачилик билан шуғулланар эди. Ярим оролнинг нисбатан яхши иқлим шароитига эга бўлган қисмида жойлашган. Яман қадимдан ривожланган қишлоқ хўжалик ва маданият марказларидан бири бўлган. Аммо ярим оролнинг шимолий қисмида жойлашган шаҳарларда кўчманчи-чорвачилик билан шуғулланиб, ҳаёт кечираётган араб қабилалари ўртасида қулдорлик муносабатлари эндиғина ривожлана бошлаганди. Яманда эса қулдорлик тузуми тараққий этган, сўнгги қулдорлик давлати бўлган Химъярийлар подшолиги эрамизнинг II асрда ташкил топган ва VI аср бошларида

таназзулга юз тутган. Лекин яриморолнинг бошқа ҳудудлари-сувсиз сахролардан иборат бўлганлиги сабабли ўтрок дехқончилик факат айrim жойларда сахролар ўртасидаги онда-сонда учрайдиган кичик воҳалардагина бирмунча тараққий этган эди. Бу ерларда дехқончилик ҳам нокулай иқлим шароити туфайли ҳар томонлама чекланган эди, асосан хурмо ва арпа етишириларди.

Яриморолнинг чексиз сахроларида яшовчи, чорвачилик билан шуғулланувчи араб қабилалари-бадавийлар бундан ҳам оғир шароитда яшар эдилар. Улар ижтимоий тараққиёт жихатидан анча орқада қолган, тараққиётнинг уруғ-қабилачилик босқичида эдилар. Манбаларнинг кўрсатишича, VI аср охири-VII аср бошларида, яъни ислом вужудга келиши арафасида турли араб қабилаларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси бир хил бўлмай, қийин аҳволда ҳаёт кечираётган қабилалар кўпчиликни ташкил этар эди.

Қадимий тараққиёт маркази бўлган Яманда ривожланган қулдорлик тузуми ҳукмрон бўлиб, ярим оролнинг шимолий қисмида жойлашган ва Византия ҳамда Эрон каби қадимий империя таъсири остида бўлган ҳудудлар савдо муносабатлари эндиғина ривожлана бошлаган, сахроларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган араб қабилалари ўртасида патриархал, уруғ-қабилачилик тартиби ҳукмрон эди. Бу тартибнинг емирилиши ва синфий муносабатларнинг таркиб топиши даври эндиғина бошланган эди.

Оғир иқлим шароити ва ишлаб чиқарувчи кучлар заиф ривожланганилиги сабабли Арабистон ярим оролида яшаган кўпчилик қабилалар тараққиёт жихатидан Миср, Византия, Эрон, Месопотомия каби қадимий маданият марказлари аҳолисига нисбатан анча орқада қолиб кетган эди. Ярим оролнинг ғарбий қисмида Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб чўзилган ва Ҳижоз деб ном олган ҳудуд бу даврда иқтисодий жихатдан бирмунча ривожланган. Бунинг сабаби сувли воҳаларда дехқончилик билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўлганлигидан ва жанубдан шимолга томон қадимий карvon йўли ўтганлигига эди. Тарихий манбаларга кўра, VI аср ўрталарида бу йўл жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон билан, шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эрон билан боғланган. Ўз даври учун катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлган Ҳижоздаги айrim аҳоли манзиллари, шаҳарлар, хусусан йўл устида жойлашган Ясриб (Тоиф) шаҳри, VI асрда анча кенгайган ва гавжум савдо марказларига айланган эди.

Жоҳилия давридаги араб қабилаларининг факат иқтисодий жихатдагина эмас, балки ижтимоий жихатдан ҳам тенгсизлиги улар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб ва қийин аҳволга тушишига сабаб бўлди. Бадавлат қабилалар иқтисодий жихатдан заиф қабилаларга

ўз таъсирларини ўтказиб, уларнинг арzon меҳнатидан фойдаланишдан ташқари ижтимоий ҳаётда ҳукмронликка ҳам даъво қилганлар.

Бу даврдаги оила, никоҳ, ижтимоий муносабатлар, фарзанд кўриш, тарбиялаш масалалари, диний эътиқод, пул муносабатлари (судхўрлик), майший бузуқлик ва бошқа кўпгина соҳаларда ҳам қийинчиликлар, зиддиятлар бўлганки, улар ҳақида кейинги саҳифаларда батафсил тўхтаймиз.

**Жоҳилия даврида қўп худолик ва араблар маънавияти.** Макка савдо маркази сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, атрофдаги қабилаларга бошқаларга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатар эди. Макканинг диний марказ сифатида роли ҳам анча ошган эди. Маккада Каъбатуллоҳ ибодатҳонаси турли араб қабилаларининг 360 худосининг санам, яъни бутчалари мавжуд бўлгани туфайли бу шаҳар ўз атрофида яшовчи қўп қабилалар учун эътиқод маркази-зиёратгоҳга айланган эди.

Каъба-ислом динида энг муқаддас ҳисобланган ва «Аллоҳнинг уйи» «Байтуллоҳ» деб ном олган ибодатҳона. У куб шаклида, кулранг тошдан қурилган бўлиб, унда исломда муқаддас ҳисобланган қоратош-«ал-Ҳажар ал-асвад» жойлаштирилган. Каъба мусулмонлар учун қибла ҳисобланади ва қиблага қараб намоз ўқилади.

Каъба ислом вужудга келмасдан бир неча аср илгари мавжуд бўлган. Эрамизнинг II асрида юони сайёҳлари у ерда бўлиб, бу ибодатҳонани ва унинг атрофидаги кичик манзилгоҳни кўрганликлари ҳақида маълумот қолдирғанлар. Каъба ибодатҳонаси ўша ерда мавжуд бўлган ва сувсиз сахрода араблар учун нажот манбаи сифатида «Зам-Зам» булоғи билан боғлиқ ҳолда вужудга келган, деган тахминлар мавжуд. Бу булоғни яратиш учун худога ибодат қилиб, шу ерда қурбонлик қилиш араблар ўртасида қадимдан расм бўлган ва бу ҳодиса Куръоннинг «ал-Кавсар» деб аталган 108-сурасида ҳам ўз ифодасини топган.

Демак, ислом вужудга келмасдан 400-500 йил илгари ҳам муқаддас ҳисобланган «Зам-Зам» булоғи ва у билан боғлиқ равишда вужудга келган Каъба ибодатҳонаси VII асрнинг 30-йилларида ва янги динда энг муқаддас жой деб эътироф этилган.

V-VII асрларда Маккада арабларнинг қурайш қабиласи ҳукмрон бўлиб, буларнинг юқори табақалари савдо-сотиқ авж олиши натижасида анча бойиб кетган; пул муомаласи, судхўрлик ривожланган, шунингдек, кул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам анча кенгайган.

Шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, қадимиј Яманни истисно қилган, Арабистон ярим оролида яшовчи қабилалар учун V-VI асрларни иқтисодий уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган ва қулдорлик муносабатлари вужудга кела бошлаган давр, деб тавсифлаш мумкин ва лозим. Ўша даврда кучли империялар

бўлган Византия ва Эрон ўртасида Яманни қўлга киритиш ва карvon йўлларида ўз хукмронлигини ўрнатиш учун кураш давом этган.

Яман сосонийлар хукмронлигига ўтган даврларда (572-628 йиллар) Эрон кўрфази орқали Ҳиндистонга борадиган йўл тез ривожлана бошлаган ва шу муносабат билан Ҳижоз орқали ўтган карvon йўли инқирозга учраган. Бу ҳол фақат Ҳижоз шаҳарларигагина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатган ва Арабистонда ижтимоий-иктисодий инқирознинг бошланишига сабаб бўлган.

Савдодан келадиган даромад камайиб кетиши натижасида қурайш зодагонлари ўртасида судхўрлик авжга чиқсан; қуллар, камбағалларни эзиши кучайган. Макка ва Ҳижознинг бошқа шаҳарларида мазлумлар билан золимлар орасидаги қарама-каршиликлар кескинлашган. Бир томондан, қул эгалари билан қуллар ўртасида, иккинчи томондан, қабила зодагонларига нисбатан оддий меҳнаткашларнинг норозилиги кучайган. Қабилаларнинг юқори табақалари, айниқса, Макка зодагонлари қўшни мамлакатларни босиб олиб катта бойлик, ўлжани қўлга киритиш ва шу орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иктисодий инқироздан қутилиш ҳақида тез-тез ўйлай бошлаганлар.

Аммо тарқоқлик ва келишмовчиликларга барҳам бериш учун барча араб қабилаларини, уларнинг иктисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона давлатга бирлаштириш зарур эди.

Марказий ва Шарқий Арабистон ярим ороли сахроларида яшаган араб бадавийлари ўртасида ибтидоий тузумга хос бўлган политеистик мажусийлик диний тасаввуфлари хукмрон эди.

V-VI асрларда бу қабилаларнинг диний эътиқодлари тотемизм, фетишизм ва анимизм каби диний тасаввуфларнинг қоришиғидан иборат эди. Кўп қабилалар алоҳида тошларга эътиқод қилас, инсонга ёрдам берадиган эзгу руҳлар, ёвуз жинлар ва айёр шайтонлар тўғрисидаги тасаввурлар кенг тарқалган эди.

Ҳар бир қабила ўз худосининг санамига сифинар, топинар эди. Бу ҳол диншуносликда кўп худоликнинг арабларга хос кўриниши, деб тавсифланган. Қуръонда бундай эътиқод ширк деб ном олган. Бундан ташқари араб қабилалари ўртасида Қуёш ва Ойга топиниш ҳам мавжуд эди. Бу ёритгичларга топиниш қадимий Бобил (Вавилион)дан келиб чиқсан бўлиб, бу эътиқод кейинчалик кўп халқлар ўртасида тарқалган.<sup>1</sup> Бунинг таъсири остида ўрта асрларда Шарқ ва /арб халқлари ўртасида астрология деган, асосан диний таълимот системаси-Шарқ «илми нужум» вужудга келган.

<sup>1</sup> Собийлар-бош<sup>и</sup> динларга эътиқод =илувчилар =атори +уръонда тилга олинган; бу элат +уий Месопотамияда яшаган. Мандайлар (баъзан харранлар) щам дейилган. Улар осмон ёритгичларига си\инганлар.

Илми нужумга асосан турк халқининг ҳам илк даврларида Ойхон, Юлдузхон, Кунхон, Кунтуғмиш, Ойтўлди, Ойсулув, Кунсулов, Кунтуғди каби исмлар қўйилгани ва уларнинг баъзилари ҳозиргача етиб келгани маълум. Кунчиқар-Шарқ, Кунботар-/арбни билдирган. Ёки йил давомида қуёш айланадиган фалак доираларининг ҳар бири туркий ном билан аталган: Қўзи-Ҳамал, Уд-Савр, Эрангиз-Жавзо, Кучик-Саратон, Арслон-Асад, Буғдойбоши-Сунбула, Улгу-Мезон, Чаён-Ақраб, Ёй-Қавс, Ўғлоқ-Жади, Қўноқ-Далв, Балиқ-Хутдир.

Демак, илми нужумга эътиқод қилишнинг қадимги туркий халқлар ҳаётида ҳам муайян ўрни бўлган.

Илми нужумга биноан сайёralар ва юлдузларнинг ҳолатига қараб воқеа ва ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш мумкинлигига эътиқод қилинган. Бу билан шуғулланувчи астролог (мунажжим) лар саройларда муҳим мавқега эга бўлганлар.

Макканинг ўз атрофидаги араб қабилаларига таъсирининг кучайиши Каъба билан боғлиқ бўлгани юқорида таъкидлаб ўтилди. Милоддан аввал вужудга келган бу қадимий ибодатхонада кўп қабила худоларининг санамлари сақланар эди. Милодгача араб қабилалари эътиқод қилган худолардан саккизтасининг номи ал-Лот, ал-Узза, Манот, Вадд, Суваъ, Йағус, Йағуқ, Наср Қуръонда ҳам келтирилган, санаб ўтилган.

Арабистон ярим оролида яҳудий, христиан, оташпараст ва собийлар ҳам яшар эдилар. Иудаизм Яман араблари ўртасида кенг тарқалган бўлиб, VI аср бошларида химъярийлар подшоҳлигига у давлат дини деб эътироф этилган. Иудаизмга эътиқод қилувчи араб қабилалари Марказий ва /арбий Арабистоннинг айрим воҳаларида ҳам яшар эдилар. Бу динга эътиқод қиласидан араблар-коптлар ҳали ҳам анчагина.

Христианлик асосан ярим оролнинг шимолий қисмида-Сурия, Фаластин, Месопотамия худудида яшайдиган араб қабилаларидан баъзилари ўртасида тарқалган эди. Бу ерлар айрим даврларда Византия таркибиға кирган ёки унинг сиёсий тазиики остида бўлган ҳудудлар эди. Араб қабилалари ўртасида кўпинча христианликнинг айрим секталари тарқалган эди. Шарқшунос олимларнинг фикрича, христианлик Арабистонга /ассонийлар ва Лахмийлар давлатлари орқали кириб келган.

Шундай қилиб, яҳудийлик ва христианлик ҳамда уларнинг айрим секталари ислом пайдо бўлиши арафасида араб қабилалари орасида муайян даражада тарқалган эди.

**Ҳанифлар ҳаракати.** Ҳаниф арабча сўз бўлиб, чинакам эътиқод қилувчи тақводор маъносини билдиради. Ҳанифлар ўша даврда араб қабилалари ўртасида кенг тарқалган мушрикийликка қарши якка

худоликни, охиратни яқинлашиб қолганини тарғибот қилиб чиққанлар.

V-VI асрларда араб қабилалари уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган, ибтидоий диний тасаввурлар таназзулга юз тутган эди. Қабилалар ўртасида марказлашишга бўлган интилишнинг ғоявий инъикоси сифатида якка худоликка хос диний ақидаларнинг куртаклари шаклана бошлаган. Якка худолик тўғрисидаги бундай диний таълимот исломдагина эмас, балки у пайдо бўлмасдан бирмунча вақт илгари Арабистоннинг айрим жойларида тарғиб қилина бошлаган эди. Аммо ҳанифлар ҳаракати, яъни уларнинг арабларни ягона дин атрофида бирлаштириш ғоясини мувоффақиятли якунламаган.

Исломдан илгари араб қабилалари орасида якка худолилик тўғрисида тарғибот юритган, ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахслар тарихий манбаларда «ҳанифлар», яъни ҳақ-ҳақиқат изловчилар номи билан маълум. Исломнинг пайдо бўлиши араб қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичи билан боғлиқ бўлган.

Ислом монотеистик дин сифатида, яъни якка худога эътиқод қилувчи таълимотни яратиб, унга қадар бўлган араб қабилаларидағи кўп худоликнинг барча кўринишларини ширк деб атаб, уларни тақиқлаган.

Исломда, шундай қилиб, ягона Аллоҳга, эътиқод қилиш бу диний таълимотнинг асосини ташкил этган. Аллоҳ-арабча сўз бўлиб, ўзбекчага таржима қилсак, Тангри деган маъносини билдиради. Форсийда Худо дейилади. Аллоҳ, Тангри, Худо сўзларига одатда сифат қўшилиб, Аллоҳ таоло, Худои Таоло шаклида ҳам ишлатилади. Таоло-улуғ, олий деган маънони англатади. Аллоҳ таолонинг Қуръонда ва ҳадисларда қайд этилган исмлари 99 тадир. Булардан тилимизда энг кўп қўлланиладигани: Раҳим-жуда раҳимли; Раҳмон-ўта меҳрибон; Мўминомон ва омонлик берувчи; Карим карамли, саховатли, кечиримли, Саттор, Акбар буюк каби сифатлари қўшиб айтилади.

«Ханиф» атамаси Иброҳим билан боғланган ҳолда тилга олинган ўринларда ҳам, ўзи алоҳида келган жойларда ҳам «Ҳақиқий мусулмон», «астойдил эътиқод қилувчи» маъносида тушунилганлиги равшан. Шунинг учун бўлса керак, кейинги давр ислом анъанасида бу атамани «мусулмон» атамаси билан бир маънода тушуниш одат бўлиб қолган. Аслида исломда мусулмон шахсни англатади. Ўтган аср ўрталарида Қозонда босилган Қуръоннинг З-сураси 89-оятга берилган изоҳда «ханиф ҳозирги мусулмоннинг ўзидир», -дейилган.

«Ханиф» атамаси фақат Қуръонга хос бўлмасдан, у ислом дин сифатида вужудга келмасдан анча илгари ҳам якка худога эътиқод этишни тарғиб қилувчи шахсларнинг номи сифатида маълум бўлган. Якка худолилик қабилалари ўртасида маълум бўлган. Бу қабилаларнинг номи ҳам «бану ханиф» (ханифа авлодлари) бўлган. Демак, «ханиф»

атамаси билан «бану ханиф» ўртасида ҳам қандайдир мазмунан боғланиш бўлиши мумкин.

Аллоҳнинг чексиз қудрати ҳақида Қуръони каримнинг 55-Арраҳмон сурасида ўз ифодасини топган яъни, «Ар-Раҳмон» - Аллоҳнинг гўзал номларидан бири. Сурада Аллоҳ таоло инсоният ва жинларга бу дунё ва охиратда ато этган ва этажак неъматларидан баъзиларини эслатиб, ўттиз бор: «Бас, Раббингизнинг қайси бир неъматларини инкор этасизлар?!-деб уларга хитоб қилган»<sup>1</sup>.

Араб қабилаларини ягона дин атрофида бирлаштириш ва якка худоликка эътиқод қилишдан иборат бўлган ҳанифлар орзуси фақат Муҳаммад пайғамбар даврида ислом динини вужудга келиши ва қарор топиши билан амалга ошиди. Шунинг учун Муҳаммад ибн Абдуллоҳ-дин даъватчиси ва давлат арбобидир.

### **Таянч сўзлар:**

- |               |                 |                         |
|---------------|-----------------|-------------------------|
| 1. Жоҳилия    | 6. Ясраб (Тоиф) | 11. Байтуллоҳ           |
| 2. Ҳаниф      | 7. Сутхўрлик    | 12. «ал-Хажар ал-асвод» |
| 3. Бадавийлар | 8. Макка        | 13. «Зам-Зам» булоғи    |
| 4. Патриархал | 9. Мадина       | 14. Астрология          |
| 5. Хижоз      | 10. Каъбатуллоҳ | 15. «Илми нужум»        |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Жоҳилия даврини изоҳлаб беринг.
2. Исломдан олдинги даврда араб қабилаларининг ҳаёти қандай кечган?
3. Араб қабилаларининг меҳнат фаолияти қандай бўлган?
4. Араб қабилалари қандай динга эътиқод қилганлар?
5. Ўша даврда қандай динлар бўлган?
6. Ҳанифлар ким?

### **Адабиётлар:**

1. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Беруний А.Р. Танланган асарлар 1-том.-Т.: 1968.
2. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи.-Т.: 2004.
3. Мўминов А. ва бошқалар. Диншунослик.-Т.: «Меҳнат», 2004.
4. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи.-Т.: 1992.

## **6-МАВЗУ: ИСЛОМ ДИНИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА МАЪНАВИЙ ҲАЁТНИНГ ЯНГИЛАНИШИ**

### **Режа:**

<sup>1</sup> +уръони карим. Таржимаси ва изошлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Масъул мушаррир Щамидулла Кароматов.-Т.: 2001.-Б. 531.

- Ислом дини пайдо бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт ва шароитлар. Муҳаммад пайғамбар ҳаётлари.*
- Ислом: Макка ва мадина даври.*
- Ислом таълимотининг халқлар маданиятидаги ўрни.*

**Ислом дини пайдо бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт ва шароитлар. Муҳаммад пайғамбар ҳаётлари.**

Ислом дини дунёда кенг тарқалган монотеистик динлардан биридир. Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сомали мамлакатларининг халқлари, Ҳабашистон, /арбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Осиё қитъасидаги Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг бир қисми, Европа қисмида бўлса, Болқон ярим оролида яшайдиган халқларнинг бир қисми динга эътиқод қиласди. Аҳолининг кўпчилиги мутлоқ мусулмонлардан иборат бўлган 10 та мамлакат, ҳатто аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил этган баъзилари ҳам (Миср, Малайзия) 49 % и ўзларини мусулмон деб атайдилар. Яъни уларнинг баъзиларида (Мавритания, Эрон, Покистон, Қамар ороллари) мамлакатларининг номига ислом сўзи қўшиб айтилади. Расмий статистика бўйича, бир неча мамлакатларда аҳолининг деярли барчаси мусулмонлардан иборат 28 та мамлакатда ислом расман давлат дини сифатида тан олинган. Ер юзи аҳолисининг қарийб 1,5 миллиарди исломга эътиқод қиласди.

Шунингдек, ислом Марказий Осиё, Кавказ орти ва Шимолий Кавказ, Волга бўйи, /арбий Сибир ва бошқа худудларда яшовчи аҳоли орасида тарқалган. Ҳозирда исломга эътиқод қилувчиларнинг сони ошиб бормоқда. Айниқса эътиқод ҳақидаги янги қонуннинг қабул қилиниши, вақтли матбуот саҳифаларида, радио эшттиришларда ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида дин мавзуидаги чиқишларнинг кўпайиши, бу ҳақида маҳсус газета ва журналларнинг кенг тарқалганлиги исломга бўлган эътиборни ошириб юборди.

Ислом жаҳондаги айниқса Осиё ва Африка қитъаси маданиятининг умумий қиёфасида муҳим из қолдирган. Бунга энг аввало бу худудларда араб тили ва араб ёзувининг кенг тарқалганлиги ислом мағкураси заминида ишлаб чиқилган муайян турмуш тарзининг ҳукумронлиги мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари шариат томонидан идора этилишига имкон берди. Шунга қарамай маҳаллий маданий анъаналар йўқолмай, яъни ислом йўналишида ривожланган ва кўпинча қадимий мусулмон анъаналари сифатида қабул қилинган. Мусулмонлар маданий мероси миллий озодлик ҳаракати ва ривожланаётган мамлакатларнинг мустақиллик учун кураши жараёнида асосий масалалардан бирига айланди ва ижобий аҳамият касб этди.

Исломнинг пайдо бўлишини таҳлил этиш даврнинг хусусиятлари, араб қабилалари ўртасида ҳукмрон бўлган ижтимоий-иктисодий муносабатларни ва уларнинг диний-ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб чиқиши тақозо этади. Арабистон ярим ороли нокулай иқлим шароитига эга бўлган қум сахролардан ва тоғлардан иборат бўлиб, унинг аҳолиси V-VI асрларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланар эди.

Ярим оролнинг чексиз сахроларида яшовчи кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи араб қабилалари-бундан ҳам оғир шароитда яшар эдилар. Улар тараққиёт жиҳатидан анча орқада қолган, ҳали уруғчилик қабилачилик тузимида эдилар. Ярим оролнинг ғарбий қисмида Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб чўзилган ва қадимдан Ҳижоз деб номланган жойлар бу даврларда бирмунча иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлиб асосан жанубдан шимолга ўтган қадимий карvon йўли билан боғлиқ эди. Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганада VI аср Ямандан шимолга Суря, Миср, Фаластинга олиб борадиган карvon йўли фақат бу давлатларнинг ўзларига эмас, балки жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон, шимолда Суря орқали Миср, Византия ва Эронни ҳам бир-бири билан боғлайдиган ўз даври учун йирик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган савдо йўли эди. Ҳижоздаги айрим аҳоли яшайдиган манзиллар, йўл устида жойлашган Макка, Мадина, Тойиф шаҳарлари II асрда анча ривожланган. Булар шунингдек, кўчманчи араб қабилаларининг савдо муносабатларига жалб этувчи марказлар сифатида ҳам хизмат қилар эдилар.

Макка диний марказ ва савдо маркази сифатида араб қабилалари орасида эътиборлиси эди. Макка марказида жойлашган Каъба исломда энг «муқаддас» ҳисобланади ва «Аллоҳнинг уйи» (Байтуллоҳ) саждагоҳ ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай. Ундаги қоратош (Ҳажар ал-асвод) ва уч юз отмиш санам араб қабилалари эътиқод манбаига айланган. Зиёратга келиш ойлари муқаддас ҳисобланиб, бу вақтлар ичida қабилаларда уруш ва жанжаллар тўхтатилар эди.

V-VI асрларда Маккада Қурайш номли араб қабиласи ҳукмрон бўлиб, қурайшларнинг юқори табақалари савдо-сотиқ билан анча бойиб кетган, бу ерда пул муаммолари, судхўрлик кенг ривожланган. Шунингдек қул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам анча кенгайган эди. Бу даврларда Яманни кўлга киритиш учун Византия ва Эрон ўртасидаги кураш авж олган эди.

Яман сосонийлар ҳукмронлигига ўтган даврлар (572-628) Эрон кўрфази орқали Ҳиндистонга борадиган йўл ривожлана бошлади ва шу муносабат билан Ҳижоз орқали ўтган йўл инқирозга учрайди. Бу ҳол фақат Ҳижоз шаҳарларигагина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатди ва умуман Арабистон бўйича

ижтимоий-иқтисодий таназзулнинг бошланишига сабаб бўлди.

Бундай вазиятдан чиқиш учун Арабистон шаҳарлари ва қабилалари ўртасида мавжуд бўлган тарқоқлик ва келишмовчиликларга хотима бериб, барча араб қабилаларини бир давлатга бирлаштириш, уларнинг тарқоқ бўлган иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона кучга айлантириш зарур эди.

Ижтимоий ҳаёт тақозоси натижасида вужудга келган араб қабилалари ўртасидаги марказлашишга интилиш ҳаракатлари араб жамиятида VI аср охири VII аср бошларида юз берган жиддий тарихий воқеалар асосида ётар эди. Бу интилишни ўзида акс эттирган мафкура ислом дини вужудга келади ва марказлаштирилган араб ҳалифалигининг кенгайиши жараёнида бу дин кучли ғоявий қурол сифатида хизмат қиласи.

Арабчада «муслим» «ўзини Аллоҳга топширган» деган маънени беради. Қуръон вужудга келмасдан илгари, ислом оғзаки тарғиб қилинган даврда бу сўз «Аллоҳ ихтиёрига топшириш» мазмунини берган. Кейинчалик «исломни қабул қилиш», «итоат этиш» мазмунини касб этган. «Мусулмон», «муслим»нинг бир оз ўзгартирилган шаклидир. Аёлларнинг муслима деб тавсифланганларнинг сабабини шундан ҳам билса бўлади.

Диний назарияда ислом Аллоҳ юборган сўнгги мужассам дин эканлиги, Қуръон Аллоҳнинг нозил қилган каломи бўлиб, Муҳаммад пайғамбарга ваҳй тарзида тушган, тиловат ибодат ҳисобланган. Илк ваҳй-диний таълимотга кўра рамазон ойининг йигирма еттинчи кунига ўтар кечаси, милодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси бошланган ва 23 йил давом этган. Ваҳй туша бошлаган тун «Лайлатул қадр» деб атала бошлаган. Бу ҳодиса Қуръоннинг 97-«ал-Қадр» сурасида ифодаланган. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбар тарғиботларини бошлаган дастлабки йилларда жуда оз киши у зотнинг изидан борган. Шу билан бирга қурайшийларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Макка сиёсий ҳокимият тепасида турган зодагонлар ўша даврдаёқ унинг тарғиботига қаршилик кўрсата бошлаганлар. Маккада ахвол жиддийлашгач, Муҳаммад (с.а.в.) Макка хукмдорлари билан рақобатлашиб келган қабилаларнинг вакиллари билан музокаралар олиб борган ва 622 йили уларнинг ёрдамида Мадинага ҳижрат қилинган.


Илк исломни вужудга келаётган қулдорлик тузуми мафкураси, деб баҳолаш тарихий ва илмий жиҳатдан тўғридир. Бироқ ислом тарихидаги айrim масалалар, воқеаларни, хусусан, ҳижранинг сабабларини изоҳлаб бериш учун булар етарли эмас. Чунки, тарихий манбаларга қараганда, Макка зодагонларининг ўзлари биринчи навбатда қулдорлар эдилар. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) саҳобалари, ансорлар эса, аксинча, қисман

савдогарлар ва ўртаҳол кишилардан, кўпчилик қисми камбағал табақаларнинг вакилларидан иборат эди.

Мисрлик мунажжимларнинг ҳисобича ислом динида пайғамбар ҳисобланган Мұхаммад (с.а.в.) 571 йил 21 апрелда Маккада қурайш қабиласининг Ҳошимийлар авлодидан бўлган Абдуллоҳ ва Омина хонадонида туғилди. Мұхаммад (с.а.в.) ёшлигига етим қолган, аввал бобоси Абу Муталиб сўнг амакиси Абу Толиб қўлида тарбияланади. Балоғатга етгач савдогорлар орасида хизмат қилиб, 24 ёшида бева бой аёл-Ҳадичага уйлангач, унинг маблағлари билан мустақил савдогорлик қила бошлаб, жуда кўп давлатларга борган. Мұхаммад (с.а.в.) 610 йили қирққа кирганда Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот юргизган.

У тарғибот бошлаган дастлабки йилларда, нисбатан жуда оз киши (Ҳадича, Абу Бакир, Талҳа, Зубайр, Усмон ва қариндошлари, айrim савдогорлар) бу тарғибот изидан борганлар. Шунинг билан бирга ўша даврдаётқ қурайшларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида турган бадавлат задагонлар бу тарғиботга жиддий қаршилик кўрсата бошлаган. Мамлакатда ахвол жиддийлашганлигини кўриб Мұхаммад (с.а.в.) Мадинадаги Аус ва Ҳазраж номли қабилаларнинг вакиллари билан музокара олиб бориб Мадинага кўчиб кетган.

622 йили юз берган бу кўчиш (арабча «хижрат»)дан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Маккадан кўчиб борганлар ислом тарихида «Муҳожирлар» (кўчиб келганлар), Мадиналик қабилалардан исломни қабул қилганлар эса «сансролар» (ёрдамчилар) деб ном олган<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. «Ўзбекистон миллый энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004, -Б. 173

**Ислом: Макка ва Мадина даври.** Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в) Уларнинг ҳошимийлар хонадонидан эканлиги, Маккада ҳукмрон бўлган бадавлат зодагонлар-уммавийлар хонадонига мансублиги, бу икки хонадон ўртасида бирмунча вақтлардан буён сиёсий ва иқтисодий рақобат ҳукм сурғанлиги тарихий манбалардан яхши маълум. Бундай шароитда Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) ҳошимийлар хонадонининг илгари обрўсини тиклаш учун харакат қилган. Шунинг учун ҳам Макка зодагонлари билан Мұхаммад ўртасидаги қарама-қаршиликни, биринчи навбатда, бадавлат қурайш қабиласи хонадонларининг ички рақобати, улар ўртасидаги хонадон обрўйи ва ислом тарғиботи учун қурашнинг намоён бўлиши, деб тавсифлаш мумкин.

Макка зодагонлари манфаатига зид тарғибот олиб борган Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.)ни таъқиб этиш кучайган. Айникса, ўзи мажусий бўлса-да, унга ҳомийлик қилган амакиси Абу Толибнинг вафотидан кейин Мұхаммад пайғамбарнинг ҳаёти хавф остида қолган. У ўзига содик барча кишилар билан Ҳижазнинг шимолида жойлашган, унинг даврида «Мадина» яъни шаҳар деб қайта номланган Ясриб шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлган. Қуръон оятларининг мазмунига қараганда, бу кўчиш анча вақт давом этган. Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) орқасидан одамлар бирмунча вақт давомида гурух - гурух бўлиб келиб турғанлар.

Мадина шаҳрида Мұхаммад тарғиботини қўллаб-қувватлаган ва унга эргашган мухожир ва ансорлардан иборат мусулмонлар жамоаси (Умма) вужудга келган. Бу жамоага Мадина арабларининг аъзо бўлиб кириши ҳижрийдан кейинги йилларда давом этган. Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) катта қучга айланган жамоага раҳбарлик қиласр экан, ўз тарафдорларига расул-Аллоҳнинг элчиси, одамларга илоҳий йўл-йўриқ ва қонунларни етказувчи пайғамбар бўлиб танила бошлаган.

Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) бошлигидаги Мадина шаҳри араблари маккаликларни ҳам исломга бўйсундириш, бу икки шаҳар ўртасидаги келишмовчиликка чек қўйишни асосий мақсадларидан бири қилиб қўйган эдилар. Шу муносабат билан 624 йилда Бадр кудуқлари олдида, 625 йилда Ухуд тоғи этагида жанглар бўлган.

Маккаликлар 626 йилда мадиналикларга узил-кесил зарба бериш мақсадида Мадина жамоасига қарши йирик сафарга отланишган. Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) Мадинани узоқ қамал шароитига тайёрлаган, шаҳар атрофига чуқур ҳандаклар қазилган ва у ерларга камончи ўқчилар жойлаштирилган. Аммо Мадинани қамал қилиш

узоққа бормаган, чунки босқинчиларнинг кўпгина отлари ҳандақларга тушиб кетган, қишининг совуғи, изгирин шамолига қамалчилар бардош беролмадилар, аксинча, уларнинг ўzlари ўртасида низо чиқа бошлаган. Мадина қамалининг бекор қилиниши, Мадина жамоасини янада жипслаштирган, унга янгидан-янги бадавлат қабилалар келиб қўшилган. Натижада мусулмонлар жамоаси тез кенгайиб ва кучайиб борган, у ерда қабилалар бирин-кетин ислом динини қабул қила бошлаганлар. Мадинадаги мусулмонлар жамоаси қисқа вақт ичида кичик, лекин кучли давлатга айлана борган. Муҳожир ва ансорлар орасидан бир гурухи Мұхаммад пайғамбарга яқин турар, унинг маслаҳатчилари ҳисобланар эди. Булар ислом тарихида «саҳобалар» ёки «асҳоблар» деб ном олган.

628 йили мусулмонлар жамоаси учун айниқса муҳим бўлган бир воқеа юз берган. Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) ҳали ҳам Каъбани муқаддас деб эътироф этишни намойиш қилиш мақсадида бир гурӯҳ мусулмонлар билан бирга, барча қабилалар ҳажга борадиган мавсумда Маккага жўнаган. Аммо унинг келишидан шубҳага тушган уммавийлар Маккадан анча нарида-Худайбия водийсида уни тўхтатган. Музокаралар бошланиб, ўртада шартнома тузилган. Шартномага асосан мадиналикларга келаси йилдан бошлаб ҳажга келишга ижозат берилган. Шартнома тузилган вақтда Мұхаммад ва унинг ҳамроҳлари орқага қайтиб кетишини, маккаликлар эса, ўз навбатида, келаси йилдан бошлаб мадиналикларнинг ҳажга келиши учун шароит яратиб беришни ўз зиммалариға олганлар. Шундай қилиб, «Худайбия сулҳи» деб ном олган бу хужжатда Макка зодагонлари Мадина мусулмонлар жамоасини мустақил давлат сифатида биринчи марта эътироф этишга мажбур бўлганлар.

Бундан кейинги давр мобайнида Мадина давлати янада кучайган, атрофдаги араб қабилалариға қарши юришлар қилиниб, уларнинг кўпчилиги бўйсундирилган. Бу давлатнинг мавқеи Маккага нисбатан жиддий равишда кучая борган. Натижада Макка зодагонлари Мұхаммад пайғамбар билан келишиш йўлларини излай бошлаганлар.

629 йил охирларида маккаликлар раҳбари Абу Суфён махфий равишида Мадинага келган ва Мұхаммад пайғамбар билан музокара олиб бориб, агар у Макканинг диний марказ бўлиб қолишига рози бўлса, шаҳарни мусулмонларга жангсиз топширишга рози эканлигини билдирган. Мұхаммад пайғамбар бунга рози бўлган ва ўртада хуфёна шартнома тузилган.

630 йил баҳорида Мадина қўшинлари Маккага яқинлашганлар ва ҳеч қандай қаршиликсиз шаҳарга кириб борганлар. Зодагонлар Мұхаммад пайғамбарни пешвоз чиқиб кутиб олганлар. Шу вақтдан бошлаб у билан Макка ҳукмронлари ўртасидаги рақобат ва қарама-

қаршиликлар тутаган. Улар Мұхаммад пайғамбарнинг яқин ёрдамчилариға айланиб, мусулмонлар давлатида юксак лавозимларни эгаллай бошлаганлар.

Мұхаммад пайғамбар ҳижрий 11-йилнинг рабби-ул-аввал (632 йил июн) ойида Мадинада 63 ёшда вафот этган. Бу даврда анчагина мустаҳкам мусулмон давлати вужудга келган; у Яманда Сино яrimоролигача, Қизилденгиз соҳилларидан марказий қум саҳролари-Саҳрои Кабиргача чўзилган катта ҳудудни ўз ичига олган эди. Мұхаммад вафотидан кейин ўринbosарлари-халифалар давлатни бошқара бошлаганлар. Шу муносабат билан мусулмонлар давлати ўзининг бундан кейинги тарихида «Араб халифалиги» деб ном олган. Мұхаммад вафот этган биринчи кунларданоқ мусулмонлар жамоасининг йўлбошчилари ўртасида ҳокимият учун кураш ва ўзаро ихтилофлар бошланган. Бу курашда муҳожирлар гурухи ғолиб чиққан ва Мұхаммаднинг илк Сафдошларидан бири Абу Бакр халифа деб эълон қилинган.

Абу Бакр (р.а.) ҳукмронлигининг (632-634 йиллар) дастлабки йиллариданоқ бир қатор араб қабилалари ўртасидаги келишмовчиликни тартибга солиш учун ҳаракат бошланган. Бундан ташқари, айрим жойларда ўзини пайғамбар деб эълон қилган маҳаллий тарғиботчилар раҳбарлиги остида исломга қарши диний-ғоявий мустақиллик учун кураш бошланган. Византияning кучсиз қўшинлари жиддий қаршилик кўрсатишга ожизлик қилганлар. Халифа Умар замонида истилолар янада кучайган; 634 йили Басра, 640 йили Қуддуси Шариф олинган ва Фаластин, Сурия ерлари тўла равишда халифалик қўлига ўтган. Шу вақтнинг ўзида Месопотамия ва Эронга ҳам юришлар бошланган. 637 йили араб қўшинлари Сосонийлар пойтахти Ктесифонга бостириб кирганлар, 644-645 йиллар Ҳиндистон чегаралариға яқинлашганлар. 639 йилда Мисрга қарши ҳужум бошланган, шимолий ва шимолий-шарқий томонга юриш бошланган араб қўшинлари 640 йилда Арманистонни босиб олганлар, 647 йилгача араблар Шимолий Африка қирғоқларини Тунисгача босиб олганлар.

Улардан кейинги халифалар-Усмон (644-656) ва Али (656-661) замонларида ҳам истилолар давом этган. Кавказ ва Марказий Осиё томонига нисбатан ҳарбий юришлар кучайган. Қисқа вақт ичиде Грузия, Озарбайжон, Эроннинг шимолий қисми, Хурросон, Марв ерлари араблар кўл остига ўтган ва халифалик қўшинлари Амударё соҳиллариға чиққан. Шундай қилиб, 30 йилдан озроқ муддат ичиде араб халифалиги юқорида эслатилган юртларни, ўша замондаги энг катта империя бўлган Византияга қарашли катта территорияни ҳам босиб олган, сосонийлар империясини томомила йиқитган.

Натижада Амударё соҳилларидан Шимолий Африкагача,

Тбилисдан ва Дарбанддан Яман ҳамда Уммонгача чўзилган янги империя вужудга келган. Осонлик билан эришилган ғалабаларнинг асосий сабаби уларга жиддий қаршилик кўрсатадиган кучнинг йўқлигига, борларининг ҳам тарқоқлигига эди. Қадимий империялар-Византия ва Эрон ўзаро урушлар туфайли ҳолдан тойган эди. Шимолий Хиндистон, Марказий Осиё ва Кавказда ҳам йирик давлатлар йўқ эди; майда феодал давлатлар ўзаро урушлар натижасида кучсизланган ва тарқоқ ҳолда эди. Шунинг учун ҳам араб қўшинлари нисбатан қисқа давр ичида ана шундай катта худудларни босиб олишга муваффақ бўлган эдилар.

**Ислом таълимотининг халқлар маданиятидаги ўрни.** 630 йили Мадина қўшинлари Маккани қаршиликсиз эгаллайдилар. Уммавийлар билан рақобат тугаб, улар Мухаммад пайғамбарнинг яқин ёрдамчиларига айланадилар. Ислом Арабистон ярим оролининг асосий ҳукмрон динига айланади. Шундай қилиб, Мухаммад (с.а.в.) ислом байроғи остида араб қабилаларини бирлаштириб ягона марказлашган мамлакатни ташкил этади.

Мухаммад (с.а.в.) вафотидан кейинги даврларга келиб анчагина мустаҳкамланган мусулмонлар давлати вужудга келган ва бу давлат Яманда Сино ярим оролигача, Қизил денгиз соҳилларидан марказий қум сахроларигача чўзилган катта худудни ўз ичига олади. Пайғамбар вафотидан кейин халифалар (ёрдамчилар) давлатни бошқарадилар ва шу муносабат билан мусулмонлар давлати ўзининг бундан кейинги тарихига «араб халифалиги» деб ном беради. Мухаммад (с.а.в.) вафот этгандан кейинги биринчи кунлардаёқ мусулмонлар жамоаси йўлбошчилари ҳокимият учун кураш бошлайдилар. Бу курашда муҳожирлар гуруҳи ғолиб чиқади ва халифалик давлатини чориёрлар бошқаради. Абу Бакр ҳукмронлигининг дастлабки йилларида бир қатор араб қабилалари ўргасида Мадина ҳукмронлигига қарши ўз мустақиллиги учун ҳаракат бошланади. Бу воқеалар диний манбалар «ар-ридда» деб ном олган. Ислом тарихида Мадина ҳукмронлигига қарши бош кўтарган қабилалар ҳаракати «исломдан чиқиш», «диний қайтиш» деб таърифланган. Диндан қайтган кишилар қаттиқ таъқиб қилинган.

Кейинги халифалар замонларида ҳам истилолар давом этади. Кавказ ва Турон томонига юриш кучаяди. Қисқа вақт ичида Грузин, Озарбайжон, Эроннинг шимолий қисми, Хурросан, Мавр ерлари араб қўл остига ўтади ва халифа қўшинлари Амударё соҳилларига чиқади.

Бунинг натижасида Амударё соҳилларида Шимолий Африкагача Тбилиси ва Дарбанддан Яман ва Усмонгача чўзилган империя вужудга келади. Қисқа вақт ичида араб қўшинларининг бундай енгил ғалаба қозонишининг сабаби нимада деган савол туғилиши табиий. Араб

қўшинларининг яхши ташкил қилинган ёки юқори ҳарбий техникага эга бўлган деб айтиш тўғри бўлмайди, чунки бу қўшинлар бадавийлар ва бошқа ҳар хил қабилалардан тузилган бўлиб, ўз замонида маълум бўлган ҳарбий санъат ва техника даражасидан ҳам анча орқада туарар эди. Осонлик билан эришган ғалабаларнинг асосий сабаби бу даврда араб қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатадиган кучнинг йўқлиги эди.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётига исломнинг кириб келиши билан калом, яъни ислом фалсафасини ва диний талабларни бажаришда араб тили устиворлиги ўрнатилган. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа ва маданиятнинг турларига ҳам араб тили таъсири кучли бўлган. Аммо маҳаллий халқлар исломдан анча олдинроқ ўз она тилларида ёзувни, маърифату-маданиятини, илм-фанни ривожлантиришга муваффак бўлганлар. Бу жараён кейинчалик исломнинг таъсирида янада ривожлантирилган. Масалан, кишиларнинг турмуш тарзи ислом талабига мослаша борган, урф-одат ва маросимлар диний тус олган, ёшларга билим бериш учун кўплаб мадрасалар, қироатхоналар ташкил этилган.

Демак, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида илм-маърифат ва маданиятнинг ривожланишида исломнинг ижобий рол ўйнаганини эътироф этишимиз лозим. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши, олим, шоир, маърифатпарвар мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида исломнинг ижобий роли бор десак хато қилмаймиз.

Ислом Ўрта Осиё халқлари турмуш тарзига, маданиятига турли қирраларада ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, меъморчилик ёдгорликлари - мадраса, масжид, мақбара ва бошқа исломий обидаларни қуришда, илм-фан, маданият ва маърифатни тарғиб қилишда айниқса мусулмонларни юксак ахлоқий руҳда тарбиялаш ўз ифодасини топган. Ганчлардан турли шакллар ясадб ёпиштириш кабилар ҳам халқ ижодий қадриятига мансубдир.

Исломда, энг аввало, дин асослари-«аркон-ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик руҳи талабларини бажаришни талаб этилган. Ҳозир ҳам шундай. Булар, биринчи, калимаи шаҳодатни билиш; иккинчидан, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш, учинчидан ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиш; тўртингидан, йилига бир марта шахсий молидан закот бериш; бешинчидан, имкон бўлса, умрида бир марта ҳаж қилишдан иборат. Исломга хос маросимлар ва одатлар мана шу беш руҳи билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари халқлар турмуш тарзига киритилиб, ўзига хос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айлантирилган.

### Таянч сўзлар:

1. Уруғчилик

6. Ансорлар

- |                   |                  |
|-------------------|------------------|
| 2. Қабилачилик    | 7. Сосонийлар    |
| 3. Байтуллоҳ      | 8. Хориҷийлар    |
| 4. Ҳажар ал-асвод | 9. Модернизм     |
| 5. Мухожирлар     | 10. Традиционизм |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ислом қачон ва қандай шароитда шаклланди?
2. Янги дин даъвати қачон бошланган?
3. Мұхаммад пайғамбар ҳаёти ҳақида нима биласиз?
4. Макка ва Мадина ҳақида нима биласиз?
5. Ислом ҳалифалик давлатини Мұхаммад пайғамбардан сўнг кимлар бошқарган?
6. Макка ва Мадина ўртасида қандай жанглар содир бўлган?

### **Адабиётлар:**

1. Ислом. Энциклопедия.-Т.: 2004.
2. Хасанов А. Макка ва Мадина тарихи.-Т.: 1992.
3. Большаков О.Г. История Халифата. Ислам в Аравии (570-633)-М.: 1989.
4. Фалсафа. Қомусий луғат.-Т.: 2004.
5. Мўминов А. ва бошқалар. Диншунослиқ.-Т.: «Меҳнат», 2004
6. Абдусамедов А. Динлар тарихи.-Т.: 2004.
7. Ҳусниддинов З.М., Абдусатторов А.А. Ислом динидаги оқимлар: хориҷийлик ва шиалик. Тошкент ислом университети, 2003.

## **7-МАВЗУ: ИСЛОМ: ҚАДРИЯТЛАР, МА ННВИЯТ ВА МА РИФАТ**

### **Режа:**

1. *Исломий қадриятлар тарғиботи.*
2. *Политеизмдан монотеизмга ўтиши давридаги араблар ма ннавияти*
3. *Ислом ма ннавияти ва ма рифатининг шахс ва жамият муносабатларига таъсири*

**Исломий қадриятлар тарғиботи.** Биз юқорида исломнинг вужудга келиши ҳақида батағсил фикр юритиб шу холосага келдикки, бу ҳодиса араб халқлари тарихида ғоят катта ижтимоий, тарихий аҳамиятга эга бўлган. Мавжуд уруғчилик-қабилачилик тузумидан синфий жамиятга ўтилган. Марказлашган ҳалифалик давлати вужудга келган. Натижада ҳалифалик таркибиға кирган юзлаб халқлар ва элатлар араб тили ва ўрта аср араб маданиятини, ислом қадриятларини ёйишга самарали ҳаракат қилган.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётига исломнинг кириб келиши билан калом, яъни ислом фалсафасини ва диний талабларни бажаришда араб тили устуворлиги ўрнатилган. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа маданиятининг турларига ҳам араб тилининг таъсири кучли бўлган. Аммо маҳаллий халқлар исломдан анча олдинроқ ўз она тилларида ёзувни, маърифату-маданиятни, илм-фанни ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Бу жараён кейинчалик исломнинг таъсирида янада ривожлантирилган. Масалан, кишиларнинг турмуш тарзи ислом талабига мослаша борган, урф-одат ва маросимчилик диний тус олган, ёшларга билим бериш учун мактаблар очилган, руҳоний кадрлар тайёрлаш учун кўплаб мадрасалар, қироатхоналар ташкил этилган.

Демак, Ўрта Осиё халқлари ҳаётида илм-маърифат ва маданиятнинг ривожланишида исломнинг ижобий рол ўйнаганини эътироф этишимиз лозим. Бу худудда исломнинг халқ ҳаётига кириб келган давридан бошлаб ташкил этилган мактаб, мадраса ва диний дорилфунунлар савдо ва билимга йўл очган. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши, олим, шоир, маърифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида исломнинг ижобий роли бор десак хато қилмаймиз.

Ислом Ўрта осиё халқлари турмуш тарзига, маданиятига турли қирраларда ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, меъморчилик ёдгорликларини олиб қўрайлик. Мадраса, масжид, мақбара ва бошқалар дин манфаати йўлида қурилган ва унга хизмат қилган. Аммо у иншоатларни халқ қурган, халқ ижодига боғлиқ маданий бойлик эканлигини биламиз. Шунингдек, халқлар орасида шахсий уйларни қуришда уй пештоқларини, устунларини, эшикларини ўймакорлик қилиб ишлаш, ганчлардан турли шакллар ясадб ёпиштириш кабилар ҳам халқ ижодий қадриятларига мансубdir.

Исломга хос маросимлар ва одатлар энг аввало, дин асослари-«аркон-ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик руҳи билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари халқлар турмуш тарзига киритилиб, ўзига хос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айлантирилган. Бу руқнларнинг ҳар бирига қисқа-қисқа изоҳ бериб ўтамиз.

Исломнинг руқнларидан бири-ташаҳхудни-калимаи тойийбани билиш, яъни Аллоҳнинг бирлиги ва пайғамбар Мухаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчиси эканлигига чин дилдан икрор бўлиб, бу калимани доим такрорлаб юриш зарур деб ҳисобланади. Авваллари калимаи тойийба, ёки шаҳодат араб тилида айтилган бўлса, ҳозирги пайтда ҳар бир мусулмон Аллоҳга эътиқод қилишнинг бу руқнини ўз тилида айтмоқда.

Ислом ўз муҳлисларидан кунда беш вақт намоз ўқишини талаб

қилади. Булар-бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозларири. Намоз ўқишига киришишдан олдин таҳорат қилиш буюрилган. Намоз Аллоҳга ҳамду сано ўқиши, намоздан сўнг ўз ниятларини айтиб, ундан марҳамат тилашдан иборат. Исломда кундалик беш вақт намоздан ташқари, муҳим ишлар олдиндан ҳам худога сифинишни талаб қилади. Яна ислом динидаги киши ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиши керак.

Ҳаж қилиш шўролар даврида жуда чеклаб қўйилган эди. 1991 йилдан бошлаб, бу тадбирга кенг имконият яратилди. Натижада республикамиздан ҳар йили минглаб кишилар ҳажга боришига муваффақ бўлишди. Ҳар йили ҳаж сафарига мусулмонлардан 4000-5000 киши бориб келадиган бўлди.

Исломнинг беш асосий руқнларидан бири бўлган, Ҳаж зул-ҳижжа ойида, Ислом муқаддас шаҳар ҳисобланган Маккага бориш у ердаги Муқаддас жойларни зиёрат қилиб, турли диний урф-одат ва маросимларни бажариш билан Мадинага бориб, Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилиш, Ислом динининг бешинчи амалларини бажаришдир. Бунда мусулмон киши ўз оиласини иқтисодий томонидан таъминлаб, болаларини уйлантириб оиладан иқтисодий томонидан қутилса, ҳаж қилишга қурби етса ҳажга бориши мумкин. Бу Исломдаги бешинчи руқнни бажариш демакдир.

Ҳар бир диннинг ўзига хос маросимлари тизими, байрамлари бўлади. Диний маросимлар диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги ифодасини ташкил этади.

Диний қадриятлар, маросимлар диний тасаввур, эътиқодлар юзага келиши билан пайдо бўла бошлайди. Буларнинг юзага келиши деган ибтидоий одамлар, кейинчалик уруғ ва қабилалар ҳаётидаги муҳим воқеалар-фарзанд туғилиши, балоғатга етиш, якка никоҳли оилалар юзага келгач эса, оила қуриш билан боғлиқ бўлган.

Ислом ёйилган жойларда қурбон ҳайит кенг байрам қилинади. Мусулмон мамлакатларда бу ҳайитга тайёргарлик катта бўлади; масжидда маҳсус ибодат бўлади, ваъзхонлик-амри маъруф қилинади. Ҳайит уч кун давом этади.

Қурбон ҳайити қунлари мусулмонлар ўз ота-оналари, қариялар ва беморларни бориб кўрадилар, уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, ҳурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган молларнинг гўштларидан бир қисмини ўз уруғ-аймоқларига, хусусан кам таъминланган оилаларга, бева-бечораларга тарқатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган моллар гўштидан таом тайёрлаб, худойи шаклида йиғинлар ўтказадилар.

Ҳижрий-қамарий тақвим-календар бўйича шаъbon ойи тугаганидан сўнг рамазон ойи бошланиб, унда 30 кун рўза тутилади. Диний таълимотда мусулмонлардан рўза тутиш жараёнида моҳи

рамазон ибодатини бажариш зарур деб ҳисобланади. Унда Куръон тиловати билан бирга, хайр-эхсонлар, дуою-илтижолар қилинади. Бинобарин, ҳар бир мўъмин-мусулмон бу ойни ғанимат билиб, ўзини астойидил худо йўлига бағишлаб кечаю кундуз тоат-ибодат бирла бир кун ҳам рўза тутишни канда қиласлик керак деб ҳисоблаган. Яна ислом таълимоти мусулмонлардан рамазон ойида Аллоҳдан ўз гуноҳларининг кечишни сўраб, тавба-тазарру қилиш билан бир вақтда инсон учун нохуш бўлган жаҳлу ғазаб, дилозорлик, қўпопликлардан холи бўлиб, хушмуомалалиқ, одамшинавандалиқ, камтаринлик каби фазилатларни ўзига сингдириб бориши зарур деб ҳисобланган.

Ислом таълимотида, рўза ҳақида ёзилган турли диний манбаларда рамазон ойининг мазмуни, аҳамияти, унда мусулмонларнинг бурчи ҳар томонлама изоҳланган. Рўза ойининг ҳар бир кунини эъзозлаш, ифторликка алоҳида эътибор бериш қўзда тутилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) 30 кун рўза ойининг уч даҳага бўлинишини эътироф этиб, уни шундай изоҳлаган: «Бу моҳи шариф шу қадар улуғ бир ойким, унинг биринчи ўн кунлик даҳаси-даҳаи раҳмат деб аталади, яъни Аллоҳнинг раҳмати ўз бандаларига муттасил ёғилиб турадиган кунларидир. Иккинчи ўн кунлиги-даҳаи мағфират, яъни Аллоҳ ўз бандаларининг гуноҳу маъсиятларидан ўтиб авф қилиб юборадиган кунлар. Учинчи ўн кунлиги «итқун минан нор», яъни Аллоҳ ўз бандаларини отashi дўзахдан озод қилиб юборадиган башоратли кунлар».<sup>1</sup>

Рўза тутиш мусулмонлар учун кўп асрлардан буён одат тусига кирган бўлиб, унинг инсон организми учун муайян фойдаси ҳақида илоҳиётчилар фикрлар билдиришган, яъни бир ой давомида рўза тутган одамда «тозаланиш», «покланиш» содир бўлади. Организм ортиқча чиқиндилардан тозаланиб киши руҳи енгиллашади. Шуни эътиборга олиб, диндорлар билан бирга исломнинг барча талабларини тўлиқ бажармайдиган кишиларда ҳам рўза тутишга мойиллик бор.

Рамазон (Рўза) ойи шаввал ойининг 1 кунida рамазон ҳайити-ийд ал фитр ўтказилади. Ҳайитнинг номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, рўза тутмаганлар ҳам, бир ой рўза тутган мусулмонлар ҳам рўзадан сўнг жон бошига қараб фитр рўза беришлари қўзда тутилган. У пул ёки озиқовқат шаклида ночор, кам таъминланган кишиларга масjidга берилади. Бу ҳайит ҳам уч кун давом этади.

Ҳайит кунлари ҳар бир диндор ўтган қунлари учун ўзига-ӯзи ҳисоб бериши, рўза тутмаган ёки уни бузгани учун белгиланган миқдорда намоз ўқиши, закот бериши, муайян кунлар давомида рўза тутиши зарур деб ҳисобланган. Рўза ҳайитни кенг нишонлаш одат,

<sup>1</sup> «Хал= сизи» газетаси. 1991 йил 16 март сони.

анъана тусига кирган. Ҳайитнинг биринчи қуни эрта билан барча масжидларда мусулмон аҳли тўпланиб, ҳайит намозини имом-хатиблар бошчилигига ўқийдилар. Хутба тинглайдилар.

Уч кун ҳайит давомида кишилар ўз ота-оналарини бориб кўрадилар, уларга совға-саломлар топширадилар. Марҳумлар яшаб ўтган уйларга, уларнинг қабрларига бориб дуойи фотиҳалар қиласадилар, баъзан уйларида худойилар уюштирадилар. Бундан ташқари мусулмонлар учун ҳайит кунлари бева-бечораларни бориб кўриш, улар ҳолидан хабар олиш, айниқса муҳим ҳисобланади.

Рамазон ойи тугаган кунлари фитр-садақа (фитр-рўза) ҳар бир жон бошига бир кунлик овқат ҳисобида камбағал, юпун кишиларга йифиб берадилар. Зотан, закот ал фитр айнан шу мақсадда йифиб олинади.

Юқорида айтганимзек, рўза тугашга уч кун қолган тун-«лайлатулқадр» кечасини мусулмонлар тантана билан ўтказадилар.

Рўза кунларининг энг муқаддаси-рамазоннинг мана шу 26 дан 27 га ўтар туни диндор кишилар кўз юммай, арши-аълодан келадиган мўъжизани кутадилар.

Исломда Мұхаммад пайғамбарнинг арши аълога чиқиши-меъреж алоҳида нишонланади. Ривоятларга кўра, Мұхаммад ражаб ойининг 27-кунида ал-Буроқ номли афсонавий отда тунда Маккадан Қуддуси шарифга, сўнг у ердан Аллоҳ тахти-арши-аълога мўъжизали сафар қиласадилар; Аллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлиб, у билан сухбат қурган. Бу сухбат давомида Мұхаммад 99 минг сўз айтган.

Меъреж байрам сифатида Фаластинда халифалар ҳукмронлиги ўрнатилиб, Қуддус шарифнинг муқаддаслиги эътироф этилгач, бу шаҳардаги муқаддас жойлар тавоғ қилина бошлангандан сўнг нишонлаш одат бўлган. Уни нишонлаш даврида мусулмонларга Аллоҳ фақат мустаҳкам эътиқодли бандаларинигина бундай марҳаматига мушарраф қилиши тўғрисидаги фикр сингдирилиб, Аллоҳга ва унинг элчисига садоқат билан хизмат қилиш зарурлиги ишончи улар қалбида мустаҳкамланганди.

Яна бир диний байрам ашуро бўлиб, уни шиа йўналишидаги мусулмонлар нишонлайдилар. Бу байрам яна «шахсей-ваҳсей» деб ҳам аталади. Ашуро-тантанали мотам қуни бўлиб, мусулмон руҳонийларнинг айтишларича, Мұхаммаднинг набираси, халифа Алининг ўғли имом Ҳусайннинг «дин ва адолат» йўлидаги «азобли ўлиши» хотираси учун белгиланган.

Аслида Ҳусайн дин йўли билан бирга ҳокимият талашиб, феодал курашларда ҳалок бўлган. Халифа Али ўлдирилган, унинг ўғли-вориси Ҳасан ҳокимиятни Сурия ноиби Муовияга топширган. Бунинг ўғли ва вориси Язид I эса ислом қоидаларини бузишда айбланган ва унга қарши диний мухолифлик кучайган.

Хусайннинг Куфа шаҳри аҳолисини Язид I га қарши чиқаришга интилиши ҳақидаги хийла-найранги ҳеч қандай самара бермаган ва у 680 йилда Карбало даштида кичик отряд билан ҳалок бўлган.

Ана шу муносабат билан ашурони асосан шиа мусулмонлари нишонлайдилар. Шу куни мутаассиб шиалар ўзларига азоб бериб, жазавага тушадилар. Бундай байрам кишиларнинг аҳволи-руҳиясига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Исломда муқаддас кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни тақводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўтказадилар. Унинг муқаддас кун деб ҳисобланишининг сабабини руҳонийлар қуидагича изоҳлайдилар: Аллоҳ оламни яратишни жума куни бошлаган. Мұхаммад ҳам, Али ҳам жума куни туғилганлар. Мұхаммад 622 йилда Маккадан Мадинага жума куни ҳижрат қилган. Исломнинг «шуъласи» ҳам оламга айнан жума куни тушган. Шу сабабли мусулмонлар жума кунини улуғлаганлар.

Бу кунларда масжидларда Қуръон ўқилади, ваъзхонлик қилинади, диндорлар бўлган хонадонларда худойи ўтказилади. Шу кунлар пайғамбарнинг қилган ишлари тўғрисида ҳикоя қилиш савоб ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ республикамиз мусулмонлари талабини ҳисобга олиб, Президентимиз И.Каримов маҳсус фармон билан диний байрам, жумладан Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайит кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Бу фармонни ҳалқимиз мамнуният билан қувватлади ва ҳайитлар кенг тантана кунига айланди. Худди шунингдек, ҳалқимиз орасида қадимдан нишонланиб келинаётган «Наврӯз», «Қизил гул», «лола сайли», «Бойчечак» каби байрамлар ҳам тикланди; янги-янги боғлар ва истироҳат масканлари барпо этилмоқда; буларни барпо этиш учун умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, асрлар давомида шаклланган бундай диний қадриятлар, байрамлар, ҳалқ сайиллари ва маросимларини бундан буён ҳам ҳалқ орасида кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларга бўлган муносабат маҳаллий ҳалқларнинг кўпчилиги тасаввурида миллий анъана деб қаралиб адо этилади. Бу ўринда миллийлик билан динийлик бирмунча уйғунлашганлигини кўрамиз.

**Политеизмдан монотеизмга ўтиш даврида араблар маънавияти.** Араблар ярим оролида ислом динининг вужудга келиши арафасида «кўп худолик» эътиқоди ҳукм сурган. Уларнинг маънавияти, урф-одатлари, диний маросимлари ҳам ана шу эътиқодга мос равища ифодаланган.

Кўп худолик эътиқоди мазмунига кирувчи қонун-қоидалар бошқа

шарқ халқлари сингари арабларнинг ҳам тарихий тараққиёти-ибтидоий тузумдан бошлаб уруғчилик ва қабила муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланган.

Дастлабки диний ғояларнинг келиб чиқиши ва тараққий этишда инсонларнинг дунёни билиш, хусусан, мавҳум тафаккурнинг ривожланиши муҳим бир босқични ташкил этган. Инсоннинг тафаккури табиат, жамиятдаги нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этиш билан тавсифланади. Ибтидоий жамият аъзоларининг дунёдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлари умумий белги ва хусусиятларни ажратган ҳолда уларга хос умумий тушунчалар яратиш, яъни мавҳумлаштириш қобилиятига эга бўлмаган. Ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичидаги инсонларда воқеаликнинг айрим томонларини мавҳум тарзда тасаввур қилиш имкониятлари вужудга келган. Мавҳум тафаккурнинг бундан кейинги тараққиёти инсон орзу-хаёлларининг мавжуд дунё доирасидан чиқиб, воқеаликдан узоқлашиб қолишга, фикрнинг нарса ва ҳодисадан, онгнинг моддийликдан узоқлашиш имкониятларини вужудга келтирган. Бу ҳол дастлабки диний тасаввурларнинг келиб чиқишига имконият яратган.

Арабистон ярим оролида ислом динини вужудга келиши арафасида уруғ-қабила муносабатлари таназзулга юз тутаётган давр эди. Ибтидоий жамоа тузуми емирилиб, қулдорлик жамиятига ва жамият тараққиётининг кейинги босқичларида ижтимоий ҳаётда, кишилар ўртасидаги моддий ва маънавий муносабатларда, хусусан урф-одат, ахлоқ-одоб, турмуш тарзида муҳим рол ўйнаб ижтимоий ва индивидуал (кундалик) онгда ўз аксини топган.

Диний тасаввурларни шаклланиши ва ривожланишида руҳий (психик) омилнинг ўзига хос ўрни бўлган. Ҳар бир инсон, ижтимоий гуруҳ ва динга ишонадиган одамнинг психик ҳолатлари, чунончи аҳвол-руҳияти, ҳис-туйғуларида содир бўлиб турадиган психик жараёнлар ва уларнинг диний эътиқод механизмлариридир; булар одамда диндорликни ҳосил этишга, у йўқолган бўлса, қайта тиклашга ва диний таълимотларни ўрганиш, ўзлаштиришга қулай руҳий замин тайёрлайди. Булар изтироб, ғам-алам, васваса, жазава, ғурбат, қўрқув, мусибат, фалокат, қулфат каби руҳий кечинмалар оқибатида ҳосил бўлади. Диннинг инсон руҳиятидаги бундай ҳолати икки-шахсий ва ижтимоий қисмларга бўлинади.

Араб қабилаларида турли диний эътиқоднинг шаклланиши илдизи улар ижтимоий-тарихий тараққиётнинг босиб ўтган босқичлари билан боғлиқдир. Тарихан араб қабиласи аъзосининг шахсий диний кечинмалари ва эътиқоди қабила эътиқоди билан яқинлаштирилган ва барча қабила аъзолари учун ягона диний эътиқод санами шаклланган. Албатда ҳар бир қабиланинг эътиқод қиласидиган санами (Худоси) бир

вақтда вужудга келмаган. Улар араб қабилаларининг ижтимоий-иктисодий ва ғоявий эътиқодлари асосида секин-аста шаклланган.

Бошқа халқлар сингари қадимги арабларнинг диний тасавурлари жумласига тотемизм, фетишизм, анимизм, сеҳргарлик (магия) ва ўтмиш аждодлари руҳига сифинишни киритиш мумкин. Улар ибтидоий одамларнинг диний эътиқоди бўлса-да араб қабилалари ҳаётида, хатто уларнинг элементлари ҳозирги замон динларида ҳам учрайди.

**Тотемизм-хиндлар** тилидаги «О тотем» (унинг уруғи) деган сўздан келиб чиқкан. Тотемизм ибтидоий ғоят содда диний эътиқоднинг бир тури бўлиб, қадимги замондаги уруғ-қабила аъзоларининг муайян бир ҳайвон, ўсимлик билан ғайритабиий алоқаси, яқинлиги, қонқариндошлиги бўлган деб, бу ҳайвон ва ўсимликларни муқаддаслаштиришдан иборатdir. Тотемизмнинг муайян кишилар гурухининг табиат, бинобарин, ташқи муҳит билан боғлиқлигини ифодаловчи дастлабки шаклларидан эди. Ҳар бир қабила ёки уруғ ўз шароитини ҳамда имкониятларини кўзда тутиб, баъзи ҳайвонларни овлар ва улар ҳақида етарли маълумотларга эга эди. Бундай ҳайвонларни яқиндан билиш уларнинг уруғ билан яқинлиги ёки қонқариндошлиги бўлса керак, деган тасаввурни келтириб чиқарган. Натижада баъзи ҳайвонлар, кейинчалик эса ўсимликнинг баъзи навлари ҳам муайян уруғ аъзоларининг аждоди-тотемидир, деган тасаввур шакланишига олиб келган. Шу боисдан кейинчалик уруғ аъзолари тотемнинг «ёрдамига» кўз тикканлар, уни муқаддаслаштириб, ўз ҳомийлари деб ҳисобланганлар, сеҳр йўли билан унга таъсир қилишга уринганлар. Тотемга сажда қилинган, у ҳимоя қилинган, эъзозланган, уни отиб ўлдириш, истеъмол қилиш ман этилган. Фақат айrim ҳолларда, яъни тантанали кунларда тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни маҳсус расм-русмга риоя қилинган ҳолда истеъмол қилиш мумкин бўлган. Уруғ аъзоларида шундагина тотемнинг куч-куvvати кишиларга ўтади ва у келгусида ҳам уруғнинг ҳомийси бўлиб қолади деган тасаввур бўлган.

Араб қабилаларида тотемга эътиқод қилишни ҳайвонлар номи билан аталадиган асад (арслон), баҳр (бўталоқ), саълаб (тулки) қабилаларидан билса бўлади.

Тотемларга эътиқод қилиш қадимий барча халқлар учун хос хусусиятлардан бири бўлган. Масалан, тотемизм эътиқодлари туб австрияликларда кенг сақланганлигини уларнинг уруғлари номларидан пайқаш мумкин. Улар уруғларни конкрет ҳайвонлар (кенгуру, оқ ҳўқиз, қора ҳўқиз каби ёки айrim ўсимликлар) номи билан атаганлар.

Тотемизмнинг элементларини ҳозирги динларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, ҳиндуизм динида фил, сигир, маймун, илон кабилар муқаддас ҳайвонлар ҳисобланган. Ўзбекларда қалдирғоч, мусича,

лайлақ, кўк қарғани муқаддас қушлар деб эъзозлаш ҳам тотемизмнинг кўринишларидан биридир. Марказий Осиё халқларида, шу жумладан ўзбекларда мучалга қараб вақт ҳисобини чиқариш тотем эътиқоди билан боғлиқдир. Масалан, ота-боболаримизда одамларнинг ёшини яъни туғилган кунидан бошлаб қанча яшаганлигини мучал орқали, муайян ҳайвон номлари билан аталган йил ҳисобидан келтириб чиқариш одати бўлган.

Мучал мўғул, хитой ва бутун туркий халқларда кенг тарқалган йил ҳисоби бўлиб, унда йил ойлари 12 ҳайвон номи билан аталади: сичқон (муш), мол (гав), йўлбарс (паланг), қуён (харгўшт), балиқ (наҳанг), илон (мор), от (асп), қўй (гўсфанд), маймун (ҳамдуна), товуқ (мурғ), ит (сак), тўнғиз (хўк) шулар жумласига киритилган.

Халқимиизда, айниқса мусулмонларда тотемнинг элементларидан бўлган мучалга эътиқод қилиш ҳали ҳам қисман давом этмоқда.

**Анимизм**-(лотинча-анимус-жон, рух демакдир) қадимги замон динларидан бири, киши руҳининг мавжудлигига ишонишдан иборат. Анимизм табиатдаги буюмларни илоҳийлаштириш, ҳар бир жисмда рух бор, танадан ташқари ҳам жон бор, деб ҳисобланади.

Анимистик тасаввурлар барча халқлар тарихидаги динларда жон ва рух ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланишида маълум рол ўйнаб келган. Анимизм ҳар бир кишида унинг ҳаёти ва онгининг манбаи бўлган жон бор, деб талқин қилган. Дастраски анимистик тасаввур жонни соя ёки нафас билан айнан, деб билар эди. Масалан, Шимолий Америка халқларида соя билан жон, қадимги арабларда жон билан қон, Гренландияда эса нафас олиш билан жон битта ном билан аталади. Анимизм одамда олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, предмет ва ҳодисалар хусусиятларини чуқур ўрганиш, жон ва руҳларнинг тирик деб топган. Шу даврда жоннинг ўлмаслиги ҳақидаги тасаввур пайдо бўлган. Чунки қадимги одамлар ўз таналарининг тузилиши тўғрисида тўлиқ бир тушунчага эга бўлмай, ҳатто уйқу ва туш қўришнинг сабабларини ҳам изоҳлай олмаганлар. Шундан сўнг ибтидоий одамлар инсон танасини бошқарадиган қандайдир алоҳида бир куч бўлиб, одам ўлгандан сўнг у куч, яъни жон танадан чиқиб кетади деган тасаввур ҳосил бўлган. Натижада жоннинг танани тарқ этгандан кейинги фаолият қандай кечиши ҳақида ўйлай бошлаганлар. Ибтидоий одамлар ўзларини табиатдан ажратиб қўймаганлар. Шунинг учун улар ўзлари билан бир қаторда ҳайвон, ўсимлик, ҳатто меҳнат қуроллари, кейинчалик, сув, ўрмон, момақалдироқ ва бошқаларда ҳам жон бор, деген тасаввурларни келтириб чиқарганлар. Профессор А.Хасанов араблардаги жоҳилия даврини изоҳлаб шундай дейди: «Баъзи будавий қабилалар қадимги мисрликлар сингари инсон вафотидан сўнг унинг «Жони» яшашда давом этишига ишонганлар. Мархумнинг гўрига туюни сўйиб кўмиш

ҳоллари бунга мисол бўла олади. Анимизмнинг бир тури сифатида «жин», «ажина» тушунчаси ҳам қадимги арабларда кенг тарқалган».<sup>1</sup> Буни фанда гилозиизм деб атайдилар.

Жон ва руҳларга ишониш барча динларга хосдир. Диндорларнинг фикрича, жон барча кишиларда бўлиб, худо энг олий руҳ ҳисобланади. Фаришта, шайтон кабилар ҳақидаги тасаввурлар ўз моҳиятига кўра мураккаблаштирилган анимизмдир. Одам ўлганидан сўнг танадан чиқиб кетадиган жон бор, деган тасаввур чуқурлаша борган. Демак, одам ўлганда жон чиқиб кетиб, яшай берар экан, унинг ўзи абадий яшайди деган тушунча пайдо бўлган. Абадий руҳ тўғрисидаги тасаввур ана шу йўсинда шаклланган. Руҳларга ишониш арвоҳларга ишонишни келтириб чиқарган. Арабларда ҳам ўтмиш аждодлари руҳига сифиниш, уларни диний эътиқодида кенг ўрин олган.

Жон ва руҳларни ўлмаслиги ҳақидаги қадими анимистик тасаввурларнинг элементлари ҳозирги барча динларда сақланиб қолмоқда. Масалан, диндорлар тасаввурларида ўлган кишиларнинг арвоҳини йўқлаш, уларни тирик одамлар сингари ҳамма нарсадан хабардор, деб тушуниш мавжуд. Шу туфайли жон ва руҳларга атаб қурбонлик, хайр-худойи қилиш, садака бериш одатлари ҳамон учраб турди. Баъзан мурдани кийимлари билан дағн этиш, ёнига сув, овқатлар қўйиш одатлари ҳам анимизмнинг кўринишидир. Ўзбекларда арвоҳлар ҳақидаги тасаввурлар, уларни эслаб пайшанба оқшоми арафасида чироқ ёкиш, қабристонларга бориб Қуръон сураларидан ўкиш анимизмга бўлган эътиқодининг шаклларири.

**Фетишизм**-(фетиш-француз тилидаги «фетико»-ясалган тумор, бут, санам даган сўзлардан олинган) моддий буюмларда ғайритабии хусусиятлар борлигига ишониб, жонсиз нарсаларга сифинишdir. Ибтидоий одам онгода ҳар хил моддий буюмлар-тоғ, қоя тош, дарахт, кейинчалик турли ҳайвонларнинг суяги, пати, тумор, санам ва ҳоказоларда ғайритабии кучлар бор, деган тасаввур пайдо бўлган. Ўзлари вужудга келтирган бундай кучларга ўзлари сифина бошлаганлар. Ибтидоий дин шаклларидан бири бўлган фетишизм барча халқларда диний тасаввурлар шаклланиши билан узвий боғлиқдир. Араб қабилаларининг турли моддий нарсалардан ясалган санамлари фетишизмнинг яққол намунасиdir.

Фетишизм политеистик (кўп худолик), хатто монотеистик (якка худолик) динларида ҳозиргача сақланиб келмоқда. Масалан, христианларда крестга (бутга) сифиниш, мусулмонларнинг эса турли ўсимлик турларини-седана, кўзтикан, қалампирмунчоқ, аччиқ қалампир, исириқ, чилонжийда, дарахтлардан-ёнғоқ, чинор, арча ва бошқалар

<sup>1</sup> Хасанов А. Макка ва Мадина тарихи.-Т.: «Мешнат», 1992.-Б. 47.

муқаддаслаштириб, бошқа буюмларга, шу жумладан одамларга таъсири ёки ёрдами бўлиши мумкин деган тасаввур пайдо бўлган. Бундай хусусиятни тоғ-тошларга, турли буюмларга ҳам хос деган ғайритабиий фикрлар шаклланган.

Арабларда исломгача мавжуд бўлган кўпхудолик даврида санамларни ясаш ва уларга сифиниш ҳам фетишизмнинг кўринишидир. Манбаларнинг кўрсатишича, масалан, Қурайшларнинг Каъба ичкарисига ва атрофига қўйилган санамлари орасида энг буюги ва машҳури Хубол эди. У қизил ярим қимматбаҳо тошдан ясалган қўлсиз шаклдаги инсон бўлиб, қурайшлар унга олтин қўл улаганлар,<sup>1</sup> ўzlари эса унга сифинганлар.

Фетишизм диннинг ибтидоий ажралмас қисмидир. Ҳозирги вақтда баъзи соддадил, мутаассибларнинг турли тумор, кўзмунчоқ ва ҳоказоларни тақиб юришлари, дараҳтларга латта-путталарни осиши, ис чиқариши шундай жисмларни илоҳийлаштириш, уларнинг мўъжизавий кучига ишониш фетишизм диний эътиқодининг энг характерли кўриниши ва қолдиғидир.

**Шомонизм-ибтидоий** жамоа тузум емирилиши даврида пайдо бўлган анимистик эътиқод ва ибодатнинг кенг доирасига кирадиган қадимги диний эътиқодлардан бири. Унинг ўзига хос хусусияти-кишилар орасида турли рухлар билан муносабатда бўла оладиган шомонлар қобилиятига ишонишдир. Шомонларга, шунингдек, келажакни олдини айтиб бериш, касални даволаш, ўлганларни охиратга кузатиш, табиатда хоҳлаганча ўзгартириш қилиш каби хусусиятлар киради. Кўпхудолик эътиқоди ҳукм сурган араб қабилаларида шомонликнинг рух билан одам ўртасидаги алоқани тиклаш, муносабатларини ўрнатиш ҳиссиёти каби ҳаракатлар мавжуд эди. Ўтмишда шомонларнинг рух билан алоқаси шомон дўмбираси ёки мўъжизавий мусиқа ижросида турли расм-русларни бажариш жараённида жазаваси тутиб, ҳолдан тойганча бажарилган. Шомонизм ўтмиш динлар саркити сифатида баъзи ҳолларда учраб туради.

**Магия** (сехргарлик)-инсонга, ҳайвонга ёки табиат ҳодисаларига ғайритабиий йўл билан таъсир кўрсатиш мақсадида бажариладиган хатти-ҳаракатдир.

Сехргарлик ҳаракатининг шакллари турлича бўлиб, улар турмушининг ҳар хил соҳаларида қўлланган. Муҳаббат магияси, даволаш магияси, ишлаб чиқариш магияси, душманни енгиш магияси каби сехргарлик ибодат ва ҳаракатлар анча кенг тарқалган. Мехнат билан боғлиқ бўлган магик ҳаракатлар ибтидоий одамлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаган, яъни улар тирикчиликка керак бўлган

<sup>1</sup> +аранг: Хасанов А.-Б. 49.

нарсаларни топишдан олдин шу буюм ёки ҳодисага боғлиқ бўлган магик ҳаракатларни бажарганлар.

Ишлаб чиқариш муваффакиятига бағишлиланган сехргарлик ҳаракатлар, ишлаб чиқариш харakterига қараб, турли шаклларда ва ҳар хил мақсадларда ўтказилган эди. Ибтидоий жамоа аъзоларининг умумий манфаатига хос бўлган бундай ҳаракатларнинг элементлари араб қабилаларида ҳам учрар эди.

Исломдан олдин араб қабилаларида ибтидоий дин шакллари элементларига эътиқод қилишдан ташқари тоғ, сув, бўрон, қуёш момақалдироқ худоси каби тасаввурлари бўлиб, уларга ҳар бир қабила ўзига хос даражада эътиқод қиласр эди.

Исломдан олдин Арабистонда шунингдек, яхудий ва христиан жамоалари бўлганлиги тарихдан маълум. Уларнинг араб қабилалари ёки жамоалари билан яқин алоқада бўлиши фақат меҳнат фаолиятларидағи ўзаро алоқалари бўлмасдан, балки диний тасаввурларида ҳам бир-бирларига таъсири бўлган. Масалан, Фаластин ҳудудида қадимги замонларда деҳончилик ва чорвачилик билан шуғулланган кўчманчи яхудий қабилалари яшаган. Бу қабилаларда араблар сифатида анимизм, магия, фетишизм, сехргарлик ва турли ўсимлик ҳамда ҳайвонларга сифиниш ҳукмонлик қилган. Яхудий қабилалари ўзларини муайян ҳайвонларнинг номлари билан атаганлар. Иудаизмнинг «муқаддас» китоблар тўпламида ҳайвонларни ва ўсимликларни, табиатдаги даҳшатли, стихияли кучларни, арвоҳларни ва бошқаларни эъзозлаш излари бор.

Ислом дини пайдо бўлиши арафасида арабларда политеизмдан монотеизмга ўтиш ҳаракати, орзу-иштиёқи бўлганидек, иудаизмда ҳам политеизмдан монотеизмга ўтгунча бир қанча тарихий жараённи бошдан кечирган. Бу жараён ибтидоий жамоа тузумидан қулдорлик жамиятига ўтгунча бўлган даврни ўз ичига олади. Мана шу тарихий даврда яхудий қабилалари қўп худоларга эътиқод қилганлар. Ҳар бир қабиланинг, ҳар бир уруг, ҳатто шаҳарнинг ўз худоси бўлган; моддий олам ҳодисаларининг ҳар бир грухи алоҳида худонинг номи билан боғланган. «Сенинг шаҳарларинг қанча бўлса, худоларнинг шахри ҳам шунчадир», дейилади Таврот ёзувларида. Иудаизмдага маҳаллий авлиёлар ҳисобланмиш Исо (Иисус), Навин, Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак) Ёкуб (Иаков), Юсуф (Иосиф) қабилар бошқа динларда, шу жумладан исломда пайғамбар деб тан олинган.

Арабистон Ярим оролида иудаизм билан бир қаторда монотенистик таълимотни тарғиб қилувчи христиан жамоалари ҳам мавжуд эди. Улар арабистонга таҳминан милодий йилнинг бошларида кириб келган бўлишлари мумкин. Масалан, 471 йилдан эътиборан христиан черковлари Қадимги Шарқ черковлари деб атала бошланган.

Христианликнинг бир тармоғи бўлмиш несторианлар эса, энг аввало, Оссурийлар орасида тарқалгани. Буларнинг диний жамоалари ҳозир ҳам Сурияда, Ироқда, Эронда ва Ҳиндистонда бор.

Арабистон ярим оролида исломнинг вужудга келиши арафасида яхудийлик, христианлик, ҳаттоки зардустийлик ва монизм таълимотлари бу минтақаларда кенг тарқалгани ҳақида ёзма маълумотлар мавжуд. Мазкур динларга эътиқод қилувчи қабилалар билан араб қабилаларининг алоқалари мавжуд бўлиб, бир-бирларига таъсири сезиларли даражада бўлган. Жумладан, меҳнат фаолиятида, савдо-сотик ишларида, ҳаттоки урф-одат, турмуш тарзи, маънавиятининг ривожланишида ўз ифодасини топган.

Арабларнинг исломдан олдинги маънавияти уларнинг яшаш шароити, меҳнат фаолияти, рухияти, дунёқарашининг шаклланиши эса мавжуд полетеистик (кўпхудолик) динлари таъсирида бўлган. Шу нарса аёнки, иудаизм ва христианликда политеизмдан монотеизмга ўтиш исломдан олдин вужудга келган. Исломда эса бу жараён VI асрнинг ва VII асрнинг бошларида қарор топди.

Ислом ва бошқа жаҳон динларининг политеизмдан монотеизмга ўтиш тарихи бу жараённинг муайян эволюцияси даври ўтиши натижасида юзага келишини кўрсатади. Араб ҳалқларининг маънавияти ўша даврдаги турмуш тарзи, диний эътиқодлари доирасида шаклланган ва ривожланган. Ислом динининг вужудга келиши билан уларнинг маънавияти, ҳаёт тарзи ва қарашларида секин-аста туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келган.

### **Ислом маънавияти ва маърифатининг шахс ва жамият муносабатлариiga таъсири.**

Ислом маънавиятининг мазмуни Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда, уларга асосланган ислом фалсафаси, тасаввуф, одоб-ахлоқ масалаларига бағишлиланган дунёвий ва диний олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу билимларни тарғиб қилиш ислом маърифати доирасига киради.

Ислом маънавиятида инсон камолотига алоҳида урғу берилган. Яъни инсоннинг шаклланиши учун диний билимлар билан бир вақтда дунёвий билимларни пухта эгаллаб хақ йўлдан тоймаслик, ҳаётда эзгу излар қолдириб, иймон-эътиқод ва ҳидоят йўлида улуғ мақсадлар билан яшашга даъват этилган. Шахснинг одоб-ахлоқининг шаклланишида, шахс ва жамият муносабатларида диний таълимот, хусусан унинг қадриятларини ўрни катталиги уқтирилган.

Ислом таълимотича, хусусан аркони ад-дин талабларига тўлиқ риоя қилувчи одам учун бу таълимот биринчи ўринда туради. Бундай Одамнинг тасаввурида ер ва осмонни, борлиқни барча тирик мавжудодни, шу жумладан инсоннинг ўзини ҳам Аллоҳ яратган деб

тушунилади. Масалан, Бақара сурасида бундай дейилади. «У» Еру осмонларнинг Яратувчисидир. Бирор ишни қиласиган бўлса, (фақатгинга унга) «Бўл» деса, бас у бўлади». (2:117).<sup>1</sup>

Исломнинг суннийлик ва шиалик йўналишларидағи барча мазҳаблар инсон шахси ҳақида деярлик бир хил фикрни баён қилганлар. Фақат ислом фалсафасида, тасаввуфда бу масала янада мураккаб мазмун ва шакл касб этган.

Тасаввуф таълимоти соҳасида йирик тадқиқотлар муаллифи Н.Камилов таъкидлаганидек, тасаввуф Ўрта Осиё фалсафаси тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига олиб, уни ривожлантирган, дин ва фалсафа, ҳикмат ва вахдат, қалом ва ҳадис илмларини бирлаштирган, илоҳий билимларини бирлаштирган, булар билан дунёвий илмларни боғлашга ҳаракат қилган.<sup>2</sup>

Олимнинг «Хилват» ва «Узлат» ҳақидағи Имом /аззолий фикрларининг таҳлили диққатга молик. Тасаввуф йўлига киришдан олдин ҳар бир одам (эркак) оила аъзолари манфаатларига зарар етмаслигини ҳисобини қилиш, агар шундай қилмаса «Узлат»га кириш гуноҳ эканлиги асосланади.<sup>3</sup>

Бу ерда шахснинг оиласи, жамиятга муносабати илоҳий қадрият орқали қаралиши билан бирга бошқа омилларнинг роли инкор этилмайди. Масалан, олимларнинг олиб борган изланишлари натижасида Қуръони каримда «Илм» сўзи 750 марта, «ақл» сўзи 50 марта тилга олинганлиги аниқланган. Демак Қуръони карим ва бошқа диний манбалар инсон (шахс) ақл-заковатини ижодий томонга йўналтиришга йўл очади. Ислом пайдо бўлган дастлабки асрларда яъни VII асрнинг охири ва VIII асрларда ушбу диний: таълимотда турли мазҳаблар, йўналишлар шакллана бошлади. VII асрнинг иккинчи ярмида даставвал Хорижийлар (Ал-Хавориж, ҳараж-диндан чиқмоқ мазмунида) йўналиши шаклланади, сўнгра яна икки йирик оқим-суннийлик ва шиаликка ажралган. Бу иккала йўналишнинг ҳар бирида кейинчалик бир неча ҳуқуқий масҳаблари шаклланиб исломнинг ривожига ўз хиссасини қўшган.

Халқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иктисодий муаммоларининг ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндошилганлиги учун ижтимоийлик ва илмий соҳада шундай жаҳонга машҳур қашфиётлар қилиндики, улар халқимизнинг маънавий-маъданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу қашфиётларнинг эгалари ўз

<sup>1</sup> +уръони Карим. Таржима ва изоцлар муаллифи Абдулазиз Мансур, масъул мушаррир Щамидулла Караматов.-Т.: 2001.

<sup>2</sup> +аранг: Камилов Н. 1-китоб-Т.: 1996. Б-13.

<sup>3</sup> +аранг: Камилов Н. 1-китоб-Т.: 1996. Б-13.

замонасининг, ҳаттоки ҳозирги даврининг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Шахснинг жамиятга ва аксинча жамиятнинг шахсга муносабати масаласи ҳам муҳимдир. Жамият, одамлар уюшмасининг маҳсус шакли, тараққиётнинг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши узоқ тарихий даврни бошдан кечирган бўлиб, мураккаб жараённинг ижтимоий ҳодисасидир.

Халқимиз ўзининг бир неча асрлар давомидаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-маданий, ғоявий-ахлоқий ривожланиш жараёнида уйғониш даврининг икки босқичини босиб ўтган. Имом Термизий, Имом Бухорий, Маҳмуд Замахшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби уламо, буюк муҳаддисларни, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Амир Темур, Захриддин Муҳаммад Бобур каби буюк фан ва давлат арбобларини етказиб берган. Бу уламо-олимлар ва мутафаккирлар ислом маърифатига улкан ҳисса қўшиб доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, жамият ва шахс муносабатларининг фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни бошқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Ушбу масалаларни ташкил қилишда мутафаккирлар фанларни туркумлашда диний ва дунёвий фанларга ажратмаганлари ҳолда уларни бир-бирига қарама-қарши қўймаганлар. Аммо булар иккала ёндошувда ўз олдига қўйган мақсадлари, ўрганиш обьектларида бир-биридан фарқ қиласидиган тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Марказий Осиёда етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар жамиятни пайдо бўлиши, моҳияти ва истиқболлари тӯғрисида, шахс ва жамият муносабатлари, давлатни бошқариш хусусида илғор илмий қарашларни илгари сурдилар. Бунда араб файласуфи Ибн Рушд олға сурган ҳақиқатга эришишнинг икки хил йўлини, яъни бири диний, иккинчиси илмий йўл деб билдилар. Диний йўл билан Худо ва унинг қудратини билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўл эса табиат ва обьектив оламни билиш орқали амалга ошади.

Улуғ мутафаккирларнинг жамиятни пайдо бўлиши, мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари тӯғрисидаги илмий ва фалсафий қарашлари катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу улуғ зотлар ислом маънавияти ва маърифатининг шахс ва жамият муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига қўшган ҳиссасини доимо назарда тутганлар. Зоро, ислом маънавиятининг шахс камолотидаги ўрни ва роли муҳимлиги эътироф этилган.

Жамиятнинг мазмун ва моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари

ҳар бир тарихий даврда яратилган диний, исломий фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келган бўлса, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига илғорроқ таълимотларини яратиш вазифасини қўяди.

Демократик ҳуқуқий фуқаролик жамиятни шакллантириш ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитга одамлар ўртасидаги амал қиласиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мағкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Шахс ва жамият муносабатларининг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга боғлиқдир.

### **Таянч сўзлар:**

- |               |                     |                        |
|---------------|---------------------|------------------------|
| 1. Политеизм  | 7. Зул-хижжа        | 13. Фетишизм           |
| 2. Монотеизм  | 8. Хаж              | 14. Анимизм            |
| 3. Қадриятлар | 9. Меърож           | 15. Магия (сехргарлик) |
| 4. Масжид     | 10. «Шахсей-вахсей» | 16. Несторианлар       |
| 5. Мақбара    | 11. Ашуро           | 17. «Хилват»           |
| 6. Пайғамбар  | 12. Тотемизм        | 18. «Узлат»            |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Исломий қадриятлар нима?
2. Умуман қадрият тушунчасичи?
3. Маънавият нима?
4. Маърифат нима?
5. Ислом маънавияти мазмуни нима?
6. Араблар исломдан олдин қандай динга эътиқод қилганлар?
7. Политеизм ва монотеизм нима?
8. Ислом таълимотида шахс ва жамият тушунчаси қандай?
9. Тасаввуфда шахс қандай изоҳланади?
10. Шахс, жамият тушунчасига ва ислом маънавиятига Ўрта Осиё мутафаккирлари қандай ҳисса қўшганлар?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият.-Т.: «Ўзбекистон», 2005-48 б.
2. Буюк сиймолар, алломалар: Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар ва донишманлар. К. 1,-Т.: «Ўзбекистон», 1995-101 б.

3. Кароматов Ҳ. Диний қадриятлар миллий тараққиёт хизматида. Мустақилликнинг етти Наврӯзи истиқлолнинг ойдин йўли.-Т.: «шарқ», 1999-102 б.
4. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ҳақида К. 1.-Т.: 1996-272 б.
5. Молик Мурод. Ўзбек қадриятлари (1-китоб)-Т.: «Чўлпон»-270 б.
6. Фалсафа. Қомусий лугат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров)-Т.: «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси Баш таҳририяти.-2004.-496 б.

## 8-МАВЗУ: ҚУРЬОН СУРАЛАРИНИНГ ЖАМЛАНИШИ ВА ШАХС МАЊАВИЙ ҚИЁФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

### **Режа:**

1. *Ислом динининг асосий манбалари.*
2. *Қуръоннинг жамланиши, таркиби ва унинг шахс мањавий қиёфасига таъсири.*
3. *Тошкентдаги «Мусҳафи Усмоний» тарихи ва Қуръон таржималари.*

**Ислом динининг асосий манбалари.** Диний манба тушунчаси шундан иборатки, жаҳон халқларининг тарихий тараққиётида вужудга келган ва асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, уларнинг эътиқодига айланган ҳар бир йирик динларнинг муқаддас ёзувлари (китоблари) Аллоҳ томонидан инъом этилган деб қаралади. Ана шу муқаддас китоблар динларнинг манбалари ҳисобланади.

Қуръон исломнинг муқаддас китоби сифатида Аллоҳнинг мўъжизали китоби бўлиб, ер юзи мусулмонларининг дастурамали, диний аҳкомлар манбаидир. Қуръон Муҳаммад Пайғамбарга ваҳй орқали тушган тиловат ибодат ҳисобланувчи муқаддас китобдир.

Ана шундай китобларни Аллоҳ бошқа пайғамбарларга ҳам ўз вақтида нозил қилганлиги ҳақидаги фикрлар маълум.

Қуръонда бошқа илоҳий ёзувлар бир йўла тушган деб ҳисобланса, Қуръони карим 23 йил мобайнида Аллоҳ фаришта Жаброил орқали Муҳаммад пайғамбарга ваҳй қилиб юборган, сўнгра улар тўпланиб

халифа Усмон ҳукмронлиги даврида мусҳаф қилинган.

Шундай қилиб, ислом дини шаклланган даврдан бошлаб Қуръони Карим ислом динининг асосий манбаси бўлиб келаётир. Ислом манбаларидан яна бири суннадир. Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи ислом илоҳиёти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган.



VII-IX асрларда ислом таълимотининг тобора кенг ёйилиши билан турли диний жамоа ва давлатлар ўртасида диний ҳуқуқ, қонун-қоидаларни тартибга солиш зарурияти туғилди. Бунда Қуръон ва ҳадисларга асосланган шариат ва унинг манбалари-фиқҳ ва қиёс вужудга келди.

**Шариат** (арабча тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик демакдир)-ислом диний ҳуқуқ қонун қоидалари ва меъёрлари мажмуасидир. Айни пайтда шариат тушунчаси нафақат ислом диний талабларини, балки диний маросимлар, оила, никоҳ ва талоқ масалалари, тижорат, иқтисодий, мулкий муносабатлар, мусулмонларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига хос кўп масалаларни ўз ичига олади.

**Фиқҳ**-мусулмон ҳуқуқи сифатида шариатнинг таркибий қисмини ташкил этади. Фиқҳ шариатнинг ғоявий ва амалий ҳаракатлари, тавсифи сифатида мусулмонларнинг турмуш қоидалари ва ижтимоий қарашларини ифодалайди.

**Ижмоъ**-(арабча яқдиллик билан қабул қилинган қарор). Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма бўлмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фақия ва мужтахидларнинг тўпланиб, ягона фикрдан ҳукм чиқариши (фатво бериши).

**Киёс**-Қуръон ва Суннада учрамайдиган бирор ҳуқуқий масала, улардаги шунга ўхшаш масала орқали берилган йўл-йўриққа, кўрсатмага мантиқий таққослаш, ўхшатиш йўли билан шарҳ, изоҳ этиш асосида ҳукм ёки фатво чиқариши.

Ислом давлат дини бўлиб келган мамлакатлarda шариат талабларига амал қилиб келинган, ҳозир ҳам шундай. Ҳозирги даврда Ўзбекистон халқлари орасида мархумнинг еттисини, йигирмасини, қирқини ва бошқа маросимчиликларини ўтказиш одати бор. Холбуки,

шариат бундай маросимларни ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳақида бирон-бир кўрсатма бермаган.

**Қуръоннинг жамланиши, тарқиби ва унинг шахс маънавий қиёфасига таъсири.** Қуръони карим сураларининг мусҳаф қилиниши ва ички тузилиши баёнида, унинг нозил бўлишига эътибор қаратилади. Ислом тарихига кўра Қуръоннинг сураси ва оятлари Муҳаммад пайғамбарга парча-парча тарзида вахй қилиб борилган; бу вахйнинг биринчи баёни «Лайлатур қадр» кечаси бошланиб, уларнинг вафотларигача, яъни 23 йил давом этган. Ислом дини, нур имон ва ҳидоятининг бошланиши бўлган ана шу тун диний анъана бўйича ҳижрадан 12 йил олдин рамазон ойининг 27-кунига ўтар кечаси мелодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31 июлидан 1 августига ўтар кечаси деб ҳисобланиб, Қуръонни вахй қилинишнинг бошланиши тўғрисида 97-«Қадр» сурасида ифодаланган. «Албатта Биз у (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад) Қадр кечаси нима эканини Сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир?!» (97,1-3).

Диний маълумотларда Муҳаммад пайғамбарга вахй кела бошлагандан сўнг, уларнинг қалбларига мустаҳкамланиб қолган, Аллоҳ уларга тарғибот бошлашга даъват қилганлари тўғрисида Қуръонда бор. Қуръоннинг 73-«Муззамил» («Ўралиб олган») ва 74-«Муддассир» («Буркалган») номли сураларидағи дастлабки оятларида ўз ифодасини топган. Муззамил-ўралиб олган, яъни бирон нарсадан қўрқкан киши араблар одати бўйича кийим ёки тўшакларига ўралиб олишга ҳаракат қилар экан. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам мушрикларнинг берган азиятларидан хафа бўлиб ётганларида, шу суранинг оятлари нозил бўлган дейилади. Унда Расул (а.с.)га Аллоҳ таоло тунги ибодат қоидаларидан таълим беради. Тунни фақат уйқу билан ҳам эмас ёки фақат ибодат билан ҳам эмас, балки ҳар иккисига ҳам маълум вақт ажратиш тўғрисидаги кўрсатма берилади.

Ислом манбаларида ривоят қилинишича, Муҳаммад пайғамбар 40 ёшга етганларида, яъни 610 йили Макка шаҳри яқинидаги Ҳиро номли горда ёлғиз қолиб, ибодат билан машғул пайтларида, фаришта Жаброил (а.с.) уларга биринчи бор Қуръон оятларини келтирғанлар. Одатда Жаброил (а.с.) пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га оятларни ўқиб берар, улар ёдлаб олиб, ўз издошлирига етказар эдилар. Улар ҳам ўз навбатида шундай қилар эдилар. Ўша даврларда мутлақо кўпчилик, шу жумладан Муҳаммад пайғамбар ҳам ўқиши, ёзишни билмаганликлари учун ёдлаб олиш у даврнинг бирдан бир усули бўлган. Бу вахй мелодий йил ҳисобида 22 йил, ҳижрий эса 23 йил давом этган. Оятларда одамларнинг саволларига жавоб бериб, уларни тўғри йўлга етаклаган, юз берган ҳодисаларни талқин қилиб берилган. Бирон ҳукмнинг тўғри ёки нотўғри

экани баён қилинаберган. Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида уларнинг сафдошлари Қуръонни ёд билгандар. Ўша пайтда оз сонли кишиларгина ўқишишни билгандар. Саводли мусулмонлар ёзиш имкони бўлган нарсаларга Қуръон оятларини аниқлик билан ёзиб борганлар.

Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.) вафотидан сўнг Қуръони карим сураларини тўплаш ва мусҳаф қилиш халифалар Абу Бақр, Умар ибн ал-Хаттоб, Усмон, ибн Аффон даврларида амага оширилган. Дастребки жамланган Қуръонни (Суҳуфни) халифа Усмон (р.а.) барча мусҳафларни тўплаб, таққослаб чиқиш ва уларга бўлажак Қуръоннинг ягона нусхасини тайёрлашга амир берган ва бу ишга бош бўлган.

Усмон (р.а.) амрини бажариш учун тўрт кишилик гуруҳ белгиланган. Унга Зайд раҳбарлик қилган, унинг таркибига Қуръонни яхши билган саҳобалардан аз-Зубайр, ал-Ос, ибн Ҳишомлар киритилган. Булар барча нусхалар ва топилган сураларни қайтадан текшириб, таққослаш асосида ягона нусхани тайёрлаган. Илгариги шахсий нусхаларнинг барчаси йўқотилган. Янгиддан кўчирилган ягона нусха тарихда «Мусҳафи Усмоний» деб ном олган.

Мусҳаф қўлёзмаси тайёр бўлгандан кейин (651 йил) тез орада Усмон (р.а.) буйруғи билан ундан яна 3 та (баъзи маълумотларга кўра еттига нусха) қўлёзма куфий алифбосида кўчирилган ва ўқишда ҳамда ибодатда барча ерларда Қуръоннинг ягона матнидан фойдаланишини амалга киритиш мақсадида, бу нусхалар Куфа, Басра, Дамашқ ва бошқа шаҳарларга юборилган.

Ҳозирги кунда Ислом оламида 4 та қадимий Мусҳаф нусхаларининг борлиги маълум. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, ислом манбаларида у «Имом» номи билан тилга олинган. Иккинчи нусха Каъбада, учунчи нусха Қохирадаги Миср миллий кутубхонасида сақланмокда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланиб, 1989 йил бошларида Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига топширилган.

Энди Қуръоннинг ички тузилиши масаласига эътибор қиласиз. Қуръонда 114 та сура, 6226 та оят борлиги эътироф этилган. Аммо Қуръон матнларини тақсимланишига асосан оятлар сони 6204, 6232, ҳатто 6666 гача белгиланган ва уни китоб шаклига келтиришда муайян усул қўлланган.

Суралар Қуръонда ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига қараб жойлаштирилган. Сураларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: энг катта ҳажмига эга бўлган 2-«Бақара» сурасида 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Узун суралар китобининг бошидан, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва


умуман олд Осиёдаги сомий халқларнинг анъанаси билан боғлиқ бўлган. Хилма-хил ёзувлар, ривоятлар ёки адабий асарлар тўпланиб китоб қилганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилар экан. Зайд Ибн Собит ҳам Сухуфни тўплаб дасхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши мумкин.

Қуръон-илк ислом ғояларини ўзида акс эттирган ягона ёзув бўлгани сабабли фақат ислом тарихи билан шуғулланган олимларгина эмас, балки ислом тарқалган халқлар адабиёти ва маданияти билан шуғулланганларнинг барчаси ҳам бу китобни таҳлил қилишга катта эътибор берганликлари табиий бир ҳолдир.

Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, унинг суралари мавзулари асосида ёки тарихий-хронологик тартибда жойлашмаганлиги сабабли, бу китоб ғоят мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун XIX аср ўрталаридан бошлаб, манбаларда учрайдиган тарихий воқеалар ва шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар, ишораларга, шунингдек, ишлатилган ибораларга қараб сураларнинг ёки айрим гуруҳ оятларининг вужудга келган даврини аниқлаш, билан кўп олимлар шуғулланганлар.

Немис олимларидан Нольдеке ва Гримме, рус олимларидан И.Ю. Крачковскийларнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Улар олиб борган текширишлар натижасида суралар хронологияси фақат умумий тарздагина аниқланган.

Исломшунослик ва Қуръоншуносликнинг охирги хulosалари асосида сураларнинг хронологик таркибини қуидагича бироз такомиллашган шаклда тасаввур қилиш мумкин:



Биз бу ўринда Куръони Карим сураларининг хронологик тартибда масаласига умумий тарздагина тўхталиб ўтдик. Бу ғоят мураккаб илмий масалани фақат маҳсус тадқиқотдагина муфассал ёритиш мумкин.

Куръони Карим тузилиши ҳақидаги гапни давом эттирсак, ундаги ҳар бир сура, оятлар йиғиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат Куръоннинг ўзига хос ибораси бўлиб, «мўъжиза», «ҳикмат», «илоҳий», «каломат, белги», маъноларини англатади.

Оятларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: айрим оятлар бир неча тугал фикрни билдирадиган катта бир жумладан (масалан, 2,255-Оят-ал-Курсий) иборат бўлган ҳолда, айрим оятлар фақат икки сўздан (гапнинг бир қисмидан)гина иборат.

Масалан:

1. Осмон ёрилганида,
2. юлдузлар (хар томонга) сочилганида,
3. денгизлар қўшилиб тўсиқлар очилганида,
4. қабрлар ағдарилганида (қиёмат қойим бўлганида),
5. (хар бир) жон ўзи (дунёда) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларни (амалларни) билур! (82:1-5).

Қуръон-муқаддас китоб, унинг мазмунини Аллоҳ сўзларидан иборат деб ҳисоблаш ҳам Қуръоннинг ўзидағи кўрсатмаларига асосланган: «У (Аллоҳ) бундан илгари юборилган (китоблар)нинг тўғрилигини тасдиқлаб, сенга ҳақиқат китобини юборди», «Биз Нуҳга, Яқубга ва унинг авлодларига, Исога, Айюбга, Юнусга, Хорунга, Сулаймонга қандай ваҳй қилган бўлсак ҳамда Довудга Зобурни қандай юборган бўлсак, сенга ҳам ўшандай ваҳй юбордик», «Сенинг Қуръонни одамларга парча-парча қилиб ўқиб беришинг учун биз уни бўлакларга бўлиб сенга юбордик».

Биз келтирган ва бундан бошқа кўп оятлардан шундай хуроса келиб чиқадики, Қуръон ўзидан илгариғи диний ёзувларни инкор этмайди, балки уларни тасдиқлаш ва ўша ёзувлардаги диний йўлланмаларни охирига етказиши учун юборилган муқаддас китоб дейилади. Ислом ҳам ўзидан илгариғи диний эътиқодларнинг вориси, Мұхаммад (с.а.в.) эса ўзларидан илгари ўтган барча пайғамбарларнинг ишини якунловчи ва охириги етгазувчи расул-элчи деб таниладилар.

Қуръони карим исломда муқаддас китоб, барча билимлар манбаи, қонунлар тўплами, мазмуни осмондан Худо ваҳй қилган деб эътиқод қилинади. Қуръондаги ҳар бир суранинг номи бор, бу ном сураларнишида сарлавҳа қилиб берилган.

Олимларнинг фикрича, сураларнинг номлари дастлабки вақтда бир неча сўздан тузилган жумлалардан иборат бўлган, кейинчалик қисқара бориб, ўша жумладан биронта сўз сақланиб қолган бўлиши мумкин. шунинг учун 2-сураларнишида Бақара (Сигир), 16-сураларнишида Нахл (Асаларилар), 27-сураларнишида Намл (Чумолилар) деб номланган бўлса, бунга ҳеч ҳам ажабланиш керак эмас. Ўша сураларда тегишли ривоятлар келтирилган. Дастлабки шаклида «Ана шундай ривоятлар ҳақида сураларнишида» типидаги узунроқ ном бўлган ва кейинчалик қисқарган бўлса, ўз-ўзидан тушунарли холдир.

Қуръондаги 29 та суранинг бошланишида бир ёки бир неча алоҳида ҳарфлар бор. Илоҳиёт китобларида ва тафсирларида бу ҳарфлар «ал-хуруф ал-муқатта» (алоҳида, бир-биридан узук ҳарфлар) деб аталади. Масалан, 3, 29, 30, 31, 32-сураларнинг бошланишида-«калиф», «лом», «мим», 10, 11, 12, 13, 14, 15-суралар бошида «калиф», «лом», «ро», 19-сурада-«Каф», «Хо» (хой ҳавваз), «Ё», «Айн», «Сод» ва ҳоказо.

Диний адабиётда асосан «бу ҳарфларнинг мазмуни сир, уни фақат Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) ўзлари билгандар», уларга «Қуръоннинг сири» деган фикр айтилган. Фақат йирик муфассирларнинг бу ҳарфлардан баъзиларини Аллоҳнинг сифатлари деб таърифлаган ҳоллари учрайди.

Қуръон матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жуз» (ўзбекча «пора») ларга бўлинган. Шуни айтиш керакки, пора сура ва оятларга ўхшаб Қуръоннинг илк тузилиши билан боғлиқ эмас, балки ўқишида қулайлик туғдириш учун кейинчалик Қуръон матнини ҳажм жиҳатидан teng бўлакларга бўлишдан иборат бўлган. Шу сабабли энг узун 2-сура порадан кўпроқ бўлгани ҳолда, охирги қисқа суралардан 37 таси бир порани ташкил этади.

Қуръон йирик тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида ахлок, инсоф, виждон, ҳалоллик каби соҳаларидағи умумбашарий аҳамиятга молик йўл-йўриқлар, қоидалари ҳозирда ҳам ғоят зарур эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Қуръон мазмунида ҳаётнинг кўп соҳаларига таалмуқли масалалар ўз ифодасини топган.

Унда араб ҳалқарининг адабий ижоди тарихида йирик насрый асар сифатида араб тилининг ўша даврларига хос хусусиятларини, сўз бойлиги, иборалари ва атамалрини, грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятларини ўзида ифода этган. Қуръон матнини таҳлил қилиш жараёнида араб ёзуви грамматикаси (сарф ва наҳв батафсил ишлаб чиқилган араб ёзуви) ғоят мукаммал шаклга келган. Шунингдек, Қуръон тили ҳар бир араб мамлакати ва элатларининг ўзига хос лаҳжалари сақланган ҳолда барча араблар учун ягона бўлган адабий тилнинг шаклланишига асос бўлган. Ҳозир ҳам араб мамлакатларида нашр этилаётган китоблар ва вақтли матбуот ягона араб адабий тилида босилади ва у барча араблар учун тушунарлидир.

Қуръоннинг услуби ҳам кейинги адабиётга катта таъсир ўтказган, ундаги ривоят ва тасвирлар, ўхшатиш, насиҳат ва маслаҳатлар фақат динийгина эмас, балки бутун бадиий адабиётга сингиб кетган. Шунинг учун Қуръонни яхши билмасдан араб ҳалқлари ва умуман мусулмон ҳалқалри маданияти ва адабиётини чуқур ўрганиш, тушуниш анча мушкул.

**Тошкентдаги «Мусҳафи Усмоний» тарихи ва Қуръон таржималари.** Мусҳафнинг Самарқанддан 1865 йилда Санкт-Петербургга олиб кетилган, 1920 йилда мусулмонларга қайтариб берилган, 1923 йилда Тошкентга олиб келинган.

Мусҳафнинг Ўрта Осиёга олиб келиниши билан боғлиқ бўлган маълумотлар ичида тарихий жиҳатдан асослироғи ва ишонарлироғи

соҳибқирон Амир Темурнинг Басрадан Самарқандга Қуръоннинг қадимий бир нусхасини жўнатгани ҳақидаги маълумот мавжуд.

Мусҳаф-кейинчалик мусулмон оламида тарқалган ва минглаб маротаба нашр қилинаётган Қуръоннинг асл нусхаси ҳисобланади. Қуръон қаерда нашр қилинмасин, унинг биринчи саҳифасида Усмон мусҳафи матнига мувоғиқ экани ёзиб қўйилган бўлади.

Энди Қуръоннинг таржималари ҳақидаги аниқ маълумотларга эътибор қаратамиз. Ҳозирги пайтда кўпчилик ўқувчиларнинг фикр мулоҳазалари эътиборга олиниб, Ўзбекистон мусулмонлари Диний идораси ташабbusi билан ўзбек тилига 2 марта (Алоуддин Мансур таржимаси, Т.: 1992, Абдуллазиз Мансур таржимаси, Т.: 2001) нашр этилди.

Қуръон жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Уни /арбий Европа тилларига таржима қилиш 11 асрдан, рус тилига ағдариш 18 асрдаги Пётр I нинг ташабbusi билан бошланган. 1790 йилда нашр этилган М.Н.Веровкин таржимаси эътиборли рус олимларининг фикрига кўра А.С.Пушкиннинг машҳур «Подражания Корану» (Қуръонга татаббуълар) асарига манба бўлган. Г.С.Саблукованинг арабчадан дастлабки русча таржимаси И.Ю.Крачковский рус тилига таржима қилган нусхаси унинг вафотидан кейин (1963, 1986) нашр қилинган.

Қуръоннинг туркий таржималарининг қўлёзма нусхалари ҳам кўп.

### **Таянч сўзлар:**

- |           |             |
|-----------|-------------|
| 1. Манба  | 9. Қиёс     |
| 2. Қуръон | 10. Расул   |
| 3. Ҳадис  | 11. Жаброил |
| 4. Ваҳй   | 12. Мусҳаф  |
| 5. Сунна  | 13. Сухуф   |
| 6. Шариат | 14. Сура    |
| 7. Фикҳ   | 15. Оят     |
| 8. Ижмоъ  | 16 «Жуз»    |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Диний манбалар деганда нимани тушунасиз?
2. Исломнинг асосий манбалари нима?
3. Қуръоннинг мусҳаф қилиш қачон, кимлар томонидан бошланган ва қачон тугалланган?
4. Қуръон суралари ваҳй қилинишининг Макка ва Мадина даврларини сўзлаб беринг?
5. Қуръоннинг пораларга бўлинишининг аҳамияти нимада?
6. Қуръоннинг қандай таржималари бор?

## **Адабиётлар:**

1. Қуръони Карим. Абдулазиз Мансур таржимаси. Масъул муҳаррир Ҳамидулла Кароматов.-Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.
2. Ал-Қуръон ал-Карим (маъноларининг таржимаси ва шарҳлар), Сайид назир ат-Тарозий ал-Маданий (Олтинхон Тўра).-Т.: Ўзбекистон Фанлар Академияси «Фан» нашриёти, 2002.
3. Исмоил Маҳмуд. Тошкент «Мусҳафи Усмоний» тарихи.-Т.: 1996.
4. Уватов У. Муҳадислар имоми.-Т.: «Маънавият», 1998.

## **9-МАВЗУ: ИСЛОМДАГИ ОҚИМЛАР ВА МАЗҲАБЛАРНИНГ МИНТАҚА МАЪНАВИЯТИДАГИ ЎРНИ**

### **Режа:**

1. *Ислом йўналишиларининг халқ маънавиятидаги ўрни.*
2. *Суннийлик мазҳаблари ва маънавият.*
3. *Шиалик: секта, мазҳаблар ва маънавият.*

**Ислом йўналишиларининг халқ маънавиятидаги ўрни.** Арабистон ярим оролида VII асрда вужудга келган ислом дини қўшни мамлакатларга ҳам тез тарқала бошлади. Ислом таълимотини тарғибот қилишдан ташқари, унинг ақидавий ва маросимчилик талабларини турли йўллар билан халқлар онгига сингдиришга ҳаракат қилинди. Бу ҳолат халқлар тарихида ислом истилоси деб аталади.

Ислом таълимотининг қабул қилган халқлар, жумладан Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги унинг ижобий йўналиши шунда бўлди, маҳаллий халқларининг урф-одатлари, анъаналари бу диндаги бағрикенглик туфайли мослашиб боришга имконият туғилди. Бу ўз навбатида халқлар маънавиятининг ривожланишига, ислом маданиятининг кенг ёйилишига олиб келди.

Арабистон ярим ороли ва қўшни мамлакатлар халқларининг ягона халифалик давлатига бирлаштирган ислом дини бу тизимнинг мафкураси сифатида қисқа вақт давом этди. Турли давлатлар ва хилмажил миллатлардан ташкил топган йирик халифалик империяси тизими ичida ижтимоий-иктисодий, давлатни бошқариш, хусусан диний масалаларда диний уламолар, давлат арбоблари ўртасида мунозаралар бошланиб, ислом таълимотининг талқин қилиш билан боғлиқ йўналишлар дастлабки йилларданоқ юзага келди.

Маълумки, жаҳондаги барча йирик динлар ўз тараққиётининг муайян босқичида турли йўналиш ва оқимларга бўлинган. Чунки мазкур дин тарқалган худудлардаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий курашнинг

кучайиши муайян динга эътиқод қилувчи турли халқларнинг ижтимоий манфаатлари ва маданий даражалари турличалигидадир.

Исломда ҳам унинг тарихий тараққиётида бундай бўлинишлар бўлган. VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ даставвал хорижийлар (Алхавориж, хараже-диндан чиқмоқ мазмунида) йўналиши шаклланган, сўнгра яна икки йирик оқим-суннийлик ва шиаликка ажralган. Юзаки қараганда, исломга эътиқод қилувчилар орасидаги ихтилоф фақат диний масалалар туфайли туғилганидек туюлди. Аслида эса бундай эмас. Тарихдан маълумки, исломнинг шаклланиши, мустақил динга айланиш даври узлуксиз давом этган жангу жадаллар билан ўтган. Зеро, Пайғамбар (с.а.в.) Муҳаммад давридан бошлаб Али даврига (661 йилга) қадар ва ундан сўнг ислом Арабистондан тортиб, Шимолда Озарбайжонгача, Шарқда Мовароуннаҳрга қадар, Жанубда Араб дengизига, /арбда эса Триполитанияга қадар ёйилган. Араб истилочилари Мовароуннаҳр (араблар Ўрта Осиёни шундай атама билан-«дарё ортидаги ерлар» деб атаганлар)ни босиб олишни VII асрнинг 70-йиллардан бошлаб фақат VIII асрнинг бошларига келганлагина тўлиқ тугаллашга муваффақ бўлганлар. Чунки, маҳаллий халқлар араб истилочиларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Бу жараённи тасдиқловчи Муқанна, Сумбад Муг, /урак, Дивашти бошчилигидаги йирик халқ қўзғалонлари тарихдан маълум. Бошқа мамлакат ва халқлар ҳаётига исломни киритиш ва босқинчиларга қарши қўзғалонлар кейинги асрларда ҳам давом этган.

Ислом IX-X асрларда Татаристон, X-XII асрларда Бошқирдистонга киритилган; Қозоғистон ва Қирғизистонда эса бу жараён XIX асрда ҳам давом этган. Диннинг бундай кенг миқёсда ёйилишида ишонтириш, маърифат, тарғибот йўллари асосий омиллардан бўлган.

Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислом йўналишларини (acosan суннийлик) тарғибот ёки араб истилоси орқали киритилиши билан бир вақтда ислом маданияти, маънавиятини маҳаллий халқлар ўртасида кенг ёйилиши кузатилади. Бу худудда суннийликнинг ҳанафия мазҳаби қонун-қоидаларини маҳаллий халқлар ҳаётига сингдириш суннийликнинг бошқа мазҳабларга нисбатан тезроқ амалга ошди. Ином Аъзам асос солган ҳанафия мазҳаби бошқа мазҳабларга нисбатан, биринчидан, диний бағрикенглик (яъни бошқа мавжуд динлар ва уларнинг урф-одатлари ҳам давом этиш имконияти); иккинчидан, мўътадил мазҳаблиги (яъни маҳаллий халқлар, миллатларнинг хусусиятларига мос келиши, унинг талабларини оддий одамларга мос келиши); учинчидан, бу мазҳабга эътиқод қилувчиларнинг ортиб бориши ва ҳозирги вақтда мусулмонларнинг кўпчилиги ҳанафия мазҳабига эътиқод қилиши билан ажralиб туради.

Ислом эволюциясида вужудга келган йўналишларнинг муҳим

жихатларидан бири халқлар маънавиятини шакллантиришга йўналтирган қонун-қоидалар ва диний эътиқод талабларидир. Ислом динини қабул қилган ҳар бир мусулмон учун диний маросимчилик талабларини бажаришдан ташқари ҳаётда ҳалол, пок, виждонли бўлиш, ҳалол ва харомнинг фарқига бориш, бошқаларнинг мулкига кўз олайтирмаслик; оила қуриш билан ўз фарзандларини ислом таълимоти, талаби руҳида тарбиялаш, ҳалол меҳнат қилиш билан кун кечириш каби ахлоқий нормалар мужассам бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, бу таълимотда давлат, жамият ота-она, ватанга муҳаббат инсонпарварлик, адолат, ҳалолик мезонлари халқлар маънавияти шаклланишининг асосини ташкил қилган. Бундай даъватлар ислом эволюциясининг қайси даврида бўлмасин ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган аксинча ислом динига эътиқод қилганлар маънавиятини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келган. Унинг бу жиҳати, ҳозирги фуқаролик жамият шакллантирилаётган мамлакатимизда, жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қўшаётган ҳиссаси ижобий баҳоланиб муҳим тарбиявий-ахлоқий аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон динлари ичиде энг кенжаси бўлган ислом дини тез орада жуда кўп халқлар ва миллатлар ҳаётига кириб бориб, уларнинг турмуш тарзидан муносиб ўрин олишидан ташқари кўпгина шарқдаги давлатларнинг бошқариш мафкурасига айланди. VIII-IX асрларда ислом эволюциясида турли йўналишлар, мазҳаблар вужудга келишига қарамай ислом таълимоти (унинг асосий манбалари Куръони карим ва ҳадиси шариф)га кишиларнинг ҳаётида, хусусан уларнинг маънавий-ахлоқий дунёқарашларининг шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Ислом динининг умуман таълимоти ва маънавий-ахлоқий жиҳатидаги таъсири масалаларини ўрганишга қизиқиш шарқ халқларидан ташқари Европа ва Америка олимларининг ислом пайдо бўлган дастлабки асрлардаёқ вужудга келган бўлса, бу феноменни фан сифатида ўрганиш анча кейин бошланган. Масалан, Европа, Америка ва Россияда ислом, унинг тарихи ва манбаларини ўрганиш XIX асрнинг 2-ярмида бошланган. Лекин ислом тарихи, таълимоти, муқаддас ёзувларини таҳлил, тадқиқ қилиш Россияда айниқса, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Шимолий Кавказда кенг кўламда анча олдин амалга оширилган. Бу иш энди янада кенгроқ миқёсларда олиб борилмоқда.

Европалик олимлар исломшунослик фанини яратиш, ислом тарихи ва манбаларини ўрганиш йўлида кўп хизмат қилганлар. Жумладан, М.Мюллер, Э.Тейлор, К.Тиле, Ш.Дела Соссе, Ж.Фрейзер ва бошқалар. Уларнинг хулосаларида айрим чекинишлар бўлишига қарамай, улар бу фаннинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлар.

Рус шарқшунослигида ҳам ислом тарихи, диний манбаларни

тадқиқ қилиш соҳасида баракали ишлар олиб борилган В.Р.Розен асос солған машхур «Рус академик шарқшунослиги»нинг вакиллари Н.А.Медников, Л.Э.Шмидт, А.Е.Кримский, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, А.А.Семенов ва бошқалар исломшунослик соҳасида қимматли асарлар яратилган. Бу асарлар ҳозир ҳам исломшунослик олимлар учун бой манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Исломнинг пайдо бўлиши ва унинг таълимотини илмий нуқтаи назардан ўрганиш масаласи XX асрнинг 30-йилларига келиб жиддий равишда ўртага қўйилди. Бу шарқшунослик ва умуман тарих фанининг тикланиш даври эди. Асрлар давомида тарих фани ва шарқшунослик эришган ютуқлар ва юзага келтирган хулосаларни илмий нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиши ва баҳолашдек жуда масъулиятли ва муракқаб муаммо ҳали ҳам тўла ечилгани йўқ. Бундай шароитда ҳар бир муҳим илмий масала бўйича хилма-хил фикрларнинг мавжуд бўлиши табиий эди. Исломнинг пайдо бўлиши йўналишлари, мазҳаблари ва таълимоти юзасидан ҳам жуда кўп фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланган ҳамда муҳокама қилиниб, муайян ечимини топган. Кўлланманинг ушбу қисмида ана шу фикр-мулоҳазаларнинг объектив, нисбатан асосли, аксарият исломшуносар тан олган нуқтаи назарларидан фойдаланилган. И.Каримов асарларида бу дин ҳақида, унинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари хусусида олға сурилган фикр-мулоҳаза ва дастурлар асос қилиб олинган.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий, жумладан ахлоқий нуқсонлар ҳукм суроётган ҳозирги даврда исломнинг меҳр-шафқат, мурувват, саҳоват, одамийлик, ҳалоллик хусусидаги панд насиҳатларидан умуминсоний қадриятлар сифатида фойдаланиш ғоят ўринлидир. Зоро, ҳаётимизнинг маънавий жабҳалари қайта қурилаётган ҳозирги даврда исломнинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Хусусан Ўзбекисон мусулмонлари идораси турли хилдаги хайри, эҳсон, саҳоват жамғармаларини ташкил этиб, ҳожатмандларнинг дардига малҳам бўлмоқда. Шўролар даврида вайрон ҳолатига келган маданий ёдгорликларни ва тарихий обидаларимизнинг давлат маблағлари ва умумхалқ ҳашари йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Ислом, унинг дунёвий вазифаларини ҳам бажарадиган руҳонийлари асрлар мобайнида жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, фан, маданий, маорифини ўз назорати остида ушлаб, тарихий анъаналар, инсонларнинг турмуш тарзига катта таъсир ўтказиб келган. Яна у исломга эътиқод қилувчи турли миллат ва эллатларга хос ижтимоий табақалар вакилларининг Аллоҳ олдидаги тенглигини тан олган ва уларни ягона худонинг бандалари сифатида тенглаштирган. Бу диний

таълимотларнинг умумийлигини мустаҳкамлаган ҳолда ижтимоий муносабатларнинг мавжуд тизимини сақлаш функциясидир.

Ҳокимиятни бошқаришда диндан восита сифатида фойдаланиш қадимда ҳам бўлган. Масалан, дастлабки халифаликларда ҳали сиёсий, ҳарбий ва диний ҳокимият ҳалифаларнинг қўлларида бўлган; Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликларида ҳам ҳокимият араб халифалиги ёхуд Туркия султонининг гўёки ўринбосарлари бўлган амир ва хонлар қўлида эди. Ўрта Осиёлик амирлар ва хонлар сиёсий, хуқуқий, диний ва иқтисодий ҳаётни ўзларича бошқариб борганлар. Халқ оммасига улар ўзларини худонинг ердаги сояси, деб ташвиқот қилиб, ҳокимиятни муқаддаслаштирганлар. «Амир сояи худо хасб» деган ибора шунда пайдо бўлган.

Исломнинг ҳаётга жорий этилишида унинг ихтиёрида бўлган маориф ва мусулмон хуқуқи шариатда катта рол ўйнаган. У ўз ихтиёридаги барча воситалар ёрдамида ҳукмрон тузумни мустаҳкамлашга уринган. Ягона тилда ёзилган муқаддас ёзувларда айтилган фикрлар асосида, ягона тилда таот-ибодат ишларини олиб бориш барча мусулмонларни бирлаштирган. Барча динларнинг арбоблари ўз динларини бирдан-бир тўғри дин деб тарғиб этганлар.

Демак, қадимги даврларда бўлгани сингари ҳозир ҳам барча динлар бир-бири билан боғлиқ бўлган бир қанча функцияларни бажариб келмоқдалар<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Ислом энциклопедияси. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004, -Б. 114.

**Суннийлик мазҳаблари ва маънавият.** Суннийлик-бу исломда изчил, событқадам йўналиш ҳисобланади. Мусулмонларнинг жуда кўпчилик қисми-92,5 фоизи суннийликка эътиқод қиласди. Қолган 7,5 фоизини шиалар, ибодийлар ва хорижийлар ташкил қиласдилар. Сунна арабча одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи деган маъноларни билдиради. Суннийлик деган сўз арабча «Сунна»-«муқаддас ривоят», яъни Муҳаммад тўғрисидаги ривоятлар ва унинг ҳадислари тўплами деган тушунчадан олинган. Яна Сунна фарздан фарқли равишда бажарилиши ихтиёрий бўлган кўрсатмалар, амалларидир.

Суннийлар уммавийлар сулоласидан бўлган халифаларнинг олий ҳокимиятга бўлган ҳуқуқини тан олганлар. Суннийликда Сунна Қуръондан кейинги асосий муқаддас манба, ҳадислар тўплами деб қаралади. У VII аср ўрталарида шакллана бошлаган. Унда халифаликдаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафкураси атрофидаги кураш ўз ифодасини топган. Уни тўплаш, шарҳлаш ва нашр қилишда ватандошларимиз И smoил Бухорий, И мом ат-Термизий асосий рол ўйнаганлар.

Суннийлик қисман Эрон, Жанубий Ироқ, Яман, Марказий Осиё, Кавказ, Волга бўйи, Сибирь, Ўрол, Кичик Осиё, Миср ва Шимолий Африка, Индонезия, Малайзияда кенг тарқалган. Унинг муқаддас шаҳарлари Макка ва Мадинадир. Унда тўртта шариат мактаби-ҳанафийлар, моликийлар, шофиъийлар, ҳанбалийлар мазҳаблари бор.

1. **Ҳанафия** (И моми Аъзам) мазҳаби. Бунга Абу Ҳанифа тахаллуси И моми Аъзам-буюқ имом-(699-767) асос солган. У энг йирик ҳуқуқшунослардан бири бўлиб, шариат ҳуқуқини тартибга солган, қиёсни татбиқ этган, истиҳсон тартиб усулини (манбалар асосида чиқариш мумкин бўлган хulosса ёки ҳукмлардан мусулмонлар жамоаси учун мақбулроғини қабул қилиб) ишлаб чиқсан, маҳаллий халқ ҳуқуқ-қоидаларини-одатни шариат билан келтириб қўлланишни жорий этган ҳуқуқшуносликдан оқилона фойдаланиш унсурларини киритган.

Истиҳсон (араб.-яхшилаш, маъқуллаш) шариатнинг чалкаш, мураккаб масалаларига қиёсини қўлланишнинг йўли билан мусулмон жамоаси ёки давлати учун мумкин қадар яхшироқ, фойдалироқ, маъқулроғини қўллаш тарзи ҳисобланади. Бу икки ёки ундан ортиқроқ имконияти мавжуд бўлган мантикий хulosалардан фойдалироғи, маъқулларини ажратиб олишдир.

Ҳанафийлар маҳаллий зодагон ва ҳукмдорлар қабул қилган низом ва қонунлар, маҳаллий урф-одатларга таянган одатий анъаналар ҳамда маҳаллий элатларнинг урф-одати асосида келиб чиқсан одат мақомига кенг таянишлари исломнинг кўчманчилари орасида ҳам тез тарқалишга олиб келган. Чунки булар ўзларининг ибтидоий урф-одатларини

хисобга олган исломни, хусусан ҳанафия мазҳабини ўзларига маъқул топғанлар. Абу Ҳанафия фикҳнинг асосчиси ва улугсифат илоҳиёт мутахассиси бўлган. «Агар диний эътиқод Зухрогача йироқлашиб кетса ҳам, уни имом Абу Ҳанифа ерга қайтариб келади»<sup>1</sup>, дейишарди. Унинг «Ал-Фиқҳ ал-Акбар» асари бошқа мазҳаб муҳлислари орасида ҳам машҳур бўлган. Олимнинг ёзишича, у ҳуқуқий масалаларга оид 500 мингдан ортиқ мисоллар яратган ва диний ибодат ҳамда ҳуқуқ масалаларига оид 64 фатво нашр этган. Абу Ҳанифа зўр тақводор киши бўлиб, зоҳидликда яшаган. У ҳақда маҳсус ривоятлар яратилган.

Мужтаҳид имом Шофиъий айтганидек, агар Имом Аъзам бирор нарсани олтин деб аташни хоҳласа, уни исбот этиш учун унинг маҳорати ҳам, истеъоди ҳам етарди. Умуман ҳанафия бошқа шариат мазҳабларига қараганда христиан ва яхудийларга нисбатан мўътадиллик нуқтаи назарида турган.

Ҳанафия мазҳаби қонунлари Абу Юсуф Ёқуб (ваф. 795), аш-Шайбоний (ваф. 804), Қодирий (ваф. 1036) асарларида ҳам ишлаб чиқилган. Ҳамюртимиз Марғиноний ар-Риштон (ваф. 1157)нинг фикҳга оид асарларидан энг машҳури «Ҳидоя фи-л-фуур-Шариат соҳалари бўйича қўлланма» ҳанафия мазҳаблари томонидан қонунлар мажмуаси (кодекс) сифатида фойдаланилган. Марғинонийнинг «Ҳидоя»си форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган бўлиб, ҳозир ҳам Шарқ мамлакатларида (Ҳиндистон, Туркия ва б.) ҳанафия мазҳаби шариат соҳасидаги асосий қўлланма ҳисобланади.

Ҳанафия мазҳаби суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг 47 фоизини ўз ичига олади. Ҳозир ҳам республика тупроғидаги суннийларнинг оила, никоҳ, талоқ ва бошқа масалаларида шу мазҳабга таянадилар.

**2. Шофиъий** мазҳаби. Унинг асосчиси имом аш-Шофиъий (767-820) кучли илоҳиётчи фақиҳлардан бири бўлган; Маккада яшаган, Яманда қозилик қилган. Али авлодлари билан яқинлашганлиги учун 803 йилда қамоққа олинган. Авф этилганидан сўнг Мисрга келиб, Моликнинг шогирди сифатида фаолият бошлаган. 810 йилдан Боғдодда ўз таълимотини тарғиб қилган. Унинг «Китоб ал-умм» тўплами ислом ҳуқуқини анъанавий тартиб-қоидалар билан боғлашга қаратилган, фикҳ асосларига тўла тавсиф бериб, ижмоъдан фойдаланишга алоҳида эътибор қилинган.

Шофиъия мазҳабининг усули ҳанафия ва моликия усулларининг ўзаро муросасига тарафдорлик қилишга уринган бўлса ҳамки, асосан моликияга мойил эди. Улар қиёсининг қўлланишида муайян чегарага йўл қўярдилар. Истиҳсон усули кўп хulosавий имкониятларни яратиш

<sup>1</sup> Керимов Г.М. Шариат и его социальная сущность.-М., Наук, 1978. -С. 15.

ва у шахсий (ғаразли) фикрларга асосланган ҳукмларга олиб боришидан ҳадиксирадилар. Шунинг учун улар қиёсга таяниб истиҳсоҳ-муайян ҳолатнинг қўлланишига мувофиқ равшан исботини берувчи, фикҳ қоидасини ишлаб чиққанлар. Масалан, сафарда бўлган шахснинг ўлик ёки тириклигини билмасдан унинг мол-мулкига меросхўрлик эгалик қилишлари мумкинми, деган саволга шофиъйлар рад жавобини берардилар. Бунга сабаб мерос эгасининг ўлими ҳақида исботловчи далилнинг йўқлигидир. Сурия ва Мисрда шаклланган бу мазҳаб ҳозирги вақтда Индонезия, Шарқий Африканинг баъзи мамлакатларида, жанубий араб сultonликлари мусулмонлари орасида тарқалган бўлиб, суннийликдаги мусулмонларнинг 27 фоизини ташкил этади.

**3. Моликия** мактаби. Асосчиси Молик ибн Онас (713-795) «Асҳоб ал-Ҳадис» (Ҳадис тарафдорлари) оқимининг йирик намояндаси бўлиб, Муҳаммад давридаги диний ҳуқуқ тартибини ёқлаб чиқкан. Ўзининг «Ал-Муваттоъ» (Оммавий, Барчага тушунарли) асарида Қуръон ва Суннани ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиқкан. У муҳофазакор илоҳиётчи фақиҳлардан бири эди. Бу мазҳаб тарафдорлари ўзларининг номўътадиллиги билан ажralиб турарди. Улар ҳанафийларга нисбатан қиёсни қўллашда анча чек қўйишарди. Аммо ўзларининг истислоҳ қоидалари билан ҳанафиянинг истиҳсонига яқин турардилар. Ҳозирги даврда Моликия мазҳаби Тунис, Жазоир, Марокаш, Ливия ва бошқа мамлакатларда тарқалган бўлиб, суннийликдаги мусулмонларнинг 17 фоизини ташкил этади.

**4. Ҳанбалия** мазҳаби асосчиси имом Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Хилол ибн Асад аз-Зухайлий ал-Шайбоний 780 йили Боғоддода туғилиб, шу ерда 855 йил вафот этган. Ҳадис тўплаш ниятида Сурия, Ҳижоз Яман, Куфа ва Басрага кўп саёҳат қилган ва 40 мингдан ортиқ ҳадисни жам этган ояти жилдлик «Муснад ал-Имом Аҳмад» (Имом Аҳмадни таянчи) асарини яратган. У мустаҳкам эътиқодли суннийлик нуқтаи назаридан халифа Маъмун даврида давлат дини бўлмиш мұтазийликка қарши курашгани учун бир неча бор қамалган ва жазоланганд. Унинг ҳуқуқ тартиботи ўта торлиги, диний масалаларда Қуръон ва Суннага қаттиқ риоя қилишлиги, эркин фикр юритиш ва талқин этишга, ҳар қандай янгиликка қаршилиги, шариат тартиб-қоидаларига риоя этишда қатъий мутаиссиблиги билан ажralиб турарди.

Ҳанбалия мазҳаби тарафдорлари авваллари фақатгина Қуръон ва Суннагагина таяниб, шаърий ҳукмлар чиқарсалар, кейинроқ қиёс ва ижмони қўлланишда ҳам улар танҳо Муҳаммаднинг сафдошлари бўлмиш саҳобаларнинг ҳамжиҳатлигидан келиб чиқкан ҳукмларнигина инобатга олар эдилар. Бунда улар тобеъийларнинг ҳам, улардан кейинги эътиборли диний арбобларнинг ҳам фикрларини тан олмас эдилар. Қуръон ва ҳадислардан эса ҳеч қандай далил тополмаган тақдирда

ноилож қиёсга мурожаат этардилар. Бу мазҳаб диний масалаларда ҳеч қандай эркин фикрни тан олмай, шариат қонун ва маросимларини ижро этишда ўта жиддийлик кўрсатувчи, диннинг ўтакетган фидойилари эдилар. Уларнинг расмиятчилиги, ўтакетган мутаассиблиги, жонли тарихий ҳақиқатдан узоқ турган қарашлари, ижтимоий ҳаёт ва турмуш тарзидаги ҳар қандай янгиликларга зид эканлиги сабабли-бу мазҳаб XII асрларгача кенг тарқалмаган. X асрда Эронда, XI-XV асрларда Сурия ва Фаластинда Ҳанбалиянинг издошлари бўлган.

XVIII асрга келиб, ибн Ҳанбал таълимоти ҳозирги Саудия Арабистондаги ваҳобийларнинг шаклланишига асос солган. У ерда Ҳанбалиянинг илк исломга хос қонунлари ҳозир ҳам амалда.

Ислом тарихида ва ҳозирги пайтда ҳам юқорида зикр қилинган мазҳаб суннийлар орасида тенг ҳуқуқли ҳисобланган ва улардан бирортаси ҳам дин асосларига зид ҳисобланмаган. Қохирадаги ал-Азҳор дорилфунунида ислом фикҳи тўрт мазҳаб бўйича ўрганилади. Ҳанбалия мазҳаби суннийликдаги энг кичкина, яъни 1,5 фоизни ташкил этувчи мусулмонлар бўлсаларда, улар «соғ» ислом учун курашиш байроғи остида, XVIII асрдан то ҳозиргача турли мамлакатларда ваҳҳобийлик ҳаракати орқали катта зарап келтирмоқдалар.

Бундан кўриниб турибдики, ислом ҳуқуқи вақтига, ўринга, шароитга қараб муайян хилдаги ўзгаришларга учраган, ҳар хил шарҳларга дучор бўлган.

Юқоридаги мазҳабларнинг фаолиятида фақатгина соғ ҳуқуқий масалалар билан чекланмаганликлари туфайли булар шариат қонунларининг кенг тарқалишига олиб келган. Улар қонунчилик тартиб-қоидалари мажмуига нафақат ҳуқуқий масалаларни, балки диний маросимчилик, савдо ва солиқ, хулқ-атвор масалаларини ҳам киритганлар. Ислом ҳуқуқшунослари шариат қозиларидан бошқа судловчи ташкилотлар бўлмаганидан, мусулмон ҳуқуқшунослари барча ҳуқуқий ва диний масалаларни ўzlари ҳал этардилар.

Кейинчалик ислом худудида ривожланган давлатларнинг мустақил тараққиёти жараёнида уларнинг манфаатларини қўриқловчи турли-туман дунёвий қонунлар вужудга кела бошлаган. Қуръонда турли-туман жоиз ва тақиқларнинг бир туркуми мавжуд. Улар кейинчалик кенгайтирган ва бу элементлардан қонунлар мажмуй ёки ислом ҳуқуқи таркиб топган. Амалда шариатнинг асосий йўналиши ҳаётнинг турли масалаларига диний нуқтаи назардан баҳо беришдир. Соғ юридик қарашлар унга кейинчалик киритилган.

### **Шиалик: секта, мазҳаблар ва маънавият.**

**Шиалик.** Гурӯҳ, партия, тарафдорлари деган маъноларни берадиган арабча «шиа» сўзидан келиб чиқсан. Шиалик ўз аҳамияти ва тарафдорлари сонига кўра исломдаги иккинчи йўналишдир. У VII

асрнинг иккинчи ярмида мусулмонларнинг маҳсус ва сиёсий гурухи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўртингчиси Али тарафдорларини бирлаштирган. У жуда кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар ҳозир 35 миллионга яқин тарафдорга эга бўлиб, оғаҳонлар бошчилигига ҳозир ҳам ислом доирасида катта рол ўйнамоқда.

Шиалар Арабистонда пайдо бўлган теократик давлат-халифаликдаги олий ҳокимият учун олиб борилган кескин кураш жараёнида келиб чиқкан. Халифаликнинг барча бош лавозимлари 644 йилдан бошлаб қурайш қабиласига мансуб бўлган халифа Усмон бошлиқ маккалик оқсуяклар-муҳожирлар қўлига ўтган.

Исломда жабр-зулм қораланса-да, барибир, улар исломга бўйсундирилган бошқа халқлардан ташқари мусулмон арабларнинг ўзларини ҳам қаттиқ эксплуатация қилишаверади. Бундан норози бўлган араблар Халифа Усмонга қарши қўзғалон кўтариб, уни Мадинада ўлдиришган. Халифалик лавозимига Али кўтарилиган. Бироқ, у ўз ҳокимиятини қурайш оқсуякларидан ҳимоя қилишга мажбур эди. Али тарафдорлари у пайғамбарнинг амакивачаси ва куёви бўлганлиги учун мусулмонларнинг бошлиғи бўлиши керак, унинг вафотидан кейин эса бу лавозим унинг авлодларига мерос бўлиб ўтиши керак, деб чиқишиган. Бироқ тахт учун курашда Сурия ҳокими Муовия бошлиқ қурайш зодагонлари ғолиб чиқкан. Али тириклик чоғидаёқ Муовия халифа деб эълон қилинган.

Шиалар Алидан бошқа барча сунний халифаларнинг узурпаторлар, яъни сиёсий ҳокимиятни зўравонлик билан қўлган олган кишилар деб ҳисоблайдилар. Булар Алиниң авлоди бўлган 12 имомдан иборат ўз сулолаларини уларга қарши қўйганлар. Улар Алини, унинг ўғиллари-Ҳасан ва Ҳусайнни ҳамда уларнинг авлодларини шаҳид, деб ҳисоблашган.

Ислом тарқалган мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар натижасида турли даврларда мусулмонларнинг ҳар хил гуруҳлари, айниқса кўпроқ секталар пайдо бўла бошлаган. Булар сунний ва шиа йўналишларидан ажралиб чиқкан бўлиб, мусулмон секталари дейилади. Буларнинг исломдаги ҳанафия, ҳанбалия, шофиъия, моликия каби мазҳаблар билан аралаштираслик керак.

Ислом секталари мусулмонларнинг диний уюшмалари бўлиб, уларнинг сони жуда кўп, ислом мамлакатларининг деярли ҳаммасида мавжуд. Чунончи, аҳмадий, алавий, ибодий, идрисий, қодирий, муридий, рашидий, тижоний, ҳамолий, шодилий ва бошқалар суннийлар йўналишидан ажралиб чиқкан секталардир. Хорижий, исмоилий, зайдий, низорий, ионаашарий, друз, баҳоний ва бошқа мазҳаблар эса шиалар оқимидан ажралиб чиқкан. Уларнинг кўплари

тарқаб кетган. Ислом секталаридан баъзилариға қисқача тұхталамиз.

**Зайдилар.** Феодал низолар заминида VIII аср ўрталарида шия мусулмонлари сафидан яна бир гурух ажралиб чиқиб, мустақил зайдилар сектасини ташкил этган. Бу секта – Алининг эвараси, Ҳусайннинг набираси 740 иили Күфада уммавийлар сулоласидан бўлган халифа Хишомга қарши халқ қўзғалонига бошчилик қилган Зайд ибн Али номи билан аталган ва шиаларнинг учинчи имоми Зайд халифа қўшинлари билан бўлган жангда ўз тарафдорлари билан бирга ҳалок бўлган.

Зайдилар 864 иили Эроннинг шимолида ўз давлатларини тузишган. 901 иили эса улар Яманда давлат ҳокимиятини қўлга олишган. Бу давлат 300 йилча яшаган. Зайдилар диний таълимотнинг шаклланишига ишонишни, Қуръон «азалдан» мавжудлигини, ирода эркинлиги мавжудлигини, диний эътиқодни амалий ҳаракат билан мустаҳкамлаш зарурлигини тан олганлар. Улар кўпгина шия маросимлариға амал қилишган, бироқ ўз турмуш тарзига кўра суннийларга ҳам яқин турган.

**Исмоилийлар.** Бу мазҳаб тарафдорлари шиалар орасида энг кўпчиликни ташкил этган. Исмоилий мазҳаби VIII асрнинг 2-ярмида Боғдод халифалигида пайдо бўлган ва имом Жафар Содикнинг катта ўғли Исмоил номи билан аталган. Исмоилийлар диний таълимотида бутун оламни яратган «дунёвий ақл» ва «дунёвий рух»га эътиқод этиш асосий ўринни эгаллаган. Уларнинг таълимотида неоплатончилар фалсафаси ва буддавийликнинг катта таъсири сезиларди. Исмоилийлар турли даврларда халқларга турли пайғамбарларнинг юборилиши-«дунёвий ақл»нинг ерда намоён бўлишидир деб ҳисоблашарди. Улар еттига пайғамбарни-Одам Ато, Нух, Иброҳим, Исмоил, Мусо, Исо ва Мұхаммад (с.а.в.)ни тан олишади. Уларнинг фикрича, имомлар пайғамбарларнинг ворислари ҳисобланади. XI асрдан бошлаб исмоилийлар синфий зиддиятларнинг кучайиши натижасида турли қисмларга бўлиниб кетган. Ҳозирги пайтда исмоилийлар Ўрта Шарқ мамлакатларида, Ҳиндистон, Уганда, Кения, Танзания, Тожикистаннинг Тоғли Бадахшон вилоятида мавжуд.

**Друзлар.** Ўз таълимотига кўра, бу секта исмоилийлардан ажралиб чиқкан. Друзлар ваҳдониятга-Аллоҳнинг ягоналигига эътиқод этадилар ва 998-1021 йилларда ҳукмронлик қилган фотимиylар халифаси ҳакимни халоскор сифатида ерга иккинчи марта келади, деб ҳисобладилар. Улар ўзларининг «муқаддас» ёзувлариға эга. Уларда диний маросимлар унчалик ривож топмаган, шу сабабли масжиди ҳам йўқ. Барча секталар каби, друзлар ҳам шариатни, шия имомларини тан оладилар.

**Карматий мазҳаби.** Карматийлар ҳам исмоилийлардан ажралиб

чиққан шаҳобчалардан бири бўлиб, IX аср охирида Ироқда ўз фаолиятини бошлагандан сўнг Сурия ва Яманга тарқалган. Кўчманчи бадавийлар, дехқонлар ва ҳунармандлардан ташкил топган бу мазҳаб ислом таълимотини Аллоҳга ва пайғамбар Мұхаммадга эътиқод қилишдан ташқари бошқа нарса ва буюмларга сиғинишни қоралаганлар. Шу ғояни ўз тарафдорларига сингдирган қараматийлар мусулмонлар зиёратгоҳи Каъбадаги Қора тош зиёратини, унга сиғинишни, бидъат, бутпаратлик деб ҳисоблаб, X асрнинг бошларида (930 йили) ҳаж вақтида Маккага бостириб кириб, бир неча минг ҳожиларни ва Макка шаҳри аҳолисини қатл этиб, асрга олганлар. Шаҳарни ва Каъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, ўз давлатлари Бахрайнга олиб кетганлар.

Қараматийларнинг бундай харакатларини аксарият мусулмонлар жамоаси қоралаган. Макка ва Шаҳарни таъмирлаш ишлари амалга оширилиб 20 йилдан сўнг қора тошни қараматийлардан катта тўлов эвазига қайтариб олганлар.

**Жаъфарий мазҳаби.** Бу мазҳаб шиалик йўналишидаги имомат йўналишига (яъни 12 имомга эътиқод қилиш) кирувчи асосий мазҳаблардан биридир. Шиаликдаги 6-имом Жаъфар ас-Сидикни Исмоилийлар фикҳ тизимини асосчиси деб тан оладилар. Ислом тарихидан маълумки, фикҳга оид бу тизим IX-X асрларда бир қатор илоҳиётчилар томонидан яратилган. Бунда имом Жаъфарнинг иштироки бор ёки йўқлигини белгиловчи далил қолмаган. Чунки, ундан ҳеч қандай ёзма асар қолмаган. Аммо шиаликдаги диний-хуқуқийликка оид таълимот жаъфария номи билан аталади.

Жаъфария мазҳаби ўрта асрларда Эронда ҳукмрон диний-хуқуқ тизимини ташкил этган. Бу мазҳаб ҳозирда ҳам Эрон ва Ироқда шиалар ўртасида ўз таъсирини йўқотмаган.

Ислом пайдо бўлган даврдан бошлаб, унинг турли минтақаларга тарқалиш жараёни, хусусан диний таълимотни талқин қилиш билан боғлиқ давлатни идора қилиш масалалари, ҳокимиятни эгаллаш ҳаракати ҳамда халифалик давларда вужудга келган ички зиддиятлар натижасида исломда йўналишлар ва бир қанча мазҳабларни шаклланишига олиб келди. Аммо бу йўналиш ва мазҳаблар қайси минтақаларда мавжудлигидан қатъий назар ислом манбалари бўлмиш Қуръони карим ва ҳадис шарифга амал қилган. Бундай эътиқодга эга бўлган ҳар бир мусулмон қалбида у Аллоҳнинг бандаси эканлигини ҳис қилиб турган, гуноҳ ишларига қўл урушдан ўзини тийган, тоат-ибодат орқали ўз маънавий-ахлоқий қиёфасини шакллантиришга ҳаракат қилган.

Исломдаги йўналишлар ва мазҳабларнинг шаклланиши жараёнида вужудга келган диний эътиқод ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид

зиддиятлар туфайли содир бўлган қурбонлар, талон-тарожлар, исломнинг тарихий жараёни бўлиб, вақт ўтиши билан уларнинг кўпчилигига ўз таъсир кучини йўқота борган, асосан мусулмонлар томонидан эътироф этилган йўналишлар, мазҳаблар ҳозирги Шарқда ҳам Марказий Осиё минтақасида ҳам сақланиб қолган. Уларнинг аксарияти ислом таълимотига амал қилиб, асрлар оша мусулмон халқлари ҳаётида ижобий рол ўйнаб, унинг айниқса маънавий-ахлоқий қадриятлари бу динга эътиқод қилувчи киши қалбига эзгулик уруғини сочмоқда.

### **Таянч сўзлар:**

- |              |             |
|--------------|-------------|
| 1. Суннийлик | 6. Ҳанбалия |
| 2. Шиалик    | 7. ал-Азҳар |
| 3. Ҳанафия   | 8. Мазҳаб   |
| 4. Шофиъия   | 9. Секта    |
| 5. Моликия   |             |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Исломдаги бағрикенглик (толерантлик) нима?
2. Исломда қандай йўналишлар бор?
3. Исломдаги диний-хуқуқий мазҳаблар қайси?
4. Ислом таълимотининг маънавий-ахлоқий жиҳати нимада?
5. Исломда ҳокимият бошқариш усули қандай бўлган?
6. Ўзбекистонда суннийликнинг қайси мазҳаби кенг тарқалган?
7. Шиалик мазҳаблари қайсилар?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. «Ислом зиёси-ўзбегим сиймоси»да.-Тошкент Ислом университети. 2005.
2. Закрулло А. «/оялар кураши»-Тошкент Мовароуннахр, 2000.
3. Қодиров З. Имом Аъзам ҳаёт йўли ва фикҳ усуллари.-Т.: Мовароуннахр, 1999.
4. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи.-Т.: 1992.

## **10-МАВЗУ: ИСЛОМНИ ЭЪТИҚОДГА АЙЛАНИШ ДАВРИ ВА ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ**

### **Режа:**

1. *Исломгача бўлган Ўрта Осиё маданияти.*
2. *Исломни Ўрта Осиёга киритилиши ва халқлар маданияти.*
3. *Ҳозирги кунда маданиятимиз ривожланишида ислом динининг ўрни.*

**Исломгача бўлган Ўрта Осиё маданияти.** Ислом ғоялари ёйилиши арафасида Ўрта Осиё халқлари араблардагига нисбатан ривожланган маданиятга эга бўлганлар. VIII-IX асрлар бўсағасида Амударё билан Сирдарё оралиғида яшаган халқларни илмий адабиётларда сак, массагет, хоразмий, суғд, бақтриялик, уйшўн, тоҳир, кўнғир, эфталит (оқ хун)лар<sup>1</sup> деб келинган. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида, хусусан Тошкент воҳасида милоддан аввалги 1 минг йилликнинг ўрталаридаёқ турк элати ва маданиятини ўзида ифодалаган қабилалар вужудга келган. Кўчманчи туркий қабилаларнинг кўпчилиги милоддан олдинги X-VI асрлардаёқ ўтроқлашган, шаҳарларда хунармандчилик, савдо-сотик, қишлоқ жойларда, тоғ этакларида чорвачилик ривожланган, иқтисодий, ижтимоий ва маданий яқинлашув ҳам амалга оша бошлаган.

Албатта, Ўрта Осиё халқлари, жумладан, Ўзбекистоннинг араб истилосигача бўлган даврлардаги маданияти етарлича ўрганилмаган. Бироқ, баъзи тарихий ёзма манбалар ва оғзаки адабиёт намуналаридан маълум бўлишича, аждодларимиз учун қаҳрамонлик, мардлик, жасорат, адолатпарварлик, дўстлик, ҳамкорлик туйғулари бағоят қадрланган.

Сурункали урушлар, чет эл босқинчиларининг диёrimизга ҳужумлари туфайли халқимиз яратган маҳобатли ёдгорлик, обидалар секин-аста нураб ва йўқолиб кетган.

Олимларимиз, жумладан, археологларнинг тадқиқотларидан маълум бўлмоқдаки, халқимиз ўтган асрларда жуда чиройли иморатлар, улкан ва улуғвор суғориш иншоотлари, нодир ва ноёб тасвирий санъат ҳамда меъморчилик намуналари, йирик бадиий асарлар яратган. Булар қаторига Зардушт, Маздак каби уламоларнинг ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар ҳақида бой маълумот берган асарларини, Спитамен, Тўмарис, Широқ каби халқ қаҳрамонлари номларини, қилган қаҳрамонона ишларини келтириш мумкин.

Ўрта Осиёning антик даврга оид ёзма ёдгорликлари жуда оз сақланиб қолган. Қадимги Юнон ва Рум адабиёти намуналаридан эса ўтмишимизга оид, бизни қизиқтирган масалаларга жавоб топишимиз мумкин. Лекин бу манбалар ўтмиш маданиятимиз, турмуш тарзимиз, юртимизга бостириб кирган тажовузкорларнинг тарихчилари қаламига мансуб асарлар бўлиб, уларда ўтмиш авлодларимиз маънавий қадриятлари бир ёқлама ёритилган. Шунга қарамай мазкур асарларда жуда кўп амалий маълумотлар мавжуд бўлиб, улардан танқидий фойдаланиш мумкин. Чунончи, антик дунё тарихчилари берган

<sup>1</sup> Бу номларнинг аксарияти истилочилар томонидан машаллий ащолини ща=оратлаш учун =ылланилган былишига =арамай, илмий адабиётларга кириб =олган. Масалан, Эрон бос=инчилари ерли ащолини «сак»-ит, «массагет», «катта ит», «мы\уллар», «хун»-одам деб аташган.

хабарларга қараганда, бу даврда Марказий Осиёда сак, скиф, массагет, сұғд, дах қабилалари яшаган. Бирок улар ҳозирги шаклланган ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқ миллаттарининг қайси бирига тегишли эканини билиш мушкул. Фанда турли тахминлар мавжуд бўлиб, биз бу ҳақда аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Бирок шунга ишончимиз комилки, мазкур қабилалар қачонки иноқ ва аҳил бўлиб яшаган бўлса, ўша даврда ташқи тажовузкорлар кам бўлган ва тараққиёт нисбатан тез борган.

Юқоридагиларга кўра, маънавий маданиятимиз тарихини, унинг чуқур илдизларини факат ислом билан боғлаш, ислом қадриятларига элтиб тақаш ва ундан қидириш адолатдан эмас. Зеро исломга қадар ҳам Марказий Осиё халқлари асрлар давомида ўзининг буюк маданияти, маърифати, инсоний урф-одатлари билан танилган эди. Масалан, «Авесто»нинг тўплам ҳолига келиши, пайғамбар Зардуст фАОлияти билан боғлиқ ва яккахудочиликни қарор топтиришга қаратилган диний ислоҳотлар ўлка аҳолиси маданияти нечоғлик ривож топганлигидан далолат беради. Исломгача мавжуд бўлган диний ёдгорликлардан бири-Сурхондарё вилоятида жойлашган Фаёзтепадан топилган будда ҳайкали бўлиб, у халқимиз орасида исломгача бўлган даврда будда динига эътиқод қилувчилар ҳам бўлганлигидан далолат беради. Ўрта Осиё халқлари ҳеч қачон босқинчиларга итоат этмаган, уларни ҳайдаб чиқариш учун қаҳрамонона курашганлари тарихий манбалардан маълум. Шуниси характерлики, Эрон ва Грек-Македон босқинчилари нечоғлик уринмасинлар, Ўрта Осиё халқлари тили, маданияти ва ўзига хос диний эътиқодларини йўқота олмадилар.

Ўрта Осиёда бошқа жойлардаги каби соф қулдорликка асосланган муносабатлар бўлмаган. Феодал муносабатлари ҳам демократик элементлар билан ажralиб турган. Чунки сунъий суғоришга асосланган дехқончилик, эркин хунармандчилик анъаналари у муносабатларга алоҳида мазмун киритганки, бу ҳолат чуқур илмий тадқиқотга муҳтождир. Эрон, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари билан савдо-сотиқ олиб борилган. Юнон, Ҳинд ва Ўрта Осиё халқлари маданиятининг аралашиб кетиши туфайли Шарқда ўзига хос жуда юксак эллинистик маданият вужудга келган. Ўрта Осиё «Ипак йўли» орқали Шарқ билан /арбни бир-бирига боғловчи, тажрибаларни ёювчи маскан бўлган. Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва араб мамлакатлари, ғарбий Европанинг Франция, Испания, Англия, Италияning Венеция, Генуя, Флоренция каби шаҳарлари сайёҳлари, зиёратчилари, илм-фан аҳиллари ҳали ўзларига маълум бўлмаган мамлакатларни, ҳалқ ва элатларни яқиндан танидилар. Уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, маданиятидан вақиф бўлдилар. Натижада Греция ва Ҳиндистон маданиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Бу ерда пул-

товар муносабатлари ҳам ривожланган. Тарихий асарларда Бақтрия «2000 шаҳарли мамлакат» сифатида тилга олингани бежиз эмас. 1932 йилда Амударё бўйида эски Термиз яқинидаги Айритом харобасидан 2 та тоштахт топилган. Уларда куй чалаётган уч аёл образи тасвиранган. Яна Термиздан 30 км ғарбда Кампиртепа маданий қатламидан кичикроқ идишининг жездан сридар тасвири бериб ишланган балдоғи; Тошкентнинг жанубий-шарқида жойлашган Хонободтепадан хўқиз калласи тасвири берилган ичимлик ичадиган қадоҳ, (ритон) топилган. Бу фақат монументал санъат бўлибгина қолмай, балки ўтмишда Ўрта осиёда мусиқа ва бошқа маданият турлари ҳам ривожланганлигидан далолатдир. 1965 йилда Қадимий Афросиёб шаҳарчаси харобаларидан топилган тасвирий санъат обидалари VII асрға оид бўлиб, гўзаллиги жиҳатидан шу вактгача топилган ёдгорликлардан устун туради.

Умуман Ўрта осиё халқлари иқтисодиёти ҳам, маданияти ҳам ўша даврдаги яхши ривожланган малакатлар даражасида бўлгани учун улар билан савдо-сотиқ кенг ривожланган. Бу даврда маҳаллий, ўз-ўзини бошқаришга асосланган турк давлатчилиги тизими қарор топган. Бироқ Ўрта Осиё халқларига, Эрон шоҳлари доимо монелик қилиб келганлар. Улар шу халқ орасидаги хиёнаткор, муқим эътиқоди бўлмаган одамларга таяниб, йирик турк давлатларини парчалаб юбориш сиёсатини юритганлар. Масалан, 600 йилга келиб, турк ҳоқонлари ўртасида юзага келган ўзаро урушлардан фойдаланган Хитой императори Қора Чурин (ёки Бўғу ҳоқон, яъни Қахрамон Ҳоқон) ҳоқонлиги ичida фитначилар ёллаган. Фитнанинг бош ижрочиси Жанғар туфайли Қора Чурин ҳоқонлиги барҳам топиб, хитойларга қарам бўлган Жанғар бошлиқ қўғирчоқ ҳукумат шаклланган. Натижада Шарқий Турк ҳоқонлиги ғарбий турк ҳоқонлигидан ажраб чиқсан. Еттисув, Чу водийси, Волга ва Кубанинг қуи қисми, Эртўш (Иртиш) ва Ишим дараёларининг юқори қисмини ўз ичига олган /арбий турк ҳоқонлиги ичida ҳам қабилалар ўртасида муттасил кураш авж олган. Манқурт Жанғарнинг бемақсад фаолияти натижасида турк элатлари ўзлигини йўқотиш даражасига келиб қолганлар. Ўзаро урушлар, келишмовчиликлар иқтисодий ҳаётни бутунлай издан чиқарган.

Бу ҳол тарафкашлик туйғусининг қарор топиши, турк давлатларининг 15 та майда давлатларга бўлиниб кетишига олиб келган. Ана шундай тарихий вазиятда Ўрта Осиёга араб истилочилари йўл олганлар. Ўрта Осиёда ўтмишдан ҳикоя қилувчи археологик қазилмалар, антик давр буюмлари ўша давр моддий ва маънавий бойликларини англаб етсак, бугунги кун қадриятларининг тарихий илдизларини билиб оламиз. Масалан, Тешиктош ғоридан топилган неандертал одам скелети, Амир Темур ғори, Омонқўтон ғори, Обираҳмат ғори ва бошқалар қадимда ибтидоий одамлар манзилгоҳлари

бўлганлигидан гувоҳлик беради. Мазкур ғорлардан топилган ашёлар қадимги тош давридаги одамлар тўда-тўда бўлиб яшаб, овчилик ва ҳунармандчилик билан машғул бўлганликларини кўрсатади.

Мезолит даврида эса одамлар ўқ-ёй каби ов қуролларини кашф қилганлар. Аждодларимиз неолит даврида (милоддан аввалги 5 минг йиллик бошларида) кемачилик, тўқимачилик билан шуғулланган; бу даврда умумий меҳнат тақсимотининг илк куртаклари-овчиликдан дехқончилик ҳамда чорвачиликнинг ажралиб, мустақил ижтимоий фаолият соҳасига айланганлигини кузатиш мумкин. Калтамиор ва Жайтун маданиятлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Бу даврда аёллар ва эркаклар орасида муайян меҳнат тақсимоти рўёбга келган. Чунончи, аёллар дехқончилик, эркаклар эса чорвачилик билан шуғулланган. Мамлакат мудофасида аёллар фаол иштирок этганлар. Улар орасидан таниқли саркардалар ва подшолар чиқкан.

Милоддан илгари 6-5 минг йилликларда шаҳар типидаги илк қишлоқлар (масалан, Олтинтепа), 3 минг йиллик охирларида эса ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида яшаган қабилалар мисдан қурол ясад ов қилишган. Бронза даври (милоддан аввалги 2-1 минг йилликлар бошлари)да биринчи ўтроқ аҳоли қишлоқлари, Замонбобо маданияти, Далварзинтепа, Сополтепа ёдгорликлари қадимги давр иқтисодий-маданий тараққиётидан дарак беради.

Катта дарёлар бўйида яшаган аҳоли учун дехқончилик хўжалик юргизишнинг асоси бўлиб, чўл ва тоғли ерларда чорвачилик, боғдорчилик ривожланган. Бу даврларда Аму, Сир, Зарафшон дарёлари ҳавзаларида йирик суғориш иншоотлари қурила бошлаган. Бу ерларда биринчи шаҳар типидаги давлатлар пайдо бўла бориб, ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий тенглик секин-аста йўқолиб бориб, синфий ва этник тенгсизлик пайдо бўла бошлаган.

Шундай қилиб, Марказий Осиё ҳудудида ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши билан милоддан аввалги 2 минг йилликнинг охири, 1 минг йилликнинг бошларида Бақтрия, Суғд, Хоразм, Парфия каби давлатлар вужудга келган.

Милоддан аввалги VI асрда Ўрта Осиёning катта қисмини Эрон шоҳи Кир II босиб олиб, уни аҳмонийлар давлати таркибиға киритган, сўнгра Искандар Зулқарнайн бу ерларни ишғол қилиб, жуда катта бойликларни, маданий обидаларни, жумладан, 12 минг ҳўқиз терига тилла суви билан ёзилган «Авесто»нинг ягона китобини ҳам олиб кетган.

Қадимги ўзбек адабиётининг йирик мутахассисларидан бири Азиз Қаюмов бундай деб ёзган эди: Буюк маданиятимиз илдизлари узоқ ўтмишга туташади. Ҳозирги замон нигоҳи қадим даврлар қаърига йўналар экан, ота-боболар яратган ажойиб ўлмас обидаларга дуч

келади. Урхун-Енасой битиклари деб аталмиш ёдгорликлар шулар жумласидандир. Улар катта тошларга битилган китоблардир. Қадимий туркий тилда, ўзига хос хатда битилган бу асарлар VI-VIII асрларда яратилган. Бинобарин, оғзаки адабиёт намуналаридан «Тўмарис», «Широқ», «Зариадр ва Одатида» афсоналари халқимизнинг узок ўтмишда ҳам умуминсоний қадриятларга бўлган муносабатини, интилиши, тилакларини бадиий акс эттирган. Бўлиб ўтган тарихий воқеалар асосида яратилган бу қиссаларида мардлик, матонат, инсонпарварлик, ёвуз душманга нисбатан нафрат ҳислари халқимизнинг азалий хислатларидан эканлиги ҳақида шоҳидлик беради. Шундай юксак фазилатлар нафақат йигитларга, эркакларга хос бўлган хислат, балки улар аёлларга ҳам хос сифатлар эканлиги «Тўмарис» достонида ифодаланган.

Чунончи, Тўмарис босқинчи Дорога мурожаат қилиб: «Эй шоҳ, қилаётган ишингни тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қандай тугашини билмайсан-ку! Кўй, сен ўз юрtingда подшоҳлик қилавер, бизни ҳам ўз ҳолимизга қўй». Мазкур сатрларда халқнинг ташвишини, баҳтини ўз ташвиши ва баҳти билан узвий ҳис этган, англаган исёнкор шоҳ аёл ўз душманига бирдан-бир оқилона йўлини кўрсатган. «Зариадр ва Одатида», «Широқ» риовиятларида ҳам худди ана шу мавзу халқимизнинг орзу-умид, тилаги-истагини баланд бадиий пардаларда тараннум этган.

Ўлкамизга бостириб кирган ёвузларга муносабат бир муддат ҳам ўзгаргани йўқ. Зоро, ана ўша афсоналар оғиздан-оғизга кўчиб, ёзма адабиёт намуналари пайдо бўлганидан кейин эса тош битикларда, терига, ёғочга, маҳсус панирус ёзувларида ифодаланиб, халқимизнинг ўлмас обидалари сирасидан муносиб ўрин олган. Юсуф Хос Ҳожиб, Рабғузий асарларида илк бор ривожлантирилган. Масалан, Кошғарийнинг «Девони лугатит турк» асарида:

«Олгил, ўғил, мендан ўгит, фазилат ол.

Бунда улуғ олим бўлиб илмингни ёй».

ёки

«Борди қадим донолар,

Тоғдай юксак билимда.

Эслаб ўгитларини

Қувонч ортар дилимда»<sup>1</sup>

Бундай эзгу фазилатлар Юсуф Хос Ҳожибининг «Баҳт-саодатга элтувчи билим» китобида ҳам олға сурилган.

Тарихимиз далолат беришича, Ўрта Осиёда илк ёзма манбаларимиз Урхон ҳоқон Енасой бўйларида давлат қурганида

<sup>1</sup> Йизбек адабиёти быстон. +адимги щикматлар. 1987, 62-63-бетлар

битилган бўлса, Аҳмад Юғнакий, Маҳмуд Қашғарий, Юсуф Хос Ҳожиблар ёзма адабий тилимизга тамал тошини қўйганлар. Олимларимизнинг фикрича, ягона ўзбек тилимиз XII асрдаёқ шаклланиб бўлган эди. Бунга Туркистон пири Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»лари яққол исбот бўла олади. «Ҳикмат» тили XVI аср фарзанди Бобур тилига ҳам, XX аср муаллифлари Абдулла Қодирий, Ҷўлпонлар тилига ҳам ўхшашдир.<sup>1</sup>

### **Исломни Ўрта Осиёга киритилиши ва халқлар маданияти.**

VII аср охирларида ва VIII аср бошларидан бошлаб араблар Ўрта Осиё ерларини истило қилишга киришганлар ва VIII асрнинг биринчи ярмида уни ўзларига тўла бўйсундиришга муваффақ бўлганлар. Тарихчи олим Б.Аҳмедовнинг таъкидлашича, араблар бу ерларга гул кўтариб эмас, балки қилич ялангочлаб ва найза кўтариб келганлар. Буни араб тарихчилари Табарий, Яъқубий, Балазурый-Муқаддасийлар ҳам эътироф этганлар.

712 йили бир неча кун давом этган оғир жанглардан сўнг Кутайба бошлиқ араб қўшинлари Самарқандни ишғол этганлар. Шундан сўнг суғд подшоси (710-737) ўртасида тузилган шартномада, жумладан, бундай моддалар бор эди:

1. Самарқанд, Кеш ва Насаф халқи араблар учун шу пайтдан бошлаб бирваракайига 2 миллион дирҳам ва ҳар йили 200 минг дирҳамдан ўлпон тўлайди.

2. Суғдликлар йилига 3 минг қўй етказиб бериш мажбуриятини оладилар.

3. Исломни ихтиёрий равишда қабул қилмаганлар 2 минг дирҳам миқдорида ёки қимматли матолар билан жузъя тўлайдилар.

4. Суғдийлар Аллоҳнинг бандаси халифа Абдумалик (705-715)га, амир ибн Юсуф (халифаликнинг Ажам малакатларидағи ноибга) (661-717) ва амир Кутайбага итоаткор ва тобеъдурлар (Ибн ал-Аъсам. «Китоб ал-футух»). Одатда фақат ғолиб билан мағлуб ўртасида шундай шартнома тузилиши ҳаммага маълум. Ўрта Осиёга араблар бостириб кирмаган, балки бу ерларни ислом нуридан баҳраманд этиш учун очишган (фатҳ этишган) деган фикр мавжуд. Аммо олимларимизнинг кейинги йилларда олиб борган илмий изланишлари бундай фикрга изоҳ беришни талаб қиласди. Ватан туйғуси номли китобнинг муаллифлари Кутайба ибн Муслим томонидан Самарқанд, Хоразм, Термиз, Бухоро, Фарғона каби шаҳарларда исломни қурол ва куч билан киритилганлигини эътироф этадилар ва айни пайтда Туронга нисбатан шимолий, шарқий, шарқий-шимолий, ғарбий-шимолий худудларида ислом дини ихтиёрий равишда, қилич кучи билан эмас, балки ташвиқот,

<sup>1</sup> +аралсин: Иброшимов А. ва бош=. Ватан туйғуси. -Т.: Йизбекистон, 1996, -Б. 79

тарғибот ва мантиқ кучи ила қабул қилинганини изоҳлайдилар.<sup>1</sup>

Биз ҳам бундай фикрдан узок эмасмиз. Турун халқлари ҳаётига ислом динининг киритилиши биринчидан, узок муддатга чўзилган; иккинчидан, асосан қилич кучи киритилган бўлса ҳам бошқа кўпгина аҳоли ўртасида ташвиқот-тарғибот ишлатилган, исломни қабул қилганлар турли жарималардан озод қилинган.

Тарихий ҳақиқат шундан иборатки, араблар ташвиқот, тарғиботдан ташқари бу ерларни талаш, халқни асоратга солиш мақсадлари бўлгани инкор этилмайди. Шу ниятда улар маҳаллий аҳоли тилини, ёзувини ва динини йўқотиш учун ҳам зўрлик, ҳам маккорлик сиёсатини изчил амалга оширганлар. Ўрта Осиё халқларининг миҳнатга (руний ёзувлари) асосланган ҳарфларида ёзилган китоблари қўйдириб ташланган, бу ҳарфни билувчилар қатли-ом этилган. Зардуштийлик динининг бир оқими бўлган маздаизм (дуализм)га эътиқод қилувчилар қувғин қилинган, ўлдирилган ёки улар қочиб кетганлар. Араблар зардуштийлик дини билан туташиб кетган урф-одатлар, маросимларни қатъий тақиқлаб қўйганлар. Ҳатто жуда чуқур тарихий анъаналарга эга бўлган Наврӯз байрамини тақиқлаганлар, аммо уни халқ хотирасидан чиқариб юборишига ожизлик сезган, унга ислом руҳини беришга интилганлар.

Ўлкада араб истилочиларига қарши қаттиқ қўзғолонлар бўлиб ўтган. Муқанна бошлиқ қўзғолонларни араблар фақат маҳаллий аҳолининг орасини бузиш воситаси билан бостиришга муваффақ бўлганлар. Аммо бир ёмон ишнинг яхши томони ҳам бўлар экан. Араблар Ўрта Осиёда VII-VIII асрда авж олиб кетган ва халқни ҳолдан тойдирган қабилалар ўртасидаги урушларга барҳам бердилар. Натижада араб халифалигига қарам бўлган йирик давлат вужудга келди. Бунда Сомонийларнинг алоҳида ўрни бор. Улар исломни кенг ёйишда катта рол ўйнаганлар. Айни чоғда дехқончилик, хунармандчиликни ривожлантириш учун илм-фанга йўл очганлар. «Давлати Сомониён» асарининг муаллифи Н.Неъматовнинг ёзишича, ўша замонда Мовароуннаҳр ва Хурросонда қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ва чорвачилик юксак даражада ривожланган. Чунончи, Бухоро вилоятида, Зарафшон водийсида, Шоҳруд, Кармиш, Шопуркон, Варахша каналларида сув лиммо-лим оқиб, бутун атрофни яшнатиб турган. Самарқанд, Суғд, Афғонистон, Шимолий Эрон, Хоразм ерларидан иборат жуда катта худудда туркий қабилалар жамоасининг ўзаро бирикишидан иборат Қораҳонийлар салтанати вужудга келган. Булар даврида илм-маърифат, маданият анча ривож топиб, қатор юксак илмий, ижтимоий-фалсафий асарлар асосан туркий тилда яратилган. Бу асарлар

<sup>1</sup> +аралсин: ИброЖимов А. ва бош=. Ватан туй\уси, 215-б.

сирасига биринчи навбатда эслатиб ўтилган Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатит турк», Юсуф Ҳожибининг «Бахт-саодатга элтувчи билим» асарлари билан бир қаторда Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақойиқ», Тавсиф, Рабғузийнинг «Қиссаи Рағбузий» каби асарлари киради.

Кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган Рабғузийнинг «Қиссаи Рағбузий» асарини ўзбек китобхонларига танишириш яқиндагина мустақиллигимиз шарофати туфайли амалга ошиди. Мазкур асарда мусулмон олами арконлари ҳисобланмиш пайғамбарлар ҳаёти мисолида инсонларни яхшилик, одиллик, муруват, дўстликка садоқат каби энг яхши фазилатлар мужассамланиб бориши учун ҳаракат кучайтирилган.

Рабғузий ўз китобида шундай олижаноб мақсад-муддаони ўз олдига қўйган. У ёзган: «Мунда мақсад пайғамбарлар қиссаси эрди ва лекин Одамдин бурунроқ яратилган бор учун андин бошласамиз фойдаси ортиқроқ бўлгай, деб тортиб узра яратилғанлардан отоз қилдимиз».<sup>1</sup>

Ҳадислар нафақат тарихий-маданий обида, балки улар умуминсоний одоб-ахлоқ қадриятларини тарғиб қилиш, уларни муқаддаслаштиришда, демак, кўп жиҳатдан одам ўзидағи зоологик инстинктларга қарши курашга чоғланишда ҳам муқим дастурдир.

Тарихчи Б.Аҳмедов «Иbn Сино даври» асарида таъкидлаб ўтганидек, «Айниқса Бухоро, Самарқанд, Шош, Гурганж, Балх, Хирот, Марв ва Нишопур каби шаҳарларда хунармандчилик гуллаб-яшнаган. Ўлқадаги хунармандчилик саноати ички бозорларда эҳтиёжини қондирибгина қолмай, ташқи бозорлар учун ҳам мўл-кўл маҳсулот ишлаб чиқарарди.» Бу ердаги шаҳарлардан қўшни мамлакатларга олиб бориладиган моллар турли-туманлигини ал-Муқаддасийнинг қуидаги сўзларидан билиш мумкин: «Термиздан-совун ва дока, Бухордан – майин газламалар, жойнамозли гиламчалар, меҳмонхоналарга тўшаладиган гилам, шолча ва кигизлар, мис чироғдонлар, қалай идишлари, чарм, ўткир наша ва олтингугурт, Хоразмдан қундуз, қоплон, сувсар, кўзан, латга мўйналари, пўстак, шам, асал, холва ва бошқа нарсалар чиқарилар эди».

Тоғ маъданларидан қазиб олиш саноати ҳам анча ривожланган эди. Истаҳрий, Ибн Ҳавкал, Мақдисий маълумотларига кўра, ўша вақтларда Ўрта Осиё ерлари қаъридан олтингугурт, қўрғошин, қумуш, олтин, феруза, темир, кўмир, нефть, газ, туз ва бошқа моддалар қазиб олинарди.

Иқтисодий ҳаёт талаблари тақозоси билан Марказий Осиёда илм-

<sup>1</sup> Рабғузий Н.Б. «+иссаси Рағбузий», -Тошкент, 1990. -Б. 11.

фан тарққиёти янги босқичга қўтарила бошлади. Буюк аждодларимиз ўзбек халқини, ўлканинг бошқа халқларини бутун оламга машҳур қилганлар. Мазкур маданият оламга Мусо Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём ва Навоий каби қатор етук сиймоларни етказиб берганки, улар билан бутун башарият фахрланади. Бу даврга келиб фалсафа, ахлоқ, сиёсат, ҳуқуқ, санъат ислом диний ақидалари билан уйғунлашиб бораверган. Оқибатда Осиё ва Европа қитъалари худудларида ягона тилда ривожлантириладиган фанлар, маънавий қадриятлар вужудга кела бошлаган. Албатта, араб тилидан бошқа тилларда, жумладан, туркий, форс тилларида ҳам адабиёт, санъат ва бошқа маънавий маданият намуналари пайдо бўла бошлаган ва ривожланган. Асотирлар ва ривоятларда турли халқ, қабила ва элатларни муштарак этувчи қадриятлар тарғиб этила бошлаган.<sup>1</sup>

Пайғамбар, улуғ алломалар ҳаёти ва ижоди, яшаш тарзлари ҳақида жуда кўп ривоятлар яратилган. Туркийшунос олим Э.И.Фозилов «Ўрта Осиёning араблар томонидан забт этилиши ва ислом динининг қабул қилиниши ерли халқлар ижтимоий, сиёсий ҳаётида, маданиятида янги босқични бошлаб берди», деб таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Рабғузий Аллоҳ номидан: «Ҳашд менинг мақтовим, менинг исмим Аллоҳ, раҳмон менинг хазиналаримнинг калити, раҳим азизлик ва сахийлик менинг гўзаллигим, гўзаллик ва улуғлик менинг мартабам, инсонлар ҳаммаси менинг қулларим ва чўриларим, авлиёлар ва пайғамбарлар менинг элчиларимдир ва танлаган бандаларимдир, Пайғамбар Мухаммад (с.а.в.) менинг ҳабибим ва пайғамбарим ва унинг умматлари яхшисидир ва менинг севган дўстларимдир» деб ёзган эди.<sup>2</sup>

Фикримизча, Куръондан келтирилган мазкур ҳикоятлар инсонни Аллоҳ олдида бир қадар масъулиятли қилиб қўяди; инсон ўзининг ҳаёти давомида эзгулик талабларига риоя қилиши зарурлиги, шоҳни ҳам, гадони ҳам баб-баравар Аллоҳ олдида жавобгар этилиши ҳамда инсонни комил фазилатли бўлишга ундейди.

Ислом туфайли рўёбга келган маданият жаҳон маънавиятида салмоқли из қолдирган салоҳиятли сиймоларни етиштириб чиқарган. Ўйғониш даврига хос қамровли улкан олиму алломаларни майдонга олиб чиқсан. Деярли унутилаёзган қадимий юонон, румо файласуф ва табиётшуносларнинг буюк асарларини қайтадан тиклаган.

Араб тили ҳукмрон бўлган ва кенг тарқалган қатор мамлакатларда ўша даврнинг академиялари (байтул ҳикматлари) вужудга келган. Фозилу фузалолар, ҳакиму ҳукамоларга хос бўлган барча улуғ фазилатларга эга бўлган. Чунончи, мазкур даврда яшаган ҳар бир аллома бир нечта тилни билар, бир қанча мамлакатлар урф-одати билан

<sup>1</sup> +аранг: Асотирлар ва ривоятлар. Тошкент, 1990.

<sup>2</sup> Рабғузий Н.Б. «+иссаи Рабғузий». 1990, 19-бет (арабча матн), 184-бет (ызбекча матн).

танишган эди.

Худди шундай комил сифатларга эга бўлган дин ва дунёвий фанлар, давлат арбоблари фаннинг, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, бир вақтнинг ўзида ҳаким, файласуф, шоир, мухаддис, мунажжим, давлат арбоби вазифаларини ғоят катта масъулият билан адо этганлар. Масалан, Ибн Сино буюк ҳаким, тиб олими бўлиши билан бирга нозик дидли шоир, кўзга кўринган файласуф, нафосатга бой носир ҳамда мунажжим бўлган. Унинг асарларида ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий ва фалсафий ғоялари чуқур акс этган.

Маънавий маданий, инсонийлик фазилатлари ўрта аср Ўрта Осиё даврида нечоғлик кенг қулоч ёйганлиги ҳақида ўша давр сайёҳи Ибн Баттутанинг хотираларидан илғаб олса бўлади. Чунончи, у бундай деб ёзган: «Бутун оламда хоразмликларга ўхшаган чиройли ахлоқли, олижаноброқ, хорижийларга нисбатан меҳмондўст кишиларни учратмадим». Бу даврларда Ўрта Осиё шаҳарларига келган ҳар бир сайёҳ ўз хотираларини энг яхши тасаввурлар билан бойитганлиги бежиз эмас. Дарҳақиқат ўз тарихий маданиятини қўшни мамлакатлар маънавияти, урф-одатлари билан янада бойитган аждодларимиз нисбатан мустақил ва тўқис ҳаёт кечиришга интилганлар. Барча иш ва амалий фаолият Қуръон дастурларига асосланган.

Умар Ҳайём Наврӯз байрамининг жорий қилиниши сабаблари ҳам қадим-қадим замонлардан буён расм бўлганлигини ёзади: «...Офтобнинг икки айланиши мавжуд, улардан бири қуйидагича: Офтоб ҳар уч юз олтмиш беш куну кеча-кундузнинг тўртдан бирида Ҳамал буржининг биринчи дақиқасига чиқиб кетган пайтнинг ўзида яна қайтиб келади ва ҳар йили бу давр камая боради.

Жамшид бу кунни тушунгандан кейин Наврӯз деб атади ва байрам қилинишини одатга айлантиради. Подшоҳлар ва бошқа одамлар ҳам уни қабул қилдилар».<sup>1</sup>

Булардан олдин ҳам аждодларимиз тақвим масалалари билан қизиққанлар; уни тузиш йўлларини излаганлар ва қисман топганлар. Масалан, улар 1 йилда 365 куну 6 соат бўлишини билишган; эрамиздан олдинги минг йилларда ҳам шундай тақвимга амал қилишган.

Диний манбаларда инсон ҳаётининг турли соҳалардаги ҳар бир ўзгариш ҳам, оддий, кўзга кўринмас воқеа-ходисалар ҳам Аллоҳнинг иродаси билан боғлиқ ҳолда кўрсатилган. Бунинг устига аҳоли турмуш тарзининг барча соҳалари, жамият ҳаётининг жуда кўп томонлари ҳам Аллоҳ иродаси билан боғлиқ деб ҳисобланган. Бу эса ўз навбатида бошқа ижтимоий онг шакллари унчалик ривожланмаганлиги учун

<sup>1</sup> Умар Щайём. Наврӯзнома. Тошкент, 1990, -Б. 11.

диннинг қадрини, салоҳиятини янада оширган.

Тадқиқотчилар араб маданиятининг аҳамияти ҳакида сўзлаб, қуидагиларни ёзганлар: «Аббосийлар тахтга чиқишлари билан барча мусулмонлар (ўз социал мавқеларига қўра) хуқуқда тенг бўлдилар, бутун халифаликда исломлаштириш ва араб тилини ёйиш бошланди, чунки бу тилда Қуръон ваҳй бўлган ва диний – хуқуқий ривоятлар (сунна) оғиздан-оғизга кўчиб юрган».<sup>1</sup>

Шундай қилиб, аббосийлар даври (IX аср) араб маданияти, жумладан, мусулмон маданияти Ўрта Осиё худудларида ҳам тарқала бошлаган давр бўлиб, бу даврда бутун бошли бир халифалик худудидаги халқлар бир-бирларининг урф-одатларини, маданиятларини ўзлаштириб, маълум маънода турмуш тарзларини ҳам тубдан ижобий ўзгартириб юборганлар.

Маданий ҳаётни ислом маънавияти билан тўлдирилганлиги исломга зид маданият турларини йўқотишга ҳам олиб келган.

Бухоро ва Самарқандда зардуштийликнинг ибодатхоналари, уларда эса ўз ўтхоналари мавжуд бўлган. Манбаларда несториан христианларнинг ва бутларининг кўплаб аниқ тафсилотлари баён этилган. Масалан, Самарқанддаги бош бутхонани араблар ёқиб ташлаганларида ёғочдан ишланган бутлардан 50 минг мисқол тилла олинган. Бу ерда эритилган бир бутдан 24 минг мисқол кумуш олинган. Самарқанд ва Бухородаги ибодатхоналар жуда бой, уларда тилла ва кумушлардан ишланган жиҳозлар, қимматбаҳо тошлар мавжуд бўлган, масалан, марваридларнинг катталиги хатто товук тухумича бўлган.<sup>2</sup>

Исломни Ўрта Осиё халқлари ҳаётига киритишда турли усул ва йўллардан фойдаланилган бўлса-да маҳаллий халқлар томонидан унга ижобий муносабат кун сайин орта борган. Исломий қадриятларнинг халқларда тарихан шаклланган урф-одатлари ва анъаналарининг кўп жиҳатлари билан уйғунлашиши юзага келган. Натижада миллий ва исломий қадриятлар халқлар қалбидан тобора чуқур ўрин олиб, уларнинг турмуш тарзи ва маънавиятини бойита борган.

**Ҳозирги кунда маданиятимиз ривожланишида ислом динининг ўрни.** Марказий Осиё худудига кенг тарқала бошлаган ислом дини, унинг таълимотлари асосида дунёга келган маънавий маданият ҳозирги кунга қадар ардоқли бўлиб қолмоқда. Албатта, мусулмон маданияти деб ном олган улкан маънавий қадриятларни фақат ислом динидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Лекин шунга қарамай, ҳаёт қамрови жиҳатларига қўра, маданиятлар яқинлашуви ижтимоий тафаккурнинг сиёсий ва маънавий соҳаларнинг барча томонларини янада кенгайтирган. Ана шу маданиятлар муштарақлигида янги «араб

<sup>1</sup> Большаков О.Г. Очерки истории арабской культуры. V-XV вв. Введение.-М.: 1982, -С. 5.

<sup>2</sup> +аранг: /афуров Б. Таджики. Древнейшая, древня и средневековая культура. Душанбе, 1989, -С. 362.

тили маданияти» деган маънавий бойлик-цивилизация вужудга келган, маданиятлар яқинлашуви ҳозирги кунда урф-одат, анъана, турмуш тарзи яқинлигига олиб келди. Аксарият кишиларда исломга эътиқод қилиш, ҳатто миллий бирликда ҳам алоҳида мазмун касб этмоқдаки, буни биз кундалик турмушда кузатиб турибмиз.

Мусулмон олами маданияти ҳозирги кунда бир миллиард 400 млн.дан ортиқ аҳоли яшайдиган худудларда инсоният турмуш тарзи ва онгига баракали таъсир кўрсатиб келмоқда. Ҳаёт зиддиятларини бартараф этишда фақат илмий билишнигина құдрати камлик қилиб қолди. Қисқаси, у илмий камолот доираси ҳаётининг ранг-баранг соҳаларини қамраб ололмаётир.

Мамлакатимизда ҳам ислом дини ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида фаоллик билан аралашувига олиб келди. Қуръонда, ҳадисларда баён этилган қатор ахлоқий қоидалар ҳаёт заруриятидан келиб чиқиб истеъмолга кирган, инсон ва жамият учун, уларнинг бирини-бирига мустаҳкам боғлаб турувчи тамойиллардир. Масалан, ҳадислардаги «Сизларга яхшиларингиз билан ёмонларингиздан хабар берсам, сизларни яхшиларингиз-яхшиликка умид қиласиган ва ёмонликдан эса ўзини тиядиганларингиздир»,<sup>1</sup>-деган ривоят бизни шу маънавий манбадаги қадриятлар, диний арбоблар уқтирганларидек, фақат Мұхаммад пайғамбар ҳаёти, фаолияти ҳақидаги ривоятлар бўлибгина қолмай, шу билан бирга ижтимоий амалиёт зарурияти туфайли юзага келган аччиқ ҳаёт сабоқларидир. Мазкур сабоқларни пухта эгаллаган киши ахлоқ одобда етук ва баркамол бўлади.

Диний ақидаларнинг мусулмон олами сажда қиласиган кўринишлари ўзининг амалиёти (практика)га ўта яқинлиги ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи меъёрларини чуқур ҳисобга олганлиги билан ҳам қимматлидир. Чунончи, халқнинг, миллат ва элатнинг этнографик хусусиятлари, урф-одатлари, қолаверса, жуғрофий яшаш мұхитининг ўзига хослиги ҳисобга олинса самарали бўлади.

Кейинги пайтларда биз хар томонга оғишлиаридан халос бўлиб, ҳаётнинг чексиз зиддиятларини худди унинг ўзидан англаб етишга киришдик. Жумладан, диний қадриятларга ҳам кенг йўл очиб берилди. Очифини айтганда, ислом оғушида дунёга келган қадриятлар синонимига айланиб қолди. Исломга, Қуръонга, ҳадисларга бўлаётган қизиқиши ортмоқда. Халқ ўзининг ўтмишини чуқур ўрганиш сабоқларини ислом қадриятлари доирасидан қидирмоқчи бўлиб, маънавий меросни, эски ўзбек бадиий ва илмий адабиётни кенгрок ўрганишга киришди.

Ислом доирасида вужудга келган урф-одатларга эътиқод, бу дин

<sup>1</sup> Ахло=одобга оид щади намуналари. Тошкент, 1990, 60-бет.

қадриятларига эҳтиромларда ўз ифодасини топмоқда. Масалан, кенг жамоатчилик Ўзбекистонда Каъба Мадина шаҳридаги Мухаммад қабрини тавоғ қилишга, кўплаб ҳаж сафарига борганлар фаолиятини сергаклик ва ҳурмат билан кузатди. Яқин 70 йиллик тарихимиз жараёнида мустақиллик туфайли биринчи бор кўрсатилган бундай илтифот ва муруватдан мамлакатимиздаги барча мусулмонлар жуда мамнун бўлмоқдалар.

Мазкур мустақиллик шароитида ҳурфикрлик негизида юзага келган маросимлар билан бирга диний қадриятлар, урф-одатлар инсон қалбини мунаvvар этишдек улуғ хизмат қилмоғи лозим.

Шундай маросимлар умуминсоний фазилатлар хазинасига ўзбек халқининг ислом ақидалари доирасида шаклланган қадриятлари бўлиб қўшилади, бинобарин, башарият маънавий тараққиётiga қўшилган муносиб ҳисса бўлиб қолади.

Хулоса шундан иборатки, кўпгина ислом қадриятлари дунёвий асосларга эга бўлиб, уларга риоя қилиш бошқа диний қадриятларда бўлгани каби кишиларни сабот-матонатига, ўтмиш ахлоқ-одоб тамойилларига садоқатга, ҳаёт қийинчиликларини мардона, чидам билан енгиб ўтишга ўргатади. Мазкур қадриятлар асрий анъаналаримиз ва маданиятимизга, яшаш тарзи мушкулотларимиз ва гоҳо тушкунликка учраган руҳиятимизга боғлиқ бўлгани учун ҳам ҳаётимизга яқин ва бизга тушунарлидир.

Ҳозир ҳам бир қатор ислом қадриятлари ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Маънавий ва моддий ҳаётнинг турли соҳаларида ислом нури ила йўғрилган қадриятлар изчиллик билан сақланиб, давом этиб келмоқда. Тўйлару маъракаларда, турли таомилларда, турмушнинг турли онларида хайрли анъаналар кўпинча Қуръон суралари, оятлари, ҳадис намуналари орқали одамлар қалбидан ўрин олмоқда. Бундай эҳтиром ўтмиш авлодлари урф-одатларига садоқат рамзи сифатида қабул қилинмоқда ва ардоқланмоқда. Оддий халқ-зиёли ҳам, ишчи ҳам, дехқон ҳам факат тинчилик ва ҳаёт фаровонлигини орзу қиласи. Буни амалга оширишда эса асрий эзгу ақидалар, қадриятлар тимсоли бўлган ислом анъаналари ҳам маънавий ва амалий ёрдам беради.

### Таянч сўзлар:

- |                |                     |                          |
|----------------|---------------------|--------------------------|
| 1. Сак         | 8. Афросиёб         | 15. «Тўмарис»            |
| 2. Скиф        | 9. Неандертал       | 16. «Широк»              |
| 3. Масагет     | 10. Амир Темур ғори | 17. «Зариадр ва Одатида» |
| 4. Суғд        | 11. Омонқўтон ғори  | 18. Кеш                  |
| 5. Даҳ         | 12. Обираҳмон ғори  | 19. Насаф                |
| 6. «Ипак йўли» | 13. Мезолит         | 20. «Китоб ал-футук»     |

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўрта Осиё халқларининг милоддан олдинги маданияти қандай бўлган?
2. Ислом динини Ўрта Осиёга тарқалиши арафасида маҳаллий халқлар маданияти қандай эди?
3. Мовароуннахрга ислом маданияти қандай киритилди?
4. Миллий ва исломий маданиятларнинг уйғулашуви жараёни қандай кечган?
5. Мустақиллик шароитида исломий қадриятларнинг маънавий маданиятидаги ўрни қандай?

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик.-Т.: «Mehnat», 2004.
3. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон.-Т.: 1992.
4. Ислам: Энциклопедический словарь.-М.: 1991.
5. Отамуродов С., Ҳусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари.-Т.: 2002.

**11-МАВЗУ: ҲАДИСЛАР ДИНИЙ-АХЛОҚИЙ ДАСТУРЛАР МАНБАИ**

**Режа:**

1. Ҳадис илмининг шаклланиши
2. Ҳадисшунослик ва машҳур муҳаддислар
3. Ўрта Осиё муҳаддисларининг ҳадисшуносликка қўшган ҳиссалари

**Ҳадис илмининг шаклланиши.** Ҳадис ва ҳадисшунослик илмини шакллантиришга бўлган харакат ислом пайдо бўлган дастлабки йилларданоқ бошланган. Чунки ислом динининг асосий манбаи бўлган Қуръони каримдан кейин уни изоҳловчи ва баён этувчиси бўлмиш Расулolloҳнинг сўзлаган ҳикматли гаплари ўз ҳаёт фаолиятларида қилган ишлари-ул зотнинг ҳадислари ҳисобланади. Ислом жамоаси Қуръони каримнинг сура ва оятларида келтирилган таълимотлар, амаллар ва ҳукуқий кўрсатмалардан фойдаланган ҳолда Расулolloҳнинг сунна (ҳадислар)ларидан ҳам боҳабар бўлмиш, амалий ҳаётга татбиқ қилиш зарурий ҳол бўлган. Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарнинг ҳадисларидан бирида: «Эй умматларим! Мен сизлар учун Қуръони карим билан ўзимнинг суннатим-йўл-йўриқларимни қолдирдим. Сизлар шу иккаласини қаттиқ тутиб, (уларга) амал қилсаларингиз, тўғри йўлдан

асло адашмайсизлар» дейилади.

Маълумки, исломнинг асосий манбаларидан бўлмиш Қуръони карим суралари, Муҳаммад (с.а.в.) сунналари дастлабки даврларда асосан ёдланган, оғиздан-оғизга кўчиб юрган. Вақт ўтиши билан уларни яхши билган саҳобаларнинг камайиб кетишидан қўрқиб, хар иккаласини ҳам ёзма матнини тайёрлашга киришилган. Натижада VII асрнинг ўрталаридан бошлаб Муҳаммад (с.а.в.) сунналарини тўплаш ва китоб ҳолига келтириш қизғин тус ола бошлаган.

Арабча Сунна (ас-сунна, кўпликда сунан)-йўл, йўналиш, яъни «ривоят», «нақл», «хотира», «одат», «санъана», «хатти-ҳаракат» маъноларини англатади. Сунна исломда Қуръондан кейинги, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шариатининг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган.

Мусулмон сунналари қўплаб ҳадислардан ташкил топган. Ҳадис сўзининг дастлабки маъноси (ар. Кўпликда «аҳадис» сўзидан)-«хабар», «билдириш», тор маънода-«парча» (цитата). Расмий маънода ҳадис-Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) сўzlари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир. Бу маънода ҳадис фақат Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в.) сўzlарига нисбатангина ишлатилади.

Баъзи уламолар эса, ҳадис деганда фақат Пайғамбарнинггина эмас, балки саҳобаларининг ҳам берган хабарларини тушунадилар. Баъзи ҳадисшуносалар фақат Пайғамбар сўзларинигина ҳадис деб, бошқаларникини эса хабар деб атаганлар. Шу боисдан ҳам Пайғамбар ҳадисларини тўпловчилар мухаддис, бошқа тарих, қисса кабиларини нақл қилувчилар ахборий дейилган. Қандайлигидан қатъи назар, ҳозир мусулмон оламида ҳадис дейилганда Пайғамбарнинг сўzlари, феъл ва атворлари тушунилади.

Ҳадис-исломда Қуръондан кейинги муқаддас манба ҳисобланган. Бунда Муҳаммаднинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари, унинг диний, ахлоқий дастурлари ҳам ўз ифодасини топган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) бирор гап айтган ёки маълум ишни қилиб кўрсатган бўлса, ёхуд бошқаларнинг қилаётган ишини кўриб, уни ман этмаган бўлса, шу уч ҳолатнинг ҳар бири ҳадис деб аталаверган. Маълумки, ҳадисларда ислом аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ, мубоҳ каби амал турларидан ташқари, ахлоқ-одобга доир дастурлар талқин этилади. Унда ҳалқ орасида кенг тарқалган ахлоқ-одобга оид мақол, қимматли ҳикматли гаплар ҳам қамраб олинган.

Ҳадисларда ибодатнинг тартиб-қоидалари ва уларни астойдил бажаришга даъват этиш билан бирга инсоний фазилатлар кенг ташвиқ қилинган, инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил ҳатти-ҳаракатлар кескин қораланган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк тарқалиш давриданоқ мусулмонлар орасида ҳадисларга жуда катта

аҳамият берилган. Эшитган ҳар бир ҳадисни янглишмай, асл ҳолиша бошқаларга етказишга қатъий риоя қилинган. Бу түғрида Мұхаммад Пайғамбар ўзи мусулмонларни тез-тез огоҳлантириб турган. Ҳадис мазмуни ва иборасини бузиб ёки ўзича янги ҳадис түқиб тарқатувчилар қаттиқ қораланган. Бундай талабчанлик пайғамбар вафотидан анча кейингача ҳам ҳадисларнинг соғ ҳолда сақланиб туришига имкон берган.

Лекин кейинчалик турли синфий ва ижтимоий зиддиятлар, исломдаги ички ғоявий қурашлар натижасида күпинча сохта ҳадислар ҳам юзага кела бошлаган. Натижада йирик уламолар ҳадисларни ишончли манбалар асосида қайта кўриб чиқиши ва уларни турли хатолардан тозалаб, асл ҳолига қайтариш учун анча заҳмат чекишиганд. Ҳадисларни оғзаки ҳолдан китоб шаклига келтириш ҳижрий йил ҳисобининг иккинчи асридан, яъни милоднинг VIII асридан авж олиб кетган.

Муайян бир ҳадис асосида ҳуқуқий ва урф-одат бўлган йўл-йўриклар, диний маросимлар соғлиги, ноз-неъматлар ҳақидаги кўрсатмалар, майший турмушдаги ахлоқ ва одоб тартиб-қоидалари келтириб чиқарилган. Куръоннинг айрим кўрсатмаларига амал қилиш ҳам кўпинча унинг маълум матни билан боғлиқ бўлган ҳадис орқали белгиланар эди. Шу билан бирга тарихий характерга эга бўлган ҳадислар бўлган; улар Мұхаммад (с.а.в.) ёки саҳобалар таржимаи ҳолидаги айрим тафсилотларни акс эттирган эди. Шу ҳадислар асосида VIII-IX асрларда Мұхаммад Пайғамбар ва унинг яқинлари, ҳарбий юришлари ҳақида «Юришлар китоби» ёзилган. Бу араб тилидаги илк тарихий асар ва Мұхаммад Пайғамбар таржимаи ҳоли эди. Шу тариқа, ҳадисларни муайян қисми-илк ислом тарихи бўйича бир манба бўлиб хизмат қилган.

Маълумки, ҳадислар асосан Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) вафотидан кейин ёзила бошлаган. Исломда Мұхаммад (с.а.в.)га пайғамбарлик унинг қирқ ёшида насиб бўлган, деб ҳисобланади. Шунга кўра, Куръон оятлари пайғамбар умрларининг охиригача, яъни 23 йил давомида турли муносабатлар билан нозил бўлиб турган. Пайғамбар сафдошлари-саҳобалар бу оятларни маҳсус саҳифаларга ёзиб борганлар. Уларнинг баъзилари пайғамбарнинг айтган сўзи ва хатти-ҳаракатларини ҳам ёза бошлаганда пайғамбар бу ишни давом эттиришни таъкиқлаган ва бунга улар Куръон билан Суннани ажратолмай қолишлидан чўчишлигини сабаб қилиб кўрсатган.

Илк муҳадислардан Ал-Худрий бу борада бундай ривоят қиласи: Расулуллоҳ айтадики, «Мандан эшитганларингизни ҳеч нарсани ёзиб юрманглар. Кимки Куръон оятларидан бошқа бирор сўзни мандан эшитиб ёзиб олган бўлса, уни дарҳол йўқотсин... Кимки менинг ҳақимда

сўз тарқатса, жаҳаннамга дохил бўлишликка ҳозирлик кўраверсин». Дарҳақиқат ислом тарихидан Ал-Ҳудрий пайғамбар ҳадисларини ёзиб боришликка у кишидан ижозат сўраганда, рад жавобини олганлиги маълум.

Абу Хурайрадан яна бошқа мисол келтирилади: «биз ҳадис ёзар эканмиз, пайғамбар алайҳиссалом ёнимизга келди ва «Сизлар нимани ёзаяпсизлар?»-деб сўради. Бизлар: «Сендан эшитган ҳадисларни»-деб жавоб бердик. Шунда пайғамбар: «Аллоҳнинг китоби-Қуръондан бошқа яна қандай китоб истайсиз? Сиздан бошқа миллатлар Аллоҳнинг китобидан ташқари яна бошқа китоблар ёзганлари учун залолатга кетдиларку!»-деган экан».

Манбаларда кўрсатилишича, ҳадисни тўплаб чиқаришни тақиқлашнинг турли хил сабаблари бўлган. Масалан, тарихчи ибн Қутайбанинг таъкидлашига қўра, бундай сабаблардан бири саводли хаттотларнинг камлиги бўлса, иккинчиси, араб алифбосининг ҳали етарли даражада такомиллашмаганлигидадир. Шу сабабдан пайғамбар мусулмонларнинг ҳаммаларига ҳам ҳадис ёзиб боришига ижозат бермаган. Бундан фақат саводли ва мўътабар хаттотларгина мустасно эдилар.

Илк ёзилган ҳадислар қаторига Мұхаммад (с.а.в.)нинг хорижий ўлкаларга-Византия императорига, Эроншоҳига, Миср ҳам Ҳабашистон ҳукмдорларига йўллаган мактублари ҳам киради. Ундан ташқари кўплаб васиқа ва ҳужжатлар ҳам бўлганки, улар ҳам илк бор ёзилган ҳадислардан ҳисобланиб, уларда исломга даъват этиш, муайян вазифаларга тайинлаш, ер ва ундан олинадиган солиқлар, имом ва тавсия мактублари, пайғамбарга келган хатларга жавоблар ўрин олган.

Халифа Абу Бакр (р.а.) ва Умар (р.а.) ҳам ҳадислар ёзмоққа бел боғлаганликлари, ҳатто Абу Бакрнинг беш юз ҳадисни бир китобга тўплагани маълум; баъзи сабабларга қўра бу китобни йўқ қилиб юборганлиги ҳақида ҳам хабарлар бор. Ўз даврида Умар (р.а.) ҳам саҳобаларга ҳадис китоби ёзиш нияти борлигини изхор қилган ва саҳобалар бу фикрни маъқуллаганлар. Орадан маълум бир муддат ўтгач, улар ўз фикрларини ўзгартирадилар.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказувчилар биринчи навбатда саҳобалар-пайғамбарнинг қариндошлари, дўстлари, ёрдамчилари ва шогирдлари, уларнинг вафотидан кейин асосан Мадинада яшаб келганлар ҳисобланганлар.

Умуман «саҳоба» сўзи арабча бўлиб, «суҳбат» сўзидан олингандир. Ҳадислардан бирига қўра пайғамбарни кўрган, у билан мулоқотда бўлган ҳар бир мусулмонни «саҳобий» дейилган. Имом Бухорий ҳам шу фикрни тасдиқлаган. Ибн Ҳанбал таъбирича, пайғамбар билан бир йил, ё бир ой, ё бир кун ва ёки ҳатто бир соат

сұхбат этган, ё бўлмаса ҳаётида бир марта бўлса ҳамки уни кўрган мусулмон киши саҳобалардан ҳисобланаверган.

Ибн Маҳлуд «Муснад» номли асарида зикр қилишича, ҳадис тўплаган саҳобаларнинг сони 1300 га етади. Ибн ал-Жавзийнинг мазкур асарига таяниб кўрсатишича, саҳобалар сони 1060 нафардир. Бошқа олимларнинг фикрича, уларнинг орасида иккитадан ҳадис ривоят қилинганларнинг сони 1000 та бўлса, қолган 300 таси қисман ҳадис ривояти билан машғул бўлган деса бўлади.

Абу Ҳурайрадан кейинги ўринда турувчи муҳаддис халифа Умар ўғли Абдуллоҳдир. У ривоят қилган 2630 ҳадисдан 2019 тасини ибн Ҳанбал ўз китобида нақл қилган.

Учинчи ўринда турувчи саҳобий ибн Молик бўлиб, 2286 ҳадис ривоят қилган. Ибн Ҳанбал эса ўзининг «Муснад»ида 2178 ҳадисни келтирган. Ибн Молик ривоят этган 2210 ҳадисни пайғамбарнинг сўнгги рафиқаси Ойша (р.а.) ҳам таъкидлаган.

Ундан кейинги ўринда ибн Аббос турди; у 1660 ҳадис ривоят этган.

Ундан кейин 1540 ҳадис ёзган ал-Худрий турди. Ибн Ҳанбал ўз китобида Жобирдан 1206, ал-Худрийдан 958 ҳадис келтирган.

Ҳадис ривоят қилган саҳобалар сони ҳар хил бўлиб, муаллифлар ҳам ҳар хилдир. Масалан, 149 саҳобийнинг ривоят қилган ҳадислари ал-Бухорий ва Муслимнинг «Саҳих» номли асарларида муштарак келган. Умуман Имом ал-Бухорийда 208 та, Муслимда эса 213 та саҳобийдан ривоят қилинган ҳадислар келтирилган.

Ибн Моликнинг «Муватто» асарида 98, Абу Довуднинг «Муснад»ида 218, ибн Ҳанбал «Муснад»ида 700 га яқин саҳобий ривоят қилган ҳадислар берилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ҳадисларни саҳобалар ривоят қилганлиги туфайли бизнинг давримизга етиб келганлигига далил бўла олади.

Пайғамбарнинг сафдошлари ва сұхбатдошлари орасида 220 та Абдуллоҳ исмли саҳобалар бўлган. Улар орасида фақат 4 таси Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар ва Абдуллоҳ ибн ал-Амр пайғамбар вафотидан кейин турли масалаларни ҳал қилишда жонкуяр бўлганлар ва Абдуллоҳлар номи ила машҳур бўлганлар.

Яна 6-7 саҳобийлар борким, уларнинг ҳар бирлари турли масалалар бўйича фатво беришда жуда катта обрў ва эътибор қозонганлар. Улар Умар билан Алидан ташқари, Абдуллоҳ ибн Маъсуд, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Зайд ибн Собит ва пайғамбарнинг рафиқаси Ойшадир. Улардан кейин ҳадисларни сақлаб, авлодларга етказганлар уларнинг ўқувчилари ва буларнинг шогирдлари

бўлганлар. Кейинги авлод орасида кўзга кўринганлар аш Шаъби, ибн Зубайр, унинг шогирди аз-Зухрий; ибн Мунаббих Муса ибн Уқба ва бошқалардир. Булар бутун ҳадисларни ҳадисларни тўплаш ва ҳикоя қилишга бағишлиланлар. Дастребки ҳадисларни тўплаш, сақлаш оғзаки тарзда ёд олишга асосланган; кейинчалик ҳадисни пергамент қофозга ёзишган ва улардан тўпламлар тузилган.

**Ҳадисшунослик ва машхур муҳадислар.** Қуръонни ўрганиш тавсиф илмини вужудга келтирганидек, ҳадисларни йифиш ва ўрганиш ривоятлар илмини вужудга келтирган. Диний адабиётнинг бу икки тармоғи асосида илоҳиёт ва мусулмон диний қонуни (шариат) вужудга келган. Кўп вақт илоҳиёт ва ҳукуқ бир-биридан аниқ ажратилмаган.

VIII аср бошларида ҳадис илмида уч мактаб ташкил топди: Мадина (Урва ибн Зубайр ва аз-Зухрий шу мактабга қарашли эди); Ирок (Куфада, вакили аш-Шаъби) ва Сурия, Дамашқ мактаблари.

Мадинада мактаб кўпроқ Муҳаммад Пайғамбар ва дастребки тўрт тақвадор халифалар даври қатъий эътиқод руҳини сақлар эди; у асосан Муҳаммад (с.а.в.) ҳаёти ва юришларига бағишлиланган ҳадисларга эътиқод берар эди. Лекин бу мактаб намояндадари Муҳаммад Пайғамбарни таржимаи ҳолини мунтазам тарзда биринчи бўлиб баён қилган муаллиф ибн Исҳоқни қадарийлар оқими тарафдори сифатида шубҳа ила Мадинадан қувиб юборганлар. Мадина мактаби намояндадари илоҳиётни ҳимоя қилар ва уммавийлар халифалар ва уларнинг сиёсати ва бошқариш усусларининг дунёвий хусусиятига қарши турадар эдилар.

Шаклланган анъанага кўра ҳадис икки қисмдан иборат бўлиши керак эди:

1. Испод (ар. Айнан-«таянч»), яъни шу ҳадисни етказган кишиларни санаб ўтиш.

2. Матн, яъни ҳадиснинг мазмуни.

VIII асрда ёк ҳадислар тўғрилигини аниқлашда бундай мезон шаклланган эди: унинг испод қисми ҳадисшунослар номларининг мунтазам қаторидан иборат бўлиб, кейингилари машхур, номига доғ тушмаган, эътиқодли, хурматга лойиқ, тўғри сўз кишилар бўлишлари керак эди. Ҳадисшунос-йиғувчи ва авлодларга етказувчиларни риджал сўзи билан атар эдилар. Уларни ишонч нуқтаи назаридан текшириш алжарх ва т-та. дил дейилган. Ҳадисларни етказувчилар ишончга сазоворлиги ёки нолойиқлигини аниқлаб, ҳадис илмида янги, тармоқмаърифат арижал деб номланган соҳа пайдо бўлган, табоқот деб номланувчи маҳсус китоб ва маълумотнома вужудга келган, уларда ҳамма машхур саҳобалар, уларнинг шогирдлари, Муҳаммад замондошлари ва бошқа ҳадис тўплаб етказувчилар таржимаи ҳоли алифбе тартибида туркумига қараб келтирилган эди. Булар жумласига

Ибн Саднинг «Табоқат», саҳоба Ибн ал-Асирнинг алифбо тартибидаги луғати, шунингдек унинг машхур тарихий «Ал-Комил фи-т-тарих» деган асари киарди. Адабиётнинг шу услубига «ожизлар», яъни ҳадис келтирувчилар ишончини қозонмаганлар ҳақида маълумот берувчи маълумотномалар ҳам киарди.

Ишончлилигига қараб ҳадислар уч гуруҳга ажратилган эди. Ҳикоя қилувчилар рўйҳати ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса, бундай ҳадис саҳиҳ (ар-ишончли, тўғри) дейилган. Агар ҳикоя қилувчилар рўйҳатида айрим муҳаддислар уни бенуқсон деб топмаган бўлса, ёки рўйҳатда бирон ҳалқа, бўлим узилиб қолган бўлса, ҳадис тўла қимматга эга деб тан олинмаса-да, барибир, қабул қилинган; бундай ҳадис ҳасан (ар. Яхши, марҳаматли) деб номланган. Ниҳоят, агар ҳикоя қилувчилар рўйҳатида тақводорлиги ёки ахлоқий обрў-эътибори нуқтаи назаридан мувофиқ келмайдиган кишилар бўлса, ҳадис ишончсиз ҳисобланган ва а’иф (ар. заиф) деб номланган.

Ҳикоя қилувчилар рўйҳати мунтазам баён этилган бўлса, бу ҳадис мутассил дейилган. Биронта ном, айниқса иккинчи ном, яъни саҳоба шогирд номи тушириб қолдирилган бўлса, мунқати (узилган) дейилган. Ҳадис иснодида шогирд-табиъ кўрсатилган бўлиб, ҳадис қайси саҳобадан эшитилганлиги номаълум бўлса, унда мурсал-«тушириб қолдирилган» деб номланган.

Ҳамма ривоятлар ҳам пайғамбарнинг сўзлари ёки амалий ишларга таянаверган эмас. Унга бориб тақалувчи ҳадислар марфу (пайғамбардан келиб чиқкан) дейилади. Саҳобалар сўзлари ёки амалий ишларига асосланувчи ривоятлар маукуф (ар. тўхтатилган) деб номланган. Фақат табиълар, яъни саҳобаларнинг биринчи шогирдларига бориб тақалувчи ривоятлар мақту (ар. кесик, кесилган) дейилган. Шундай ривоятлар (мурсал ҳадислар каби) айрим диншунос-қонуншунослар томонидан қабул қилинган, бошқалари рад этилган.

Ривоят айтuvчиларнинг бир қатори дастлабки ҳадис айтuvчи 1-саҳобага бориб тақалса, тариқ (ар. кўплик, турук-йўл) деб номланган. Айнан бир ҳадис бир неча тарих орқали ҳикоя қилинган бўлса, яъни бир неча саҳобага бориб тақалса, у мутаватир (ар. мунтазам); уч саҳобага бориб тақалувчи ҳадис машҳур дейилган, икки саҳобага бориб тақалувчи-азиз, фақат бир саҳобага борувчи ҳадис-аҳади (ар. якка) дейилган.

Дастлабки ҳадислар тўплами тариқат бўйича тузилган, яъни алфавит тартибида пайғамбар издошлари санаб ўтилган-саҳобалардан ҳар бирининг исми остида қайси ҳадис шу саҳобга тегишлилиги қайд этилган. Ҳадислар тўпламининг бундай тури муснад деб номланган. У ал-риджал тамойили, яъни ҳадисларни дастлабки айтган ҳикоя қилувчилар номларига кўра тавсифлаш асосида яратилган.

Бизга қадар етиб келган шундай ҳадислардан нисбатан машҳурлари 2 та. Бири Молик ибн Анас (795 й. ваф.)нинг «Ал-Муватто» (Текис сўқмок) асаридир. Тўпламда 1700 ҳадис бўлиб, буларни у ишончли деб топган. Иккинчи тўплам ибн Ҳанбалнинг «Муснад» асари бўлиб, 3000 ҳадисдан иборат.

Сўнгроқ ҳадисларни турли хусусиятларига қараб ҳар хил тартибда ёзиш ҳаракати бошланган. Бу хижратнинг иккинчи асли бошларига тўғри келган. Масалан, ибн Ҳанбал каби баъзи муҳаддислар «Муснад» услубида ёзганлар. Унда саҳобалар исмлари исломга киришдаги тартиблари бўйича жойлаштирилган. Масалан, «жаннатий» деб каромат берилган 10 саҳобалар, биринчи ўринда келтирлган. Улардан кейин «Бадр жангига»да қатнашган саҳобалар, сўнг «Худайбия жангига» қатнашчилари; кейин Худайбия билан Макка аҳолиси исломга киргунча ўтган саҳобалар, сўнг Макка фатҳ этилганидан исломга киргунлар, ундан кейин кичик саҳобалар ва ниҳоят ровий аёлларнинг номлари берилган.

Баъзи муҳаддислар ровийлар номини «Хуруфи ҳижо» (алфавит) тартибида берилган. Бу услубни ат-Табароний, ибн Роҳавайх, Аби Шайба ва бошқалар жуда муваффакиятли амалга оширганлар. Улар ҳадисларни иснодлари (накл этувчи ровийлар) билан келтирилган. Яна улар сохта ҳадисларни тарқ этиб, саҳих ва заиф, қувватли ва иллатли каби кўп турларига бўлиб чиққанларким, бундай малака ҳар қандай илм соҳибига ҳам мұяссар бўлавермаган. Баъзи муҳаддислар фақат саҳих, ҳадисларнинг ўзини жамлашга ҳаракат қилганлар ва уларнинг тўпламлари юзага келган. Биринчи бўлиб бу ишни Исмоил Бухорий, кейин ибн Ҳажжож, сўнг ибн-ал-Ашъас, улардан кейин Исо ат-Термизий, ан-Носои ва Ибн Моожжалар бажаришган. Мана шу кишилар оламга машҳур бўлган 6 та саҳих ҳадислар тўпламининг ижодкорлари ҳисобланади.

Шу даврда яратилган, мусаннаф деб номланган ҳадислар кенг тарқалган ва оммалашган. Бу тўпламда ҳадислар ривоят қилувчилар номи билан эмас, балки фикр юритилган буюмларга қараб жойлаштирилган. Кўпроқ тан олинган ва нуфузли ҳадислар тўплами 6 та. Улар суннийлар орасида кенг тарқалган. Булар қўйидагилар:

1. «Ал-жомеъ ас-Саҳих» (Ишончли тўплам) ёки қисқача «ас-Саҳих ал-Бухорий» (810-870). Олдинги тўпламларга нисбатан бу анча маҳорат билан тузилган. Муаллиф бу тўпламда фақат қонуншуносликка ва урф одатларгагина эмас, Муҳаммад ҳаёти ва саҳобалар, ҳатто Муҳаммад даври тарихий ва этнографик томонларига хос ҳадисларни тўплаган. Танқидий ёндашган ҳолда 600 мингга яқин ҳадис тўплаб, бу тўпламга ишончли деб билганларидан 7275 тасини киритган. Бу тўплам катта шуҳрат қозонган ва кўп марта нашр қилинган.

2. Шундай шуҳратга Муслим ан-Нишопурӣ (817-875 й.)нинг «ас-Саҳиҳ» асари эга бўлган. У 300 мингга яқин ҳадисларни кўриб чикқан ва улардан 12 минг, яъни 4 фоизини танлаб олган.

Улардан кейинги ўринларда: 3- «Сунна» (Сунналар) Ибн Моожжа (886 й. ваф.), 4-Абу Довуд ас-Сижистоний (888 й. ваф.)нинг шу номли асари, 5-Муҳаммад ат-Термизий (892 й. ваф.)нинг «Ал-жа’ми ал-Кабир» катта тўплами, 6-Ан-Нисаи (915 й. ваф.)-Ашхобод яқинидаги Ниса деган жойда туғилган, Абу Довуд шогирди; Асари-«Суннан».

Маълумки, Марказий осиёда ислом дини 708 йилдан кейин кенг тарқала бошлаганлигига қарамай, илоҳиёт қатори муҳаддислик ҳам илдам ривожланган. Ислом оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган 6 ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти Марказий Осиёдан чикқанлар. Масалан, Исмоил Бухорий (810-870), ат-Термизий (824-892), ад-Доримий ас-Самарқандий (797-868) Ан-Нисаи (915 й. ваф. эт.) ва Каспийбўйи халқалридан ибн Моожжа (824-886) ва бошқалар бу соҳанинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Ҳадислар VII аср иккинчи ярми ва IX аср охирларида яратилган ҳадисларнинг кўп қисми халифалик мамлакатларида ижтимоий муносабатлар, тарихий силжишлар ва ўша даврда шаклланган ҳуқуқий қарашларни ўзида акс эттирган. Ҳадислар илк ўрта аср даврида халифалик мамлакатлари ижтимоий ва давлат тараққиёти тарихи учун манба аҳамиятига эгадир.

Хулоса шуки, юртимизнинг қўҳна тарихида жуда кўп машҳур шахслар яшаб, ижод қилиб ўтганлар. Уларнинг орасида дунёвий фанлар ва илоҳиёт бўйича дунёда танилган олим ва уламолар алоҳида ўрин тутадилар. Чунончи, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ал-/аззолий, Замаҳшарий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Форобий, Навоий, Яссавий, Улуғбек сингари бобокалонларимиз нафақат Шарқда, балки бутун жаҳонда машҳур бўлган кишилардир.

Мустақиллигимиз шарофати билан юз бераётган воқеалар, туб ўзгаришлар, демократиялаш жарёни бугунги кунда диний ва дунёвий билимларни ўрганишга кенг имконият яратиб берди. Булар орасида ишончли деб эътироф этилган муҳаддисликнинг муаллифларидан бири Имом Бухорийдир.

**Ўрта Осиё муҳаддисларининг ҳадисшуносликка қўшган ҳиссалари.** Буюк муҳаддис Исмоил ал-Бухорий. Ислом оламида энг етук ва машҳур муҳаддис Абу Абдуллоҳ муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий 810 йил 21 июлда Бухорода туғилган. Оталари шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, озгина тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган. Катта бобоси ал-Муғири яманлик Жуъфий ибн Саъд қабиласидан бўлмиш Бухорода истиқомат қилувчи ал-Яман ал-Жуъфий деган кишининг таъсирида мусулмон бўлгани учун имом Бухорийга ҳам

ал-Жуъфий деб нисбат берган.

Имом Бухорий гўдаклигиданоқ отадан етим қолиб, она қўлида катта бўлган. У ёшлигиданоқ араб тили ва ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришган. Кейин бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллалол Пайкоий, Абдуллоҳ ибн ал-Маснадий ал-Жуъфийлардан ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олган. 16 ёшида онаси ва акалари билан бирга ҳажга сафар қилиб, 4 йил Маккада яшаган. Сафар асносида қайси шаҳарда тўхталмасалар, ўша ердаги муҳаддислардан озми-кўпми ҳадис ўрганмай ўтмасдилар. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хумс, Дамашқ, Миср, Макка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машхур ҳадисчи олимлардан шу илм асрорларини ўрганган.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, ўткир зеҳнли, қобилиятли уламо эди. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир маротаба мутола қилсалар, ҳаммаси ёд бўлаверади. Имом Бухорийнинг ўз сўзига кўра юз сахих (ишончли) ва икки юз минг ғайри сахих (ишончсиз) ҳадисни ёд билар экан. Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Холид ибн Исмоил айтган экан: «Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди. Устоз ривоят қилган ҳадисларни биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ солибгина ўтиради. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орада устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан?»-деб таъна қилган вақтимизда: «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётирман», -деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик». Бухорийнинг ўзи гувоҳлик беришича, 100,000 ҳадисни ёд билган.

Баъзи ривоятларга кўра, Имом Бухорий 16 ёшга қадам кўйганида ал-Марвазий (736-798), ал-Жарроҳ (747-812)ларнинг китобларини батамом ёдлаб олган экан.

Имом Бухорий ўн саккиз-йигирма ёшларидан бошлаб китоб ёза бошлаган. Унинг «ал-Жомеъ ас-саҳих» асари суннийлар томонидан эътироф этилган олти сахих китобининг биринчисидир. Ундан ташқари йигирмага яқин китблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси қармоғидаги кутубхонада «ал-Жомеъ ас-саҳих» (Ишончли тўплам), «Ат-Тарих ал-қабир», «Ат-Тарих ас-сағир», «ал-Қироату ҳалфа-л-Имом» («Имом ортида туриб намоз ўқиши»), «Рафъул-йадани фис салот» («Намозда икки кўлни кўтариш») каби асарларнинг қаламий нусхалари мавжуддир. Имом Бухорийнинг бошқа бир қанча асарлари ҳам бор: «Ал адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Асми-ас-саҳоба», «Китоб афъол ил-

ибод», «Китоб бад и-л-махлуқот», «Биррул-Волидайн», («Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида»), «Тарих ус-сиқат ва-з-зуъафо мин рувот ил-ҳадис», «Тарихи Бухоро», «Китоб ус сулюсийосат», «Ал-жомеъ ас-сафийр», «Ал-Жомеъ ал-кабийр», «Китоб ул-Фафоид», «Китоб ул-Виждон», «Китоб ул-хиба», «Хулқ афъол ил-ибод», «Китоб ул-муснод ал-кабийр» ва бошқалар.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» деб номланган 4 жилд (жузъ)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган тўпламлар орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Мазкур тўпламда Мұхаммад ва унинг саҳобалари ҳақидаги ҳадислардан ташқари фиқҳ, ислом маросимчилиги, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда «Иймон», «Таҳорат», «Намоз», «Закот», «Никоҳ», «Талоқ», «Хаж», «Жиҳод», «Малоикалар ҳақида», «Оlamning пайдо бўлиши» («Дастлабки яратиш») каби 100 бобга бўлинган. Шунингдек, ўша давр тарихи ва этнографиясига оид ҳадислар ҳам мавжуд бўлиб, унга 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та энг «саҳиҳ»-ҳаққоний, ишончли ҳадислар киритилган. Мазкур тўплам Миср ва бошқа бир қанча мамлакатларда жуда кўп марта чоп этилган, унга йирик уламолар томонидан шарҳлар битилган. Бу китоб ёзилганига ҳижрий бўйича 1200 йилча бўлди. Ўша даврдан бошлаб барча уламолар бу асарга Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган манба деб баҳо бериб келадилар. Имом Бухорийнинг ушбу китоби маънавий қадриятларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда мухим аҳамиятга эгадир.

Имом ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-Муфрад» (Адаб дурдоналари) китобига кирган баъзи ҳадислардан келтирамиз. Масалан, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида бундай дейилади: Расулуллоҳдан: «Эй Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсан бўлади?»-деб сўралганда, «Онангга», -дедилар. Мен шу савонни уч марта қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: «Онангга», -деявердилар. Тўртинчи маротаба сўраганимда: «Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга», -дедилар.

Ҳадисларда Расул акрамнинг яна шундай табаррук сўzlари келтирилади: «Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккиси ёки бири бўлмаганда, бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин».

Ота-онани ҳурмат қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Инсониятнинг яшаш билан боғлиқ шахсий, ижодий муносабатлар, оила, жамият, ватанга садоқат, ахлоқ-одобга оид кўрсатмалар ватандошимиз Имом ал-Бухорийнинг ҳадиси шарифларида кенг ва мужассам ўз баёнини топган.

Ҳозир Ўзбекистон қомуслар бош таҳририяти Имом Бухорийнинг бу 4 жилдлик бетакрор мумтоз асарини арабчадан ўзбекчага ўғириб нашр қилди. Ҳадислар арабшунос олим профессор Н.Иброҳимов ва шоир М.Кенжабеков таҳрири остида босилиб чиқди.

Имом Бухорий чет эл сафаридан Бухорога қайтгач, маҳаллий уламолар ундан таҳсил кўра бошлаган. Шу вақтда Аббосий халифалигининг Бухородаги ноиби аз-Зуҳалий: «Бундан буён амирлик саройига келиб туриңг ва болаларимга (иккинчи ривоятда: сарой аҳлига) «ал-Жомеъ ас-саҳих»дан дарс беринг», -деб мактуб юборади. Имом бу таклифни қабул қилмайдилар ва «Мен илмни хорлаб сultonу амирлар эшигига олиб бормайман. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда саройдагиларни) уйимга ёки масжидимга юборсин!» -деб жавоб қайтарганлар.

Натижада у кишини кўролмаган бъязи ҳасадгўй, дили қора, худбин шахсларнинг фитна ва иғволари туфайли амир аз-Зуҳалий унинг Бухорони тарқ этиши шартлиги ҳақида фармон берган. Натижада у Самарқанднинг Хартанг қишлоғидаги қариндоши ибн Жибрил деган кишининг уйига кўчиб кетади ва ўша ерда бетоб бўлиб ётиб қолган. У 870 йил 31 августда 62 ёшида вафот этган. Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафн қилинган.

Ҳозирги вақтда Самарқанд яқинидаги Пойариқ тумани худудида Имом Бухорий номи билан боғлиқ зиёратгоҳ мавжуд бўлиб, у Ҳожи Исмоил масжиди номи билан машҳур. Уни Бухоро амири Абдуллахон қурдирган. 1974 йили Имом Бухорийнинг 1200 йиллигига бағишлиланган жаҳон анжумани ўтказилган эди.

Мустақиллигимиз йилларида буюк ватандошимиз ал-Бухорийнинг меросини ўрганишга, унинг масжиди ва қабрини таъмирлашга алоҳида эътибор берилди. 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Имом Бухорийнинг 1998 йилда ўтказиладиган 1225 йиллик юбелейини муносиб тайёргарлик билан кутиб олиш ҳақида маҳсус қарор қабул қилди. Ушбу қарорга асосан Имом ал-Бухорийнинг Самарқанддаги масжити ва қабри қайта таъмирланди. 1998 йили, унинг таваллуд топган кунини нишонлашга йигилган ватандошлар, олиму, имом-ҳатиблар, чет элдан келган диний арбоблар бу янги тарихий обиданинг исломий қадриятларининг тикланиши деб баҳоладилар. Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан амалга оширилган бу шижаат мусулмонларнинг ҳар галдаги ҳаж сафаридан олдин келиб зиёрат қилинадиган обидага айлантириди.

**Буюк мұҳаддис Исо ат-Термизий.** Маълумки, 1990 йил 14-17 сентябр Тошкент шаҳрида буюк аллома, мұҳаддис Абу Исо Мұҳаммад ибн ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлиланган «Имом Абу Исо Термизийнинг илмий мероси ва ҳозирги замон» деган мавзуда

халқаро Ислом анжумани бўлиб ўтган эди.

Имом Термизий пайғамбар ҳадисилари, ҳатти-харакатлари тўғрисидаги саҳих ривоятларни, ул зотнинг оила аъзолари, яқинлари ва саҳобаларидан тўплаб келажак авлод учун улкан ва бебаҳо мерос қолдирган. Ислом дунёсида олтига саҳих ҳадис тўпловчилар тан олинган ва Имом Термизий улар орасида муносиб ўринда туради.

Азиз ватандошимиз буюк муҳаддиснинг тўла исми шарифлари Абу Исо Муҳаммад ибн Исо бин Савра бин Мусо бин ал-Захҳоҳ аз-Зарир ат-Термизий ал-Буғий. Ул Зот ислом оламидаги машҳур муҳаддислардан бири бўлиб, ҳадис, тарих ва бошқа кўплаб илмлар соҳасида асарлар ёзган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Имом Термизий 824 йили Термиз шаҳрида туғилганлар. Ёшлиқ чоғларида илмга катта қизиқиши ва иштиёқ қўрсатган. Ҳадис ўрганиш мақсадида у 850 йилдан бошлаб Ислом дунёсининг турли шаҳар ва диёрларига сафар қилган. Ҳижоз, Хуросон ва бошқа жойларда бўлиб, машҳур муҳаддислар, уламолар билан мулоқотда бўлган, улардан таълим олган. Имом ал-Бухорий шогирдликдан ташқари ат-Термизий Муслим ибн Саъид, ибн Мусо, ибн Гийлон, ибн Абдураҳмон, ибн Башшор, ибн Ҳужр, ибн Муниъ, ибн ал-Мусанно, Суфён, ибн Вақиъ каби йирик муҳаддисларни ўзига устоз деб билган.

Манбаларда қўрсатилишича, Имом ал-Бухорий Имом ат-Термизий тўплаган ҳадисларнинг синчиклаб ўрганишдаги нодир қобилияти, тақводаги устунлигини тан олган ва бунга шоҳидлик берган.

Таниқли муҳаддисларнинг кўплари Имом ат-Термизийнинг ҳадис илмини такомиллаштириш ва уни келгуси авлодларга соғ ҳолда етказишдаги хизматларини юқори баҳолаганлар. Ҳадис имомларидан ал-Идрисийнинг таъбирича, у киши «ҳадис бобида иқтидо қилинадиган имомлардан биридир».

Термизийнинг «Ал-Жомеъ», («Жаловчи»), «Аш-Шамойил ан-набавия», («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-илал фил ҳадис», («Ҳадислардаги оғишилар»), «Ат-тарих», «Китоб аз-зухд», «Китоб ал-асмо ва-л-куно», Ат-Термизий қаламига мансуб асарларнинг тўла бўлмаган рўйхатидир.

Ат-Термизийнинг фиқҳ бобларига мослаб тасниф қилган «Сунан» номли китобларига тегишли мавзуларни ўз ичига атрофлича қамраб олганлиги сабабли «Ал-Жомеъ» деб ном олган. Бу асар 1867-68 йилларда Миртоҳда тошбосмада, сўнгра 1876-77 йиллар 2 жилд бўлиб Қоҳирада нашр этилган. Ат-Термизий тайёрлаган ҳадислар мажмуаси ҳам Қоҳирада «Саҳих» деб, бошқаси «Жомеъ» деган ном билан чиққан. Унинг бу китобида такрор ҳадислар учрамаслиги ўтмиш муҳаддислар асарларида зикр қилинмаган. «Маноқиб» ва «Тафсир Қуръон»

бобларининг кенгайтириб берилганлиги мазкур китобнинг қийматини янада оширади.

Ундаги ҳадислар уч гурухга бўлинган: Саҳиҳ, Ҳасан ва Заиф. Ҳар бир ҳадисни зикр қилган, уни қайси гурухга мансуб эканлигини айтиб кетади. (Масалан: «Бу ҳадис саҳиҳ, буниси эса Ҳасан ёки Заиф»).

Имом ат-Термизийнинг «Кутуби ситта» («Олти китоб») муаллифлари орасида тутган ўрнини белгилаш борасида кўпчилик уламолар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён қилганлар. Жумладан, турк олимларидан профессор Тальят Кўжигитнинг кўрсатишича, ат-Термизийнинг «Сунан» китоби ҳадисчи олимлардан бўлмиш ан-Насоний ва Абу Довуднинг китобларидан кейин учинчى ўринда туради.

Муаллифга нисбат берилиб, шухрат қозонган бу китобни «Жомеъ ат-Термизий» ҳам дейишади. («Уни «Сунан» деб ҳам атайдилар, фақат биринчиси машҳурроқдир»).

Имом ал-Ансорий ат-Термизийнинг китобини юқори баҳолаган. Зеро, унинг айтишича, ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан кўпроқ имомларгина фойдаланадилар, ат-Термизийнинг китоби эса ҳар бир оддий инсон учун фойдалидир.

Имом ат-Термизий ўзининг шоҳ асарини ёзиб тугатгач, уни замонасининг машҳур уламоларига кўрсатган ва уларнинг розилигини олган. Бу ҳақда ат-Термизийнинг ўзи шундай дейди: «Бу китобни тасниф этгандан кейин, уни Хижоз, Ироқ ва Хурросон уламоларига кўрсатдим ва уларга маъкул бўлди». Пайғамбар ҳадисларини тўплаш ва ўрганишда ат-Термизий икки хил йўлдан борган. Биринчидан, ҳадисларнинг иснод (асл) манбаларининг мазумнини танқидий таҳлил этган. Иккинчидан, ҳар бир ҳадис атрофида борган мазҳаблараро нуқтаи назарлар курашига эътибор қилган, уларга танқидий ёндашган.

Улар Абу Ханифа, Имом Шофеъйлар изидан бориб, бир томондан исломга Ижмоъ, Қиёс, Райъ каби оқилона тамойилларни киритганлар. Асалари мусулмон Шарқидаги ҳурфиқрлик, диний-фалсафий, диний-ахлоқий тафаккурнинг кенг қамровлигини, умуман исломнинг ниҳоятда замон ва шарт-шароитларга мослаша олиш қобилияти шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

Бошқа томондан эса, ат-Термизий Ўрта Осиё, Эрон халқларининг урф-одатлари, давлатчилик қонун-қоидалари ва қадимги диний эътиқодларни исломга мослаштирилган тарзда сингдиришда ҳам катта хизмат кўрсатган. Масалан, илк исломда жуда катта мунозараларга сабаб бўлган азиз-авлиёларнинг исломдаги нуфузи тан олинишида у зот катта хизмат кўрсатган. Ҳусусан, «Қафш ал-Маҳжуб» асари муаллифи Ҳужвирийнинг фикрича, ат-Термизий суфийлар таълимотига валийлар ва уларнинг нуфузлари, даражалари тўғрисидаги муazzам муаммони киритганлар.

Имом Термизий юксак ахлоқий ва инсоний фазилатларга эга, юксак заковат ва зеҳн соҳиби, фаннинг турли соҳаларида атрофлича чукур ва етук билимга эга бўлган киши эди. Турмушда алоҳида ажралиб турар, кам таом истеъмол қилиб, кўп меҳнат ва ижод қилас, ахлоқсизликни қоралар эди. У зот ҳар доим илм-фанни тарғиб қилас, айниқса ёшларни илм олишига даъват этарди. Айни пайтда, мулойимлик ва хушфеъллик ул зотнинг гўзал фазилатларидан бири эди.

Умр бўйи қилинган узлуксиз илмий изланишлар, мутолаа, асарлар яратиш мashaққати, ҳаётий уқубатлар ўз асоратини кўрсатган, умрининг охирги йилларига келиб кўзлари ожиз бўлиб қолган ва 892 йили 70 ёшида термизда вафот этганлар.

Ҳозирги вақтда ат-Термизийнинг мақбараси Шеробод тумани маркази яқинидаги қишлоқ қабристонида қад кўтариб туриди. Мустақиллигимиз йилларида бу қабристон янгитдан таъмирланди, теварак-атроф ободонлаштирилиб, зиёратгоҳга айлантирилди. Қадим-қадимдан мусулмонлар учун бу ер зиёратгоҳ ҳисобланади.

Бобокалонимиз ат-Термизийнинг буюклиги шундаки, у ўз китобларида қуйидаги ғояни тараннум этган: «Инсон инсоннинг дўсти, биродаридир. Инсон инсонга зулм ҳам қилмаслиги, муҳтоҷ дамларда инсон инсонни ташлаб ҳам қўймаслиги керак». Худди шунинг учун ҳам жаҳон халқлари бу маърифатпарвар зотни неча юз йиллар давомида эъзозлаб келаяпти.

Ҳадиси шарифда айтилган ибраторус сўзлардан намуналар келтирамиз:

Ҳадисда инсон иймони мукаммал бўлмоғининг уч шарти келтирилган:

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва тоатда чиниктиримоғи, лозимлиги айтилган.
- «Ватанни севмоқ иймондандир».
- «Аллоҳ Таоллонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқлиги».

Ҳадисларда айтилишича, гуноҳларнинг энг каттаси «Аллоҳ Таоллога ширк келтириш ва ота-онага оқ бўлиш». Расули Акрам «Огоҳ бўлинглар! Шу катта гуноҳлардан бири ёлғон гапирмоқ, тухмат қилмоқликдир», деганлар.

-«Ким ота-онасини рози қилса унга тубо (жаннат) насиб бўлиб, Аллоҳ Таола унинг умрини ҳам зиёда қиласди».

-«Ота-она кексайган пайтда дуоларини олмаган кишилар хор бўлади».

Ҳадисларда миллатлараро тутувликка оид фикрлар ҳам кўп

учрайди, масалан:

-«Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динган мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтдан ясалган қамчи билан саваланади».

-«Кимки сұлқ битими билан яшаётган ғайриддинни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди».

Ҳадисларда илм олиш ҳақида ҳам яхши фикрлар билдирилган:

-«Илм ибодатдан устундир. Тақво динини тутиб турувчи устундир».

-«Гарчи Чинда бўлса ҳам илмга интилинглар, чунки илм олишга интилиш ҳар бир мўминга фарзdir».

Имом ат-Термизий ҳадисларидан баъзи намуналарини келтирамиз:

-«Ҳар бир маст қилувчи нарса харомдир».

-«Уч хил дуо шаксиз мустажобдир: мазлумнинг дуоси; мусофирилнинг дуоси, отанинг болага қилган дуоси».

-«Қайсингизнинг учта қизингиз ёки учта синглингиз бўлса, уларга яхшилик қилсангиз, жаннатга кирасиз».

-«Бир-бирингизнинг орангизни узманг, бир-бирингизни орқангиздан айб қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг».

-«Яхши хулқ очиқ юзликдир, эзгуликни ёйиш ва одамлардан азиятли нарсани узоқлаштиришдир».

-«Шарму ҳаё ва тортинчоқлик иймоннинг икки шаҳобчасидир. Бешармлик ва сурбетлик эса нифоқнинг икки шаҳобчасидир».

Ҳадислардаги намуналарни давом эттириш мумкин ва лозим.

Хулоса шуки, ҳадиси шарифларда айтилган ибратомуз фикрлар асрлар оша мусулмонларни яхши хулқ, одат, инсоф ва виждонийликка чорлаган. Кишилар ўртасидаги илиқ муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилган.

Қуръони каримдан кейинги манба ҳисобланган ҳадисларнинг буюк алломалари Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва бошқалар бизнинг юртдошларимиз бўлганлигидан ҳақли равища фахрланамиз.

### Таянч сўзлар:

- |             |                   |
|-------------|-------------------|
| 1. Саҳоба   | 5. Испод          |
| 2. Муҳаддис | 6. «Хуруфий хижо» |
| 3. Муснад   | 7. «ас-Сахих»     |
| 4. Муватто  | 8. Жомеъ          |

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Сунна (ҳадис) тушунчалари нима?
2. Ҳадисларни тўплаш ва китоб ҳолига келтириш қачон бошланган?

3. Ҳадис илмининг ривожланишига ҳисса қўшган муҳаддислар кимлар?
4. Ҳадисшуносликни ривожлантиришига бизнинг ватандошларимиз қандай ҳисса қўшган?
5. Саҳиҳ Бухорий деганда нима тушунасиз?
6. Исо ат-Термизий ҳақида нима биласиз?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият.-Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ мұхаммад ибн Исмоил, ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ (ишончли тўплам). 4 жилдлик.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
3. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий, А.Абдулло таржимаси.-Т.: /оғур /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
4. Имом ал-Бухорий, ал-Адаб ал-муфрад.-Т.: Ўзбекистон, 1990.
5. Уватов У. Буюк мұхаддислар. Имом ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом ат-Термизий.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.

## **12-МАВЗУ: ШАРИАТ: МАЪНАВИЯТ ВА АХЛОҚИЙ КАМОЛОТ Режа:**

1. *Шариат мазмуни ва тузилиши*
2. *Шариат манбалари*
3. *Шариат-ислом диний ҳуқуқ, қонун-қоидалари мажмуси жамлиги ва маънавият*

**Шариат мазмуни ва тузилиши.** Ислом пайдо бўған дастлабки даврларда диний ҳуқуқ, қонун-қоидалари, норма, дастур тартиблар ва бошқалар ҳақида фикр юритиш учун асосий манба Куръони карим эди. Мұхаммад Пайғамбар вафотидан сўнг мавжуд қонун-қоидалардан фойдаланиш мусулмон оммасига осон бўлиши учун Куръон ва Суннанинг ҳукмларига асосланиб шариат китоби тузилган. Унда акс этган қонунлар “фикҳ” дир.

Фикҳ барча диний ибодатларни адо этиш қоидаларини аниқ ва равшан ифодалаб берган, мусулмонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини баён этиб, шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги бурч ва тартибларни қарор топтиришга хизмат қилган.

Ҳозирги ислом давлат дини ҳисобланган кўпгина мамлакатларда ҳукуқий қонунлар шариат асосида чиқарилади.

Шариат (бу сўзнинг арабча луғавий маъноси тўғри йўл, илоҳий йўл қонунчилик демакдир) - ислом диний ҳуқуқ қонун-қоидалари ва

меъёрлари мажмуасидир.

Шариатни диний ҳуқук мажмуидан кенгрок тушунча деб билиш керак. Чунки шариат диний ҳуқукдан ташқари ахлоқий ва диний маросимчилик талабларининг мажмuinи ҳам ўз ичига олади. Демак, шариат фақатгина ҳуқук ва қонунчиликка хос масалалар билан чекланиб қолмайди. Айни пайтда шариат тушунчаси нафақат ислом диний талабларини, балки диний маросимлар ва уларни ижро этиш қоидаларини, оила, никоҳ ва талоқ масалалари, тижорат, иқтисодий, мулкий муносабатлар, мусулмонларнинг шахсий ҳаётига хос масалалар, дин ижозат берган ёки тақиқлаган ҳатти-харакатлар, жиноий харакатлар, суд ва жазолашга ўхшаш бошқа кўп масалаларни ўз ичига олади.

Шариатда мулкчилик, меросий ва жиноий ҳуқук, ҳимоячи (адвокатлар) фаолияти тартиби, қасам (онт) ичиш тартиби ва шакллари, вақфларга оид кўргазмалар суннийларда 4 шариат мактабининг усуллари асосида ва шиаликнинг жаъфария шариат мактабининг ҳуқуқий тартиби асосида ишлаб чиқилган. Исломдаги икки суннийлик ва шиаликларнинг усуллари ўртасида муайян тафовут бор. Масалан, шиалиқда мувакқат никоҳ қонунлаштирилган. Макка ва Мадинадан ташқари Ҳалифа Али, унинг ўғли Ҳусайн ва имом Ризо қабрларини ҳам зиёрат қилиш шиалиқда жорий этилган. Суннийликда эътироф этиладиган 4 диний руқндан фарқ қилиб, 5-ақида имомат-Али ва унинг авлодларидан иборат 12 имом ҳокимиятни тан олади.

Ислом ўзининг етти ақидасини Аллоҳнинг иродаси ҳисоблаб, уларни қонунлар мажмуасининг асосий манбаи деб билади. Бу мажмууда инсон фаолиятига дахлдор этиш ширкка йўл қўйиш, одамни худога тенглаштириш каби гуноҳи азим ҳисобланган. Қуръоннинг 12-сурә, 40-оятида қўйидаги дастур бор; «(Ибодат ва дин тўғрисидаги) ҳукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир. (У) ўзидан бошқага сифинмасликка буюрган. Тўғри дин мана шу!».

Шунинг учун ҳам Раъд сурасининг 14-оятида таъкидланишича, «Ҳақиқий дуо фақат Унга (қилинур) Ундан ўзга – (мушриклар) дуо қилаётган... (бутлар) уларнинг бирорта дуосини мустажоб қилмас<sup>1</sup>».

Бу даъватларни “Наҳл” сурасининг 51, 53-оятлари ҳам қўйидаги тарзда тасдиқлайди; “Аллоҳ; “Икки худони илоҳ қилиб олманглар! Албатта, У ягона илоҳдир.! Бас, Мендангина қўрқингиз!”-деди. “52. Осмонлардаги ва Ердаги барча нарсалар Унинг мулкидир. Дин (итоат қилиш) Унгагина (бўлиши вожибдир). Аллоҳдан ўзгасидан қўрқасизларми? 53. «Сизларда қайси бир неъмат бўлса, албатта, у Аллоҳдандир. Шунингдек, қачон сизларга мусибат етса ҳам фақат

<sup>1</sup> Мустажоб - =абул этиладиган, ижобат быладиган.

Унгагина ёлбарасизлар”. Ёки “ Бир минг бир “ Ҳадис шариф” тўпламида “ Доноликнинг энг боши Аллоҳдан”, “Аллоҳга ишондим” деб айт, кейин дин чегараларига риоя қилиб яша”, “ Кишининг олижаноблиги динидир”<sup>1</sup> каби ҳадислар мавжуд.

Исломдаги тўрт диний-хуқуқий мазҳаблар ва уларнинг асосчилари, ҳимоячи-оқловчи (адвокат)ларга оид тартиб-қоидалар, қозилар фаолиятининг ташкилий ва тартиб-қоидалари, қасам (онт) ичиш, ваъда бериш ва қасамёд қилиш, қарзни узиш, кафиллик, кафолат бериш, омонат сақлаш таҳлили ва уларга мансуб тартиб-қоидалар шариатнинг асосий бўлимларидан ҳисобланади.

Шариат ислом маросимлари ва байрамларига, ихлосга хос намоз ибодатлари ва рўза тутиш, ҳаж, диний байрамларга эътиборни қаратган.

Оила ва никоҳ бобида мусулмончиликдаги никоҳ ва унинг шакллари, талоқ ҳамда балоғатга етганликни аниқлаш усулларига шариат алоҳида эътибор берган. У ислом тақиқларига эса жуда ҳам синчковлик билан қараган. Бу бобда хусусан савдо ва молия соҳасидаги, муқаддас ҳисобланган ва сифинадиган жойларни зиёрат қилишга қаратилган, рўза тутиш соҳасида, суннат, оила-никоҳ масалаларида, мусулмонлар ҳайитида фойдаланиш, таомнинг мулозимат ва одобига қаратилган тақиқлар, ҳалоллик меъёри ва харомдан сақланиш, ундан покланишга доир масалалар таҳлилига эътибор берилган. Шариат жазога нисбатан ўз йўл-йўриқ дастурларининг бутун қахру ғазабини ахлоқи бузук (фосих)лари ва гуноҳ ҳисобланадиган диндаги бузғунчилик йўлида фойдаланадиган ҳатти-харакатларни кескин бартараф этишга қаратилган. Шариат зўравонлик ва ўғриликка, одам ўлдириш ва террорга қарши айниқса шафқатсиз жазо бериш чораларини ҳам белгилаган.

Шариатнинг мол-мулкка эгалик ҳуқуқлари ва солиққа оид тартиб-қоидаларга қаратилган бўлими ҳам диққатга сазовордир. Бу бўлимда шариат қонун ва қоидалари, мол-мулкка эгалик қилиш ва мерос ҳуқуқи, ижара вақф<sup>2</sup> ва васият (vasiyatnomah) га биноан, ерга эгалик қилиш (заминдорлик) ва ерни ижарага олиш, солиққа оид тартиб-қоидалар, закот, садақа, ушр<sup>3</sup>, ажнабийлардан олинадиган солиққа нисбатан ўз замонасининг сиёсатини акс эттирадиган тартиб ва қоидалар, қонунлар мажмуининг батафсил баёни берилган.

Савдо, молия ва хўжалик ҳаёти ҳам шариатнинг назаридан четда қолган эмас. Бу қисмда савдо-сотик, савдо битимларини расмийлаштириш ва бекор қилиш, ҳайвонларни сўйиш, овчилик ва

<sup>1</sup> Бир минг бир “Ҷадис шариф”. 451,600 ва 606-Ҷадислар.

<sup>2</sup> Ва=ф (араб. - дин йылида ажратилган мол-мулк) - айрим шахс ва давлатнинг диний муассасалар, масжид, мадрасаларга ва бош=аларга ажратилган ер, мол-мулки.

<sup>3</sup> Ушр (ар. - ындан бир) - пул эвазига машҳулот шаклида тыланадиган соли=.

ҳатто балиқ овлаш тартиб-қоидалари ҳам шариат назаридан четда қолмаган.

Ислом анъанаси ва хозирги замон уламолари Юсуф Муса ва Субҳи Маҳмасаниларнинг таъкидлашича, мусулмонлар шариат ва ислом ҳуқуқ-қоидаларини Аллоҳ яратган, муқаддас деб ҳисоблайди. Шу сабабли уни илоҳий шариат ёки илоҳий йўл деб ҳам атаганлар.

**Шариат манбалари.** Шариатнинг шаклланиши Муҳаммад вафотидан сўнг яқин 2 асрни ўз ичига олади. Чорёрлар даврида асҳоб (саҳоба)лар Муҳаммад (с.а.в.) яқин сафдошлари билан бир қаторда тобеъий (издош, эргашувчи) лар исломда саҳобалардан кейин уларга эргашган, улар ишини давом эттирган илоҳиётчилар ҳам муайян ҳуқуқий баҳс ёки мубоҳасаларни асосан Куръон ва Сунна асосида ҳал қилишга уринардилар. Бу манбалардан асос ёки далил тополмаган тақдирда улар ақл-идрокка таяниб, ўз сафдошлари ҳамда йирик ҳуқуқшунослар билан маслаҳатлашган холда қозиларга муайян даражада белгиланган қоида-қонун ёки йўл-йўриқлар берардилар.

Шариат манбалари хусусида аксарият олимлар, унинг Куръон ва суннатга асосланганлигини қайд этганлар. Баъзи олимлар шариатнинг манбалари-Куръони карим, суннат, ижмоъ ва қиёс деб ҳисоблаганлар.<sup>1</sup> Абдулазиз Мансур ва Бахманиёр Шокир уларни «Тўрт асл манба» деб ҳисоблаб, қўшимча равишда шаръий ҳукмга оид манба ва усуллар борлигини қайд этганлар. Уларга истихсон, масолиҳи муросала, урф, ривоят, истихсоб, фатво, балвои омма, зарурият кабилар киради<sup>2</sup> деган фикрни айтганлар.

VIII аср бошларига келиб, Куръон ва Суннадан ҳуқуқий масалалардан жавоб тополмагач, унинг ечимида бироз мустақиллик пайдо бўлган. Бунда Яманга ҳоким қилиб тайинланган исломшунос Л.Р.Сюкийнен Мауз билан Муҳаммад (с.а.в.) нинг суҳбатини изохловчи қуидаги ҳадисни мисол келтиради; Муҳаммад (с.а.в.)нинг Мауздан нима асосида ҳукм чиқарасан?-деб сўраганида, Аллоҳнинг китоби асосида, деб жавоб берган. Агар ундан топмасангчи дебди, унда Пайғамбар (с.а.в.) нинг Суннаси билан фикр юритаман, деган.

Бундан ислом тарихида беш аср мобайнида мусулмонлар орасида диний қоидалар бўлмаган деган маъно келиб чиқмайди. Илк ислом даврида Куръон нафақат диний таълимотнинг, балки ҳуқуқнинг асоси ва манбаи бўлган. Куръонда ақида ва ривоятларгина мавжуд бўлиб қолмай, унда ҳуқуқга доир кўрсатма маълумотлар ҳам бор. Исломшунос олим М.И. Садагдарнинг фикрича, Куръонда 150 га яқин умумий ва 100 тагача аниқ, равшан ҳуқуқий тусга молик бўлган кўрсатма, йўл-

<sup>1</sup> +аранг: Сюкийнен Л.Р. Мусулманское Право.-М.: 1984.-Б. 21; Шокиров Ю. Ислом шариати асослари.-Т.: Мещнат, 1992.Б.5.

<sup>2</sup> +аранг: Абдулазиз Мансур, Бахманиёр Шокир. Мусулмончиликдан илк сабо=лар.-Т.: Камалақ, 1992.-Б. 26.

йўриқлар мавжуддир.

Босиб олинган жойларда маҳаллий ахолининг ўзига хос мустаҳкам урф-одатлари билан ҳисоблашиш ҳам керак бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам Қуръон суралари жойлардаги шариатга керакли талабларга етарли даражада жавоб топишга қийналган мусулмон ҳуқуқшунослари шариатга қўшимча меъёрлар киритиш йўлини ахтаргандар.

VII-IX асрларда диний жамоа ва давлат қонунлари орасидаги умумийлик ва тафовутлар изоҳланмаган ва асосланмаган эди. Шунинг учун бу даврда дин, шариат қонун-қоидаларини билувчи касб эгалари-илоҳиётчи ҳуқуқшунослар-фикҳга асос солган. Фикҳ мусулмон ҳуқуки сифатида шариатнинг таркибий қисмини ташкил этарди. Инглиз исломшуноси Макдональднинг таъбирича, фикҳ араб тилида аввал-”умуман билиш”, сўнгра “диний қонунларни-шариатни билиш, кейинроқ эса-ҳуқуқий казуистика (умумий ҳуқуқ илми ва илоҳиёт таълимотларини аниқ ва муайян холларга ёйиш) деб талқин этиларди. Бора-бора фақих деганда “умуман донишманд, дин бўйича мутахассис, ҳуқуқ соҳасида маслаҳатчи ва казуист (юрист) деган маъно чиқарди. Шунинг учун фақих диний қонуншунос демакдир<sup>1</sup>.

Фикҳ илоҳиётнинг бир соҳаси сифатида мусулмон ҳуқуқшунослигида, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқишда, ислом тарихида жуда муҳим ўрин эгаллаган. Фақиҳларнинг ғайрати билан бирин-кетин шариат манбалари ишлаб чиқилган, шариат қонунлари расмийлаштирилиб, унинг анчагина тўпламлари тузилган. Шариат жамиятдаги моддий ва маънавий ҳаётнинг барча томонларини ўз назорати остига олган эди. Проф. М.Усмоновнинг таъкидлашича, шариат қонунларини татбиқ қилишда мавжуд бўлган кенг имконият, эркинлик туфайли ҳар бир фақих бу қонунларни ўзи лозим топган тарзда татбиқ этиш, унга ҳавола қилинган масалани ўзи хоҳлаганидек ҳал қилиш учун керак бўлган ривоятларни топиш имкониятига эга бўлган. Шунинг учун ҳам фақиҳлар катта эътибор ва обрў билан ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий ва диний-ахлоқий ва оиласий масалаларда салмоқли ўрин олганлар.

Ислом илоҳиёти - каломнинг асосчиларидан бири Ал-Ашъарий (873-935) фикҳни “Мусулмонларнинг муқаддас ҳуқуқи” деб атаган эди. Фикҳ шариатнинг ғоявий ва амалий қарашлари, тавсифи сифатида тақводор мусулмоннинг турмуш қоидалари бўлиб, исломдаги ижтимоий қарашларнинг асосига айланиб қолган.

Ўрта асрларда фикҳ қоидалари оила, мактабда, мадрасада асосий дарсга, уламолар тортишувида асосий мавзуга айланган эди. Фикҳ мусулмон суд жараёни, қози ва муфтийлар фаолиятининг асосига

<sup>1</sup> +аралсин: Хидаја: Комментарии мусульманского права. -Т.: Йизбекистон, 1994, С. 28.

айланган. Ўрта асрларда фиқҳ асосларининг нозик томонларини билувчилар йирик мусулмон фақиҳлари, илоҳиётчилари – мужтақидлар юзага келган. Масалан, Самарқанд шайх ул-исломи, машҳур қонуншунос ва илоҳиётчи Иброҳим ас-Самарқандий ўзининг “Фиқҳ хазинаси”, “Қуръон тафсири” каби асарлари билан ислом оламида машҳур эди.

Имом ат-Термизий ҳам “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асарида ҳадис илмини фиқҳий масалаларга моҳирона татбиқ этган.

Мужтаҳид (араб. - интилувчи, ғайрат, ҳаракат қилувчи) - ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил ҳукм чиқара оладиган шахсдир. Сунннийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар мужтаҳидлар деб аталган. Шаҳристонийнинг таъкидлашича, мужтаҳидлар уч даражага - олий, ўрта, қуи даражаларга бўлинганлар.

Олий даражали мужтаҳидларга исломнинг илоҳиёт ва ҳуқуқий асослари (усул) хусусида ҳукм чиқаришга қодир дин арбоблари киритилган. Буларга саҳобалар ва уларга эргашган тобеъийлар ҳамда ўша мазҳабларни асослаган имомлар - шариат манбалари соҳасида ижтиҳод қилувчилар киритилган.

Ўрта даражали мужтаҳидлар ҳам машҳур. Лекин улар фақат шариат соҳаларида фикр юритиб, ҳукм чиқарувчилар эдилар. Булар мазҳаб асосчиларининг шогирди сифатида улар ишининг давомчилари фақиҳлардир.

Қуи даражадаги мужтаҳидларга эса шариатга амал қилиб, иш юритувчи фақиҳлар киритиларди. Булар 1- ва 2-даражали мужтаҳидларга таянган ҳолда иш юритардилар.

Ислом тарқалган, худудларда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий-аҳлоқий тараққиёт жараёнида ўрта асрлар шароитида илоҳиётчилар шариатга қўшимча яна бир манба - ижмоъни киритганлар.

Ижмоъ - (араб. - бирдамлик, яқдиллик билан қабул қилинган қарор, диний жамоанинг ягона фикри). Қуръон, ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши (фатво бериши). Ижмоъ шариатнинг З-манбайи сифатида муайян масалаларни ҳал қилишда оят ожизлик қила бошласа, бирор ҳадис шарҳланган. Шу асосда турли-туман қўшимча, оғзаки талқинлар пайдо бўлган. Буни машҳур уламолар тўпланиб, яқдиллик билан чиқарган ҳукми деб тушуниш керак. Бу гурух уламоларнинг ҳукмига асосланиб чиқарилган фатволар илоҳий деб ҳам ҳисобланадиган бўлган. Ижмоънинг талқинига қуйидаги ҳадис ҳам мисол бўла олади: “Қайси бир ҳақда қирқ киши ва ундан зиёд одамлар бирор ишга гувоҳлик

берсалар, тангри уларнинг гувоҳликларини қабул этади”.

Мадина, Ирок, Суриядаги фиқҳ мактабларида олиб борилган тадқиқотлар Қуръон, Суннанинг диний ақоид ва хуқуқ масалаларининг кўпларига амалий жавоб бера олмаган. Бу шароитда келиб чиққан насҳ назарияси Қуръон, Суннадаги қайси ҳадислари (носих)<sup>1</sup> ундан афзаллигига қараб бекор этилиши ёки умуман бекор этилишига (мансух)<sup>2</sup> қаратилган адабиётлар кўпайиб қолган. Албатта, бу соҳада жуда катта тортишувлар юзага келиб, оқилона тарзда мантиқ илми асосида Қуръон ва Суннадан ўхшаш ўринли далиллар топиб, унинг асосида хукм чиқариш келиб чиққан. Бундай усул - қиёс (тенглаштириш, солиштириш, таққослаш, ўхшатиш, муқояса - аналогия) деб аталган. Шунинг учун шариатнинг тўртинчи асоси, манбаи-қиёс келиб чиққан.

Қиёс Қуръон ва Суннада учрамайдиган бирор хуқуқий масала, улардаги шунга ўхшаш масала орқали берилган йўл-йўриққа, кўрсатмага мантиқий таққослаш, ўхшатиш йўли билан шарҳ, изоҳ этиш асосида хукм ёки фатво чиқарилган. Қиёс фақиҳлар хуқуқини кенгайтириб, шариатни кишилар ҳаётининг турли томонларига татбиқ этишга имконият берган. Бу ҳолат ҳокимлар ва уламоларга ҳам кенгроқ эркинлик келтирган. Чунки улар ижмоънинг ёрдамисиз, бир гуруҳ уламолар ўртасида муҳокама қилиб ўтирмаи, Қуръон ва ҳадислардаги бирорта таққослаш мумкин бўлган ўхшаш ҳолга асосланиб, мустақил равишда, хукм қилиш имконига эришганлар.

Фиқҳнинг тараққиёти ислом қонунчилигининг алоҳида соҳаларини ўрганишни тақозо қилган. Натижада қонунчиликнинг алоҳида соҳаларини тадқиқ қиласидиган бирмунча мустақил илмлар вужудга келган. Масалан, “илм усул ал-фиқҳ”, яъни шариат манбалари ҳақида илм; “илм фуруъ ал-фиқҳ”, яъни фиқҳнинг айрим томонларини ўрганадиган хилма-хил соҳалардаги қонунларни ва қонунлар мажмуини ишлаб чиқадиган илм; “илм ал-фароиз” - ворислик хукуқига тааллукли илм ва бошқалар. Бундан ташқари ҳадисларда мусулмончилик талаблари хос мисолар кўп учрайди. Масалан, шоҳи матодан кийим кийиш ман этилган. “Бир минг бир Ҳадис шариф” тўпламининг 107-саҳифасида келтирилган Ҳадисда: “Кимки дунёда ипак кийим кийса, охиратда киймайди”, дейилган. Лекин унинг астарини читдан тикиб кийиш мумкин. Чунки шоҳи бевосита баданга тегмайди, олтин ва кумуш идишларда таом ёки ичимликлар ичиш ман этилган. Шариат олтин ёки кумушдан бўлган идиш-товоқни шаклини бузиб ёки синдириб ишлатишни талаб қиласиди. Агар озиқ-овқат ва таом олтин ва кумуш идишларда сақланса, ҳаром ҳисобланмайди. Аммо уни бошқа

<sup>1</sup> Носищ - бекор =илувчи.

<sup>2</sup> Мансущ - бекор =илинувчи.

идишга солиб истеъмол қилишни шариат талаб қиласди. Таҳорат қилишда эса олтин ва кумуш идишлардан фойдаланиш бутунлай ман этилган.

Юқорида зикр қилинган ҳадислар шу тўпламдаги 917-рақамли ҳадисда “Тилла ва кумуш идишларда еб-ичишдан қайтардилар”, - дейилган. Лекин олтин ва кумуш идишлардаги таом ёки суюқликни чинни, шиша, сопол идишларга ағдариб олиб истеъмол қилиш мумкин.

Юқорида баён этилган фикрлардан билиниб турибдики, шариатда ислом қонунчилигининг манбаларидан ташқари бир қанча амал, тавсиф, урф, қонун, йўл-йўриклар ҳам мавжуд. Диний хуқуқдан ташқари дунёвий хуқуқдан ҳали исломгача юзага келган маҳаллий одатий хуқуқ-одатлардан кенг фойдаланилган. Шариат қонунлари билан бир қаторда маҳаллий халқлар одати жамоа, давлат ҳаётини тартибга солишида муайян аҳамият касб этган, чунки одат хуқуқи ёзилмаган, табиий равишида юзага келиб, кўпинча иқтисодий, ахлоқий, оила ва турмуш тарзига тааллуқли одатий тартиб-қоидалар мажмуи сифатида шариат билан бир қаторда кенг амал қиласди. Одатнинг жуда кўп ўзига хос тартиб-қоидалари, маромлари мавжуд. Албатта, ҳамма инсонлардаги каби, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари орасида соф халқчил, фуқаролик, инсонийлик одатлари диний тус олган жойлари ҳам бўлган. Ўрта асрлар шароитида одатларнинг баъзилари хукмон доиралар манфаатига хизмат ҳам қиласди.

Маълумки, Ўрта Осиёда яшовчи мусулмонлар асосан ҳанафий мазҳабига таянган ҳолда шариат хуқуқ тизимини ҳаётга татбиқ этганлар. Бу мазҳаб маҳаллий халқлар ҳаётида хуқуқий онг, хуқуқий маданият ва диний дунёқарашнинг шаклланишида кўп асрлар давомида чуқур из қолдирган хуқуқий ва маданий-ахлоқий тизимдир.

Буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур давлатни бошқаришда шариат қонун-қоидаларидан моҳирона фойдаланган. Темур тузукларида шундай деб ёзган: «Дилимнинг машриқдан кўтарилилган биринчи тузук шундан иборат эдики, ислом динини ёйиб... Шариатни кувватладим... Ўз салтанатимни шариат билан безадим... Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб ҳар бир шаҳарга олимлар ва муддарислар тайин қиласди».<sup>1</sup> Бундан кўринадики, у давлатни бошқаришда шариат қонун-қоидаларидан кенг фойдаланиб, жиноятчиликни олдини олишга ёки жиноятга қўл урган кишиларни шу йўл билан жазолашга эришган.

Хозирги даврда Ўзбекистон халқлари орасида киши ўлганидан кейин «еттисини», «йигирмасини», «қирқини», «йил»ини ўтказиш одати

<sup>1</sup> Темур тузуклари. Т.: ./улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-Б. 57-58.

кенг тарқалган. Ваҳоланки, шариат бундай маросимларни ўтказиш ёки ўтказмаслик ҳақида бирон-бир кўрсатма бермаган. Бундай урф-одатлар исломдан олдинги эътиқодларга бориб тақалади. Шариат албатта мамлакат ҳукмдорлари жорий этган дунёвий қонун, йўл-йўриқ, низом ва фатволардан ҳам кенг фойдаланган.

Демак, ҳар бир халқ ўзига хос муайян шароитига қараб қонунларни амалда татбиқ этган. Шариат дастурлари, фикҳ қонунлари ҳамма мамлакат шароити, тарихида турли оқим ва мазҳаб, муайян синф манфаатларига мосланган ҳолда умумий қонунлар, жузъий омиллар тарзида таҳлил этиб, бир қатор зиддиятларни келтириб чиқарган. Буларнинг зухур этилиши, юзага чиқиши оқибатида суннийлик доирасида бир қанча диний-хуқуқий мактаблар пайдо бўлган.

**Диний-хуқуқий мазҳаблар.** Ислом динининг ривожида ҳуқуқий мазҳабларнинг шаклланиши фикҳ илмининг юзага келиши билан боғлиқдир. II-IV ҳижрий асрларда фикҳ илми истиқболини белгилаб берган мазҳабларнинг асосчилари – мужтаҳид алломалар бўлиб, улар ўз илмий ва амалий фаолитларида бутун мусулмонлар жамоасининг исломий-хуқуқий эҳтиёжларини қондиришга лаёқатли бўлган мазҳабларнинг шаклланишига асос солдилар.

Суннийликда 4 та диний – ҳуқуқий мазҳаблар, диний – ҳуқуқшунослик тартиб усули, яъни шариат усули мавжуд. Булар: ҳанафия, шофиъия, моликия ва ханбалиялардир.

Шиалиқда ҳам муайян мазҳаблар вужудга келган бўлиб, бугунги кунда у ёки бу даражада 4 таси сақланиб қолган.

Булар Абу Сулаймон Довуд ибн Али ал-Исфаҳоний ал – Зоҳирий (818 - 884) асос солган Зоҳирия, Зайд ибн Али Зайн ал – Обидин ибн ал – Хусайн (ваф. 740) номи билан боғлиқ бўлган зайдийя, Абу Жаъфар Мұхаммад ибн ал – Ҳасан ибн Фарруҳ ал – Саффар ал – Аъраж ал – Қуммий (ваф.903) асос солган имомия ва ниҳоят Абдуллоҳ ибн Ибод ат – Тамимий (ваф.710) исмига нисбат қилиб олинган Абу Шаъжа ул Тобеъий Жобир ибн Зайд (ваф.711) асос солган ибодия мазҳабидир.<sup>1</sup>

**Шариат – исломнинг диний ҳуқуқ, қонун-қоидалари мажмуи эканлиги ва маънавият.** Ислом тарихида ҳуқуқ соҳасидаги чигал, мураккаб воқеа ва ҳодисалар, диний маросимлар, оиласвий ва ижтимоий ҳаётни бирон қолипга солиб, назоратга олиш мақсадида шариатда муайян тавсиялар белгиланган. Мавжуд адабиётларда таъкидланишича, қуйида таҳлил этиладиган тавсиялар шариатга мусулмонлар хатти-ҳаракатидаги айрим қоида ва тавсиялар жорий этиш билан чекланмаган, балки мусулмонларнинг хатти-ҳаракатини шариат иккига: тақиқлаган ёки тақиқланмаган, ижозат берилган ёки ижозат берилмаган

<sup>1</sup> +аралсин: Ислом, тарих ва маънавият.-Т.: А.+одирий номидаги хал= мероси нашриёти, 2000, 37-б.

ҳаракатларга бўлган. Булар ҳаром ва ҳалол тушунчалари билан ифодаланади.

Ҳалол мусулмонларга шариат рухсат этадиган муайян хатти-ҳаракат, иш, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлардир. Ҳаром эса мусулмонлар учун қатъиян ман этилган, тақиқланган хатти-ҳаракат, иш ва тановул қилишга ижозат берилмайдиган озиқ-овқатлардир.

Бу соҳаларда мусулмонлар дастурни албатта Қуръондан оладилар. «Бақара» сурасининг 2-3-оятларида қўйидаги йўл-йўриқни ўқиши мумкин: «Ушбу (илоҳий) Китоб (Қуръон) шубҳадан ҳоли ва (у шундай) тақвадорлар учун ҳидоят (манбаи) дирким, улар... намозни мукаммал ўқийдиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан (садақа ва) эҳсон қиласидиганлардир».

Ҳаром ва ҳалол тушунчалари диндорларнинг кундалик фаолияти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган барча хатти-ҳаракатлар ва нарсаларни ўз ичига олади. Мусулмонлар ҳаётини фақат ақидавий ва маросимчилик маромлари билан чеклабгина қолмай, балки унга тазиик ўтказади, баъзи хатти-ҳаракат ва нарсаларни тақиқлайди, баъзиларига ижозат беради, айримларини эса адо этиш мажбур деб белгилайди. Хуллас, бу категориялар диний маросимчиликка оид талаб, хуқуққа оид масала, тартиб-қоидалар, ахлоқий ва ижтимоий, иқтисодий муносабатларга тегишли тартиб-қоида ва фуқаролик тартиб-қоидалари, жиноий хуқуққа оид муносабатларни ўз ичига олади.

Кейинчалик шариат қонунларининг такомиллашуви жараёнида бу “андоза” лар мураккаблашиб, барча хатти-ҳаракатлар шариат нуқтаи назаридан қўйидаги туркумларга бўлинган:

1. **Фарз** (араб. - мажбурият) диний-хуқуқий категория бўлиб, бевосита Қуръонда қайд этилган, ҳар бир мусулмон қандай бўлмасин бажариши мажбур, шарт бўлган қатъий талаб, тартиб-қоидалардир.

Масалан, намоз ўқимоқлик ақли бор ҳар бир эркак, аёл мусулмонга фарздир. Шунингдек, рўза тутмоқ, закот бермоқ ва бошқа фарз амаллари диний китобларда келтирилган. Ушбу фарз амаллари иккига бўлинади. Биринчиси-фарзи айн. Иккинчиси-фарзи кифоя.

**Фарзи айн-ҳар** бир кишига йўлланган буйруқ бўлиб, буни мусулмонлар адо этмоқлиги фарздир. Юқорида айтиб ўтканимиздек намоз ўқиши, рўза тутиш, закот бериш ва бошқалар ҳар бир эркагу аёл, балоғатга етган, ақли бор мўмин-мусулмонга айнан фарз-буйруқдир. Чунки, бу амалларни фарзи айн деб тушунилади ва амал қилинади. Зеро, бу амалларни ўрганмоқлик ва бажармоқлик ҳар бир мусулмоннинг шахсий масъулияти, шахсий мажбурияти бўлиб, буни қилмоқликка ҳамма мажбур, қилмаган мусулмонлар гуноҳкор ҳисобланади.

**Фарзи кифоя**-фарз амалларидан бўлиб, буни баъзи бир мусулмонлар адо этса қолганларидан соқит бўлади. Қолганлари бу

амални қилмаса ҳам гуноҳкор бўлмайди. Масалан, бир киши вафот этган бўлса, унинг хабари чиқиши билан шу вафот этган шахсни жанозасини ўқиб қўймоқлик мусулмонлари учун фарз амалга айланиб қолади. Аммо шу амални бир гурух кишилар бажо келтириб, кафанлаб кўмсалар, ҳамманинг бошидаги фарзи ҳам соқит бўлади. Демак, баъзи бир кишиларнинг бу ишни адо этиши кифоя қиласида, қолганлардан бу фарз соқит бўлади. Аммо фарзи кифоя амали жаноза намози билан кифояланиб қолмайди, балки у ниҳоятда кенг тармоқни ўз ичига олади. Мисол учун, жамиятга керакли ҳар бир ишни амалга ошириш шу жамият аъзолари учун фарз бўлади, буни бир қисм кишилар томонидан бажарилиши кифоя бўлиб, яъни фарзи кифоя адо қилинганлиги учун ҳамманинг бўйнидан бу вазифа соқит бўлади.<sup>1</sup>

Исломшунос олим М.Усмоновнинг фикрича, араб халифалари ўрта асрнинг юксак ривожланган даврига келиб **вожиб** (араб. мажбурият, бурч) категориясини амалга киритиб, халифа, подшо, амир, хон каби хукмдорларнинг амрини ижро этиш ҳам мусулмонларга мажбурий бурч ҳисобланган. “Амри подшо вожиб” маъносида бу категория талабини бажариш ҳам савоб деб ҳисобланадиган бўлган.

2. **Мандуб** (араб. - тавсия этилган) - диний-хукуқий категория сифатида бажарса лозим ва савоб деб тавсия этиладиган, лекин мажбур ва гуноҳ бўлмаган ҳаракатлар (масалан, қурбонлик, мавлуд, мажбурий бўлмаган намозларни ўқиш ва эътиқоф<sup>2</sup>, хайр-эҳсон ва ҳоказолар). Булар диний нуқтаи назаридан яхши ва мақтовор, охиратда тақдирланади, аммо ижро этмаган тақдирда масъулият талаб этилмайди.

3. **Мубоҳ** (араб. - умумий, ҳеч кимга тааллуқли бўлмаган) - шариат категорияси бўлиб, тор маънода ижозат бериладиган барча хатти-ҳаракатларлар. Ижроси рағбатга ёки мукофотга сазовор бўлмаса ҳам, гуноҳ ҳисобланмайдиган, у дунёда тақдирланмайдиган, инсон ҳаёти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган оддий хатти-ҳаракатлар (овқатланиш, ухлаш, ўйин-кулгу, уйланиш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва б.). Бу категория жоиз категорияси каби мажбурий деб ҳам ҳисобланмаган, уларни бажариш ҳам тақиқланмаган.

4. **Макруҳ** (араб. - рад этилган, қораланган, номақбул) - қатъян тақиқланмаган, аммо номақбул ҳисобланган ва рад этилган хатти-ҳаракатларни ифодаловчи шариат категориясидир. Диний эътиқод нуқтаи назаридан нокерак, номақбул, аммо қатъян рад этилмаган. Бу тақиқларни бузганлик учун жиноят ёки гуноҳ ҳисобида жазоланмайди, имонни сақлаш учун жиноят, макруҳ ишларни қилмаслик лозим, аммо бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазога тортилмайди.

Макруҳ асосан диний маросимларни ижро этиш жараёни билан

<sup>1</sup> +аралсин: Поклик иймондандир.-Т.: Йизбекистон, 1991, 101-б.

<sup>2</sup> Эъти=оф - маълум муддаони ният =илиб, масjid ёки уйдан чи=май рыза тутиб ибодат =илиш.

боғлиқ. Масалан, тоза бўлмаган, нопок кийимда, ёки таҳоратсиз намоз ўқимоқ, касал одамнинг ёки эмизикли аёлнинг рўза тутиши, ой кўргандан кейин покланиш шартларини бузиш, диний матнлар ёзилган қоғоз, жарида ва жадвалларни оёқ ости қилиш, нарса ўраш (уларни ерга кўмиш белгиланган) ва бошқалар.

Макруҳ мусулмонларнинг кундалик ҳаёти ва ахлоқий кирдикорларига ҳам боғлиқ. Масалан, бироннинг уйига ижозатсиз кириш, ўғирланган нарсани сотиб олиш, ҳаром нарсани гадойга бериш, пишмаган экинни пайкалида сотиш, қарздорни мажбуран хизматга олиш ёки катта одамлар олдида беодоблик қилиш ва ҳоказолар.

**5. Маҳзура** - ёки ҳаром (араб. - ман этилган, сақланадиган нарса) мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракат, муомала, қилик, фикр, хаёл, эътиқод, нарсалар, ейиш маън этилган озиқ-овқат ва бошқалар.

Маҳзура зино<sup>1</sup> тушунчаси орқали янада ойдинлашади. Масалан, кўлнинг зиноси ҳаром нарсани ушлаш, оёқнинг зиноси шариатда ман қилинган жойларга бориш, қулоқнинг зиноси ҳаром қилинган нарсаларни эшитиш, кўзнинг зиноси ман қилинган нарсаларга қараш... Демак, ўзини мўмин ҳисоблаган ҳар бир киши шу зиноларнинг барчасидан ўзини сақлаши керак. Ҳадисда бундай фикрлар бор: “Кимки зино қилса, иймони учади”, ”Зинокорлик – фақирлик келтиради”, ”Зинога яқинлашманглар, чунки (бу) бузуқликдир - энг ёмон йўлдир”. Қуйидаги ҳадис ҳам диққатга сазовордир: “Сизлардан кимки бирон кимсани шариатда қайтарилган мункар<sup>2</sup> иш қилаётганини кўрса, ундаи одамни қўли билан бўлса ҳам (яъни жисмоний куч ишлатиб бўлса ҳам) бу мункар ишдан ман қилсин, агар қўли билан қайтаришга имкони бўлмаса, тили билан панд ва насиҳат айласин, агар бунга ҳам қодир бўлмаса, ўша одамни қилаётган ишини қалби билан ёмон кўрсин. Бундай қалби билангина биронни қабих ишини ёмон кўрувчи одам, иймони заиф одам бўлур”.

Шариатда тамойил тартиб-қоидалари батафсил ишлаб чиқилган. Уларнинг баъзилари ўз илдизи билан исломдан олдинги даврга боғлиқ бўлишига қарамай, мусулмонлар орасида қаттиқ риоя қилинади.

Қуйидаги Куръон оятлари маҳзур категориясини бундай тавсифлайди: “Бақара” сурасининг 168-оятида: “Эй, одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изларидан эргашманглар! Албатта, у сизларнинг аниқ душманингиздир” (2:168), “Моида” сурасининг 3- ва 90-оятларида: «Ўлимтик, қон, чўчқа гўшти, Аллоҳдан ўзганинг номи айтиб сўйилган, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, йиқилиб ўлган, сузишдан ўлган ва йиртқич ҳайвон (қисман) еган

<sup>1</sup> Зино (араб. – бузу=лик, фащш) - ызаро никоцда турмаган эркак ва аёлнинг я=ин ало=ада былиши.

<sup>2</sup> Мункар (араб.) - =абищ.

(хайвонлар) сизларга харом қилинди...» (5 : 3) «Эй, имон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), «қимор бут-санамларга ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликлардирки, ундан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз». (5 : 90)

Дарҳақиқат, чўчқа гўшти фақат ислом динидагина эмас, балки яхудийликда ҳам батамом ҳаром қилинган. Бундай муносабат табиат қонунларига мувофиқ бўлган. “Шарқ Юлдузи” ойномасининг 1991 йил 3-сонидаги “Чўчқа гўшти ва саломатлик” деб номланган мақоланинг матни шу масаланинг моҳиятига қаратилган. Мақола муаллифи немис олими доктор Ровфиг шахсан ўзи ва бир қанча Европа олимлари ўтказган илмий тадқиқотлар асосида чўчқа гўштида кўпгина моддалар инсонни заҳарловчи ва соғлигига путур етказувчи заҳарлар мавжудлигини исботлайди. Ундан ташқари иссиқ мамлакатларда бу гўшт жуда тез бузилади.

Демак, инсоният ўзининг ilk тарихий саналарида чўчқа гўштининг киши организмига заҳарли таъсири ҳақида мукаммал илмий тадқиқотлар асосида етарли далилларга эга бўлмаган бўлса ҳам, амалий жиҳатдан унинг заарини бевосита татиб кўрган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Шунинг учун ҳам бунинг олдини олишга жонбозлик қилиб, неча миллион инсонларнинг қирилиб кетишига чек қўйган фикр ва мулоҳазаларни тарихдан ўчириш мумкин эмас.

Шариат нуқтаи назаридан ҳамма спиртли, кайф берувчи ичимликлар, ачиб-бижқиган суюқликлар ҳаром ҳисобланади. Бундан ташқари унда ҳаромдан покланишда сув биринчи ўринда (умуман шариатда бундай усуллар ўн битта)<sup>1</sup> эъзозланади. Шунинг учун сувни қадрлаш, уни кўз қорачиғидай асраш, сув билан фахрланиш, сув ризқ, сув ҳосил, сув барака... каби фазилатлар шариатда қадрланиши - ҳозирги замон шароитида долзарб муаммолардан биридир.

Хуллас, мусулмонлар хулқ-атвори, муомала ва юриш-туришини чегарага олевчи шариатнинг 5 категориясида диний-хуқуқий мазмун мужассамлашган. Унинг амри, ахлоқий-маросимий тақиқлари жиноий ва фуқаролик хуқуқи қонунлар билан айнан маъноларда ишлатилган, яъни диний гуноҳ жиноий ва хуқуқий гуноҳлардан фарқ қилмайди.

Ислом таълимотида нимаики ҳалол деб ҳукм қилинган бўлса, бу нарса инсон учун фойдали эканлиги, агар ҳаром дейилган бўлса заарли эканлиги мусулмон халқларининг тарихий тажрибаси, турмуш тарзида, маънавиятни шаклланишида мухим аҳамиятга эга бўлди.

### Таянач сўзлар:

1. Мустажоб

7. Вожиб

13. Тобеъий

<sup>1</sup> Г.М. Керимов. Шариат. 136, 138-бетлар.

- |             |             |                 |
|-------------|-------------|-----------------|
| 2. Муждахид | 8. Мандуб   | 14. Фарзи айн   |
| 3. Мансух   | 9. Мубоҳ    | 15. Фарзи кифоя |
| 4. Зикр     | 10. Макруҳ  | 16. Эътиқоф     |
| 5. Насих    | 11. Махзура |                 |
| 6. Фарз     | 12. Ушр     |                 |

**Такрорлаш учун саволлар:**

1. Шариат сўзининг луғавий маъноси нима?
2. Шариат мазмунига нималар киради?
3. Фиқҳ илми қачон шаклланди?
4. Фиқҳнинг шариатда тутган ўрни нимада?
5. Шариат манбаларига нималар киради?
6. Шариатнинг мусулмонлар маънавиятининг шаклланишидаги ўрни нимада?

**Адабиётлар:**

1. Ал-Бухорий. Ҳадис 1-4 жиллар.-Т.: 1991-1997.
2. Абу Исо ат-Термизий. Саҳиҳ Термизий.-Т.: 1993.
3. Мұхаммад пайғамбар тарихи.-Т.: 1993.
4. Мұхтасар. Шариат қоидаларига қисқача шарҳ.-Т.: Құлпон, 1994.
5. Абдурахмон Қоя. Ислом ахлоқи.-Т.: 1997.
6. Ўзбекистонда ислом дини. Мустақиллик изоҳли луғат.-Т.: 1998, 155-157 бетлар.
7. Абдулваҳоб Халлоф. Усули фиқҳ.-Т.: 1999.

**13-МАВЗУ: ЎРТА ОСИЁДА ИСЛОМ  
МАЬНАВИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

**Режа:**

1. Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ислом билан алоқадаорликда ривожланиши.
2. Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашиларида исломга муносабат ва маънавиятни ривожлантирилиши.
3. Тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва ислом маънавияти ривожсига эътиборни кучайиши.

**Ўрта Осиё халқлари маданиятининг ислом билан алоқадаорликда ривожланиши.** Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган даврда ўзларига хос муайян динлари (буддавийлик, зардуштийлик) ва маданиятлари анча ривожланган бўлиб, ислом дини бу худудга киритилганидан сўнг бу халқлар маданияти янада ривожланди ва бойиди. Бироқ исломни Моварауннаҳрга киритилиши

осонликча бўлмай, бир қанча мураккаб жараёнларни енгиб ўтишига тўғри келди.

Маълумки, исломнинг вужудга келиши араб халқлари тарихида, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида катта социал ўзгаришларга олиб келди. Марказлашган араб давлати- Халифаликнинг вужудга келиши, тарқоқ араб қабилаларини бирлаштириш билан ўрта аср араб маданияти ва адабий араб тилининг шаклланишига имкон яратган эди. Бу маданият халифалик тартибиға кирган юзлаб халқлар ва элатларга ўз таъсирини ўтказишга ҳаракат қилган эди.

Ислом пайдо бўлганидан сўнг араб халифалиги деб ном олган давлат бошлиқлари (чорёрлар даврида) ўз қўшинлари билан жуда кўп мамлакатларни босиб олиб, катта империя тузишга муваффақ бўлганлар.

Ўрта Осиё араб истилочилари томонидан забт этилиши VII-аср охири ва VIII-аср бошларида уммавийлар сулоласи ҳукмрон бўлган 661-750-йилларда араблар ҳарбий юришининг иккинчи босқичига тўғри келади. Яъни VII-аср 70 йилларида Эрон худуди босиб олинганидан сўнг Ўрта Осиё (Мовароуннахр) ерларига ҳам ҳарбий юришни бошладилар. Махаллий халқлар арабларга қаттиқ қаршилик (халқ қўзғолонлари) кўрсатишига қарамасдан VIII-аср ўрталаригача бу худуд босиб олинган ва аста-секин, ҳар хил йўллар билан ислом дини тарғибот қилинди.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётига ислом таълимотининг киритилиши муайян даражада ижобий рол ўйнаган. Жумладан, араблар ҳукмронлик қилган дастлабки асрларда илоҳиёт, фан, фалсафада араб тили ҳукмрон бўлган. Аммо кейинчалик маҳаллий халқларнинг ўз тилларида ҳам маданият ривожланиб, унга исломнинг таъсири кучли бўлган.

Ўрта Осиё халқлари маданияти, илоҳиёт ва фанларнинг ривожланишига исломнинг таъсири кучли бўлган. IX-XII ва XIV-XV асрлардаги Уйғониш даврида ундан кейинги ҳаётда жаҳонга машҳур олим, мутафаккирлар, илоҳиёт соҳасининг йирик намоёндалари етишиб чиқканлар.

Олдинги бўлимларда баён қилганимиздек, VII-асрнинг иккинчи ярмида исломда Зта асосий (хорижийлар, суннийлик, шиалик) йўналишлар пайдо бўлган. Уларнинг ичидаги барча мусулмонларнинг 92,5 фоизини ташкил этувчи суннийлик бўлиб, Ўрта Осиё мусулмонларининг аксарияти шу йўналишдаги 47 фоизини ташкил этувчи ҳанафия мазҳабига эътиқод қилган ва ҳозир ҳам амал қилмоқда.

Ўрта Осиё илоҳиётчи уламолар суннийликдаги мазҳаблар (айниқса ҳанафия мазҳаби), суфийлик тариқати ҳамда ислом илоҳиётидаги оқимлар: Ал-ашъарийлар, жабарийлар, қадарийлар, мұтазилийлар, мұтакаллимлар ҳақида салмоқли асарлар яратиб, ислом

назарияси ва амалиётига катта ҳисса қўшганлар. Масалан, ҳадисларнинг жамлаш бизнинг юртдошларимиздан Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) 600 000 дан зиёд Ҳадис тўплаган ва унинг 7275 тасини “ишонарли” деб 4 жилдлик тўпламга киритилган: Суфийлик тариқати соҳасида Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд тариқатларини кўрсатиш мумкин. Бурхониддин Марғиноний Хидоя асарини яратган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Маҳаллий халқлар маданиятининг ислом билан алоқадорликда ривожланиши хусусида қуйидаги холосалар келиши мумкин:

1. Исломнинг вужудга келиши ўша даврдаги араб халқлари тарихида, ижтимоий тараққиётида катта ижобий бурилиш билан боғлиқ бўлган. Бундай бурилиш натижасида, биринчидан, уруғ-қабилачилик тузуми емирилиб янги жамият тузумига ўтилган; ислом бу жамиятнинг мағкураси бўлган; иккинчидан, марказлашган араб давлати- халифалик вужудга келган, унинг давлат дини ислом бўлган; учинчидан, адабий араб алифбоси, тили, адабиёт (фольклори) шакллана бошлаган; тўртинчидан, халифалик таркибига кирган юзлаб қабила ва элатларга таъсир этган ўрта аср араб маданияти вужудга келган; бешинчидан, ибтидоий арабларга хос айрим ярамас одатлар, чунончи, оиласда тўнгич бола қиз туғилса, тириклиайн кўмиб юбориш одати тақиқланган; олтинчидан маъжусийлик динига барҳам берилиб, 360 та фетиш (санам) нинг 359<sup>1</sup> таси Каъбадан чиқариб ташланган. Бу ишларда машҳур давлат, жамоат ва диний арбоб Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва унинг сафдошларининг роли, обрўси, таъсири катта бўлган.

2. Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрта асрларда илм-фан куртаклари, фалсафада, илоҳиётда, ҳурфиқрлиликда ягона араб тили қарор топган эди. Бироқ бу ҳол кейинчалик ерли халқларнинг ўз тилларида - форсий, туркий, сўнгроқ ўзбек, туркман, бошқа тилларда шуларга хос маданият ривожланган. Бу маданиятда ислом таъсири шубҳасиз қучли бўлган. Масалан, ўқитишни олайлик. Ўлкада болаларга ёшлигидан таълим бериш учун айрим дунёвий илмлар ҳам ўқитилган. Ўрта Осиё мутафаккирлари, маърифатпарварлари ва олимларининг деярли ҳаммаси олдин мадрасаларда, диний дорилфунунларда ўқишган.

Гарчи ўқув юртларида диний манфаат, эҳтиёжлар кўзланган бўлсада, шулар воситасида хат-саводлилик ва илмлиликка, маърифатга, маданиятга ҳам йўл очилган. Бу ўқув юртларидан саводли кишилар, ҳатто олимлар ҳам етишиб чиққан. Демак, ислом бу соҳада ҳам муайян маънавий қадриятлар яратиб, ижобий рол ўйнаган.

3. Араб истилочилари VIII асрда Ўрта Осиёни эгаллаб олгач, олдин бу ерда узлуксиз содир бўлиб турган ўзаро урушлар тўхтатилиб,

<sup>1</sup> Исломгача араб =абилаларининг ѩар бирини ыз санами былиб, унга илощ деб сиғинишарди. Ягона Аллошга эъти=од =илувчи Ислом дини пайдо былгандан сынг у санамларга сиғиниш одати йы=олади.

ўлка ягона марказлашган халифаликка бирлаштирилган. Унинг ҳукмрон мафкураси, давлат дини ислом бўлган. Бу ҳам сиёсий, ҳуқуқий, диний жиҳатларда юз берган ижобий ҳодиса эди.

4. Ислом маданияти соҳаларида энг йириги, кенг тарқалгани - меъморчиликка ҳам ўз ижобий таъсирини ўтказган. Гарчи диний меъморчилик обидаларини ислом эмас, руҳонийлар эмас, балки бинокор уста, моҳир архитектор, чапдаст меъмор, оддий қурувчилар барпо этган бўлсалар-да, мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ, такъяхоналар дин йўлида, унга атаб қурилган, унга хизмат қилган: диний бошқармалар, бирлашмалар ҳисобига тушган маблағларга, руҳонийлар ташаббуси, иштироки асосида бунёд этилган. Руҳонийлар бу обидаларни сақлаш, таъмирлаш, кенгайтириш, безашга ҳам ҳисса қўшганлар. Демак, диний обидалар асло биргина ислом туфайли, у орқали, унинг маблағлари, моллари ҳисобига қурилмаган бўлса-да, улар дин манфаатига, эҳтиёжларига мослаб қурилган.

5. Ислом билан боғлиқ бўлган амалий санъат ва ёзувларнинг юзага келишида, ривожланишида ҳам бу диннинг ва дин ахларининг ижобий роли, тутган ўрни, яратган қадриятлари бор. Гарчи Куръон оятлари, диний дуо, ривоятларнинг ёзувлари исломни мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлса-да, китобларни дастхат қилиш, чоп этиш, безаш, муқовалаш санъати ҳам, каллиграфия, хаттотлик, яъни ҳусниҳатнинг ривожланишида ҳам ислом қадриятларининг роли бор.

6. Исломнинг фольклорга, қоғияли проза (наср), поэзия (шеърият) га ижобий таъсири ҳам анчагинадир. Куръон муаллифлари, унинг тафсирчилари, Ҳадис шарҳловчилари, илоҳиётчи, уламо ва мударрислар ҳам ёзма ижодда биргина динни эмас, ёзма адабиётни ҳам ривожлантирганлар.

Демак,adolat юзасидан олганда, исломда мусулмон руҳонийлари фаолиятида юқорида қайд қилинган ва шулар сингари қадриятлар мавжуд бўлган. Улар энди янада бойитилмоқда.

Хулоса шуки, юқоридаги ғоя, далил, фактлардан ислом анчагина моддий ва маънавий қадриятларни яратганлиги билиниб турибди. Бу унинг ижобий томони бўлиб, шу ўтган давр ичida Ўрта Осиё ҳалқлари турмуш тарзига, қадриятларига ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Исломнинг инсоният маънавий қадрияти тараққиётидаги ролини ошкора, одилона тан оламиз. Чунки унинг роли маънавий қадрият билан ҳамоҳанг, унинг тараққиётига муайян ҳисса қўшган. Барча динлар, жумладан, ислом ҳам умуминсоний маданиятнинг унсури, яъни унинг қисмларидан биридир.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўрта Осиё ҳалқларининг маърифатпарварлик, ҳурфиқрилик ғоялари, уларнинг динга ва исломий қадриятларга бўлган муносабати дастлаб ҳалқ оғзаки

ижодида, сўнгра бадиий адабиётда акс этган.

XIX асрнинг 70-йилларида Туркистон бошқа тарақкий этган мамлакатларга нисбатан ижтимоий-иктисодий, маданий ривожланиш даражасидан анча орқада эди. Ягона марказлашган давлат эмас эди. Туркистон З та хонликка: Кўқон, Бухоро ва Хива хонликларига бўлинган эди. Улар ўртасидаги низолар мамлакатнинг иктисодий-маданий ҳаётнинг ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатар эди. Бу ҳам ўз навбатида меҳнаткашлар оммаси онгининг ўсишига салбий таъсир кўрсатган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистонни чор Россияси забт этган. Чоризмнинг Туркистонни ишғол этиши қисқа муддатли ҳарбий сиёсий ҳаракат бўлмай, қарийб чорак асрни ўз ичига олган ва Туркистон халқлари ҳаётида муайян из қолдирган зиддиятли тарихий ҳодисадир. Истило Кўқон хонлигининг ҳарбий чегараси ҳисобланган. Оқмачит қалъаси (Қизил Ўрда) нинг 1853 йилда босиб олиниши билан бошланган. Чоризмнинг Туркистондаги истилочилик ҳаракати 1876 йилда шу хонлик маркази - Кўқоннинг таслим бўлиши билан тугалланган.

Чор ҳукумати Туркистонни эгаллаб олгач, маҳаллий халқларнинг аҳволи янада оғирлашган. Чоризм бу ерда ҳарбий-бюрократик мустамлакачилик тартиби ўрнатган.

Чор истибод ҳукумати Туркистонни эгаллаб олар экан, унга биринчи навбатда хом ашё манбаи, ўз мамлакатининг корхоналарида ишлаб чиқарилган молларни харид қилиш бозори сифатида қараган. Маҳаллий золимлар - хон, феодал, бой, судхўрлар томонидан аёвсиз эзиб келинаётган, сон-саноқсиз солиқлар оғирлигидан қашшоқлашаётган меҳнаткашлар оммаси эндиликда икки томонлама зулм остида эзила бошлаган. Меҳнаткаш омма оддий инсоний ҳукуқлардан маҳрум этилиб, “халқлар жаллоди” - чоризм исканжасида яшашга мажбур бўлган.

Ўлкани бошқариш учун тайинланган ҳамда чексиз ҳақ-ҳукуқларга эга бўлган чор генерал-губернатори ва унинг тўралари маҳаллий эзувчиларнинг вакиллари билан тил топишиб, халқни очиқдан-очиқ талай бошлаган. Чоризм сиёсати маҳаллий халқларни қолоқликда, жоҳилликда сақлаб туришга қаратилган эди. Шунинг учун улар ўлкада диний таассубни авж олдирган, халқ ўртасида пайдо бўла бошлаган ҳар қандай янгиликни бўғишга интилар эдилар. Шу билан бирга улар маҳаллий халқларни руслаштириш сиёсатини ҳам олиб борган. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси халқларни сиёсий, маданий жиҳатдан нисбатан орқада қолишига сабаб бўлган.

Шунга қарамай, Туркистонни Чор Россияси босиб олганидан сўнг ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳаларда анчагина ўзгаришлар юз

берган. Ўлка иқтисодиёти янги тараққиёт босқичига кўтарила бошлаган. Туркистонда секин-аста саноат корхоналари қурила бошлаган. 1880-1890 йилларда 63 та корхона қурилган. Шундан 22 таси пахта тозалаш заводлари эди. 1890-1900 йиллар давомида 111 та корхона, жумладан 52 та пахта тозалаш заводи, 3 та ёғ-мой заводи, 6 та босмахона, механика устахоналари ва бошқалар очилган. Бу ҳол ўз навбатида товар ишлаб чиқаришнинг, бинобарин, савдо-сотиқнинг ривожланишига ёрдам берган. Лекин Туркистон ярим мустамлака ўлка сифатида фақат хом ашё етказиб берарди, марказ эса қайта ишларди. Бу Туркистон иқтисодининг тез суръатлар билан ривожланиши учун тўсиқлик қилган.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сўнгги энг биринчи ўриндаги иқтисодий сиёсати пахтачиликни ривожлантириш эди. Чоризм пахта етиштириш учун қанча тадбирлар ишлаб чиқсан. Агар 1890 йилда 1382 минг пуд пахта етиштирилган бўлса, 1910 йилда 25488 минг пуд, 1915 йилда эса 93918 минг пудга етди. Чоризм аҳолидан кўплаб солиқлар оларди, ноқонуний йўллар билан бошқа бойликларни ҳам тортиб оларди. У ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун ўлкага рус дехқонларини ҳам кўчириб келган эди.

1900 йили Туркистон аҳолисининг 4,15 фоизи кўчиб келганлар эди. Улар энг яхши ерларнинг 2659 минг десятинасини ўз қўлларига олганлар. Ушбу ўзгаришлар натижасида ўлкани сиёсий ҳаётида ҳам ўзгаришлар юз берган, жамиятнинг социал табақаланиши кенг тус олган.

Ўлкада тарих, археология, этнографияга оид музейлар очилган. Илмий жамиятлар тузилган. 1870 йилда Тошкентда кутубхона (ҳозирги А.Навоий номидаги кутубхона) очилган. Йирик шаҳарлар – Фарғона, Хива, Андижон, Самарқанд, Тошкентда бир қанча босмахона ва литографиялар очилган.

Навоий, Фузулий, Машраб, Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг шеърий тўпламлари нашр қилина бошланган. Ўзбек тилида газета чиқа бошлаган.

XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг чорагида Хива хонлигига-132 та, Бухоро амирлигига-336 та, Туркистон ўлкасида 348 та мадраса бўлган.<sup>1</sup> Ўлкада бу пайтга келиб маҳаллий, диний мактаблар сони ҳам ортиб борган. 3 та вилоятда (Сирдарё, Фарғона, Самарқанд) жами масжидлар 11964, имомлар 11680, мактаблар 4632, ундаги ўқувчилар 44783, мадрасалар 277, ундаги ўқувчилар 7935, эшонлар - 391 та бўлган<sup>2</sup>. Бу шуни кўрсатадики, Чоризмнинг зулмига қарамасдан исломга, унинг қадриятларига муносабат халқда сўнмаган.

<sup>1</sup> +аранг: Солиқонова Г. Ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасалари ы=ув дастури. Ўзбекистон тарихи, 2000, 3-сон, Б. 26-28.

<sup>2</sup> +аралсин: ЦГА УзССР Ф.И. - I. ОП II д. 1725. Л. 203.

Бу даврга келиб аҳолининг саводхонлик даражаси Россия даражасида эди. Чор ҳукумати ва маҳаллий золимлар ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун диний мактаб, мадраса ва уларда хизмат қилаётган (мулла, эшон, шайх) лардан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилардилар. Бу мактаб, мадрасаларга раҳбар тайинлашда ўзларига содик кишиларни қўйишган. Буни генерал Духовскийнинг Россия ҳарбий нозирига 1898 йил 8 августда ёзган хати ҳам тасдиқлайди. У ўз хатида ислом Туркистонда ҳукмронлик қилаётганлар (коризм назарда тутиляпти) учун хавфли эмаслиги, улар билан келишиб ишлаш мумкинлиги, маҳаллий золимлар ҳатто коризмга тўла бўйсунган ҳолда иш олиб бораётганларини таъкидлаган.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонда ғоявий-сиёсий кураш янада кучайиб, учта йўналиш вужудга келган:

- а) феодал-клерикал,
- б) жадидлик,
- в) демократик йўналиш.

Феодал-клерикал йўналиш намояндлари асосан ҳукмрон синфлар - амалдор, бой, судхўрлар манфаатини ҳимоя қилардилар. Янгиликка қарши чиқардилар, патриархал-феодал тузумни, диний мистикани тарғиб қилардилар.

Жадидлик (араб. жадид сўзидан олинган бўлиб, янги деган маънони билдиради). Бу йўналиш намояндлари диний предметлар билан дунёвий фанларни қўшиб ўқитишини ёқлаб чиққанлар. Улар коризм сиёсатини қаттиқ қоралардилар, патриархал-феодал тузумни, тескаричи дин аҳларини танқид қилардилар; турмушни яхшилашга, таълимни ўзгартиришга ҳаракат қилардилар. (Кейинчалик жадидлик яна бир нечта оқимларга бўлиниб кетган).

Демократик йўналишнинг кўзга кўринган намояндлари (маърифатпарвар шоирлар) Аҳмад Доңиш, Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар, Ҳамза, қозоқ ва қирғиз оқинлари Ч.Валихонов, Ибрай Олтинсарин, Абай Кўнонбоев, Токтагул Сатилғанов, Тоголок Молдо, Парпи Алиқулов ва бошқалар Ўрта Осиё хурфикрлилиги тараққиётида сезиларли из қолдирганлар. Улар ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларини ҳал этишда бир-биридан фарқ қилсалар-да, лекин улар учун умумий характерли бўлган хусусиятлар мавжуд эди.

Мамлакатда ислом мафкураси ҳукмронлик қилиб турган пайтда улар ўлканинг иқтисодий, маънавий, маданий жиҳатдан қолоқлигини тугатиш, халқ оммасини иқтисодий ва маънавий зулмдан озод этиш, уни маърифатли қилиш йўлларини ахтардилар. Маълумки, улар ўзларининг ижтимоий-фалсафий қарашларини, илғор ғояларини бадиий адабиётда, поэзия жанрида ифодаладилар. Бу маърифатпарварлар меҳнаткашлар аҳволини яхшилаш, илм-маърифат, адолатли тузум ўрнатиш, халқлар

дўстлиги ғояларини тарғиб этиш каби масалаларга катта эътибор берганлар.

Улар мамлакат ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий, маданий қолоқлигини, кишилар онги, дунёқараши, хатти-ҳаракатлари ва буларнинг сабаби кишиларнинг реал ижодий фаолиятларида, табиатан шундай бўлишини таъкидладилар. Бунинг сабабчиси ўша даврдаги феодал-клерикал ҳукмрон мафкура эканлигини ҳам ўз қараашларида таъкидлашди.

**Ўрта Осиё мутафаккирларнинг қараашларида исломга муносабатлари ва маънавиятни ривожлантирилиши.** Тарих, хусусан, Ўрта Осиё халқлари тарихи шуни кўрсатадики, диний дунёқарааш ақл-идрокка, ҳар томонлама билимдонликка, асосланганда гина шахсий эътиқодга айланади, жамият ривожи учун ижобий омиллардан бири бўлиб қолади, ахлоқий тарбия воситасига айланади. Ўзбек халқининг буюк ва машҳур фан, давлат, жамият ва дин арбобларининг жаҳон фани ва маданияти тарихида ниҳоятда улкан ўрин эгаллаганлигининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шундадир.

Маълумки, ўзбек халқи ўзининг бир неча асрлар давомидаги ижтимоий-иктисодий, илмий-маданий, ғоявий, ахлоқий ривожланиши тарихида Уйғониш даврининг икки босқичини босиб ўтган И мом Бухорий, И мом Термизий, Маҳмуд Замаҳшарий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд каби уламо, авлиёларни, Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Навоий, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк фан ва давлат арбобларини етказиб берган. Жуда кўп тарихий далиллар ва таҳлиллар асосида шу ҳақиқат исботланганки, XI-XII асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихида Уйғониш даврининг биринчи босқичи деб эътироф этилган. Унинг иккинчи босқичи эса Темур ва темурийлар даврини қамраб олган.

Ҳақиқатан ҳам Уйғониш даврида ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий, маданий, илмий ҳаётнинг барча жабҳаларида ўша давр учун мисли кўрилмаган даражадаги равнақ бўлган. Хўш, ўша даврнинг мутафаккирлари назарида дин ва илм, дин ва давлат, дин ва ахлоқ ўртасидаги боғлиқлик қандай бўлган? Маълумки, ўша даврнинг энг буюк мутафаккирлари бўлмиш Форобий, Беруний, Ибн Сино ҳам адолатсизлик, зулм ва зўравонлик тугатилган, инсон ақл-идроқи моддий эҳтиёжга мос келадиган адолатли ва маърифатли жамият қуришни орзу қилибгина қолмасдан, унга эришиш йўлларини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилганлар. Улар жамиятнинг ҳамма табақаларининг талаб ва эҳтиёжларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган демократик давлат тузиш ҳақида фикр юритмаганлар ва юрита олмасдилар ҳам. Чунки бунинг учун улар суянадиган ҳеч қандай ижтимоий-иктисодий, илмий,

гоявий кучлар ҳам, тарихий тажриба ҳам вужудга келмаган эди. Шунинг учун ҳам улар давлатни бошқаришнинг бирдан-бир амалга ошириш мумкин бўлган шаклиadolатли ва маърифатли монархия (подшолик) деб билганлар. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам теократияни (дин хукмронлигига бўйсунган давлатни бошқариш усули) инкор қилганлар. Масалан, Форобий давлатни икки тоифага ажратган: фозил давлат ва жоҳил давлат, унингча, фозил давлатни бошқарувчи подшо дин арбоби эмас, балки 12 та энг юксак даражадаги инсоний фазилатларга эга бўлган шахс бўлиши керак. Унинг таълимотича, дин фозил давлатда фуқароларнинг баҳтга эришиши воситаси бўлиб хизмат қилиши керак. Шунинг учун энг муҳим нарса диннинг қандай мақсадга хизмат қилиши, фозил жамиятдаги фуқароларнинг баҳтли ҳаёти эса моддий фаровонлик ва маънавий поклиkdir.

Беруний ҳамadolатли, ҳам маърифатли жамият ва унинг идеал бошқарувчиси ҳақида фикр юритиб, унинг асосий вазифаси дин кўрсатмаларини фуқаролар қандай бажараётганлигини назорат қилиш эмас, балки “юқоридагилар ва қуйидагилар ўртасидаadolат ва кучлилар ва кучсизлар ўртасида тинчлик ўрнатишдир” деб ёзган. Унинг фикрича,adolатли шоҳ давлатни бошқаришда, айниқса, дунёвий ва диний чекланишларни бартараф қилиши керак. Чунки бу ҳол халқлар ўртасида оқилона муносабатларни ўрнатишга халақит беради. Масалан, у ўзининг “Хиндистон” асарида афсусланиб бундай ёзган: “Хиндларда шундай тоифалар борки, уларнинг фикрича, гўё ер уларнинг ери, одамлар фақат шу халқнинг вакиллари, подшолар фақат уларнинг ҳокимлари, дин фақат уларнинг эътиқоди, фан фақат уларда мавжуд бўлган илмлардир”.

Демак, бу буюк мутафаккирларнинг ҳаммаси ҳам фақат теократияни инкор қилибгина қолмасдан, диннинг давлат ишларига аралашувини ҳам инкор қилганлар ва хулоса қилганларки, эътиқод, энг аввало, шахсий маънавий, ахлоқий омилдир. Бу мутафаккирлар дин ва фан ўртасидаги муносабат масаласига ҳам катта эътибор берганлар. Албатта бу масала ўша давр учун жуда муҳим бўлган. Чунки ўрта аср шароитида кўпчилик мутаассиб илоҳиётчилар ва хурофий фикр намоёндалари фанни динга қарама-қарши қўйганлар, инкор қилар ва ҳатто айрим ҳолларда инсон ва жамият учун зарарли деб баҳоладилар, ҳаттоки бу ҳақда ўрта асрда “хужжат ул ислом” (“Ислом далили”) деган фахрли унвон олган илоҳиётчи, уламо Абу Ҳомид /аззолий ҳам афсусланиб бундай деб ёзган эди: “Исломга зарар келтирувчиларнинг бир гурухи бу исломнинг жоҳил дўстларидир. Уларнинг фикрича, мусулмончиликка ҳар қандай фанни, шу жумладан, математика, физика, мантиқ фанларини инкор қилиб эришиш мумкин, уларнинг бу фикрини яхши билган, яхши хабардор бўлган ва уларнинг моҳиятини англаб

етган одамлар эшитгандан кейин, бу фанларга эмас, балки аксинча, исломнинг ўзига ишончи сусаяди. Аслида ислом бу фанларга нисбатан ҳеч қандай салбий муносабатда эмас, уни исбот қилиш маъносида ҳам, инкор қилиш маъносида ҳам.

Йирик ислом илоҳиётчиси бўлган /аззолийнинг юқоридаги фикри фанларга нисбатан исломнинг тарафдорлигини кўрсатибгина қолмасдан, аслида, ўша давр шароитида уларни химоя қилишдир. Иккинчи томондан, фанга нисбатан салбий бўлган мутаассиблик ва хурофотни қоралашдир, уларни исломга заар келтирувчилардир деб билишдир.

Айтиш мумкинки, халқимиз илмий ва маданий тараққиёт тарихида эришган энг катта ютуқларидан бири ўрта асрлардаёқ буюк алломаларимиз Форобий, Ибн Сино, Абдулло Хоразмийлар томонидан фанларни туркумлаш манбаининг ишлаб чиқилишидир. Бу ҳол маърифатнинг энг муҳим масалаларидан бири бўлган. Чунки бу масалани ўртага ташлаш бир томондан ўша даврда маълум бўлган фанлар, уларнинг мазмуни, инсон ва жамият учун аҳамиятини кўрсатиб берса, иккинчи томондан дин ва фан, диний билимлар ва дунёвий билимлар ўртасидаги фарқлар, бир-бирига бўлган муносабат, ҳар бирининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётдаги ўрни масаласини ҳал қилишга қаратилган эди.

Бу мутафаккирлар фанларни туркумлашда фанларни диний ва дунёвий фанларга ажратган ҳолда уларни бир-бирига қарши қўймаганлар, балки ўзаро муносабатда олиб қараганлар. Лекин шу билан бирга, улар бу фанларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари, ўрганилиш обьектлари, унга эришишда қўлланган усувлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишларини ҳам таъкидлаб ўтганлар.

Шу муносабат билан ўрта асрларда Ўрта Осиё халқлари фалсафий фикри тарихида вужудга келган “икки хил ҳақиқат” таълимоти ҳақидаги бир икки оғиз сўз. Бу таълимотни араб файласуфи Ибн Рушд олға сурган эди. Бу таълимот бўйича, ҳақиқатга эришишнинг икки хил йўли бўлиб, бу диний ва илмий йўллардир. Диний йўли худони билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўли эса табиат ва моддий оламни билиш орқали амалга оширилади. Худони билиш, ваҳй, пайғамбарлик, каромат ва айrim илоҳий мўъжизалар ёрдами билан амалга оширилса, илмий йўли тажриба, тафаккур ва мантикий фикрлаш усули билан амалга оширилади.

Демак, инсон ўзининг маънавий ва моддий эҳтиёжларига, маънавий ва моддий фароғатга эришиш обьекти ва усули ҳақида гап кетяпти. Агар биринчиси диний эътиқод орқали, унинг воситасида амалга оширилса, иккинчиси дунёвий билимларни эгаллаш ва уларни, улар орқали ижтимоий ҳаёт қонунларини билишни амалга оширилади.

Демак, ҳар иккаласи инсоннинг маънавий эҳтиёжини қондириш, амалга ошириш учун зарур деб ҳисоблаганлар. Бири иккинчисини инкор қилмаслиги зарур деб билганлар.

Шу билан бирга, уларнинг ушбу таълимотидаги энг муҳим томон шундаки, улар бу икки хил ҳақиқатга эришишда бир-бирларидан муайян даражада мустақил, бир-бирларининг ишларига аралашмайдилар. Демак, улар ўша давр учун ҳам, ҳозирги давр учун ҳам муҳим бўлган ғоя фаннинг ўз мустақил ривожланиш йўлига эга эканлигини қайд қилганлар.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, IX-XII асрларда ўрта Осиёда дин ва диний таълимни мақсад деб эмас, балки илм ва фаннинг барча қирраларини эгаллашда, ташқи дунё моҳиятини билишда, инсонларнинг табиатда тутган ўрнини аниқлашда восита деб билганлар. Шунинг учун ҳам ижтимоий-иктисодий, маданий, маънавий ҳаётда катта равнаққа эришилган. Дин ва диний эътиқод инсоннинг руҳияти эҳтиёжларини қондирса, илм-фанлар инсоннинг ижтимоий-иктисодий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган деб жуда тўғри таъкидлаганлар.

Амир Темур номи ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган Ўрта Осиёдаги Уйғониш даври иккинчи босқичининг хусусияти ҳам бундан фарқ қилмайди. Темур ва темурийлар Мовароуннаҳр ва Хуронда барпо қилган улкан марказлашган феодал салтанати деярли 150 йил давом этиб, сўнг бўлиниб кетган. Ҳиндистонда вужудга келган буюк Бобурийлар салтанати 200 йил давомида юксак даражадаги ижтимоий-иктисодий, маданий ва маънавий равнаққа эришган. Бунинг боиси шунда эдики, бу салтанатларда давлатнинг сиёсатида ҳам, олим ва мутафаккирларнинг дунёқарашларида ҳам инсоннинг маънавий камолотига, эл юртнинг ижтимоий-иктисодий равнақига бир хил эътибор берилган.

Энг яқин ўтмишимиздаги тарихимизга мурожаат қилсак ҳам шундай ҳолатнинг гувоҳи бўламиз. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракатининг иирик вакиллари Беҳбудий, Фитрат, Мунаввар Қори, Авлоний ва бошқалар исломнинг жамият ижтимоий ва маънавий ҳаётида жуда катта ўрин эгаллашини таъкидлаганлари ҳолда диний маҳдудликни, мутаассибликни ва ақидапарастликни қаттиқ қоралаганлар. Улар асосий эътиборни ислом қадриятларини халқнинг маърифий, маданий, ижтимоий-иктисодий тараққиёти эҳтиёжларини қондиришда қандай аҳамият касб этишини аниқлашга қаратганлар. Шу билан бирга улар халқни дунёвий билимларни, шу жумладан жаҳон халқлари эришган дунёвий билимларни эгаллашга даъват этиб, дастлаб “Нажот илму-урфонда” деб эълон қилганлар.

Президентимиз И.А.Каримов ислом фундаментализми ҳамда

ақидапарастлигининг таҳди迪 нималардан иборат деган саволга, бу таҳди迪 намоён бўлишини 7 қисмга бўлиб, қуйидагича тавсифлаган: биринчидан, ақидапарастлик ғояларини тарқатиш орқали мусулмонларда ислоҳотчи давлатга ишончни йўққа чиқаришда намоён бўлаётir; иккинчидан, “Фундаменталистларнингadolat ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақироқ ва асоссиз даъватларига кўр-кўrona эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим”<sup>1</sup>; учинчидан, ақидапараст, фундаменталистларнинг таҳди迪ди мамлакат аҳолиси, ижтимоий гурухлар орасида “ҳақиқий” ва сохта” диндорлик белгиларига қараб қарама-қаршилик, гоҳо конфликт келтириб чиқаришлари намоён бўлмоқда; тўртинчидан, бундай таҳди迪 республикамиз жанубидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигига намоён бўлмоқда; бешинчидан, бундай таҳди迪 мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам мамлакатимиз тўғрисида кўнгилни музлатадиган тасаввур туғдиришга уринишлардан намоён бўлмоқда; олтинчидан, хавфсизликка таҳди迪нинг яна бири ислом маданияти билан ноисломий (дунёвий) маданият ўrtасида зиддиятларни шакллантиришда гоҳ ошкора, гоҳ яширин тарзда намоён бўлаётir; еттинчидан, сўнгги таҳди迪 халқ оммасини, хусусан диндорларнинг онгига дин ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва ҳалқаро муаммолар ва зиддиятларни ҳал этишнинг ҳаммабоп (универсал) воситаси деган асоссиз фикрни қарор топтиришга уринишда намоён бўлаётir.

Юқорида баён қилинган далил, мисол ва фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, халқимизнинг минг йиллар давом этган тарихидаги давлатчилик сиёсатида диннинг жамият ва инсон ижтимоий, маънавий ҳаётидаги роли масаласига ёндошилганда, асосан диний мутаассиблик ва ақидапарастлик эмас, эмпиризм (тажриба), рационализм (ақл-идрокка мувофиқлик) ва амалиётга суюниш ва ёндошиш бош мезон бўлган. Нисбатанadolat ва инсонпарварликларга таянган IX-XII асрлардаги салтанатлар ҳам туркий элатларни бирлаштириб, марказлашган давлат қургани ва миллат қудратини оширган буюк Темур ва темурийлар салтанати ҳам, Захириддин Муҳаммад Бобур, Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳонларнинг турли дин ва мазҳабдаги халқларни бирлаштириб, олдингиларга нисбатан инсонпарвар давлатчиликни вужудга келтирган салтанатларнинг буюклиги ва бутун жаҳонни хайратга солганлигининг сабаби ҳам шундадир.

Буюк аждодларимиз ҳукмронлик қилган Ўрта Осиё заминида асрлар давомида рационал (ақл-идрокка асосланган) диний эътиқод, ҳур

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср быса\асида: хавфсизликка тащид, бар=арорлик шартлари ва тара==иёт кафолатлари. Б. 45.

ва эркин фикрлаш қадрланганлигини, Ўзбекистонда фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг нақадар равнақ топганини кўриш мумкин.

Бугунги Республикаиз мустақиллиги шароитларида фуқаролар, айниқса ёшлар диний фундаментализм ва экстремизмнинг Ўзбекистон мусулмонлари эътиқод қилиб келган ҳанафийлик мазҳабига тамомила зид эканлигини тўғри англаб, бу фундаментализмнинг тарихда ҳам, ҳозирги кунда ҳам ўта заарали эканлигини чукур тушуниб етишлари лозим.

Бунинг олдини олишнинг бирдан-бир йўли уларга қарши маърифат йўлини кенгайтиришдир. Буни амалга ошириш - зиёлилар, ўқимишли кишилар, талабалар, диний уюшмалар ва имом-хатибларнинг муқаддас бурчидир.

**Тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва ислом маънавияти ривожига эътиборнинг кучайиши.** Миллий истиқол ва ижтимоий – иқтисодий, маънавий тарққиёти йўлидан бораётган ўзбек халқида миллий онгнинг ўсиб бораётганлиги туфайли ўз ўтмишига қизиқиш тобора кучаймоқда. Бу, қонунийдир. Ўз миллий маданиятини қадрлаш, ўз тарихини шонли саҳифаларини эъзозлаш, ўз она-юрти билан фахрланиш муайян миллат, элат, халққа мансубликни англашнинг муҳим жиҳатларидир.

Маънавий маданиятга бундай қарашда дин билан қизиқиш ҳам табиий тарзда юзага келади. Чунки бундай маданият илгари диннинг муайян шакли билан мустаҳкам боғланган, бир- бирига сингиб кетган. Бунинг боиси шуки, этник ва диний элементларнинг халқлар ижтимоий тараққиётида асрлар давомида ўзаро таъсир этиб келаётганлиги натижасида диний эътиқод халқлар миллий психологиясига сингиб кетган. Шу тарзда у одамларга хос ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги барча соҳаларни - сиёsat, маданият, оила-никоҳ муносабатларини, анъана ва урф-одатларни, ҳатто турмуш тарзини ҳам қамраб олган.

Кишиларни ўтмишга, ундаги қадриятларга, маънавий маданиятга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш уларга шахсий ва ижтимоий ҳаётда тўғри йўл топишда ёрдам беради. Бундай йўл топа олмаган кишилар ўзларини қийин аҳволга солиб қўядилар. Ҳаддан ташқари четга чиқишилар эса кўпинча ҳақиқатнинг аён бўлмай қолишига олиб келади.

Илгарилари ўтмиш ҳакида, жумладан диннинг, айниқса исломнинг қадриятлари тўғрисида ёзадиган, гапирадиган бўлсак, дарҳол ўтмишни идеаллаштириш, динга тилёқламалик қилиш деган ёрлик ёпиштиришарди. Улар билмасдиларки, биз ҳавода муаллақ яшай олмас эдик; ҳозирги кунимиз ўтмиш пойдеворига қурилганлигини билиб, билмасликка олардилар. Натижада халқимиз диний қадриятлардан узоқлашиб кетган эди. Энди адолат тантана қилмоқда.

Динда умуминсоний қадриятлар жуда күп. Ҳозирги замон рухонийлари ҳам дахрийлар каби унуган бу қадриятларни тикламоқдалар; замона эхтиёжи ва манфаатларига хизмат қиладиганларини қайта тилга киргизмоқдалар. Биз уларга бу хайрли ишда иттифоқчи ва хайрихоҳмиз.

Ҳозирги диний уюшмалар раҳбариятининг ҳалқ оммаси, жумладан оддий диндорлар орасида ҳурмат ва обрўга тобора кўпроқ эга бўлиб бораётганлигининг ўз сабаблари бор. Булардан бири, улар дунёвий билим, илм-фан, маданият, маънавият, эътиқод ва имонни тан олиб, эътироф этмоқдалар.

Ҳозир олий ислом ўқув юртларида 19-20 турдаги фанлардан дарс ўтилиб, имтиҳон олинади. Бу ўқув предметларининг ярмидан қўпи дунёвий билимлар эканлиги ҳаммамизга маълум. Бу ҳол ҳозирги замон рухонийларининг илм-фандан иборат қадриятларга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор берадиганликларининг ишончли, диққатга сазовор далилидир. Яна бу – Муҳаммад (с.а.в.)нинг “Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар”, “Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир”, “Шаҳид қонидан кўра олимнинг сиёхи муқаддасдир”, “Илм ибодатдан афзалдир” - деган даъвату ҳикматларига ҳозирги замон дин ахллари событқадамлик билан амал қилмоқдалар. Биз ҳам уларни тарғиб қиласиз.

Исломнинг муҳим талабларидан бири ҳар бир инсон имонли, эътиқодли бўлиши лозимлигидир.

Биз ҳалқимизнинг диний эътиқодини энди ғоят ҳурмат қиласиз, уни умуминсоний маънавий маданиятнинг узвий қисми, деб қадрлаймиз. Чунки ҳозирги диний таълимотда биринчи навбатда инсоний элементлар устун туради.

Имом Термизийнинг “Жомеъ” деб номланган, И smoил Бухорийнинг “ас-Саҳиҳ ал-Бухорий”, “ал-адаб ал-Муфрад” деган ҳадислар тўпламларида бошқа масалалар билан бирга одоб, панд-насиҳат, ўғитларга алоҳида эътибор берилган.

Бу масалаларга Термизийнинг “Шамоили набавия” деган китобида ҳам катта ўрин берилган. Бу асар ислом қадриятларигагина эмас, умуминсоний қадриятларга ҳам ғоят бойдир.

Бухорий ва Термизий тўплаган, шарҳлаган ҳадислардаги ҳикматларнинг хушахлоқлилик, одоблилик, ҳалоллик, покликдан берадиган сабоқининг манбаи, аслида диний тарғибот орқали ҳалқ оммасининг битмас-туганмас, пурҳикмат ижодий булоғида, теран ақл-заковати, булоқдек жўш уриб турган истеъдодларига суюнади. Бу меросдан тўла баҳраманд бўлмаганимиз учун ҳам улардан узоқлашганмиз.

Энди, шукурлар бўлсинким, аҳвол ўзгарди. Ҳатто олим, машҳур ёзувчи ҳам динга хос қадриятларга холисона баҳо бермоқдалар. Масалан, Чингиз Айтматовнинг юбилейида ундан хорижий меҳмонлар кейинги асарларингизда дин ҳомийлари, унинг арбобларини мадҳ эта бошлаганлигининг сабаблари нимада, деб сўраганларида, ҳозирги даврни тасвирлаб, бундай жавоб берган экан: “Шундай бир даврда дин одамлар ўртасидаги ахлок-одобни, меҳр-шафқатни барқарор этар экан, нега ундан юз ўғириш керак? Нега ҳеч бўлмагандан диннинг яхши жихатларини олиб, ундан фойдаланиш мумкин эмас?... Одамларни дин яхшиликка чорлар экан, мен тарафдори бўламан. Асаларимда диндорларга, дин арбобларига мурожаат этавераман”<sup>1</sup>.

Бу гапларда ҳақиқат дурдоналари бор. Дин маънавий маданиятнинг бир элементи экан, унда дунёвий, ғоя, билим, инсоний тафаккур дурдоналари бор экан, ундан юз ўғиришда ҳеч бир маъно йўқ. Унда аждодларимиз ижодининг маҳсуллари тўлиб-тошиб ётибди. Буни Чингиз Айтматов ҳам яхши билади. Унинг “Кунда” (Плаха) романида дин ва дин арбоблари ҳақида изҳор қилинган фикрларидан билишимизча, улар ҳам бундай ижод маҳсулидан фойдаланаётган экан.

Ҳадислардаги даъват, панд-насиҳатларнинг ҳозирги замон билан ҳамоҳанг бўлгани, айниқса мамлакатимиздаги турли миллатлар орасида тотувлик, дўстликни ривожланишига хизмат қиласи. Ҳадисларнинг бирида “Саломлашиб юринглар, одамларга таом едириинглар... ўзаро биродар бўлинглар” дейилган. Уларнинг яна бирида, “Мўминлар ўзаро дўстлашишда, раҳм-шафқатда ва меҳру оқибатда гўёки бир тананинг аъзоларидир. Унинг бирор аъзоси оғриса, унга қўшилиб қолган аъзолари ҳам бедорлик ва оғриқ билан алам чекади”.

Ҳадисларда жаранглаб эшитилган юқоридаги даъватлар диндорларга ҳам, динга ишонмайдиганларга ҳам маъқул, керакли, фойдалидир. Фақат, бу “Хизби-тахрир ал-исломий” деган сунъий, ўринсиз уюшма тузмоқчи бўлган кимсаларга ёқмаяпти. Улар барча миллат, элат, халқлар дўстлиги учун жон куйдириш ҳам фарз, ҳам қарз бўлган ҳозирги даврда булар орасига нифоқ, раҳна солишга уринмоқдалар. Улар ҳақиқий мусулмон ҳам эмас, событқадам даҳрий ҳам эмас. Аксинча, бу ғаламислар мусулмонларнинг душмани, динсизларнинг кушандасидир.

Ҳадисларда хайрия, яъни саховат, муруват, шафқат, ҳадя, хайру садақа каби масалаларга жуда кўп ўрин ва эътибор берилган. Уларнинг бирида “садақа ва хайру эҳсон қилиш йўли билан ризқу насибаларингизга барака тиланглар”, дейилса, иккинчисида, “Тангри ҳам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутади” деб

<sup>1</sup> Келажак ытмишдан бошланади. “Муло=от”, 1991, 1-сон, Б. 34.

таъкидланади; учинчисида “очларга овқат беринг, беморларни бориб кўринг ва ҳожатманднинг ҳожатини чиқаринг” дейилади. Яна бирида “бир-бирингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон мұхаббатни оширади ва дилдаги ғамликларни йўқотади”, деган даъватлар, ҳикматлар олға сурилади.

Юқоридаги ва унга маънодош бўлган ҳадисларда мусулмонлар пайғамбар мўминларни инсонпарварликка чақирган, бу даъватлар мусулмонларда исломга нисбатан ишончни, ҳурматни бениҳоя оширгани юртимизда амал қилаётган ислом, илк ислом анъаналарини қайта тирилтираётгани яққол билиниб турибди. Афсуски, ўрта асрларда, ҳозирги Шарқдаги феодал-теократик мамлакатларда бу қадриятлардан ному нишон кўринмайди. Бу қадриятлар демократия, эркин фикр юритиш, инсонпарварлик, мустақиллик даврида юзага чиқаётир.

Шуни эътироф этишимиз керакки, дингина эмас, балки илм-фаннинг биргина ўзиёқ инсонни юксак фазилатли қилишга қодир эмас. Бунинг учун ижтимоий тузум, моддий омил, иқтисодий замин, ахлоқий тарбия, бой маънавий ҳаёт ва ҳоказолар мавжуд бўлиши керак. Бунда диннинг реал қадриятлари иштирок этиши муҳим аҳамият касб этади.

### **Таянч сўзлар:**

- |                  |                       |
|------------------|-----------------------|
| 1. Мовароуннахр  | 6. Икки (қўш) ҳақиқат |
| 2. Араб истилоси | 7. Рационаллик        |
| 3. Клерикализм   | 8. Ислом маданияти    |
| 4. Жадидчилик    | 9. Ислом маънавияти   |
| 5. Ҳурфиксрилилк | 10. Имом-Хатиб        |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ўрта Осиё халқларининг исломгача даврдаги маданияти ҳақида нима биласиз?
2. Исломгача Мовароуннахрда қандай динлар бўлган?
3. Исломнинг халқлар маданияти ривожига таъсири нимада кўринади?
4. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ислом ва унинг маданиятига муносабати қандай бўлган?
5. Ҳозирги мустақиллик шароитида ислом ва унинг қадриятларига аҳамият қандай?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.

2. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари.-Т.: «Фан», 1971.
3. Уватов У. Буюк мұхаддислар имоми.-Т.: «Маънавият», 1999.
4. Беруний Абу Райҳон Ҳиндистон. Беруний А.Р. Танланган асарлар II том.-Т.: 1968.
5. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон: Маъruzалар матни.-Т.: ТошДШИ, 2000.

## 14-МАВЗУ: ТАСАВВУФ ТАРИҚАТИ ВА МАЪНАВИЯТ

### **Режа:**

1. *Тасаввуф тариқатининг шаклланиши.*
2. *Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг ривожлантирилиши.*
3. *Тасаввуф таълимоти ва ислом маънавиятининг ривожланиши.*

**Тасаввуф тариқатининг шаклланиши.** Тасаввуф (араб)ни суфийлик, суфизм деб ҳам юритилади. Тасаввуф-исломдаги диний-фалсафий оқим бўлиб, у VIII-асрда араб мамлакатларида вужудга келган. Тасаввуф мусулмон мамлакатларида ижтимоий тараққиётнинг хусусиятлари билан боғлиқ равишда пайдо бўлган. Унинг шаклланиши ва ривожланиши узоқ тарихий жараёнлар, мураккаб даврларни қамраб олади. Шунингдек, ҳалқларнинг моддий ва маънавий меросида, ижтимоий ва ахлоқий ҳаётида катта из қолдириб, жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ҳодисадир.

Маълумки, ўзбек ҳалқи маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини ислом маънавияти ва миллий анъаналар удумлар ташкил этади. Диний қадриятларнинг манбалари эса Қуръони карим, Ҳадиси шарифлар, тавсирлар, шариат аҳкомларида ўз ифодасини топган. Исломий меросимизнинг муҳим қисмини ирфоний мерос бўлмиш тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, хусусан бу таълимотнинг йўналиши ватанимиз-Туркистонда шаклланиб, эндиликда бутун жаҳонга тарқалган жаҳон маънавий маданияти, умуминсоний қадриятлари тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган уч буюк тасаввуфий тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагония-нақшбандия ирфония-тасаввуф тариқатлари ташкил этади.

Тасаввуф таълимотининг асосий мазмунин инсон ва унинг худога муносабатидир. Яни одамларни ҳалолликка, тенгликка, инсон қадр-қимматини ерга урмасликка, барча мусулмонларни тенг бўлиб яшашга чорлаган. Айниқса, бу таълимот бошқаларнинг кучидан фойдаланмасдан ўз ҳалол меҳнати эвазига яшашни талаб қиласди.

Зоҳидлик асосига қурилган бу таълимот ҳаётий муаммолар билан

боғлиқ бўлган илоҳий ҳақиқатга эришиш босқичма – босқич амалга ошади, деган ғояни илгари суради. Булар 4 босқичдан иборатdir. Чунончи-шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Ҳар бир босқичнинг мураккаб талаблари инсон умрини тамомила қамраб олади. Уларнинг мазмуни қўйидагича:

шариат – ислом маросимларини, шариатнинг амалий талаблари, қонун-қоидаларини билиш ва уларга сидқидилдан риоя қилиш;

тариқат-суфий томонидан «восил бўлиш» учун танланган йўл. Бу йўлни танлаган суфий ўз пири амалларига эргашган ҳолда нафсни тийиш, комиллик йўлига ўтишга интилади;

маърифат-суфий томонидан Аллоҳни таниш ва уни қалдан билишдир. Аллоҳ сифатларини билишга интилиш борасида Аллоҳни бутун борлиқнинг, мавжудоднинг асосчиси, яратувчиси эканлигини билишдир;

ҳақиқат-илоҳий ҳақиқатга эришишнинг юқори босқичи бўлиб, унда суфий худо васлига етади. Бу даражага етган суфий авлиёлик даражасига етган бўлади.

Тасаввуф таълимотининг дастлабки шаклланиши даври ислом даврига тўғри келади. VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрнинг биринчи ярмида Араб халифалигининг худуди Арабистон Ярим ороли чегарасидан чиқиб, аввало Суря, Ироқ, Эрон Мовароуннаҳр сўнгра Осиё ва Европанинг қўпгина мамлакатларига етиб бораётган эди.

Ўша даврда халифалик ишғол қилган мамлакатларда ижтимоий ҳаётда вужудга келаётган тузумга қарши шаклланган ички зиддиятлар, норозиликлар суфизм ғояси остида ислом таълимотида тасаввуфнинг шаклланишига олиб келган эди.

Тасаввуф таълимотини тадқиқ қилувчи олимларнинг фикрича, унинг ривожланиш босқичларини шартли равишда уч даврга бўлиш мумкин: биринчи давр, тасаввуфнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ёйилиши даври; иккинчи давр, тасаввуф ва исломнинг уйғунлашуви даври (Х-ХI асрлар); учинчи давр, тасаввуф тариқатларининг қарор топиши ва тасаввуфларнинг оммалашув даври (ХII-XV асрлар).

Бу даврларнинг ҳар бирида тасаввуф таълимотининг пайдо бўлиши тариқатларининг шаклланиши ва муҳлислари ўртасида тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш босқичлари бўлганлиги кўзга ташланади. Масалан, тасаввуф яхлит таълимот сифатида XIII асргача мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий ва диний ирфоний ғоя ва таълимотлар замерида шаклланди ва қарор топди. Бу даврда оташпарастлик, буддавийлик, қадимги юонон фалсафаси ва христианликдаги диний ғоялар таъсирида шаклланган тасаввуф яхлит таълимот сифатида ривожланиши ислом таълимоти ва ғоялари билан уйғунлашиши заруриятга айланди. Яъни, ислом

таълимоти асосида тасаввуф ўз ақидаларини шакллантириб, тартибга солиб, IX-X асрларда яхлит тизим таълимотига айланди.<sup>1</sup>

Тасаввуф таълимотининг юзага келишининг яна муҳим сабабларидан бири, кўп мамлакатларни бирлаштирган араб империясида фанларни ривожлантириш, диний таълимотни ҳаётга татбиқ қилиш борасида турли хил ёндошувларнинг мавжудлиги эди.

Араб империяси юзага келгач, катта ҳудуддаги турли диний эътиқод ва маданиятларга мансуб ҳалқларни ақидапарастликка асосланган ислом маънавияти билан бошқариш қийинлиги тобора сезиларли бўла бошлади. Империяни сақлаб қолиш, унда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни барқарорлаштириш, йирик давлатни бошқариш усуllibарни такомиллаштириш эҳтиёжлари илм-фанни ривожлантиришни тақозо этди. Ислом ақидапарастлиги асосида бунга эришиб бўлмас эди. Шунинг учун VIII аср охири IX аср бошларидан эътиборан араб халифотида мутакаллимлар билан мұтазилийлар ўртасида ғоявий кураш кучайди. Мутакаллимлар Қуръон оятларини эркин таҳлил этишга мутлақо қарши бўлсалар, мұтазилийлар у ақидалардаги мазмунни ақл ёрдамида, мантиқ кучи билан англаш тарафдори эдилар. Улар фатализмни инкор этиб, инсон ирода эркинлигига эга эканлигини исботлашга ҳаракат қилдилар. Мұтазилийларнинг фикрича, пешонага ёзилган тақдир борлигига ишонч Аллоҳнинг обрўйига путур етказади, чунки ёмон хатти-ҳаракатлар ҳам унинг иродаси маҳсули бўлиб қолади. Хорижийлар эса халифаликнинг мерос сифатида авлоддан-авлодга ўтишга қарши фикр билан майдонга чиқдилар.

Ислом ғояларига нисбатан ҳурфиқрлилик нүқтаи назарларида туриши, унинг ақидапараст оқими ва социал вазифаларга шубха билан қараш, мавжуд ижтимоий-сиёсий тартибларга адолат тамойиллари асосида муносабат белгилаш марказий халифалик ҳукмдорлари ғазабини қўзғатди. Халифа Мутаваккил (847-861) Қуръон яратилган дейдиган ҳар қандай киши коғир ва, бинобарин, ўлимга маҳкум деган фармон чиқарди. 897 йилда қўлёзма кўчирувчилар ва китобфурушларни илоҳиёт, диалектика (илму жадал); фалсафа ва мантиққа оид китобларни кўчирмаслик ва сотмаслик ҳақида қасам ичириш бўйича фармони олий чиқарилади. Арасту издошларининг фалсафа, мантиққа доир китобларни, илмий асарлари омма олдида гулхан қилиб ёндирилди. Ислом ақидапараст мафкурачиларидан бири бўлгани аш-Шахрузурӣ «агар кимда-ким файласуфлар ақидаларига очиқдан-очиқ эътиқод қилса, уларни ўлдириш ёки бўйсунишга мажбур қилиш керак» деб чиқди.

<sup>1</sup> +аранг: Бартельс Е.С. «Суфизм и суфийская литература»-М.: 1965. С. 39.

Араб ҳукмдорлари иродасининг ифодаси сифатида шариатда ҳанбалия мазхаби ва исломда ал-Ашъарийя каломи шаклланди. Ҳанбалийлик шариатдаги энг муҳафазакор мазҳаб бўлгани сабабли ашъарийя қарашларига мувофиқ келарди. Шу тариқа 940 йилларда Боғдодда ашъарийя калом тизими узил-кесил ғалаба қозонди. Унинг иймон талаблари 1041 йилда расмий исломнинг эътиқод рамзи сифатида қабул қилинди.

Араб марказий халифалигида диний доирасидаги ҳурфикрлиликка қарши кўрилган бундай жиддий чоралар, қатли-омиллар натижасида у ерлардаги фан, маданият арбоблари, архитектуралар, хаттотлар, мұтазилийликка мойил ҳунармандлар ва бошқа касб әгалари тоҳирийлар ва сомонийлар салтанати ҳукмронлик қилаётган Ўрта Осиёга қочиб, оилалари билан кўчиб кела бошладилар. Файласуф, табиб, кимёгар Абу Бақр ар-Розийнинг Бухорога келиши катта воқеа бўлди. Чунки, у диний жамоалар ва ташкилотларнинг нуфузига (авторитети) қарши бўлиб, ҳурфиксалик мавқеида мустаҳкам турган ўша даврнинг баобрў кишиси эди. Абу Наср ал-Форобийнинг Дамашқдан бу ерларга келишининг аҳамияти бекиёс эди. У «Таълим ас-Соний» («Иккинчи таълим») асарида қадимги юонон фалсафасининг энг муҳтасар шарҳини бериб, ҳурфиксалик ривожига бебаҳо ҳисса қўшди. Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино ва бошқалар сомонийлар, хоразмшоҳлар, ғазнавийлар ўртасида «талаш» бўлгани бежиз эмас эди.

Худди шу даврда Мовароуннаҳрга тасаввуф тариқати кириб келган, бунда Юсуф Ҳамадонийнинг (вафоти 1140 й.) хизмати катта бўлган. Унинг Мовароуннаҳрда тасаввуф таълимотини кенг ёйиш, тарғибот юргазишига асос солинган мактабидан кейинчалик тўрт машҳур тасаввуф олимлари: Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик /иждивонийлар етишиб чиқдилар.

Ислом дунёсида тасаввуф таълимотининг шаклланиши ва ривожланишида муҳаддис ва диний уламоларининг таъсири катта бўлган. Ватандошимиз Имом Бухорий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, ал-Замаҳшарий, Марғинонийларнинг асарлари ҳам назарий ҳам амалий жиҳатидан асос бўлиб хизмат қилган.

Марказий Осиёда етишиб чиққан Аҳмад Яссавий (1041-1167), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)ларнинг ижодий фаолиятлари тасаввуфининг жаҳоншумул тариқатларига асос солди.

«Яссавия» тариқатининг қоидалари Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» деган асарида ўз ифодасини топган. Унда инсон меҳр-шафқат, ҳалол-пок, ҳалол меҳнати билан кун кечириш орқали Аллоҳ висолига етиши мумкин. Яна у молу дунё тўплашга ҳаракат қилмаган, факирликда кун кечирган. Охиратни ўйламайдиганлар ҳақида Аҳмад Яссавий шундай деб ёзади:

Бешак билинг, бу дунё барча халқдан ўтаро,  
Ишонмагин молинга, бир кун қўлдан кетаро,  
Ота, она, қариндош, қаён кетди, фикр қил,  
Тўрт оёқли чўбин от бир кун санго етаро.

Орифий йўлин тутган Аҳмад Яссавий тасаввуф тарихида муносиб ўринга эга бўлади. Унга «Султон-ул-орифий» яъни орифлар султони номини берилади. Яссавий ҳақиқий ориф инсон сифатида фақирлик йўлига жуда ёшлиқдан киради. Манбаларнинг қўрсатишича, у бу йўлга тўрт ёшида кириб, умр бўйи кишиларни бунга даъват этди. Унинг ҳаётидаги муҳим воқеалардан яна бири, Яссавий 63 ёшга тўлганидан сўнг Муҳаммад (с.а.в.) ёшидан ортигини ер остида ўтказди. Бу ҳақда «Ҳикматлар» китобида шундай мисралар ёзилган:

Тўрт ёшимда Ҳақ Мустафо берди хурмо,  
Йўл қўрсатдим, йўлга кирди неча гумроҳ,  
Қайга борсам, Ҳизр бобом менга ҳамроҳ,  
Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга.<sup>1</sup>

Кубровия тариқати кўхна Хоразмда XII асрнинг сўнги чорагида ва XIII асрнинг бошларида вужудга келди. Ушбу тариқатга Аҳмад Ибн Умар Абу-л-Жанноб ал-Ҳавақий ал-Хоразмий асос солган. Ул зотнинг Нажмиддин Кубро тариқати дейилишининг боиси тасаввуф оламида қилган улуғ хизматлари эвазига айтилганлигидир. Масалан, «Нажмиддин»-арабча «дин юлдузи» демақдир, «Кубро»-арабча «улуг олим» маъносини беради. Бинобарин ул зот «Шайх Нажмиддин Кубро» шарафли номи билан машҳур бўлган.

Нажмиддин Кубро тасаввуф тарихида ўз ўрнига эга бўлган тасаввуфий олимгина бўлмай, балки дунёвий илмларни ўрганишга эътибор қаратган. Аввало ўзи узоқ ўлкаларда юриб, диний, илоҳий, маданий илмлар билан бирга дунёвий илмларни ўрганишга эришди. Ул зот факт тариқат асосчисигина эмас, балки улуғ шайх, буюк донишманд, чин ватанпарвар, халқпарвар инсон ҳам эди. У оддий халқни зулмдан қутқариш, эзгу ишлар, Ватан учун жон фидо қилиш сифатлари билан машҳур эди.

Баховуддин Нақшбанд Марказий Осиёда XIV асрда вужудга келган тасаввуф тариқатларидан биридир. Нақшбанд Бухоро ёнидаги Қасри Орифон қишлоғида косиб оиласида дунёга келади. «Нақшбандия» тариқатининг қатор диний-орифий таълимотлари билан бир қаторда шахсларнинг роли катта бўлган. Унинг дунёқараши ва

<sup>1</sup> Аҳмад Яссавий. «Ҳикматлар». -Т.: 1991.-Б. 51.

таълимотининг шаклланишига Юсуф Ҳамадоний, Абдухолик /иждивоний, Бобои Саммосий, Сайид Мир Кулоллар катта таъсир кўрсатган ва ғоявий асос бўлган. Атоқли мутасаввуф олим Амир Сайид Кулол эса Нақшбанднинг энг яқин пири ва уни камол топтирган улуг зотдир.

Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишдаги факирлик ва «Дил-ба ёр-у, даст-бакор» деган ғоя ётади.

**Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг ривожлантирилиши.** Ўрта Осиёда XII-XV асрларда шаклланган ва кенг қулоч ёзган яссавия, кубровия ва нақшбандия тариқатлари ислом таълимотлари билан уйғунлашган ҳолда ижтимоий тараққиётда ўз ўрнига эга бўлди. Масалан, XV асрдан то XX асргача нақшбандия тариқати жамият, давлат ҳаёти, тараққиётининг барча жабҳаларида хусусан мусулмон, туркий мусулмон халқларининг XVIII-XIX асрларда олиб борган миллий-озодлик ҳаракатлари, курашлари мафкураси мазмунини ишғол этди.

Ўрта Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожланиши бу худудда ислом таълимотларининг кенг ёйилиши ва қарор топиши билан узвий боғлиқ бўлган. Бу жараёнда исломгача бўлган диний қарашлар ва миллий маданият турларига муносабат масалалари ҳам мавжуд эди.

Ўрта Осиё халқларининг исломгача бўлган эътиқодлари, маданияти, архитектура анъаналари, адабиёт ва санъат ҳам жонлана бошлади. Турк тилида китоблар чиқди. Турк тилига давлат мақоми бериш, маънавиятда миллийликни қарор топтириш майллари кучайди. Холис гапирганда, исломнинг тез орада халқ эътиқодига айланишида унинг ғоялари, эътиқодларида зардуштийлик билан яқинлигининг ҳам таъсири катта бўлди. Чунки асрлар давомида халқ эътиқод қилиб келган зардуштийликни оламнинг яратилиши, гуноҳларнинг ёзиб борилиши, ўлимдан кейин нариги дунёдаги ажр, жаннат ва дўзах, қил кўприк ва халоскорнинг келиши каби ғоялар исломда ҳам тўлалигича ўз ифодасини топган эди. Аммо зардуштийликнинг асосий ғояси-табиат ва жамият, инсон қалбида эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги абадий-муросасиз кураш, бунда Ахурамазда тартибларига риоя қилувчилар эзгуликни қарор топтириш учун ёвузликка қарши курашиб, охир-оқибат ғалаба қозонишлари тўғрисидаги таълимот ақл-идроқи ривожига йўл очарди. Илм-фанни ривожлантириш эса эзгулик ифодаси ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам исломгача зардуштийлик ибодатхоналарининг барчасида дунёвий илмлар ўргатилар, унга ихлос кучли эди.

Мұтазилийлар таъсирида исломда вужуди мумкин ва вужуди вожиб (ваҳдат-ул мавдуж ва ваҳдат-ул вужуд) диний-фалсафий оқимлари шаклланди. Вужуди мумкин (ёки вужудион-пантеизм) оқими вакиллари-Ал-Киндий, Ибн Рушд, Ал-Мааррий, Форобий, Ибн Сино,

Умар Ҳайём ва бошқалар мавжудотни иккига-вужуди мумкин ва вужуди вожибга бўлганлар. Вужуди мумкин сабаб-оқибат алоқалариға эга бўлиб, унинг мавжудлиги бошқа нарсадан эмас, балки ўз моҳиятидан келиб чиқади. Шу назарий қоидадан келиб чиқиб, Форобий бутун мавжудотни 6 даражага бўлган. Шулардан биринчиси вужуди вожиб-Аллоҳ; қолган бештаси ақл, жон, шакл, материя, осмон-вужуди мумкин. Бу даражалар бир-бири билан сабаб-оқибат шаклида боғланган бўлиб, биринчи сабаб ўз сабабига эга эмас. Ибн Сино ҳам «Рисола фитақсим ал-Мавжудот» асарида ваҳдат-ул мавжуд ва ваҳдат-ул вужудни шу тарзда таърифлайди. Ваҳдат-ул вожиб-Аллоҳни билдиради, лекин у Қуръондагидек ҳамма нарсанинг ижодкори эмас, балки сабаб, яъни умумий мавжудотнинг биринчиси сабаб ва унинг бир қисми сифатида талқин этилади. Бундай қараш эса табиат ҳодисаларини (инсон табиатини ҳам) мустақил ички сабаблари асосида тушунтиришга имкон бериб, илм-фан равнақига кенг йўл очади.

Мұтазилийликнинг қарашлари ва ваҳдат-ул мавжуд диний-фалсафий оқим ғоялари қўшҳақиқат тўғрисидаги катта назарий қоида шаклланишига сабаб бўлди. Бунга кўра, илоҳий ва дунёвий (илмий) ҳақиқатлар бор бўлиб, илоҳий ҳақиқатда фақат алоҳида одамлар-пайғамбарлар, азиз-авлиёлар етишиши мумкин. Дунёвий ҳақиқатни эса ақл ёрдамида, илм-фан йўли билан қолган одамлар англаб оладилар.

Мутакаллимлар билан мұтазилийлар ўртасидаги ғоявий курашда ваҳдат-ул мавжуд ва ваҳдат-ул вужуд ҳамда қўшҳақиқат тарафдорлари билан унга қарши кишилар ўртасида диний-фалсафий курашдан ҳукмдорлар ҳам четда қолишмади. Зеро, улар мадрасаларда, хусусий муаллим (мулла)лар қўлида таҳсил кўрган, бинобарин, қандай муллада дарс олганликларига қараб дунёқарашлари шаклланган. Марказий Осиё ҳукмдорлари орасида ваҳдат-ул мавжуд тарафдорлари шунинг учун бор эдики, бу нуқтаи назар илм-фан, мадният, иқтисод ривожига кенгроқ йўл очарди. Шунинг учун халифа Маъмун (823-830 йиллар) мұтазилийларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг ғояларини ўз давлатининг мафкураси асосига қўйди. Сомонийлар топшириғига биноан Имом Ҳўжа Абул Қосим Ҳаким Самарқандий Сунна ва жамоа имоми рамзини ёзди. У ислом ақидавий таълимотини тадқиқ қилишда раъй ва қиёсни, яъни ақл ва мантиқ услубларини қўллаган Абу Ҳанифа ал-Нуъмон Ибн Собит Куфий-(Ҳанафия шариат мазҳаби асосичиси) имон-эътиқод негизида ёзилган эди. Бунда Абу Мансур ал-Мотуридий таълимотининг ҳам таъсири катта бўлди. У табииётшунослик, қадимги юонон фалсафасини ўрганиш, хунармандчилик, санъат ва адабиётни ривожлантириш тарафдори эди. Мотуридийлар инсон ақлу қудрати ва идора эркинини ҳам тан олардилар.

Мұтазилийлар билан мутакаллимлар ўртасидаги ғоявий

курашлар Абу Ҳамид Ал-/аззолий каломи шаклланиб ислом фалсафаси юзага келди. Баъзи араб тадқиқотчилари уни табиат фалсафаси (натурфилософия) ҳам деб аташган. Ал-/аззолий аввал сўфиийлик қарашларига мойил бўлса-да кейинроқ улар таълимотини танқид қилиш асосида ўз каломини яратди. Бироқ у ўзи истамаган ҳолда тасаввуфни назарий жиҳатдан асослаб қўйган. /аззолий таълимотича, инсон Аллоҳ каломи - Қуръон оятларини ўзлаштиргунга қадар идора эркига эга, уни ўзлаштириб олгач, бутун идораси Аллоҳ идораси билан уйғунлашиб (эмансипациялашиб) кетади. Бинобарин унинг хатти-ҳаракатлари, бутун фаолияти Аллоҳ иродасининг ифодаси бўлиб қолади.

Маълумки, Шарқ фалсафасининг етакчи йўналиши инсон қалбини, руҳини поклашга, унда комил инсонлик сифатларини вужудга келтиришга, шу негизда ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга қаратилган. Ўткинчи мол-дунё, мансуб-мартабалар эмас, балки маънавий бойлик, ахлоқий поклик, ҳалоллик, инсофдиёнатлилик одамни инсонга айланишининг муҳим шарти, деган фикрлар Шарқда тасаввуф (сўфиийлик)нинг шаклланишига, кенг ёйилишига сабаб бўлди.

Тасаввуф ваҳдат-ул мавжуд ва ваҳдат-ул вужуд диний-фалсафий ғоялар ҳамда Арасту қарашларидан озиқ олиб ривожланган Шарқ фалсафаси таъсирида исломнинг алоҳида оқими сифатида вужудга келди. У мураккаб диний-фалсафий оқим бўлиб, хилма-хил шаклларга, мазмун ва йўналишга эга. Тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг 17 та асосий сулуки (йўналиши) мавжуд. Шарқшунос олим Б.Э.Бертельс «Сўфиийлик шунча ва ҳар томонламаки, унга истаган концепция, дунёқарашни киритиш мумкин», деган эди.

Тасаввуфда иккита асосий ғоявий йўналиш қўзга яққол ташланди: бу ўткинчи дунё, мол-мулқ, мансабга ихлос қўйиш Аллоҳни унутишга, иймонсизликка олиб келади, деган ғояга таянганлар таркидунёчиликни тарғиб этганлар; азрӯи азалда пешонага ёзилгани тақдир борлигига, одам ундан қочиб қутула олмаслигига ишонтиришга интилганлар. Иккинчи йўналиш бу дунё Аллоҳ-таоло томонидан одамлар, уларнинг инсонлардек яшashi учун яратилгани, одам шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунё висолига мушарраф бўла олишига, бинобарин, унда қўрқиши асосида эмас, Аллоҳни севиш, унинг висолига етиш учун оғир, машаққатли покланиш йўлидан боришни ташвиқ этганлар.

Юсуф Ҳамадоний, Абдулҳолиқ /иждивоний, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Аҳмад Яссавий сулукларининг бевосита таъсирида Марказий Осиёда Нақшбандийлик сулуки вужудга келиб, у Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг ёйилди. Хожагон сулукини бошлаб берган А./иждивоний бундай деган: «Эй фарзанд, барча ҳолатда илм, амал ва тақво билан бўл, салафлар изидан юриб, суннат ва жамоатни маҳкам

тут, фиқҳ ва ҳадисни ўрган». Яна бундай фикрлар бор: «оз сўзла, оз е, оз ухла», «ҳалол е, шубҳадан холи бўл...» А./иждувонийнинг 8 та табаррук сўзи (рашҳа)га Б.Нақшбанд З та манзил қўшиб, ўз сулукини асослаган.

Нақшбандия тариқатининг маънавий асосчиси Абдулхолик /иждувоний Хожаи Жаҳон тариқатидаги ўн бир муқаддас калималарининг дастлабки саккизтасини асослаб берган:

1. Ҳуш дар дам (ҳар доим хуш ўтказиш),
2. Назар бар қадам (ҳар бир қадами назорат),
3. Сафар дар Ватан (Ватан бўйлаб саёҳат),
4. Хилват дар анжуман (эл-улус билан бирга бўлиш),
5. Ёдкард (эсга олиш ёки ёд этиш),
6. Бозгашт (қайтиш),
7. Нигоҳдошт (асраш ёки сақлаш),
8. Ёддошт (эслаш ёки хотира).

Биҳоуддин Нақшбанд бу раҳҳаларга яна учта муқаддас раҳҳани қўшиб 11 тага етказди:

9. Вуқуфи замоний (замон амри),
10. Вуқуфи ададий (тартиб амри),
11. Вуқуфи қалбий (қалб амри) қоидаларири.

Биҳоуддин Нақшбанд асос солган уч раҳҳалар мазмуни қўйидагича:

Вуқуфи замоний-суфий умри бўйи ҳар дақиқани Аллоҳга шукур айтиш ва бандаларига яхшилик қилмоқликка сарфлаши лозим.

Вуқуфи ададий-суфий зикр жараёнида тартиб, сон алоҳида ўрин тутишлигини эътироф этиш лозим.

Вуқуфи қалбий-суфий зикри қалбидан, яъни юракдан бўлмоғи лозим.

Нақшбандия тариқатининг назарий ва амалий жиҳати-шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатдан иборат бўлиб, улар 7 та мақомлар тизимини ўз ичига олади: тавба, варо, зухд, факҳ, сабр, таваккул, ридо. Суфий ана шуларга эътиқод қилиши лозим бўлган.

Хожа Аҳрор Вали (Убайдуллоҳ) нақшбандийликнинг тарғиботчиси сифатида таъмадан жирканиш, тухфа олмаслик, бир касбни мукаммал эгаллашга чақирган. Тасаввуф тариқатига кирганлар учун касб-корнинг ёмони йўқ, ёмони бирон касб билан шуғулланмаслик, текинхўрлик, тамагирликка одатланиш ҳисобланади. Шунинг учун шоир Саккокий-пичноқчилик, Шайҳ Абу Ҳафиз ҳаддод-темирчилик, Шайҳ Абул Аббос омилий-қассоблик, Шаҳ Баннон-ҳаммоллик, Шайҳ Абул Ҳасан-дурадгорлик билан шуғулланишган, Хожа Аҳрор Вали ходимгар (массажчи) бўлган. Нақшбандийлик иймони унинг «Дил ба ёру даст ба кор», яъни «Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган талабида яққол гавдаланади. Улар амал деганда

биринчи навбатда Аллоҳ номини дилга жо қилиб, ижтимоий-фойдали меҳнат билан шугулланишни, таъма ва текинхўрликдан ҳазар қилишни тушунгандар. Нақшбандия тариқатида асосий ўринни эгаллаган «Зикри ҳафия»-овоз чиқармай қилинадиган ички илтижо, тиловат, зикр бўлиб, бунда Қуръони карим сурә, оятлар ва ҳадиси шариф мазмунлари такрорланади.

Нақшбандийлик сулукини қабул қилган Амир Темур, Улугбек ва бир қатор Туркистон ҳоқонлари дарвешликни қораладилар, улардан шу дунё ишлари билан шугулланиб, ҳалол яшашни талаб этдилар. Дарвешлар фойдали меҳнат билан банд бўлишлари учун давлат шароит яратиб бериши тўғрисида фармони олий чиқарганлар. Буни бажармаганларни жазолаганлар.

Тасаввуфнинг сўл қаноти диний-фалсафий таълимот сифатида ақидапарастлик исломга нисбатан мухолифит бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқда, айниқса, Ўрта Осиёда табиий ва фалсафий фанлар ривожида ўз ўрни ва мавқеига эгадир. Ўрта Осиё мутафаккирларини шўролар даврида ўша даврдаги ислом ақидаларига қарши қўйдилар. Ижтимоий ҳодиса, маънавиятга синфий (партиявий) муносабат тарихий жараёнларга шундай ғайрилмий ёндошувни, уларни мафкура ва сиёsat талабларига бўйсундиришни тақозо этарди.

Қадимда, ўрта асрларда руҳонийлар ва илоҳиётчилар жамиятда биридан-бири ўқимишли кишилар эдилар. Айни чоғда улар одоб-ахлоқ таянч ва тимсол ҳам ҳисобланардилар. Бинобарин, муайян дин ақидалари ҳар қандай тафаккур учун бошланғич ибтидо ва асос эди. Муайян минтақа халқлари иймон-эътиқодига айланган фалсафа, адабиёт, санъатда, ахлоқ ва эстетикада ўз ифодасини топган эди. Динга, ундаги худо ғоясига қарши қаратилган ҳар қандай фикр мавжуд тузумга ва салтанатга норозилик ва қаршилик сифатида тушуниларди. Айни чоғда фикр мавжуд ва ташкилотларнинг мафкуравий таъсири натижасида жамоатчилик фикри хукмрон ғояларга шубҳа билан қаровчиларга қарши қаратиларди. Шунинг учун араблар империяси худудида ва Турк давлатларида яшаган мутафаккирлар ўз хурфикрликларини диний пардалар остида берганлар, аммо улар Аллоҳга, унинг асосий ақидалари ҳақлигига иймон келтирган шахслар эдилар. Шундай бўлишига қарамай, ақидапараст уламолар, турғун фикрлардан манфаатдор истеъдодсиз ҳукмдорлар ақл ва адл йўлини тутган, ҳақиқатни излаб топишга даъват этган мұтазилийлар, қадарийларни ҳам, ваҳдат-ул вужуд нуқтаи назарида туриб илм-фанни ривожлантириш, адабиёт ва санъат асарлари орқали одамлар эстетик дидини оширишга интилган мутафаккирлар, эркин фикрли дин аҳллари ва илоҳиётчиларни қувғин остига олганлар, жазолаганлар, зинданда чиритдилар. Чунончи, Беруний ҳукмдорлар тазиикiga қарамай

хурфиқрлилик ғояларига содик қолди, Маҳмуд /азнавий уни бир неча марта ўлим жазосига ҳукм қилган. Абу Али Ибн Синонинг хурфиқрлилигини унга қарши қўзғатмоқчи бўлдилар. У сарсон-саргардонликда ўзга юртларда ўлиб кетди, тўғрироғи, ўлдирилди.

Туронни мўғул босқинчилари босиб олишгач, уйғониш давридаги хурфиқрлилик анъаналари ривожига давлат йўли билан ғов қўйилди. Фақат уларнинг ҳокимиятига барҳам берилгач, XIV-XV асрларда ўша анъаналар тикланди, айниқса нақшбандийлик ғоялари маънавий ҳаётнинг деярли барча йўналишлари мазмунини ташкил этган эди. Бу даврда золим подшолар, амалдорларга қарши фикрлар кенг қулоч ёзган. Айниқса, халқ оғзаки ижоди, унинг жанговар жанри бўлган асия, қизиқчиликларда хурфиқрлилик ёрқин намоён бўлган.

Темурийлар салтанати қулагач, шайбонийлар ислом ўзбек империясини барпо этиш учун урушлар олиб боришиди. Аста-секин сиёsat ва ҳуқуқда ислом ақидапарастлиги ҳаётда муқим ўрнашиб, индивидуал ва ижтимоий онгда қарор топа бошлаган. Ҳокимият тепасига бирин-кетин ва аста-секин ваҳдат-ул вужуд тарафдорларининг келиши натижасида хурфиқрлиикнинг ҳар қандай кўриниши «кофирлик» деб эълон қилинди. «Кофирлик»да айбланган кишиларни қатл этиш эса «савоб» ишлари қаторига кирап эди. Ягона Туркистон уч хонлик ва яна майда сultonликларга ажраб кетгач, улар ўртасидаги тинимсиз урушлар, салтанатни мустаҳкамлаш учун ижтимоий онгни жиловлашга қаратилган мафкуравий фаолият халқ оммасининг тинкамадорини қуритди. Ҳокимиятни бошқараётган арбобга ёқмайдиган ҳар қандай кишини «кофирлик»да айблаб, қатли-ом этишнинг даҳшатли механизми шаклланди. Хурфиқрлилик байроқдори бўлган ёзувчилар, шоирлар қувғин остига олинди. Масалан, Бобораҳим Машраб тасаввуф нуқтаи назаридан камтарона ҳаётни тарғиб қилгани, золимларни фош этгани учун дорга осилди. Бухоро амири Насруллахонга Қўқон хонлигини босиб олиш учун бир баҳона керак бўлгач, Нодирабегим ва унинг ўғли «кофирлик»да айбланиб, қатл этилдилар. Шундай қилиб, ваҳдат-ул вужуд тарафдоларининг ҳокимият тепасига келиши Туркистоннинг парчаланиб кетиши, ислом доирасидаги хурфиқрлиикнинг чекланишига сабаб бўлган омиллардан бири ҳисобланади. Натижада, миллат фидойиси Маҳмудхўжа Беҳбудий айтганидек, бой маънавий маданиятига эга бўлган Ўрта Осиё халқлари Европа халқлари тараққиётидан 500 йилга орқада қолдилар. Аммо бу даврда хурфиқрлилик бутунлай бўлмади, деган фикрга келмаслик керак. Халқ орасида Насриддин афанди латифалари, асия-қизиқчиликлар йўли билан, шунингдек бадиий адабиётнинг фидойи намояндалари золим бойлар, риёкор руҳонийлар, баднафс амалдорлар кирдикорларини фош этиб, уларга нисбатан халқ нафратини қўзғатдилар. Гулханий,

Махмур, Турди, Маҳтумқули ва бошқаларнинг асарларида хурфикрлилик мотивлари кўп эди. Исёнкор шоир Муқимий ўша давр солиқчиларнинг тамагирликлари, инсофсизликларини фош этди. Амалдорларга нисбатан бундай деди: «Додхоҳим, додхоҳлик сенга хос, порасиз ўтмас сенга юз илтимос».

Умуман ҳар бир даврда хурфикрлилик ўзига хос равишда намоён бўлади. Ҳамма даврларда ва барча мамлакатларда ижодий фикр юритувчи, ижтимоий ҳодисаларга теран фикр билан ёндашувчи, ўз даврининг билимдони ҳамда ҳалқи, ватани ишқи, унинг истиқоли, истиқболи орзу-армонлари билан яшовчи фидойи, қўрқмас, забардаст, иродали кишилар бўлган. Улар қарор топган ҳукмрон ғоялар, амалдаги сиёsat ва мафкурага ўз муносабатларини қўрқмасдан билдирганлар, ўз нуқтаи назар (ҳақиқат)ларини қаттиқ туриб ҳимоя қила оладилар, бу йўлда қувғунлар, зинданлар, қатли-омлардан ҳам қўрқмаганлар. Ана шундай мард одамлар саъй-ҳаракати туфайли маънавий маданият ривожланган, такомиллашиб борган. Шарқ Уйғониш даври (IX-XII) ҳамда XIV-XV асрлар алломаларининг илм-фан ривожи, фалсафий фикрлар равнақи йўлидаги фидойиликлари бизнинг кунларимиз учун ҳам, бундан кейинги авлодлар учун ҳам олий ибрат мактаби бўлиб қолиши шубҳасиз. Шарқ мутафаккирлари, айниқса Ўрта Осиё олимуму фузалоларининг ҳаётбахш, хушчақчақ хурфикрлилик анъаналари /арбий Европа Уйғониш даври учун асос бўлганини холис фикрловчи Европа олимлари тан оладилар.

Масалан, америкалик шарқшунос олимлар Н.Крамер «История начинается в Шумере» (1991), Э.Къеранинг «Они писали на глине» (1984) номли тадқиқотларида шумерлар ва бобилликлар нафақат она тили, арифметика фанларини ўргана бошлаган, балки улар ўша замонлардаёқ, қўлдаги бармоқлар миқдорига асосланган ўнли саноқ тизими билан биргаликда олтмишлиқ саноқ усулидан фойдаланиб, Пифагор теоремасини исботлаганлар.<sup>1</sup> Ёки қадимги юонон манбаларида скифлар деб аталувчи-саклар (хоразмликлар, сүғдлар, марчанлар ва б.) ўз маданиятини айнан ўша даврда яратса бошлаганлар. Бунга Хоразм тупроғида битилган муқаддас «Авесто»нинг ёзуви (парфия) ва тили (сүғд ва бақтрия) яққол мисол бўла олади.

Ислом дини бағрида вужудга келган тасаввуф таълимоти тариқатларидан таҳсил олган кишилар орасидан улуғ намоёндалар ҳам етишиб чиқдики, улар тасаввуф таълимотидан узоқлашмай қадимги маданиятимизнинг дурдоналарини сақлашга ва янги маданият қирраларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар. Навоийнинг фикрича, суфий заҳирон, ҳаттоқи, мамлакатга подшоҳлик қилиш ҳам

<sup>1</sup> +аранг: «Ёш куч»-Т.: 1998, 6-сон.-Б.15.

мумкин. Тарихдан маълумки, Амир Темур Баҳоуддин Нақшбанднинг хожагон тариқатининг-еттинчи халқасидаги пири комил-Амир Кулолнинг муриди бўлган. З.М.Бобур ҳам Нақшбандий бўлган, унинг отаси бевосита Хожа Ахрорнинг муриди эди.<sup>1</sup>

Тасаввуф таълимотининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, ислом таълимоти араблар ишғол қилган мамлакатларда ижтимоий ҳаётда вужудга келган қатор муаммоларга жавоб топиш асосида намоён бўлган. VIII- асрда пайдо бўлган тасаввуф таълимоти ва тариқати турли худудларда XV-XVI асрларгача ва ундан кейинги даврларда ўзига хос ривожланган ва қарор топган. Масалан, Ўрта Осиёда Хожа Аҳмад Яссавий, Сайид Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Ахрор Валий тариқатлари сунний мазҳаб аҳоли орасида чуқур ёйилган.

**Тасаввуф таълимоти ва ислом маънавиятининг ривожланиши.** Ўзбекистон ҳукумати раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтиши ва қарор топиши аввало одамларнинг эркин, соғлом фикр юритишларига, тафаккур тарзи ва маънавий дунёқарашларининг жиддий равишда ўзгариш жараёнлари билан боғламоқда. «Эндиғи вазифа,-деган эди Президент И.А.Каримов Олий Мажлис 1-сессиясида қилган маъruzасида,-кишиларимизни мустақил фикрлашга ўргатиш, ўзига ишончнинг орта боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазиикдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўла олмайди». Факат маънавиятни қарор топтириш орқалигина иймонли комил инсонлар шахси шаклланиши, демак, эркин, ҳур, теран фикр юритувчи инсонлардан иборат фуқаролик жамият вужудга келиши мумкин.

Тасаввуф таълимоти соҳасида йирик тадқиқотлар муаллифи Н.Комилов таъкидлаганидек, тасаввуф Ўрта Осиё фалсафаси тараққиётидаги кўп асрлик тажрибаларни ўз ичига қамраб олиб, уни ривожлантирган, дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, қалом ва ҳадис илмларини бирлаштирган, илоҳий билимларни бирлаштирган, булар билан дунёвий илмларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилган.<sup>2</sup>

Шу йўсинда ривожланган тасаввуф Шарқда, шу жумладан Туркистон мусулмонлари орасида тафаккур тарзи ва ахлоқ меъёрини белгилайдиган ижтимоий ҳодисага айланган.

Тасаввуф таълимотининг ислом маънавиятини ривожлантиришга қандай таъсир кўрсатилганлиги масаласи баёнидан олдин улар ўртасидаги қарашларни кўриб чиқиш лозим. Илк исломда, ҳаттоқи IX-XII асрларда Аллоҳ висолига етганда суфий учун шариат талаб,

<sup>1</sup> Барча Темурийзодалар на=шбандий шайхларига, XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, аксарияти Хожа Ахрор валига =ыл берган.

<sup>2</sup> +аралсин: Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. Т.: 1996, Б. 13.

фарзларини бажаришга эхтиёж қолмайды деювчилар (Абу Йазид Бистомий, Мансур Халлож, Ҳамоданий ва б.) бўлиб, бу нуктаи назарлар тасаввуф ва сунний ислом шариати ўртасида очик тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлган эди. Буни яхши тушунган улуғ зотлар жумладан, Абдуҳолиқ /иждувоний, Алоуддин Аттор ва бошқа уламолар бу низони олдини олиш мақсадида мусулмон аҳлига суннатни ҳамиша жойига қўйишга интил, бидъатлардан узок бўл деб таълим берганлар.

Бахоуддин Нақшбанд ўз тариқати шаклланаётганда илк исломда ва араб – мусулмон жамиятида тасаввуф сунний исломга қарама-қарши қўйишни қоралаган ва у қандай салбий оқибатларга олиб келишини асослаб берган. Унинг тариқати ислом ва шариатга асосланган эди. Ундан «Сизнинг тариқатингизни қандай топиш мумкин?» деб сўралганда Нақшбанд «Шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ суннатларига тўлиқ амал қилиш билан»<sup>1</sup> деб жавоб берганлар.

Бахоуддин ўзининг амалий фаолиятида, тарғибот ишларида тасаввуф, тариқат ва ислом шариатининг ўзаро алоқаси ва муносабати, боғлиқлигини доим эсда сақлаб, бошқаларини ҳам шунга даъват этган. Улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳар томонлама, мукаммал исботини қўрсатиш учун амалий ҳаётда кўплаб, ривоятлар, мисоллар келтирган. У шундай дейди: биз тасаввуф аҳли Аллоҳни билиб маърифат ҳосил қилдик, аммо шариатни оддий, оми одамларга буюрган талаб, фарзларини бажармаса ҳам бўлаверади дейиш бидъатdir. Унинг фикрича, тариқатнинг босқичларида фақат шариат талаб, фарз арконларини бажариш, исломга содик иймон билангина мақсадга Эришиш мумкин, Нақшбандия тариқатининг асоси, замини ислом, шариат аҳкомлари экан, маърифатга Эришиш, уларни изчил бажариш орқали тариқат амалиётига ва маърифатга Эришиш мумкин.

Ислом тарихида тасаввуф тариқатлари XI-XII асрларда Яссавия, XII-XIII асрларда Кубровия, XIII-XV асрларда Хожогония-Нақшбандия вужудга келган, тараққий этган ва ҳар бири ислом маърифати ва маънавиятини ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган. Айниқса Нақшбандия таълимоти ва тариқати комил инсонни шакллантиришга қаратилган бўлиб, халқимиз тарихий тараққиётидан муносиб ўрин олган. Нақшбандия тариқатининг Туркистон ва дунёнинг бошқа худудларида фаоллашуви, кенг тарқалиши натижасида жаҳон илм-фан, маданияти, цивилизацияси, хусусан диний-ирфоний, маънавий-маърифий қарашлар ва таълимотлар тарихида муҳим аҳамият касб этди.

### Таянч сўзлар:

1. Тариқат      6. Вара      11. Ридо

<sup>1</sup> Абул Мұщсин Мұщаммад Бо=ир Ибн Мұщаммад Али. Ма=омати Ҳожа Баҳоуддин На=шбанд.-Т.: Ёзувчи, 1993.-Б.-78.

2. Маърифат	7. Зуҳд	12. Вуқуфи замоний
3. Ҳақиқат	8. Факр	13. Вуқуфи ададий
4. Орифий	9. Сабр	14. Вуқуфи қалбий
5. Тавба	10. Таваккул	15. «Зикрий ҳафия»

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Ислом дунёсида тасаввуф таълимоти қачон вужудга келган?
2. Илк ислом билан тасаввуф тариқати қарашларида қандай қарама-қаршиликлар бўлган?
3. Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотига кимлар асос солган?
4. Яссавия тариқатининг мазмуни нима?
5. Кубровия тариқатининг йўналиши қандай?
6. Нақшбандия тариқати ва мазмуни ҳақида нима биласиз?
7. Жаҳон илм-фан, маънавиятга тасаввуф қандай ҳисса қўшган?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: Шарқ, 1998.-32 б.
2. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1998-326 б.
3. Абул Мұҳсин Мұхаммад Боқир Ибн Мұхаммад Али. Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд.-Т.: Ёзувчи, 1993, 208 б.
4. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар.-Т.: /офур /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-256 б.
5. Фалсафа қомусий луғат.-Т.: 2004.
6. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб.-Т.: Ёзувчи, 1996.-272 б.

## **15-МАВЗУ: ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ**

### **Режа:**

1. Диний фундаментализм ва экстремизм мазмуни, вужудга келишии сабаблари.
2. Жоҳилиядаги мафкуравий курашлар, терроризм ва экстремизм ҳаракатлари.
3. Диний экстремизм ҳаракатларини олдини олишининг маънавий-маърифий асослари.

**Диний фундаментализм ва терроризм мазумни, вужудга келиши сабаблари.** Диний фундаментализмнинг келиб чиқиши ўзининг узоқ тарихига эга бўлса-да, бу жараённинг жонланиши XX асрнинг охирги чорагида юз берган эди.

Маълумки, Ўзбекистон тарихан анъанавий ислом кенг тарқалган худудлардан ҳисобланади. Бу дин кўхна тарихимизда ўзининг инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик ва юксак ахлоқийликни даъват этувчи гоялари билан маънавий ҳаётимизни юқори даражага кўтариш учун хизмат қилиб келмоқда. Ҳаёт талабларига мумкин қадар асосланган ҳолда Қуръон ва ҳадисларга мувофиқ баён этилган шариат аҳкомлари-дунёвий давлат қонунлари билан бир вақтда жамиятни иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий, ахлоқий жиҳатлардан мустаҳкамлаш ва юксалтириш учун муҳим омиллардан бири бўлган.

Шуниси аёнки, суннийликнинг ҳанафий мазҳабига мансуб бўлган мусулмонлар яшайдиган худудимизда аҳолининг фундаментализм, айниқса экстремизга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Хўш, диний фундаментализм, шу жумладан ислом фундаментализми ва унинг келиб чиқиши, моҳияти деганда нимани тушунмоқ керак? Бу саволга қисқа жавоб қуидагилардан иборат.

Фундаментализм тушунчасининг асл келиб чиқиши илдизини Республикализ олимларидан проф. Ҳ. Кароматов ўзининг «Фундаментализм ёхуд тўқликка шўхлик» деган мақоласида жуда ўринли далиллар билан асосланиб берган. Бу олимнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда фундаментализм деганда аксарият ҳолларда ислом фундаментализми назарда тутиляпти. «Аслида,-деб ёзган эди у, - фундаментализм XX асрда христиан «модернизми»нинг ривожига қарши вужудга келган ўзига хос христиан оқимига берилган номдир. Мазкур модернизм турли соҳаларда акс таъсир туғдириб, Америка Кўшма Штатларида айниқса шиддатли тус олди».<sup>1</sup>

Мақола муаллифи бу фикрни давом эттириб, ёзадики, XX асрнинг охирги чорагида исломнинг қайта жонланиши жараённига узвий боғлиқ бўлган оқимлар, ҳаракатлар шу ном билан аталадиган бўлди. Ислом фундаментализми, мусулмон фундаменталистлари деган атамалар шу тарзда ишлатила бошланди; бу атама ортодоксал исломнинг тикланиши ва шу хусусидаги тадқиқотларнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Шу тариқа у ҳозирги замон исломидаги уч оқимнинг бирига айланди. Қолганлари ислом традиционализми ва модернизмидир.

Анъанавий ислом тарқалган мамлакатлар-Миср, Жазоир, Тунис,

<sup>1</sup> Кароматов Й. «Фундаментализм ёшуд тыжикка шыхлик ». Ислом: баҳрикенглиқ ва мутаассиблиқ. Тыплам, Б. 43.

Ливия, Туркия, Эрон, Покистон, Саудия Арабистони, Сурия, Ироқ каби мамлакатлар жаҳон мустамлакачилик системаси парчалангандан сўнг мустақил ривожланиш йўлига ўтдилар. Натижада XX асрнинг 80-90 йилларида уларда юз берган ижтимоий-иқтисодий силжишлар негизида бутун дунёда диний омил, айниқса ислом омили фаоллашди. Бу даврда икки бир-бирига зид майл дунёга келди. Бир томондан, бутун дунёда диний эътиқоднинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги мавқеи тиклана бошлаган эди; иккинчи томондан бу майлга қарши мафкураларга мойиллик шаклланган эди: бу икки майл орасида зиддиятлар юзага кела бошлади.

Мазкур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий зиддиятлар асосида «ислом омили», «ислом уйғониши», «ислом феномени», ислом фундаментализми деган атамалар, «исломлаштириш», «сиёсийлаштирилган ислом» каби тушунчалар ва улар байроби остида турли оқимлар пайдо бўлди. Булар қаторига «Мусулмон биродарлари», «Ҳизбуллоҳ», «Ваҳҳобийлик», «Ҳизбут таҳрир ал-исломий» каби ўнлаб ташкилот, партия, уюшмалар киради. Булар экстремистик, терористик хусусият касб этган.

Ваҳҳобийлар фундаментализмда, бинобарин, ақидапарастликда Ибн Ҳанбал таълимотидан ҳам сўллашиб, мақсад ва таълимотлари ўтмаган худудларда куч, ҳатто қилич ишлатишга жаҳду-жадал қилганлар. Уларнинг таълимотича пайғамбар, мусулмон оламининг азизлари қабрларини зиёрат қилиш бидъат ҳисобланган, фақат Аллоҳга сифиниш фарздир деб тарғиб қилинган. Улар суфийлар таълимотини исломга зид деб даъво қилганлар. Ҳаж сафарини тўхтатганлар, унга ҳоҳиши бўлган талабгорлар фақат катта тўловлар эвазига амалга оширганлар.

Фундаменталистлар ва уларнинг издошлари ислом маънавияти ва маданиятига катта шикаст етказганлар. Улар тамаки чекищ, ипак кийим-бош кийиш, тасбех ўгириб юришни ман қилганлар, эркаклардан соқол олдирмасликни, аёллардан ҳижобга бош-оёқ ўралиб юришни талаб этганлар. «Ваҳҳобийлар,-деб ёзган А.Бегматов,-ижмоъни-шариатдаги асосий усувлардан бирини ҳам инкор қилишади. Ижмоъ мусулмон жамоасининг яқдиллик билан чиқарган фикри, ҳукми асосида иш кўрилишидир».<sup>1</sup>

Ақидапараст ваҳҳобийлар, умуман фундаменталистлар нисбатан уюшган, жанговар, сиёсатда ҳам, динда ҳам экстремист бўлганлари учун ўзга мазҳаб ва ҳаракатлар устидан ҳарбий ва мафкуравий жиҳатлардан тез, осон ғалаба қилиб, бутун Арабистон ярим оролига тарқалганлар, ҳокимиятни қўлга олганлар. Ойбек Ҳамдамовнинг

<sup>1</sup> Бегматов А. А=идапарстлик: тарих огошлантиради. «Ўзбекистон овози». 1998 йил, 20-сони.

“Эзгуликка чоғланмаган мусулмон эмас” деган мақоласида қайд қилганидек, “ваҳҳобийлар ўтган асрда ҳокимият тепасига келиш учун 3000 одамни Каъбанинг олдида шаҳид қилганлар”.<sup>1</sup> Бундай ёвузликлар хақида тарих тажрибасидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ислом фундаментализми ва унинг издошларининг асосий ғояси илк исломнинг “соф”, илмий тилда ортодоксал тамойилларига қайтиш ёки уларни тиклашдир, мақсади эса бутун инсоният жамиятига “ислом омили”, “исломий тараққиёт йўли”ни мажбуран жорий этишдир.

Аммо Ўзбекистонда истиқомат қилувчи мусулмонлар тарихан исломнинг сунний йўналишдаги энг мўътадил, инсонпарвар ҳанафия мазҳабига эътиқод қилиб келганлар. Ислом бизнинг худудимиз халқлари турмуш тарзига, ахлоқ-одобига, урф-одат ва маросимларга, бир сўз билан айтганда, маданиятга катта ҳисса қўшган.

Бу ҳақда республикамиз Президенти шундай деб ёзган эди: «Дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзидаёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-автор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжихат бўлиб яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда».<sup>2</sup>

Табиийки, бундай катта ижтимоий ва маънавий куч бўлган ислом қадриятларидан самарали фойдаланиш миллий истиқлол мафкурасининг доимий дикқат-эътиборидадир.

Бу соҳада давлатимиз раҳбари олиб бораётган адолатли ишлар ҳозирги кунда ҳеч қандай шубҳа туғдириши мумкин эмас. Масаланинг дикқатга сазовор томони шундаки, ҳозирда исломнинг жамият тараққиётидаги ҳақиқий роли ва ўрнининг мавжуд воқеликка таяниши ўтмиш давлардан кескин фарқ қиласи.

Буни ҳозирги пайтда мутлақ (аксарият) мусулмонларимиз ҳам, мамлакатимиздаги кўзга кўринган ислом илоҳиётчилари, уламолар ҳам, умуман республикамизнинг аксарият кўпчилик аҳолиси тушуниб етдилар.

Афсуски, кейинги пайтларда айрим диндорлар орасида бундай имкониятлар, имтиёз ва ғамхўрликнинг қадрига етмасдан, уларнинг бу моҳиятини тушунмасдан жамият учун жиддий салбий оқибатлар билан тугалланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар юз бермоқда. Ачинарлиси шундаки, бундай кирдикорлар ғараз ниятли кимсалар

<sup>1</sup> Щамдамов О. “Эзгуликка чоғланмаган мусулмон эмас”. “Ватан”. 1998 йил. 15 май сони.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: «Ўзбекистон», 1998,- Б. 441.

таъсирига тушадиган, мустаҳкам дунёқарашга эга бўлмаган ёшларда, шу жумладан, дунёвий илмга эга бўлиб, келажакда жамиятимиз равнақи учун астойдил хизмат қилиши лозим бўлган олий ўқув юртларидағи талабаларимиз орасида бу таъсирга берилиш кам бўлса ҳам учрамоқда.

Ана шундай кимсаларга, ўзларини “ваҳҳобийлар”, “суннийлар”, “фундаменталистлар” ва бошқа оқим издошлари деб даъво қилаётган бузғунчиларга бу ёш диндорлар фақат жамиятдагина эмас, шу билан бирга расмий эътиқоддаги қўпчилик мусулмонлардан ҳам ажралиб қолмоқдалар. Улар аксарият диндорларнинг фақат ачиниш ва таассуф объектларигагина айланиб қолмасдан, баъзан айрим ножӯя хатти-харакатлари, экстремистик фикрлари, ҳатто жиноятлари туфайли қораланмоқдалар.

Уларнинг бу фаолиятлари фақат нотўғри хатти-харакатгина бўлиб қолмасдан, балки кейинги пайтларда айрим хорижий мусулмон мамлакатларларида ҳуруж қилаётган ислом фундаментализмига, ақидапарастликка асосланган экстремизмнинг дин ниқоби остида ўз мақсадини зўравонлик билан амалга ошириш изидан бораётганлардан кам фарқ қиласди. Улар ўзларини гарчи исломдаги энг мўътадил ҳанафия мазҳабининг издошлари деб ҳисобласалар ҳам, аслида уларнинг фаолияти жамият ва ислом учун заарли бўлган тоифачилик, гурухбозлиқдан бошқа нарса эмас.

Маълумки, суннизм йўналишида фақат 4 мазҳаб мусулмон фақихлари, муфассирлари, муҳаддислари, энг нуфузли уламолари эътироф қилган мазҳаб деб ҳисобланади. Булар ҳанафия, моликия, шофиийя, ҳанбалия бўлиб, уларнинг ичida энг кенг тарқалгани ҳанафия мазҳабидир. Олимларимизнинг фикрича, дунёда 1,4 миллиардан зиёд мусулмон аҳолиси бўлиб, шундан 92,5 фоизини суннийлар ташкил этади. Жами суннийлардан ҳанафийлар 47 фоиз, шофиийлар 27 фоиз, молийкийлар 17 фоиз ва ҳанбалийлар 1,5 фоизни ташкил этади. Қолган 7,5 фоизи шиалар, ибодийлар ва хорижийлардан иборат.

Исломнинг 14 асрлик тарихи тажрибаси шуни кўрсатадики, унда ҳар қандай янги бир мазҳабни тарғиб қилиб, тоифачиликка берилиш ёки бирор оқим яратишга интилиш доимо сиёсий ва ғаразгўйлик мақсадларига хизмат қилган. Ҳатто мусулмон дунёсининг муайян бир қисмида расмий ислом оқими деб эътироф қилинган шиизмнинг ҳам дастлабки шаклланишида маълум сиёсий мақсадлар туфайли вужудга келган.

Ваҳҳобийлар суннийларнинг фақат 1,5 фоизини ташкил этувчи ҳанбалийлар мазҳабига мансуб бўлиб, улар асосан Саудия Арабистонида яшайди. Улар дунёвий қадриятларга нисбатан ўта муросасиз диний мафкурага асосланган. Ваҳҳобийлар суннийликдаги жуда озчиликни ташкил этувчи ҳанбалийлар оқимига мансуб бўлишига

қарамай, мусулмон аҳолисининг кўпчилигини ташкил этувчи ҳанафийларни ислом динидан чекинувчилар деб ўринсиз ҳисоблайдилар.

Ваҳҳобийлик ҳаракати ҳозирги Саудия Арабистони худудида, XVIII асрда, шу мақсадда вужудга келган. Унинг ғоявий асосини исломнинг дастлабки ҳолатига қайтишни мақсад қилиб олган ақидапарастлик ташкил қиласди; сиёсий сифатини жамиятнинг маънавий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ҳаётини шу ақидапарастлик асосига қурилган сиёсий тузумни барпо қилиш ғояси ташкил қиласди.

Ислом тарихида ваҳҳобийлиқдан ташқари бир қанча радикал диний гуруҳлар, ҳаракатлар бўлганки, уларнинг хатти-ҳаракатлари жаҳолатпарастлик, ақидапарастликни жонлантириб, ўз мазмуни экстремизм ва терроризм билан яқин алоқада бўлди.

**Жоҳилиядаги мафкуравий-курашлар. Терроризм ва экстремизм ҳаракатлари.** XX асрнинг бошларида ташкил топган хорижий мусулмон давлатларида юзага келган диний оқим, ташкилот, партиялар ўз олдига асосан империализмга қарши кураш, миллий мустақилликка эришиш вазифасини қўйганлар. Аммо исломдаги бундай оқимларнинг деярли барчаси ҳам бу ҳаракатларга восита деб қарамасдан, охирги мақсад деб қараганлари учун ё муваффақиятсизликка учраганлар, ё муайян бир даражадаги салбий оқибатларга олиб келганлар.

Ўрта асрлар тарихи шуни кўрсатадики, бу ҳаракатларнинг аксарияти фақат хаёлдагина (утопия) бўлиб қолган; айрим ҳолларда эса бутун бир мамлакатлар ва халқлар ўртасида даҳшатли, беқиёс бўлган қонли урушларга олиб келган. Масалан, XVI асрда бошланган шиизм (сафавийлик) ва суннизм (шайбонийлар) ўртасидаги гўё ҳақиқий дин учун кураш никобидаги урушлар бутун бир Хурросон ва Мовароуннахр ўлкаларини бир неча аср давомида ижтимоий-иктисодий ва маданий жиҳатдан таназзулга тушишининг асосий сабабларидан бири бўлган эди.

XX асрда вужудга келиб, исломни восита деб эмас, мақсад қилиб олган турли оқимлар эса оқибатда ислом фундаментализмига олиб келди. Бунинг исботи учун узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Кўпчилик хорижий мусулмон мамлакатларида террористик ҳаракатлар, яқин қўшни ўлкалардаги қонли тўқнашувлар бунга мисол бўла олади. И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида бу ҳақда бундай деб ёзган эди: “Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм

(ўтакетган мутаассиблиқ) сифатида фойдаланганлигини қўрсатувчи мисоллар кўп”<sup>1</sup>. Бу фикрнинг ғоят тўғрилигини Наманган шаҳрида ваҳҳобийлар уюштирган дин ниқоби остидаги машъум жиноятчилик мисолида ҳам кўриб, тўла ишонч ҳосил қилдик.

Ваҳҳобийлар ҳаракати XVIII асрнинг бошларида вужудга келган бўлиб, у XIX асрда яна ҳам кучайди. XX асрнинг биринчи, хусусан иккинчи ярмида турли мусулмон мамлакатларида (Тожикистон, Афғонистон, Чеченистон, Доғистон, Жазоир ва бошқаларда) юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятдан фойдаланиб ваҳҳобийлар ўз таъсирларини кучайтирудилар ва натижада салбий оқибатларнинг келиб чиқишига, ҳаттоқи, қонли тўқнашувларнинг юзага келишига сабаб бўлдилар.

Кейинги ўн йилликлар даврида ваҳҳобийлик ҳаракатининг намояндалари Ўзбекистондаги мусулмонларга ҳам ўз таъсирини ўtkазиш учун турли йўллардан фойдаландилар. Матбуот берган хабарларга кўра: “Хизби” ҳаракати, “Жиҳод”, “Даъват ул иршод” ва “Покистон ислом уламолари жамияти” каби ташкилотлар ёрдамида Ўзбекистонлик, аксарияти Фарғона водийси ёшларидан Пешовор туманида жойлашган диний ўкув юртларида ўқиётгани маълум бўлди. Тайёрланган жангарилар турли ишлар билан Ўзбекистонга келиб ислом давлати барпо этиш мақсадларини амалга оширишни мўлжаллаган эдилар.

Профессор Х.Кароматовнинг шоҳидлик беришича, Наманганда Ислом уйғониши фирқасини тузиш ҳаракати 1990 йилдаёқ юзага келган эди; бу ташаббус ваҳҳобий жамоалари фаолияти асосида авж олди. Уларнинг асосий шиори дунёвий ҳокимият барча ишларни диндорлар билан мувофиқлаштириш, яъни мусулмон давлатини барпо этиш эди<sup>2</sup>. Бу узоққа бормай бартараф бўлди. Шу воқеа билан боғлиқ ва фош этилган баъзи далилларни келтирамиз. Ваҳҳобийлик оқими вакили Кўқонлик Яхё Исҳоқов бу оқимнинг тескари ғояларини ёйиш билан бирга, олтин валюта билан чайқовчилик қилгани учун 5 йилга кесилган, унинг маслақдоши Рустам Алимов унга қўшилиб долларлар билан шуғулланган. Марғилонлик Х.Мадумаров мусулмонлар орасида динни сиёсий воситага айлантириш, ҳокимият тепасига чиқиб олишни тарғиб этувчи минглаб нусҳадаги ёт адабиётни тарқатиш билан шуғулланган. Унинг ҳамشاҳари Ш.Назарбеков бугунги мустақил, адолатли, демократик, хукуқий, адолатли тузумни ёқтирумай, унга таъна тошларини отиб, уни ағдариб, исломий давлат тузишга даъват қилиб чиққан.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср быса\асида: хавфсизликка тащдид, бар=арорлик шартлари ва тара==иёт кафолатлари, Б. 37.

<sup>2</sup> +аранг: Кароматов Х. Фундаментализм, ёшуд ты=ликка шыхлик. Ислом: ба\рикенглик ва мутаассиблиқ. Б. 47.

Фундаменталистлар 1990 йил 2 декабрда 5 аскарни автобусда ёқиб юбордилар; ўша йили баҳорда эса турклар билан низо чикарган ҳам шулар эди. “Айрим жиноятчиларни жавобгарликдан қутултириш мақсадида вилоят прокуратураси биносини ўраб олиб, баъзи бир хужжатларни ёқиб юбордилар”<sup>1</sup>. Бунинг устига у йиртқичлар Э.Маматқулов, М. Носиров, Б.Убайдуллаев каби лавозимли кишиларни ваҳшийларча ўлдирдилар.

Бундан ташқари, республикамизда турли христиан тоифалар, будда, кришна динлари тарафдорлари, шунингдек, аҳмадийлар, баҳойилар, кодиёнийлар, огоҳийлар ва бошқа оқимдагилар ҳам фуқароларни ўз тарафлариға оғдиришга уриндилар.

Баъзи эътиқоди суст мусулмонларда уларнинг таъсирига берилиш ҳоллари бор. Чет элдаги тоифалардан бири “Дор-ул Аркам” дир. Унинг маркази Малайзияда. Бу тоифа аъзоларидан эрқаклар тўпифидан сал юқори турадиган узун кўйлак ва кичик салла билан, аёллар эса қора либос, юзларига фақат кўзи очилиб турадиган никоб кийишлари билан ажralиб турадилар.

Охирги йилларда бу тоифанинг таъсири оз бўлса-да, Ўзбекистонда сезилмоқда. Бу тоифанинг аксарияти сармоядорлар ва тижоратчилардир. Улар биздаги талайгина шахслар билан алоқа ўрнатганлар. Мазкур тоифа Индонезия, Таиланд, Покистон ва бошқа мамлакатларда ҳам ўзига тарафдорларини топди.

“Дор-ул Акрам” ҳаракати кучайиб, Малайзияда ҳатто жиддий муаммога айланди. Улар исломдан чиққан кофиirlар деб эълон қилинди, юртдан қувилди. Ҳозир бу грух раҳбари Таиландда истиқомат қилмоқда<sup>2</sup>.

Ваҳҳобийлар ҳаракатининг мақсади ва мазмунини таҳлил этадиган бўлсак, у ҳанбалия мазҳабидан бошқа бир мазҳабни тан олмаган ва ислом динидаги ҳар қандай янгиликни рад этган; айни пайтда бу диннинг ривожланишига катта ҳисса қўшган азиз-авлиёларнинг хизматини инкор этиб, ёдгорликлар, қабрларни вайрон қилишга чақирган.

Далилларга мурожаат қилайлик. Исломшунос олимларнинг берган маълумотларига кўра, ваҳҳобийлар давставвал Расули Акрам саҳобаларидан бирининг Жубайилидаги қабрини вайрон қилдилар. 1802-1803 йилларда Мухаммад пайғамбарнинг набиралари - Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг қабрларини вайрон қилдилар. Қабр мақбараларидаги қимматбаҳо безакларни, олтин суви юритилган ғиштларни туяларга ортиб ўлжа сифатида олиб кетдилар. Бу ваҳшийликларга қарши чиққан мўйсафидлар, аёллар, ҳатто болалар

<sup>1</sup> Эъти=од комил инсон байроидир. “Ўзбекистон овози”, 1998 й. 14 июл сони.

<sup>2</sup> “Мулқдор” газетаси, 1998 йил, 20 февраль сони.

шафқатсизларча қириб ташланган. Қабрлардаги талон-тарож 8 соат давом этган. Шу вақт ичидә қаршилик күрсатғанлардан түрт минг одам қиличдан ўтказилган.

Тарихий воқеалар шуны күрсатады, вахҳобийлар ислом динини “асл ҳолатига келтириш” даъвати остида босқинчилик, талончилик билан шуғулланишган.

1803 йили вахҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. У ердаги барча қабртошларни, ҳатто Биби Фотима ва саҳобалар соғанасидаги қабр тошларни бузиб ташлашди. 1810 йилга келиб Мұхаммад пайғамбарнинг масжидини ҳам талон-тарож қилишди.

Бундай хунрезликларга чидай олмаган Миср ҳукмдори Мұхаммад Али 1811 йили бу ёвузынка қарши чиқиб, ўз қўшинлари билан аввал Хижозни, сўнг 1818 йили Диръани вахҳобийлардан тозалади. Шундан сўнг ҳокимият мисрликлар қўлига ўтса ҳам, барибир, вахҳобийлар вақти билан ўша давлатни тиклашди. Унинг пойтахти Ар-риёд бўлди<sup>1</sup>.

Вахҳобийлик ғоялари ўтмишда Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда яшайдиган мусулмонлар ўртасида бўлмаган. Биздаги мусулмонлар, асосан, ҳанафия мазҳабига эътиқод қилувчилардир. Ҳозирги даврда бизнинг диний, миллий қадриятларимиз мезонларига қарама-қарши бўлган вахҳобийлар ғоялари катта маблағларга эга бўлган ажнабий кучлар ва уларга эргашган кишилар томонидан тарғиб қилинмоқда.

Фундаменталист вахҳобийлардан аранг қутулганимизда уларнинг ҳорижий ҳомийлари мафкуравий кураш жабҳасига чиқдилар. Бу хуружни Президентимиз И.А.Каримов “мафкуравий таҳдид” деб атаган. У шундай деб ёзган эди: “Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд”<sup>2</sup>.

Гарчи бундай ташкилотларнинг нияти хомҳаёл бўлса ҳам, унга қизиқадиган калта фаҳмлар, бир уриниб кўрайлики, ноумид шайтон дегувчи кимсалар бўлган.

1999 йил 16 феврал куни Тошкент шаҳрида қабиҳ ва разил ниятли кимсалар террорчилик хуружлари содир этдилар. Президентимизнинг “Тошкент шаҳридаги фожеали ҳодисалар муносабати билан мотам куни эълон қилиш тўғрисида” ги Фармонида қайд қилинганидек, “Мустақиллигимизга, халқимизнинг осойишта ҳаётига, юртимиз хавфсизлигига тажовуз қилишга қаратилган бу ёвуз уриниш оқибатида бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> +аралсин: Дунёвий давлат ва дин. Кынгилдаги бузилиш.-Т.: 1998, Б. 24-25.

<sup>2</sup> И.А.Каримов. Ыз келажагимизни ыз =ылимиз билан =урамиз. “Ўзбекистон овози”, 1999 йил, 4-февраль сони.

<sup>3</sup> И.А.Каримов. Тошкент шаҳридаги фожеали щодисалар муносабати билан мотам куни эълон =илиш

Портлаш оқибатида 15 киши ҳалок бўлган, юздан зиёд одам жароҳатланган; жабрланганларнинг деярли барчаси тинч ахоли вакиллари эди. Бу мудҳиш ҳодиса рўй берган жойга етиб келган Президентимиз И.А.Каримов журналистлар берган саволларга жавобида бундай деган эди: “Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтара олмайди. Қўпорувчилик қилганларнинг мақсади ҳалқимизнинг тинчлигини бузиш, қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган”<sup>1</sup>.

Давлатимиз раҳбари бу фожеанинг асл сабабини очиб бериб, бу ноҳуш ҳодиса мамлакатимизда сўнгги йилларда пайдо бўлган ўта хотиржамлик кайфиятининг оқибати эканлигини таъкидлаган эди.

Одамларга бирон-бир диний эътиқодни зўрлик билан сингдириб бўлмайди. Бизнинг ҳалқимизнинг дини, эътиқоди ва миллий қадриятлари кишилар онги ва психологиясига чукур сингиб, жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлашга, ижтимоий тараққиётга хизмат қилиб келган.

Диний фундаментализм ва экстремизм соҳасидаги мафкуравий курашнинг бир жиҳати XX асрнинг биринчи ярмида вужудга келган диний ташкилотлар ва ҳаракатларга бориб тақалади. Шулардан бири «Ихвонул-муслимин» («Мусулмон биродарлари») диний оқими бўлиб XX асрдаги исломий ҳаракатлар ичida энг катталаридан ва кучли мафкуравий базага эга бўлган диний ташкилот ҳисобланади. Унинг асосчиси диндор оилада дунёга келган мактаб ўқувчиси Шайх Хасан ал-Банно (1906-1949) ҳисобланади. У ўз фаолиятини 1928 йилда бошлаб, асосий эътиборини динни тарғибот қилиш, Қуръон ва ҳадис кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш ҳамда масjid ва диний мактаблар қуриш зарур деб билган. 1933 йилда ҳаракатнинг «Ихвон ал муслимин» номли ҳафталик газетаси ташкил этилди. «Ихвонул муслимин» ўта радикал, экстремистик ташкилот бўлиб, ўз фаразли ниятларини амалга ошириш учун мавжуд давлат ва ҳукуматларга қарши, жиҳод эълон қилди. Бу мақсад йўлида ўзини-ўзи ўлдириш масаласини ҳам дастлаб Ал-Банно «Фанул-моут» («Ўлим санъати») китобида асослаб берди. Ал-Банно таълимоти асосида жангарилик амалиётини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча экстремистик ҳаракатлар, ҳатто зарур бўлса ўзини-ўзи қурбон қилиш бўйича фатво ҳам берилган эди. «Мусулмон биродорлар» ташкилотининг асосий вазифаси террорчилик хужмлари бўлгани учун уни бошқарувчи «Махфий аппарат»ни тузди. Бу ташкилот аъзоларининг кучли террористик фаолияти шу асосда

тығрисида. “Ўзбекистон овози”, 1999 й. 18-февраль сони.

<sup>1</sup> Танланган йылимиздан бизни щеч ким =айтара олмайди. “Ўзбекистон ахбороти агентлиги”, “Ўзбекистон овози”. 1999 й., 20-февраль сони.

давом этди ва 1948 йили ўз кулминациясига етиб, Миср бош вазири Маҳмуд Фахмий Ан-Нақрошийни ваҳшиёна ўлдиришда кузатилади. Бу жиноят ижрочилари деб, «Ихвон ал-муслимин» вакиллари гумон қилинади ва бош вазир ёрдамчилари унинг қатли эвазига Ҳасан ал-Баннонинг қатл этилишини талаб қиласидилар. 1949 йил 12 февралда раҳнамоси Ҳасан ал-Банно қатл этилади. Ушбу ҳаракат каби мутаассиб диний оқимлардан бири бўлган «Жиҳод» ҳаракати вакиллари тарафидан Анвар Содат жонига қасд қилинди. Бугунги кунда ҳаракат фаолияти Мисрда расман тўхтатиб қўйилган. Ҳозир бу ташкилотнинг аъзолари қанчалиги номаълум, аммо 1952 йилдаги маълумотларга асосан 4 млн. аъзолари бор эди.

Мисрда яна шундай ўта радикал экстремистик гурӯҳлар ва ташкилотлар борки, жумладан «Ал-жамоа ал-Исломия» (1970); «Ал-жиҳод ал-Исломия» (1970-1979); «тақдир ва Хиджра» (1967), «Жиҳод» ва бошқаларни фаолиятининг асосий йўналиши исломни тарғибот қилиш мамлакат ичидаги диндан чекинган худосизлик элементларига қарши курашиш ислом давлатини тиклашда жиҳод йўли ёки турли зўравонлик ва қўпарувчилик воситалари орқали ўз мақсадларига эришишдан иборат. Айни замонда бошқа мусулмон халқлари бўлган давлатларда ҳам шундай тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишдир.

1953 йилда «Мусулмон биродарлар» ўюшмасининг бир гурӯҳ аъзолари Иорданияда «Хизбут таҳrir ал-исломий» номли янги партияни тузди. Ҳозирги вақтдаги ғайри исломия диний ташкилотлардан бири «Хизбут-таҳrir ал-исломий» диний экстремистик партияси бўлиб, бу йўналиш мазмуни ва ҳаракати жиҳатидан ўз қамровига «Ислом уйғониш партияси», «Адолат», «Ислом лашкарлари», «Тавба», «Хизбуллоҳ», «таблиғ», «Узун соқол», «Акромийлар», «Нур» кабиларни олади.

«Хизбут-таҳrir ал-исломий» партиясининг асосчиси фаластинлик илоҳиётчи Тақий ад-дин ан-Набиҳоний (1909-1979) ҳисобланади. У «Ислом низоми», «Хизбут-таҳrir» ва бошқа китоблар ёзган. Партияning дастури 187 бобдан иборат бўлиб, асосий мақсади ҳокимиятга эришиш. Яъни барча мусулмон давлатлари хузурида ягона ислом давлати-«Халифалик» тузишни мақсад қилиб олган.

Унинг таълимоти уч босқичдан иборат:

1. /оявий фикрий кураш.
2. Жамиятда ғоявий инқилобни амалга ошириш.
3. Ҳокимиятга фақатгина умма жамоасининг тўлиқ розилигидан сўнг келиш.

«Хизбут-таҳrir ал-исломий» тарафдорлари Тунис, Ироқ, Жозоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятини яширин олиб бормоқдалар. Унинг ҳозирги кундаги раҳбари Абд ал-Қадим аз-Зуллумдир. «Хизбут-

тахир» тузилиши жиҳатидан пирамида шаклида яъни халқа тартибида ҳар бир гурӯҳ 5-6 кишидан иборат. Унинг ўқув ишига Мушриф раҳбарлик қиласи, Амир Мушрифга машғулотларни ўтказишда ёрдам беради. Қароргоҳи-Англия-Лондон. Ўзбекистон худудида «Хизбут-тахир»нинг бошланғич бўлимлари ташкил топа бошлаган эди.

Терроризм ва экстремизмнинг тарқалиши ва фолиятини амалга оширилиши молиявий жиҳатдан таъминланишига боғлиқлигини ҳар бир одам чукур идрок этиши лозим.

МДҲ давлатларида 1990 йиллардан бошлаб кириб келган турли экстремистик гурӯҳларни «ал-Қоида» ва шунга ўхшаш экстремистик, террористик ташкилотлар молиявий таъминлаб келганлар. «Ал-Қоида» бу вазифани бажариш учун қўпорувчилик операцияларини сурункали ўтказиб келмоқда, унинг йўллари турлича. Масалан, наркобизнес, киднеппинг (товон олиш мақсадида кишиларни гаровга олиш), бой мусулмон оилаларидан қўрқитишиш орқали пул ундириш каби усуллар орқали маблағ тўплайди.

Энди терроризм тушунчаси ва унга қарши курашиш йўллари ҳақида фикр юритамиз. Террор лотинча сўз бўлиб, «қўрқув», «дахшат» маъноларини англатиб, жамиятда барқарорликни келтириб чиқаришга, халқ кўнглига ваҳима солишга қаратилган сиёсий курашдир. Терроризм энг хавфли ва олдиндан кўра билиш мураккаб бўлган жиноятлар сирасига киради. Унинг қўламини кенгайиб бораётганлиги ва ақл бовар қилмас шаклларни олаётганлиги жаҳон ҳамжамиятини энг хавотирли муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, терроризмни ташкил қилувчи ва амалга оширувчи яширин ташкилот бўлиб, улар шу йўл билан ҳокимиятни қўлга киритмоқчи бўладилар.

Терроризмнинг асосий мақсади тинч, осойишта яшаётган давлатларда қўпорувчилик ишларини амалга ошириб, халқлар кўнглида ваҳима, қўрқув хиссиётларини кучайтириб жамиятда бекарорликни юзага келтиришдир. Улар бу харакатларини кенг омма номидан қилиб кўрсатишга интиладилар. Бу ҳеч қачон оммавий характерга эга бўлмайди, аксинча айрим шахслар ва гурӯҳлар томонидан амалга оширилади.

Яна терроризмнинг асл мақсади кўп сонли қурбонлар ёки катта моддий заар етказиш эмас, балки улар мақсадга эришиш воситаси холос. Бинобарин, террористик хуружлар орқали миллионлаб инсонларда ва охир оқибат жамиятда парокандалик туғдиришдир.

Терроризм бугунги кунда пайдо бўлган ҳодиса эмас. Ўтмишда содир этилган террористик ҳаракат бирор шахс ёки сиёсий арбобга қарши уюштирилган бўлса бугунги кунда уни кўлами кенгайиб бораётганлигини тушуниб олишимиз лозим.

Халқаро терроризм-бу давлатлар, халқлар муносабатларини, сиёсий партия ва ҳаракатларни бекарорлаштиришга қаратилган сиёсий қўпорувчилик фаолиятдир.

Халқаро террорчилик ҳаракатлари мазмунига:

-халқаро ҳукуқ ҳимоясидаги обьект ёки субъектларга қарши мустақил давлатлар чегараларини бузиш;

-кўпорувчилик ишлари икки ёки ундан ортиқ кишилар, шунингдек, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томондан содир этиш;

-экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар худудига ташкил этилган маҳсус лагерларда тайёрлаш;

-халқаро терроризми экстремистик гуруҳларни тайёрлашда халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси ва наркобизнесдан келадиган молиявий манбалардан фойдаланиш<sup>1</sup> кабилар киради.

Бундай террорчилик, қўпорувчилик ишларини амалга ошириш учун катта молиявий маблағ талаб қилинади. Бундай маблағни чет элдаги террористик йўналишдаги норасмий ва расмий экстремистик ташкилотлар турли йўллар орқали топишга ҳаракат қилмоқдалар. Жумладан, «ал-Қоида» ташкилоти Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида транспорт, қимматбаҳо метал қазиб олиш, соҳта пул ишлаб чиқиш, наркобизнес, босқинчилик, товон тўлатиш каби қўпгина ғайриинсоний ҳаракатлар орқали молиявий базаларини мустаҳкамламоқдалар.

Ҳозирги кунда глобал муаммога айланиб бораётган халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш барча давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда. Терроризмни олдини олиш ва заарасизлантиришда биринчи навбатда молиявий манбани қирқиши зарурий ҳол ҳисобланади. Фақат героин моддаси билан савдо қилиш соҳасини олиб кўрсак қуидагичадир. Масалан, 1 кг героин Афғонистон чегарасида 900 АҚШ доллорига teng, Ўзбекистон вилоятида-20000, Тошкентда-25000, Москвада эса-100000 АҚШ доллорига teng ва ҳаказо. Бундан келадиган даромаднинг миқдори катта бўлганлиги учун йил сайин героин экиладиган майдон чет элда кўпайтирилмоқда, жумладан, 2003 йилда героин экиладиган майдон 80000 гектар бўлган бўлса, 2004 йили бу 120000 гекторни ташкил этди.

Шунинг учун экстремизм ва терроризмга қарши кураш давлатларининг доимий эътиборидан бўлган муаммодир. Ўзбекистон Республикасини бу борада Марказий Осиё ва чет элдаги мавжуд терроризм, наркобизнес, ноқонуний қурол савдоси каби қатор

<sup>1</sup> =аранг: Диний экстремизм ва терроризмга =арши курашнинг маънавий-маърифий асослари.-Т.: 73-74.

таҳдидлар мавжудлигини ҳисобга олиб, ўз ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиққан ва шунга амал қилади. Шунингдек, Ўзбекистон бутун дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилган барча халқаро дастурларда иштирок этиш билан экстремизм ва терроризмга қарши курашишда фаол қатнашиб келмоқда.

**Диний экстремизм ҳаракатларини олдини олишнинг маънавий-маърифий асослари.** Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб, бош кўтараётган, ўта маккор ва ёвуз услубларни қўллаётган бугунги кунда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан минтақамиздаги давлатлардан бу хавфли балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Бир ёқадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба бериш, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик хуружларини олдини олиш, уларнинг мағкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизни қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни ҳам тақозо этмоқда. Муайян кучларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган компанияси, гоҳида эса уларнинг террористик табиатга эга зўравонлик усулларига ўтишлари таъсирида диний онгнинг радикаллашуви шароитида, ёшларимиз онгидаги ҳуқуқий соҳада ҳам оммавий чораларга кучли эҳтиёж сезилади.

Диний экстремизм ҳаракатларини олдини олиш факат бизнинг минтақамиздагина эмас, балки Шарқдаги ислом мамлакатларида ҳам жиддий аҳамиятга молик масала бўлиб қолди. Масалан, араб шарқини турли давлатларида ислом экстремизмига барҳам беришга оид жиддий чоралар кўрилган:

-1977 йил 2 июлдан эътиборан Миср Араб Республикасида барча диний-сиёсий партиялар тақиқланган.

-1980 йил 7 июлда Сурия Араб Республикасида «Мусулмон биродарлари» партияси аъзоларини қатл этиш тўғрисида қонун қабул қилинган.

-1981 йил 31 марта Ироқда «Ислом даъвати» партияси аъзоларини қатл этиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, диний ташкилотлар фаолияти «уй ва масжид» доирасида чекланган.

-1981 йил Тунисда мамлакатда ислом ақидапарстлиги ғояларини тарғиб этмаслик ҳамда мактаб ва жамоа ерларида динга хос либосларни кийиб юрмаслик тўғрисида қонун қабул қилинган.

Жазоирда «Сиёsat билан факат сиёсий арбоблар шуғулланади» шиори эълон қилинган.

XX аср охирига келиб дунёда, айниқса, унинг жўғрофий-сиёсий харитасида катта ўзгаришлар бўлди, янги-янги мустақил давлатлар пайдо бўлиб, жаҳон ҳамжамиятига келиб қўшилдилар. Шу билан бирга, бу асрнинг охири ўзига хос тарзда диний қадриятларга қайтиш даври ҳам бўлди. Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин

халқимизнинг маънавий ва маданий меросига, тарихига муносабат тубдан ижобий томонга ўзгарди. Шу билан бирга, Марказий Осиёнинг мустақилликка эришган мамлакатларига ислом таълимоти номидан иш кўриш, ўз давлати сиёсатини ислом воситасида «таҳдил» қилишга уриниш, шу йўлда турли хил фитналар уюштириш, бузғунчилик ҳаракатлари ҳам кучайди. Мазкур мамлакатларда турли экстремистик оқимларнинг мақсадлари ва кирдикорларини оммага тушунтириш, бундай оқимлар фаолиятини чеклаш ва таъқиқлашга эътибор кучайтирилди. Жумладан, 2005 йил бошларида Қозоғистонда «Хизб-ут таҳрир» ташкилоти фаолияти таъқиқлаб қўйилди.

2000 йилда «Терроризм ва экстремизмга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Давлат дастури қабул қилинди. Унинг асосида ўша йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Конуни қабул қилинди. Нью Йорк ва Вашингтонда 2001 йил 11 сентябрда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг АҚШ бошчилигига тузилган халқаро терроризмга қарши кураш коалицияси таркибига Ўзбекистон Республикаси ҳам кирди.

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Кўшма Штатлари ҳукуматларининг 2001 йил 7 октябрдаги Кўшма Баёноти ва икки мамлакат ҳукуматлари ўртасидаги халқаро терроризмга қарши кураш борасида имзоланган битим ўзаро мажбурият ва кафолатларнинг ҳукуқий асоси, умумий манфаатларининг амалий ифодасидир. Айниқса, Шанхай ҳамкорлиги давлатлари саммити доирасида Тошкентда аксилтеррор марказнинг ижроия қўмитасининг иш бошлиши яна бир бор Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги обрў-эътибори ортиб бораётганлигини, жаҳон сиёсатининг фаол иштирокчисига айланганлигини, у танлаган сиёсий йўлнинг тўғрилигини ҳамда ўз халқи манфаатларидан келиб чиқиб саъй-ҳаракатлар олиб бораётганлигининг ёрқин далили бўлди.

Ислом Каримов БМТда сўзлаган нутқида (1993), ЕХХТнинг Истамбул саммитида (1999) давлат раҳбарлари билан учрашганида терроризм ва унинг манбалари, базалари, фаолиятини бартараф этиш бўйича амалий таклифлар билан чиқди ва «Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ» тузиш таклифини ўртага ташлади.

2000 йилнинг сентябр ойида БМТ Бош Ассамблеяси «Минг йиллик саммити»да Президентимиз минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризмга қарши курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътиборни қаратди.

Бугунги кунда терроризм хавф солиши мумкин бўлмаган

давлатнинг ўзи йўқ. Шундай экан дунёниг барча давлатлари бир-бирларига ёрдам бериб, бир-бирларининг ёрдамларига суюнган ҳолда терроризмга қарши курашмоқдалар.

Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари фақат 2000-2004 йиллар давомида қўп марта учрашдилар ва хавфсизликни таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Жумладан, 2000 йил апрел ойида Тошкентда, 2000 йил август ойида Бишкеқда, 2001 йил Остонада, 2004 йил октябр ойида Душанбеда бўлиб ўтган учрашувларда миңтақада хавфсизликни таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Хусусан, «Террорчи гурухлар фаолиятини тўхтатиш, уларнинг раҳбарлари рўйхатини тузиш, раҳбарларни тутиб жазолаш» ҳақида муҳим хужжатлар қабул қилинди.

2005 йил 13 майда Андижонда содир бўлган воқеалар диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг Ўзбекистон мустақиллиги ва юртимиз тинчлигига жиддий ҳавф туғдираётганини кўрсатди. Жаҳоннинг кўпчилик оммавий ахборот воситаларида таъкидлаганидек, Андижондаги юз берган фожиани бартараф этиш учун кўрилган чора тадбирлар Ўзбекистон раҳбаријатининг диний экстремизм ва халқаро террорчилик муаммосига нисбатан кураши қатъий эканлигининг исботидир. Ҳорижнинг кўпчилик мутаҳассислари Андижондаги экстремистик ҳаракатларни қаттиқ қораладилар.

Маълумки, узоқ тарих давомида халқимизнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, ўзаро муносабатлари, ҳамкорлик, ҳамдардлик, вафодорлик, бир-бирига суюниш, яхши қўшничилик, болажонлик, отаонанинг болага, боланинг ота-онага ҳурмати, садоқати эъзозланиб келинган. Ушбу қадриятларнинг қарор топишида ислом динининг асослари Қуръон ва ҳадисларда олға сурилган, реал, дунёвий қарашлар, фикрлар ҳам муҳим ўрин тутади. Шу сабабли ўзбек халқининг илм фан хазинаси, миллий маънавияти, маънавий қадриятларнинг қайси томонга назар ташламайлик, уларнинг замирида чуқур ижтимоий, ахлоқий аҳамият касб этадиган инсонпарварлик ғоялар мавжудлигини кўрамиз.

Шунингдек, Турон заминида шахс умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида тарбияланган. Ушбу жараёнда дин инсон маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлган. Агар ислом дини мисолида олиб кўрадиган бўлсак, Қуръон, ҳадислардаги ғояларда ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмонларнинг тақдири хукуқлари деб тан олинган фикрлари орқали кишиларда иймон, эътиқод орқали дунёвий муаммоларни ҳал этишга керак деган даъвати ислом таълимотида катта ўрин олган.

Афсуски, бугунги диний экстремизм бундан 40-50 йил илгари диний экстремизм ва фундаментализмдан бир неча баробар хавфлидир. Чунки, дин ниқоби остида ақидапарастлик ғоялар билан қуролланган

экстремизм гиёхванд моддалар тарқатиш, қурол-яроғ савдоси, халқаро терроризм билан қўшилиб кетди. Энг ёмони, экстремистлар ва ақидапарастлар мақсадларини қориштиromoқчи бўляяпти ва бундай ғоялар билан ёшларни онгини заҳарлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги кунда инсоният терроризм мамлакатлар халқлари учун катта таҳдид солаётганини тушуниб етди. Шунингдек, унинг ислом динига ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, ислом тинчлик ва меҳрибонлик дини бўлган, одамларга раҳм-шафқатли ва адолатли бўлишни, муҳаббат ва биродарликни буюрадиган дин эканлиги тўғрисидаги ҳақиқатни бутун дунё тушуниб етди. Ислом динини ниқоб қилиб қабиҳ ишларни амалга ошираётган бир гурух мутаассиблар ер юзидағи бир ярим миллиардга яқин мусулмоннинг дунёқарашини белгилай олмайди. Диний экстремизм қандай кўринишида бўлмасин, қандай ном билан аталмасин унинг асосий мақсади ҳокимият тепасига чиқиши эканлигини, диний экстремизм ҳақиқий ислом динига заррача алоқаси йўқлигини ёшлар тушуниб олишлари ҳам бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Исломнинг чинакам ахлоқий асосларини англаб етган кишининг шафқатсизлик, ваҳшийлик, куч ишлатиш тарафдори бўлишини тасаввур қилиш қийин. Худди шунинг учун ҳам Ислом таълимоти экстремизм ва террорчилик балосини таг-томири билан тугатиш йўли ҳисобланади. Ислом дини жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишига қарши бўлиб, одамлар қалбига тартибсизлик, душманлик, бузғунчилик, ёвузлик ва нафрат уругини сочадиган кимсаларнинг ҳатти-ҳаракатларини ҳеч қачон қўллаб қувватламайди. Бутун дунёда террорчилик ва экстремизмга қарши кураш йўлида зудлик билан қўйилиши керак бўлган биринчи қадам бу жамиятда маърифат, маънавий, ахлоқий тарбияни йўлга қўйиш, маърифий исломдан фойдаланишdir.

Ислом маърифати-маънавиятимизнинг таркибий қисми бўлиб, у эътиқод эркинлиги сифатида дахлсизdir. Аммо диний экстремизм мазҳабпарастлик, ақидабозлик-ўта хавфли ҳодиса. Бизни оқил ва ориф этадиган, фазилатимизга фазилат қўшадиган таълимотларни олишимиз, жаҳолат ва тубанликка, айирмачилик ва маданиятсизликка тортадиган оқимлар, иллатлардан узоқ турушимиз, жамиятимиз яқдиллигига раҳна соладиган гурухлар таъсирига берилмаслигимиз ва ёшларни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз зарур.

Ислом ҳеч қачон қирғинга, биродаркушликка, қон тўкишга даъват этмайди. Одам ўлдирма, ноҳақ қон тўкма, бировнинг ҳақини ема, зино қилма сингари муқаддас тушунчалар ислом ахлоқининг асосий устунларидан саналади. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салам: «Исломнинг энг ишончли нарсаси иймондур». Ва шу билан баробар: «Мусулмонни сўқмоқ-гуноҳдир, унга курол кўтармоқ-куфрдир, уни ғийбат қилмоқ-улуғ ёзукдур (гуноҳдир) мўминнинг қони

ҳаромдур»<sup>1</sup>-деганлар. Ўзини соф диндор ҳисоблаётган ақидапарастлар ва ваҳоббийлар-чи, нимага биродарқушликдан, ноҳақ қон тўкишдан қўрқмаётилар? Чунки улардаги ҳокимиятга, давлатга эгалик қилишга интилиш ҳисси қалб кўзларини кўр қилиб қўйган. Улар аллақачон нафс қулига айланиб қолишган. Улар учун дин, намозхонлик бир баҳона, ниқоб. Бу гурух шу ниқобдан фойдаланиб, қанчадан-қанча гуноҳ ишларга, жиноятларга қўл ураяпти.

Бизнинг йўлимиз аниқ-равшан: дин инсон руҳияти, қалбини поклайди. Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, ҳар ким истаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги мумкин. Аммо энди миллий қадриятларимизни «динни тозалаш», «соф динга қайтиш» ниқоби остида ташвиқот олиб бориб, одамларни таҳликага солиш, қонли жиноятлар содир этиш, отани болага, акани укага душман қилиб, жамиятимизни хавф остига қўйғанлардан асраб-авайлашимиз лозим. Уларнинг бу кирдикорлари ва қилаётган номаъқул ишларига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бу ёш мустақил давлатимизга очиқдан-очиқ тажовузи мустақиллигимизни ҳам хавф остига қолдиради.

Шуни ҳам англаб этиш керакки, Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида ўзига хос ва мос йўли бўлгани каби маданий-маънавий ривожланишда ҳам ўз йўлимиз бор. Бу ўзига хосликни динга бўлган муносабатда ҳам кўрамиз. Яъни, мўътадил диндорлик, ислом маърифатини ривожлантириш, ҳазрат нақшбанд васиятларига риоя қилиш, кишиларимизнинг ички-ботиний оламини поклаб, Аллоҳни дилда сақлаб ақлу тафаккур, илму урфон билан камолот касб этиш, ўз меросий қадриятларимиз ва дунё илмини эгаллаб, замон билан ҳамқадам олға боришга эришиш эзгу мақсадимиздир. Бу мақсад бизни чинакам маърифат сари етаклайди. Ҳақиқий маърифат дини сифатида ислом маънавияти бизни шунга даъват этади.

### Таянч сўзлар:

- |                             |                                |
|-----------------------------|--------------------------------|
| 1. Фундаментализм           | 10. «Хизбуллоҳ»                |
| 2. Экстремизм               | 11. «Жиҳод»                    |
| 3. Терроризм                | 12. «Хизбут таҳрир ал-исломий» |
| 4. Ақидапарастлик           | 13. «Акромийлар»               |
| 5. Ваҳҳобийлик              | 14. «Тавба»                    |
| 6. «Ихвонул муслимин»       | 15. «Нур»                      |
| 7. «Дор-ул Акрам»           | 16. «Ал-Қоида»                 |
| 8. «Узун соқол»             | 17. Халқаро терроризм          |
| 9. «Ислом ўйғониш партияси» | 18. Героин                     |

<sup>1</sup> Ахло= одобга щадис намуналари. Т., Фан. 1990, Б. 57-63.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Диний фундаментализм тушунчаси нима, ислом фундаментализми чи?
2. Экстремизмнинг келиб чиқиши ва манбалари нима?
3. Терроризм тушунчаси, унинг экстремизм билан боғлиқлиги нимада?
4. Терроризм ва экстремизмнинг молиявий манбалари қандай таъминланади?
5. Экстремизм ва терроризмни глобал муаммога айланиши ҳамда давлатлар учун таҳдииди нимадан иборат?
6. Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш сиёсати қандай?

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2000.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.
5. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадислар. 1-4 жиллар-Т.: 2000.
6. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари.-Т.: «Фан», 1990.
7. Абдулатиф Кори Ҳошимжон кори ўғли. Залолатга кетманг! Ҳизбут-тахрир фитнасидан огоҳ бўлинг.-Т.: Мовароуннахр. 2003.
8. А.К. Закруллоҳ., Б.Х. Ахунов. Диний экстремизм ва терроризм.-Т.: «Максграфика», 2004.
9. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. «Тошкент ислом университети» нашриёти-матбаа бирлашмаси.-Т. 2005,-Б. 72-73, 75-76.

### **16-МАВЗУ: МИЛЛИЙ /ОЯ ВА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

#### **Режса:**

1. *Миллий гоянинг диний илдизлари.*
2. *Миллий гоя ва ахлоқнинг умумалоқадорлиги.*
3. *Фуқаролик жамиятда миллий гояни шакллантириши омили.*

Миллий ғояга бағишланган мавжуд адабиётларда Президентимиз томонидан асослаб борилган ғоя - юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишга хизмат қиласиган яхлит ва изчил таълимотдир деган назарияга асосланилади. Миллий ғоянинг тарғиботи ва шаклланишида аждодларимиз мероси, хусусан ислом ва исломий қадриятларниң ўрни ва роли алоҳидадир. Чунки, дин минг йиллар давомида инсоният ҳаётининг ҳамма томонлари билан чамбарчас боғланиб, унинг турмуш тарзига айланиб кетган. Исломий қадриятларниң тарғиб ва ташвиқ қилиш натижасида кишиларда инсоф, иймон, виждон, бировларниң ҳақини емаслик, ўғрилик қилишдан кўрқиш, ҳалол билан ҳаромни фарқлаш, инсонпарварлик, камбағалпарварлик, етимпарварлик, ҳайри - эҳсонли бўлиш фазилатлари шакллана борган ва бу ислом динига эътиқод қилувчиларниң миллий хусусиятига айлана борган.

Миллий ва диний қадриятларниң уйғунлашуви инсон ва жамиятниң маънавий жамланишига хизмат қилган. Зеро, бу қадриятлар ва руҳий билимлар мазмун - моҳиятини эзгулик ва покликка даъват этувчи ғоялар ташкил этган.

«Биз мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари хукукини қайта тикладик; деган эди И.Каримов, - бинобарин, қалбимиз бу бебоҳа хазинани чуқурроқ идрок қила борган сайин ҳалқининг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўла боради»<sup>1</sup>. Ислом дини асрлар давомида ҳалқимизнинг нафақат диний эътиқоди, балки турмуш тарзи, маънавиятининг таркиби қисмини ташкил этиб, миллий хусусияtlари, қадриятларини ривожланишига ҳисса қўшиб келган. Бугунги кунда янги фуқаролик жамият қуришда ислом дини миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, миллий ва диний қадриятларни, аждодларимиз меросини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, хусусан, исломий ахлоқ - одобни мазкур таъсирчан тарғибот воситасидан унумли фойдаланиш, миллий ғоя ва ахлоқни шакллантиришга, жамиятимиз аъзолари маънавиятини бойитишга, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга ҳам кўмаклашади.

Марказий Осиё ҳалқлари ҳаётига исломнинг кириб келиши, унинг қадриятларини кенг тарғиб қилиниши натижасида минтақада миллий қадриятларини ривожланишига ва айни вақтда, миллий ғояни шаклланишига ҳам туртки бўлди. Дастребларни даврлардан бошлаб калом яъни ислом фалсафасини, диний талабларни бажаришда араб тили устиворлиги ўрнатилди. Сўнгра фан, адабиёт, фалсафа маданиятининг турларига ҳам араб тилининг таъсири кучли бўлди. Аммо ислом манбалари ва қадриятлари ҳақидаги ёзма манбалар асосан араб тилида

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагош каби му=аддасдир. З-жилд. – Т.: Йизбекистон, 1996. – Б. 283

бўлса ҳам миллий маданиятмиз, урф-одат, анъаналаримиз ривожланишда давом этди ва маънавиятимиз бойишига хизмат қилди. Демак, ҳалқимиз ҳаётида миллий қадриятлар илм - маърифат ва маданиятнинг ривожланишида ислом кенг имкониятлар яратган. Зеро, минтақада исломнинг ҳалқ ҳаётига кириб келган даврдан бошлаб ташкил этилган мактаб, мадраса ва диний дорилфунунлар савод ва билимга йўл очган. Ўрта асрларда шаклланиб ижод этган саводли киши, олим, шоир, маърифатпарвар, мутафаккирларнинг ҳаёти ва фаолиятида ислом ижобий рол ўйнаган.

Диний шу жумладан, исломий қадриятлар диний онг шаклига эга бўлган кишиларда ўз ифодасини топиб, амалиётга татбиқ этилади. Диний онг шаклланишида диний эътиқод муҳим ўрин тутади. Эътиқод сўзи араб тилидан кириб келган бўлиб, чуқур мустаҳкам ишонч маъносини англатади. Демак, диний онгни шакллантирувчи эътиқод деганда мустаҳкам чуқур ишонч, маслак, икрор бўлиш тушинилади.

Инсонлар эътиқодини, шу жумладан диний онгни шаклланишига хизмат қиладиган восита билим ва ғоялардир. Зеро, инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Инсоният ва жамиятнинг мақсад сари етаклайдиган, ҳаракатга келтирадиган куч ғоядир. Яъни муайян мақсадлар йўлида бирлашиб ҳаракат қилишга олиб келувчи кўпчиликнинг эътиқодига айланган асосий маслак ғоядир. Диний онгга асосланган диний ғоя ана шулардан биридир.

Диний онгни шакллантирувчи эътиқод ўзига хос муайян ғоя сифатида умуминсоний табиатга эга. Диний онг инсон зотига хос бўлган руҳият маънавий ҳолатдир. Диний онгнинг асосий моҳиятини белгиловчи ғоя илоҳий зот - яратувчига ишониш ва унга сифиниш, турли диний анъана ва қадриятларга риоя қилиш орқали илоҳий ҳақиқат йўлига кириш мақсади намоён бўлади. Бу маънавий андозалар – меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, адолатлилик, имонлилик, инсофлилиқ, одамларни бир-бирига ишончи ва ҳурмати каби қарашлари диний онгни шакллантиради.

Шахс ва ижтимоий онгидаги диний ғояни шакллантириш айниқса, ислом минтақамизга кириб келган даврларда анча мураккаб ва зиддиятли жараённи бошдан кечирган. Бизнинг худудимизга киритилган исломнинг ҳанафия мазҳаби энг мўътадил мазҳаблардан бўлгани учун маҳаллий ҳалқларини мавжуд миллий урф-одатлари, анъаналари билан уйғунлашиб, диний ғояни шаклланишига кенг йўл очди. Кейинчалик эса миллий ғояни ҳам шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди.

Республикамизда фуқаролик жамияти қурилаётган ҳозирги шароитда, миллий ғоя тарғиботида исломий қадриятлардан фойдаланиш хусусида фикр юритганда бу қадриятларнинг ҳалқимиз тарихида ва

ҳозирги вақтда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача тўхташни лозим топдик.

Масалан, исломда, энг аввола, дин асослари – «аркон-ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик руқн талалабларини бажаришга эътибор қаратилди. Ҳозир ҳам шундай. Булар, биринчидан, калимаи шаҳодатни билиш; иккинчидан, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш, учинчидан, ҳар йили рамозон ойида бир ой рўза тутиш; тўртинчидан, йилига бир марта шахсий молидан закот бериш; бешинчидан, имкон булса, умрида бир марта хаж қилишдан иборат. Исломга хос маросимлар ва одатлар мана шу беш руқн билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари турли элат ва ҳалқлар турмуш тарзига киритилган, ўзига хос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айлантирилган. Инсон тафаккурида шаклланган бундай диний ғоя ижтимоий ҳарактерга эга бўлиб, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирган. Бу ҳолат фақат диний мазмун ва ҳаракат билан чекланмасдан, балки ижтимиой ҳаётдаги мақсадларини амалга оширишга ҳам кўмаклашган.

Исломий қадриятларни бажарадиган, ислом дини ва маънавиятига ўзини алоқадор деб ҳисобловчи ҳар бир кишида ислом руқнлари орқали аввало диний ғоя шаклланади, кейинчалик у миллийлик билан уйғунлашади.

Исломнинг руқнларидан бири – ташаҳҳудни – калимаи тойийбани билиш, яъни Аллоҳнинг бирлиги ва Пайғамбар Мухаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг элчиси эканлигига чин дилдан иқрор бўлиб, бу калимани доим такрорлаб юриш зарур деб ҳисобланади. Бу ҳар бир мусулмон учун ислом динига мансублигини белгиловчи бош масаладир. Кишилар онгода диний ғояни шакллантиради. Руқнлардан яъна бири намоз ўқишидир. Ислом ўз муҳлисларидан кунда беш вақт намоз ўқишини талаб қиласди. Булар – бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон намозларидир (булардан ташқари нафл намози, тарабух, хайит намозлари ҳам бор). Намоз ўқишига киришишдан олдин таҳорат қилиш буюрилган. Яъни намоз ўқийдиган одамдан поклик талаб қилинади. Намоз Аллоҳга ҳамду сано ўқиши, намоздан сўнг ўз ниятларини айтиб, ундан марҳамат тилашдан иборат. Бундай ижобатга эришиш учун либос ва танани поклиги етарли эмас, энг муҳими қалби пок бўлиши керак. Ислом кундалик беш вақт намоздан ташқари, муҳим ишлар олдидан ҳам худога сиғинишни талаб қиласди.

Ислом динига эътиқод қилувчилар, хаттоқи унга тўлиқ риоя қилмайдиганлар орасида хаж амалини бажариши хохловчилар анчамунча. Ҳаж қилиш шўролар даврида жуда чеклаб қўйилган эди. 1991 йилдан бошлаб, бу тадбирга кенг имконият яратилди. Натижада республикамиздан ҳар йили минглаб кишилар ҳажга боришга муваффақ

бўлишди. Ҳар йили ҳаж сафарига мусулмонлардан 3500-4500 киши бориб келадиган бўлди. Исломнинг беш асосий руқнларидан бири бўлган Ҳаж зул-хижжа ойида Ислом муқаддас шаҳар ҳисобланган Маккага бориш, у ердаги Муқаддса жойларни зиёрат қилиб, турли диний урф-одат ва маросимларни бажариш билан Мадинага бориб, Пайғамбар Мұхаммад (с.а.в.) қабрларини зиёрат қилиш, Ислом динининг бешинчи амалларини бажаришdir. Бунда мусулмон киши ўз оиласини иқтисодий томондан таъминлаб, болаларини уйлантириб оиладан иқтисодий томонидан қутилса, ҳаж қилишга қурби етса ҳажга бориши мумкин. Диний таълимотга асосан ҳаж амалини бажарган киши ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши тасавур қилинади. Кўпчилик ҳожилар шунга амал қиласи ва маънавий-ахлоқий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Ҳар бир диннинг ўзига хос маросимлари тизими, байрамлари бўлади. Диний маросимлар диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги ифодасини ташкил этиб, миллий хусусиятларни ўзида сингдирган диний ғоя ва дунёқарашини шакллантиради.

Диний қадриятлар, маросим ва анъаналарнинг шаклланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Ибтидоий дин шаклларидан бошланган бу жараён миллий ва жаҳон динлари шаклланиб, кенг ёйила бошлаган пайтларда анча ривожланган. Ҳозирги диний қадриятларнинг мавжудлиги диний таълимотларга асосланса-да унинг ривожланиши жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий тараққиёти билан мустаҳкамланган. Улар халқимизнинг турмуш тарзи ва жамият ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий ва диний ғояларнинг тарғиб-ташвиқотида ва шаклланишида ўзбек халқи ҳаётида ислом жорий этган хайитлар, муқаддса кунлар муҳим ўрин эгаллаган. Чунки бундай тантанали кунлар диний мазмунидан ташқари кўпинча миллий байрам сифатида нишонланади. Бундай байрамларда бутун оила аъзоларидан ташқари аҳолининг тураг жойларида ҳам унга катта эътибор берилади.

Шундай байрамлардан бири Қурбон ҳайитидир. Мусулмон мамлакатларида бу ҳайитга тайёргарлик катта бўлади; масжидда маҳсус ибодат бўлади, ваъзхонлик – амири маъруф қилинади. Ҳайит уч кун давом этади. Мустақилликка эришган Ўзбекистонда ҳам бу байрам кенг нишонланадиган бўлди ва халқимиз унга янгича мазмун бахш эта бошлади. Жумладан, Қурбон ҳайити кунлари мусулмонлар ўз отаоналари, қариялар ва bemорларни бориб кўрадилар, уларга қўлларидан келган ёрдамларини аямай, ҳурматини ўз ўрнига қўядилар, қурбонлик учун сўйилган молларининг гўштларидан бир қисмини ўз ургаймоқларига, хусусан, кам таъминланган оилаларга, бева-бечораларга тарқатадилар. Қурбонлик маросимининг яна бир тартиби сўйилган

моллар гүштидан таом тайёрлаб, худойи шаклида йигинлар ўтказадилар.

Хижрий - қамарий тақвим-календар бўйича шаъбон ойи тугагандан сўнг рамазон ойи бошланиб, унда 30 кун рўза тутилади. Диний таълимотда мусулмонлардан рўза тутиш жараёнида мохи рамазон ибодатини бажариш зарур, деб ҳисобланади. Унда Қуръон тиловат билан бирга, хайр-эҳсонлар, дуою илтижолар қилинади. Бинобарин, ҳар бир мўъмин-мусулмон бу ойни ғанимат билиб, ўзини астойидил худо йулига бағишлаб, кечаю кундуз тоат-ибодат бирла бир кун ҳам рўза тутишни канда қилмаслик керак, деб ҳисобланган. Яна ислом таълимоти мусулмонлардан рамазон ойида Аллоҳдан ўз гуноҳларини кечишни сўраб, тавба-тазарру қилиш билан бир вақтда инсон учун нохуш бўлган жаҳлу ғазаб, дилозорлик, қўполликлардан холи бўлиб, хушмуомалалик, одамшинавандалик, камтарик каби фазилатларни ўзига сингдириб бориши зарур, деб ҳисобланган.

Ислом таълимотида, рўза ҳақида ёзилган турли диний манбаларда рамазон ойининг мазмуни, аҳамияти, унда мусулмонларнинг бурчи ҳар томонлама изоҳланган. Рўза ойининг ҳар бир кунини эъзозлаш, ифторликка алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) 30 кун рўза ойининг уч даҳага бўлинишини эътироф этиб, уни шундай изоҳлаган: «Бу мохи шариф шу қадар улуғ бир ойким, унинг биринчи ўн кунлик даҳаси – даҳаи раҳмат деб аталади, яъни Аллоҳнинг раҳмати ўз бандларига муттасил ёғилиб турадиган кунлардир. Иккинчи ўн кунлиги – даҳаи мағфират, яъни Аллоҳ ўз бандаларининг гуноҳу маъсиятларидан ўтиб афв қилиб юборадиган кунлар. Учинчи ўн кунлиги «итқун минан нор», яъни Аллоҳ ўз бандаларини оташи дўзахдан озод қилиб юборадиган башоратли кунлар»<sup>1</sup>.

Рўза тутиш мусулмонлар учун кўп асрлардан буён одат тусига кирган бўлиб, унинг инсон организми учун муайян фойдаси ҳақида илоҳиётчилар фикрлар билдиришган, яъни бир ой давомида рўза тутган одамда «тозаланиш», «покланиш» содир бўлади. Организм ортиқча чиқиндилардан тозаланиб, киши руҳи енгиллашади. Шуни эътиборга олиб диндорлар билан бирга исломнинг барча талабларини тўлиқ бажармайдиган кишиларда ҳам рўза тутишга мойиллик бор.

Рамазон (Рўза) ойи тугагач, шаввал ойининг 1 кунда рамазон ҳайити – ийд ал фитр ўтказилади. Ҳайитнинг номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, рўза тутмаганлар ҳам, бир ой рўза тутган мусулмонлар ҳам рўзадан сўнг жон бошига қараб фитр рўза беришлари кўзда тутилган. У пул ёки озиқ-овқат шаклида ночор, кам таъминланган

<sup>1</sup> «Хал= сизи» газетаси. 1991 йил 16 март сони.

кишиларга масжидга берилади. Бу ҳайит ҳам уч кун давом этади.

Ҳайит кунлари ҳар бир диндор ўтган кунлари учун ўзига-ўзи ҳисоб бериши, рўза тутмагани ёки уни бузгани учун белгиланган миқдорда намоз ўқиши, закот бериши, муайян кунлар давомида рўза тутиши зарур деб ҳисобланган. Рўза ҳайитни кенг нишонлаш одат, анъана тусига кирган. Ҳайитнинг биринчи куни эрта билан барча масжидларда мусулмон аҳли тўпланиб, ҳайит намозини имом-ҳатиблар бошчилигида ўқийдилар. Хутба тинглайдилар.

Уч кун ҳайит давомида кишилар ўз ота-оналарини бориб кўрадилар, уларга совға-саломлар топширадилар. Марҳумлар яшаб ўтган уйларга, уларнинг қабрларига бориб дуойи фотиҳалар қиласадилар, баъзан уйларида худойилар уюштирадилар. Бундан ташқари мусулмонлар учун ҳайит кунлари бева-бечораларни бориб кўриш, улар ҳолидан хабар олиш, айниқса муҳим ҳисобланади.

Рамазон ойи тугаган кунлари фитр-садака (фитр-рўза) ҳар бир жон бошига бир кунлик овқат ҳисобида камбағал, юпун кишиларга йифиб берадилар. Зотан, закот ал фитр айни шу мақсадда йифиб олинади.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосаларга келиш мумкин; биринчидан, Курбон ва рамазон ҳайити ва маросимчилиги асрлар давомида халқимиз онги ва шуури, турмуш тарзига шундай чуқур сингиб кетганки, кўп ҳолларда ҳайитларни миллий байрам деб қабул қилинади; иккинчидан, бу диний байрамлар ва маросимчилик учун ислом таълимоти томонидан белгиланган талаблардан ташқари ўзбек халқи бу маросимлар мазмунини маънавий-маърифий, ахлоқий қадриятлар билан бойитган; учинчидан, бу тантанали кунларнинг оиласа, маҳаллада, жамоатчилик жойларида ёш авлодни маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашга, миллат, ватанга бўлган ҳурматини шакллантиришда аҳамияти катта бўлган.

Мустақиллик йиллари динга берилган эркинлик туфайли исломий қадриятларга риоя қилиш онча жонланди. Шулардан бири ҳар ҳафтада бўладиган жума намозидир. Маълумки, исломда муқаддас кунлардан бири жума кунидир. Ислом кенг тарқалган мамлакатларда жума дам олиш куни деб эълон қилинган. Шу куни тақводор мусулмонлар ўз кунларини тоат-ибодат билан ўтказадилар. Унинг муқаддас кун деб ҳисобланишининг сабабини руҳонийлар қуидагича изохлайдилар: Аллоҳ оламни яратишни жума куни бошлаган. Мухаммад ҳам, Али ҳам жума куни туғилганлар. Мухаммад 622 йилда Маккадан Мадинага жума куни ҳижрат қилган. Исломнинг «шуъласи» ҳам оламга айни жума куни тушган. Шу сабабли мусулмонлар жума кунини улуғлаганлар.

Бу кунларда масжидларда Куръон ўқилади, ваъзхонлик қилинади, диндорлар бўлган хонадонларда худойи ўтказилади. Шу кунлари пайғамбарнинг қилган ишлари тўғрисида ҳикоя қилиш савоб

ҳисобланади.

Миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, шу жумладан исломий қадриятлари, ноёб ва бетакрор намуналарини тадқиқ этиш, уларни бугунги кун талаблари билан боғлиқ ҳолда бойитиб тарғиб этиш янги бунёд этилаётган фуқаролик жамияти учун аҳамияти каттадир. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»<sup>1</sup> ги Қарорида таъкидлаганидек, «Юртдошларимизни муқаддас ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларимизнинг ибратли ҳаёти, қутлуғ қадамжоларига, бошқа диний конфессияларга нисбатан хурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, меҳр-оқибат мұхитини мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий дастурларни амалга ошириш»<sup>1</sup> вазифаси қўйилган.

Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, аждодларимиз меросини, маънавий қадриятларни, шу жумладан исломий қадриятларни тиклаш, қарор топтириш ва уларни замонавий мазмун моҳияти билан бойитиш учун кўплаб ҳайрли ишлар амалга оширилди.

Юқоридаги Қарорда кўрсатилганидек, ислом дини ва фалсафаси, азиз-авлиёларнинг ибратли ҳаётини тадқиқ ва тарғиб этишда, унинг фан, адабиёт, фалсафа ва маданиятнинг турларига асрлар давомида кўрсатилган таъсири кўзда тутилиб, ҳозирги замон учун ҳам аҳамиятига эътибор қаратилади.

Истиқлол йилларида буюк бобокалонларимизнинг маънавий меросини тадқиқ этиш, асарларини нашр қилиш, юбелейларини нишонлаш мамлакатимизда одат тусига кириб, миллатимизнинг ҳар томонлама уйғониб, камол топишига кенг имконият яратмоқда. Хусусан ислом фалсафаси асарларини, диний уламо ва алломаларнинг меросини нашр қилиш, ўрганиш, тарғиб этиш халқимизнинг исломий қадриятлардан баҳраманд қилишга катта йўл очди.

Маълумки, ҳар бир халқнинг тарихий шаклланган ва ҳаёт синовларидан ўтган ўзига хос бетакрор мерослари мавжуддир. Маънавий мерос, миллий ва диний қадриятларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб бизгача етиб келиши бир томондан, ўтган авлодлар яратган мерос сифатда етиб келган бўлса, иккинчи томондан, диний қадриятлар муқаддас китобларга асосланган тарғибот орқали кишилар онги ва дунёқарашига ўрнашиб авлоддан-авлодгача ўтиб келади.

Марказий Осиё халқларини жумладан, ўзбек халқи илму-фанда

<sup>1</sup> Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг +арори. – Т.: Маъриват газетаси, 2006 йил 26 август.

донг таратган буюк олимлар, аллома мутафаккирлари билан хақли равища фахрланади.

Илму-фан соҳасида жаҳонга танилган аллома олимлар Ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Али-Қушчи бўлса, ҳадис илми ва ислом маънавиятигининг ривожлантиришга улкан ҳисса қўйган улуғ зотлар: Бурхониддин Марғиноний, Мотуридий, Хожа Аҳрор, И smoил Ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Боҳоуддин Нақшбанд кабилар бўлганлар, донишманд мутафаккирлардан: Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайн Байқаро, Захриддин Муҳаммад Бобур, Турди, Аҳмад Дониш, Фурқат, Мукумий, Завқий; мўйқалам соҳиблари Беҳзод ва Музофар каби машҳур кишилар шу ўлкада яшаб ижод этганлар.

Бу улуғ зотларнинг яратган маънавий ва маданий мероси, аввало, жамият маънавиятигининг, миллий қадриятларининг шаклланиши ва бойишига хизмат қилган: иккинчидан; аждодларимизнинг мероси ҳалқимиз маънавиятигининг юксалтириш орқали комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган: учинчидан; аждодлар меросида ислом маънавиятигининг ўрни алоҳида бўлган.

Ислом маънавиятигининг мазмуни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардир, уларга асосланган ислом фалсафаси, тасаввуф, одоб-аҳлоқ масалаларига бағишлиланган дунёвий ва диний олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу билимларни тарғиб қилиш ислом маърифатининг асосий вазифаси ҳисобланган.

Ҳалқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндошилганлиги учун ижтимоийлик ва илмий соҳада шундай жаҳонга машҳур кашфиётлар қилиндики, улар ҳалқимизнинг маънавий-маданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу кашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоқи ҳозирги даврнинг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Аллома-олимларимиз ислом маърифатига улкан ҳисса қўшиб, доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, миллий диний ва умумбаҳарий қадриятларнинг айниқса, фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни бошқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Ушбу масалаларни ташкил қилишда мутафаккирлар фанларни туркумлашда диний ва дунёвий фанларга ажратганлари ҳолда уларни бир - бирига қарама - қарши қўймаганлар. Аммо булар иккала ёндошувда ўз олдида қўйган мақсадлари, ўрганиш обьектларида бир-биридан фарқ қиласиган тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Марказий Осиёда етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар жамият

тараққиётида қадриятларнинг тутган ўрни ва моҳияти тўғрисида, давлатни бошқариш хусусида илгор илмий қарашларни илгари сурдилар. Бунда араб файласуфи Ибн Рушд олға сурган ҳақиқатга эришишнинг икки хил йўлини, яъни бири диний, иккинчиси илмий йўл деб билдилар. Диний йўл билан Худо ва унинг қудратини билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўл эса табиат ва объектив оламни билиш орқали амалга ошади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий даври диний (исломий), фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келган бўлса, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига ундан илғорроқ даражадаги таълимотларни яратиш вазифасини қўяди.

Демократик жамиятни шаклланиши ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда одамлар ўртасидаги амал қиласиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларининг яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, миллий ва диний қадриятларнинг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш комил инсонни шакллантиришга, фуқаролик жамиятини асосларини яратишга хизмат қиласи.

Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислом йўналишларини (асосан суннийлик) тарғибот ёки араб истилоси орқали киритиши билан бир вақтда ислом маданияти, маънавиятини маҳаллий халқлар ўртасида кенг ёйилиши кузатилди. Бу худудда суннийликнинг ҳанафия мазҳаби қонун-қоидаларини маҳаллий халқлар ҳаётига сингдириш суннийликнинг бошқа мазҳабларига нисбатан тезроқ амалга ошди. Имом Аъзам асос солган ҳанафия мазҳаби бошқа мазҳабларга нисбатан, биринчидан, диний бағрикенглилик (яъни бошқа мавжуд динлар ва уларнинг урф-одатлари ҳам давом этиш имконияти); иккинчидан, мўътадил мазҳаблиги (яъни маҳаллий халқлар, миллатларнинг хусусиятларига мос келиши, унинг талабаларини оддий одамларга мос келиши); учинчидан, бу мазҳабга эътиқод қилувчиларнинг ортиб бориши ва ҳозирги вақтда мусулмонларнинг кўпчилиги ҳанафия мазҳабига эътиқод қилиши билан ажралиб туради.

Ислом эволюциясида вужудга келган йўналишларининг муҳим жиҳатларидан бири халқлар маънавиятининг шакллантиришга йўналтирилган қонун-қоидалари ва диний эътиқод талабларидир. Ислом динини қабул қилган ҳар бир мусулмон учун диний маросимчилик талабларини бажаришдан ташқари ҳаётда ҳалол, пок, виждонли бўлиш, ҳалол ва харомнинг фарқига бориш, бошқаларининг мулкига кўз олайтираслик, оила қуриш билан ўз фарзандларини ислом таълимоти, талаби руҳида тарбиялаш, ҳалол меҳнат қилиш билан кун кечириш каби ахлоқий нормалар мужассам бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, бу

таълимотда давлат, жамият, ота-она, ватанга муҳаббат инсонпарварлик, адолат, ҳалоллик мезонлари ҳалқлар маънавиятини шаклланишининг асосини ташкил қилган. Бундай даъватлар ислом эволюциясининг қайси даврида бўлмасин ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган аксинча, ислом динига эътиқод қилганлар маънавиятини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келган. Унинг бу жиҳати, яъни жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қўшаётган ҳиссасига ҳозирги фуқаролик жамияти шакллантирилаётган мамлакатимизда ҳам муҳим тарбиявий-ахлоқий аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон динлари ичида энг кенжаси бўлган ислом дини тез орада жуда кўп ҳалқлар ва миллатлар ҳаётига кириб бориб, уларнинг турмуш тарзидан муносиб ўрин олишидан ташқарии, кўпгина шарқдаги давлатларнинг бошқариш мафкурасига айланди. VIII-IX асрларда ислом эволюциясида турли йўналишлар, мазҳаблар вужудга келишига қарамай ислом таълимоти (унинг асосий манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шариф)га асосланган диний мафкура мусулмонлар ҳаётида, хусусан уларнинг маънавий-ахлоқий, дунёқарашларининг шакллантиришда давом этди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий, жумладан ахлоқий нуқсонлар ҳукм суроётган ҳозирги даврда исломнинг меҳр-шафқат, мурувват, саҳоват, одамийлик, ҳалоллик хусусидаги панд насиҳатларидан умуминсоний қадриятлар сифатида фойдаланиш ғоят ўринлидир, ҳаётимизнинг маънавий жабҳалари қайта қурилаётган ҳозирги даврда исломнинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда; Ўзбекистон мусулмонлари идораси турли хилдаги хайри эҳсон, саҳоват жамғармаларини ташкил этиб, хожатмандларнинг дардига малҳам бўлмоқда; шўролар даврида вайронна ҳолатига келган маданий ёдгорликларни ва тарихий обидаларимизни давлат маблағлари ва умумхалқ хашари йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Ислом, унинг дунёвий вазифаларини ҳам бажарадиган руҳонийлари асрлар мобайнида жамиятнинг ижтимиий ҳаёти, фан, маданият, маорифини ўз назорати остида ушлаб, тарихий анъаналар, инсонларнинг турмуш тарзига катта таъсир ўтказиб келган. Яна у ислом ва унинг қадриятларига эътиқод қилувчи турли миллат ва эллатларга хос ижтимиий табакалар вакилларининг Аллоҳ олдидаги тенглигини тан олган ва уларни ягона худонинг бандалари сифатида тенглаштирган. Бу диний таълимотларининг умумийлигини мустаҳкамлаган ҳолда ижтимиий муносабатларнинг мавжуд системасини сақлаш функциясидир.

Барча миллий ва жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва турли ҳалқлар ҳаётидан ўрин олиши, ўз қадриятларини тарғиб ва ташвиқ қилишида диний онгни шакллантириш билан кишилар маънавиятини

бойитишга қаратилган мақсади ҳам бўлади. Муҳим жиҳати шундаки, барча жаҳоний динлар Шарқда вужудга келган. Зардушт Хоразмда туғулгандан ташқари, Мусо пайғамбар Мисрда, Исо пайғамбар Куддуси Шариф яқинидаги Вафлеемда, Муҳаммад пайғамбар Маккаи мукаррамада таваллуд топган. Бу улуғ зотларнинг диний тарғиботдан ташқари халқлар маънавияти, миллий қадриятлар ривожига катта ҳисса қўшиб келганлиги аёндир. Масалан, Зардустийлик таълимотида «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» асос қилиб олинган, яъни инсонда баркамоллик, ҳақгўйлик, адолатликни улуғлаш, инсондан фикр соғлиги, сўзнинг сабитлиги ва амалларнинг инсонийлигини талаб қилган.

Бу дин пайғамбари Зардушт Спитома (мил.ав. 589-512 й) табиатшунос олим ва шоир илоҳиётчи файласуф эди. У «Авесто» китобида ўзигача мавжуд бўлган билимларини ҳамма соҳаларини мужассамлаштириди, зардустийлик эса академик М.Хайруллаев ёзганидек, «Ўша даврдаги халқларнинг маданияти, маънавияти, урфодати, ахлоқи каби масалаларни ўзида акс эттириди ва уларга таъсир ҳам кўрсатди»<sup>1</sup>.

Бундан ташқари одамларни она табиатга яхши муносабатда бўлиш: ер, сув, ҳаво ҳамда барча ўсимликларни эъзозлаш, бир сўз билан айтганда, маънавиятнинг муҳим қисми бўлган экологик дунёқарашни шакллантириш ҳам зардустийлик таълимотида ўз ифодасини топган.

Маънавиятнинг муайян йўналишлари, шу жумладан христианлик дини ғарб цивилизациясини келиб чиқишида муҳим омиллардан бири бўлган деган фикрлар чет эллик олимлар қарашларида учрайди. Масалан, Макс Вебер ғарб цивилизациясини келиб чиқишида протестантизм ғоялари асосида шаклланган ахлоқ нормалари шунга олиб келди,<sup>2</sup> деган фикрни илгари сурди. Христианликнинг учинчи, сўнги йўналиши бўлган протестантлик (XVI аср) котолицизм ва православиядаги кўпгина диний қадриятларни ислоҳ қилиб, диний эркинликни кенг жорий этишга мувоффақ бўлди.

Диний қадриятларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўринининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, христианликка эътиқод қилган /арб мамлакатлари таълимни восита деб билиб, асосан илм-фаннынг барча қирраларидан кенг фойдаланишни мақсад қилиб олганлар. Ислом кенг тарқалган Шарқ мамлакатларида эса юксак маънавиятни сақлаб қолишига алоҳида эътибор берилди. Техникавий тараққиёт эса унда кейинги ўринда турди. Аммо Шарқ халқлари илму-фан орқали қўлга

<sup>1</sup> М.Хайруллаев Ырта Осиёда IX-XII асрларда маданий юксалиш. Буюк сийсолар, алломалар. 1-китоб. –Т.: «Мерос», 1995. - Б. 5

<sup>2</sup> +аранг: Вебер М. Избранные произведение. – М.: 1990. С.67.

киритган уйғониш давридаги ютуқларга /арб олимлари катта қизиқиш билан қараб, мұхим тадқиқтлар олиб бориб, ўzlари учун керакли хulosаларни чиқардилар.

/арб мамлакатларидағи маңнавий қашшоқлик XX ва XXI аср бошларига келгандың салбий оқибатларини күрсата бошлади. Масалан, АҚШ ва бошқа /арб мамлакатларида оила мәданияти ва маңнавиятига муносабатларининг сустлашиши натижасыда оила куриш ва болаларнинг туғилиши кейинги 20-30 йилларда жуда кам күрсатгичта эга бўлиб бормоқда. АҚШда эса бир жинсли одамларни оила қуришга расмий рухсат берилиши, устига-устаг уларга етим болаларни беркитиб боқишига имконият берилиши цивилизацияга эришган жамият маңнавияти учун ғоят ғайриинсоний, даҳшатли воқеадир.

Бизнинг аждодларимиз маңнавий меросида эзгулик ва маърифатга алоҳида эътибор берганларни бежиз эмас эди. Бобокалонларимиз ижодида, Форобий, Алишер Навоийнинг маърифатга чорлаган ғояларида инсоний фазилатларни, маңнавиятни шакллантиришга қаратилган мұхим фикрлар ўз ифодасини топган.

Дунёвий билимлар ва аждодларимиз меросини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилишига эзгулик руҳи қўшилгандагина маърифат вужудга келади.

Республикамиз Президенти И.Каримов «Нега мен маърифат сўзини кўп тақрорлаб, унга алоҳида урғу бераяпман? – деган савол қўйиб, унга жавоб бера туриб, - Чунки, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир»<sup>1</sup>.

Бу мазмунли ва назарий фикрда маърифат сўзининг таркибига киритилган «эзгулик» тушунчаси ўзининг бойлиги, ранг-баранглиги, мазмун-миқиёсининг кенглиги, теранлиги билан тубдан фарқ қиласиди.

Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Бугунги ҳалқаро ҳаёт, кишиларнинг тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, илфор технологиилар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Амир Темур бобомизнинг «Куч - адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч – билим ва адолатда» деган бўлар эдим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади”<sup>2</sup>.

Маълумки, ўзбек ҳалқи маңнавий мерос ва муқаддас қадриятларнинг катта қисмини исломий маңнавият ва маърифат, унинг манбаларидан бўлмиш Куръони карим, ҳадиси шарифлар, тавсирлар,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз келажашимизни ыз =ылимиз билан =урамиз. Т. 7. – Т.: Йзбекистон. 1999 Б. 135.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ыз =ылимиз билан =урамиз. Т. 7. – Т.: Йзбекистон. 1999 Б. 98.

шариат аҳкомлари ташкил қиласи. Исломий маросимимизнинг муҳим қисмини ирфоний меросимиз тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, хусусан бизнинг Ватанимиз – Туркистонда шаклланиб, эндиликда бутун жаҳонга тарқалган жаҳон маънавий маданияти, умуминсоний қадриятлари тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган уч буюк тасаввуфий тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагония – нақшбандия ирфоний – тасаввуф тариқатлари ташкил этади.

«Яссавия» тариқатининг қоидалари Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат» деган асарида ўз ифодасини топган. Унда инсон меҳр-шафқат, ҳалолпок, ҳалол меҳнати билан кун кечириш орқали Аллоҳ висолига етиши мумкин. Яна у молу дунё тўплашга ҳаракат қилмаган, фақирликда кун кечирган. Охиратни ўйламайдиганлар ҳақида Аҳмад Яссавий шундай ёзади:

Бешак билинг, бу дунё барча ҳалқдан ўтаро,  
Ишонмагин молинга, бир кун қўлдан кетаро,  
Ота, она, қариндош, қаён кетди, фикр қил,  
Тўрт оёқли чўбин от бир кун санго етаро.

Марказий Осиёда XII-XV асрларда шаклланган ва кенг қулоч ёзган бу тариқатлар ислом таълимотлари билан уйғунлашган ҳолда ижтимиий тарққиётда ўз ўрнига эга бўлди. Масалан, XV асрдан то XX асргача нақшбандия тариқати жамият, давлат хаёти, тараккиётининг барча жабҳаларида хусусан мусулмон, туркий мусулмон ҳалқларининг XVIII-XIX асрларда олиб борган миллий-озодлик ҳаракатлари, курашлари мафкураси мазмунини ишғол этди.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожланиши бу худудда ислом таълимотининг кенг ёйилиши ва қарор топиши билан узвий боғлиқ бўлган. Бу жараёнда исломгача бўлган диний қарашлар ва миллий маданият турларига муносабат масалалари ҳам мавжуд эди.

Айниқса, нақшбандия таълимоти ва тариқати комил инсонни шакллантиришга қаратилган бўлиб, ҳалқимиз тарихий таракқиётидан мунособ ўрин олган. Нақшбандия тариқатининг Туркистон ва дунёning бошқа худудларида фаоллашуви, кенг тарқалиши натижасида жаҳон илм-фан, маданияти, цивилизацияси, хусусан диний-ирфоний, маънавий-маърифий қарашлар ва таълимотлар тарихида муҳим аҳамият касб этди.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ» деб номланган 4 жилд (жузъ)дан иборат ҳадислари тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган тўпламлар орасида энг ишонарли ва мукаммалидир. Тўпламда Муҳаммад ва унинг саҳобалари ҳақидаги ҳадислардан ташқари фиқҳ, ислом маросимчилиги, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид ҳадислар ҳам мавжуд бўлиб, унга 600 минг ҳадисдан фақат 7250 та энг «саҳиҳ» - ҳаққоний, ишончли

ҳадислар киритилган. Мазкур тўплам Миср ва бошқа бир қанча мамлакатларда жуда кўп марта чоп этилган, унга йирик уламолар томонидан шарҳлар битилган. Бу китоб ёзилганига ҳижрий бўйича 1200 йилча бўлди. Ўша даврдан бошлаб барча уламолар бу асарга Қуръондан кейинги иккинчи ўринда турадиган манба деб баҳо бериб келадилар. Имом Бухорийнинг ушбу китоби маънавий қадриятларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

XX асрнинг охирги XXI асрнинг бошларида жамият ва инсоният цивилизацияси тараққиёти тубдан ўзгариб, дунёда ижтимоий ҳаёт ривожига, тинчликка таҳдид солувчи глобал муаммолар: диний фундаментализм ва экстремизм; ҳалқаро терроризм ва наркобизнес; коррупция ва уюшган жиноятчилик; экологик онглик ва биогенетик бузилишлари каби иллатлар, хавф-хатарлар жаҳон ҳамжамиятини ҳақли равишда ташвишга солмоқда.

Биосферани секин-аста неосферага ўтиши мумкинлиги ҳақидаги назарияни илгари сурган академиклар В.И.Вернадцкий, Н.Н.Моисеев ва бошқалар XXI аср инсониятни яшаб қолиши учун кураш босқичи бўлишига эътибор қаратган эдилар. Агар ўтган асрда ички ва ташқи жамоавий ҳарбий хавфсизлик ҳақида фикр юритилган бўлса, эндиликда юқорида қайд қилинган таҳдидлар кўндаланг бўлмоқда.

Бу таҳдидлар олдини олиш ҳар бир мамлакат тараққиётининг устувор йўналишини ташкил этаётганлиги табиийдир. Бу ҳақда юртбошимиз И.Каримов шундай деган эди: «Бугунги кунда терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам терроризм ва экстремизм XX асрнинг охири ва XXI асрда вужудга келган жаҳон ҳамжамиятлари мамлакатлари, ҳалқлари ҳаётига таҳдид солувчи, талофат етказувчи сиёсий курашнинг жамиятда бекарорлик ўрнатиш ва қўрқув уйғотиш усулидир. Терроризмни келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий асослари ва сабаблари мавжуд бўлиб, улар: диний ақидапарстлик ва фундаментализм; диний ва сиёсий экстремизм; сепаратизмдир. Бу сиёсий ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини кўпчилик ҳалқимиз тўғри тушуниб, уларнинг жамият ва ҳалқлар ҳаёти, учун ғоят зарали эканлигини тушуниб етмоқда.

Терроризм ва экстремизмнинг жаҳон ҳалқлари ва давлатлари ҳаётида турли портлашлар ёки бегуноҳ одамларни ўлдиришдек фожиали воқеалар ҳамон содир бўлиб турганлигини гувоҳимиз. Аммо,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош маҷадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – Б. 64.

бундай кимсаларга қарши қурашиш билан бу оғатни бутунлай бартараф қилиш учун келтириб чиқарган «ушбу бало - қазонинг бирламчи манбаларига қарши қураш даркор»<sup>1</sup>. Ана шундагина таҳдидларни олдини олиш имконияти вжудга келади.

Маълумки, XX асрнинг охирги чорагида Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-иктисодий ҳаётида улкан ўзгаришлар содир бўлиб, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги вужудга келди. Бундай шароитда халқаро ҳамжамиятда динларнинг фаоллашуви, уларнинг сиёсийлашиб бориши билан бир қаторда, турли конфессияларнинг инсоният маънавий бойлиги эканлигидан фойдаланадиган хокимият учун қурашда қурол сифатида ишлатишга уринувчи турли диний ҳаракатлар ҳам юзага кела бошлади. Улар ўз гояларини диндорларга тез сингдириш йўлларини ахтариб, ҳам сиёсий, ҳам маънавий жиҳатдан турли диний конфессиялар ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқариш билан чекланмасдан, ҳозирги цивилизация билан халқлар маданий ва маънавий мерсои ўртасида ҳам номутаносибликни тарғиб қилмоқчи бўлдилар.

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлар мустақилликка эришгандан буён ўтган давр ичida турли сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар миллий ҳавфсизлигимизга, давлатимиз ва халқимиз барқарорлигини бузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бундай ҳаракатларнинг бошқарадиган сиёсий кучлар диний ташкилотлар ва гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар гоҳ яширин, гоҳ ошкоро фаолият кўрсатдилар. Ҳозирги даврга келиб, ахборот воситалари асосида мафкурвий таъсир ўтказишдан ташқари бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга, таҳдидларга дуч келинди, кимёвий, ядровий, фазовий, биологик, экологик, иқтисодий каби терроористик ҳаракатлар хавф солиб турибди. Масалан, Лондонда чоп этилган «Экономистик» журналининг 2005 йилда эълон қилинган «Йўқотилган из» бош мақоласида иқтисдоий ҳавфсизлик таҳдидларидан бири бўлган терроризмни бартараф қилиш ҳақида ғарб сиёsatчилари, шунингдек Жорж Буш ва Тони Блейр терроризмни енгиш учун, уни таъминлаб турувчи пул оқимини тўхтатиш ҳақидаги таклифларини амалга ошириш қийин деб хисобладилар. Бунинг биринчи сабаби – террор фондлари жуда махфий, маълумотлари эса кичик ҳажмда; «учинчи давлатлар» манфаатларига мос келганлиги учун ҳам бевосита ёки билвосита, улар томонидан рағбатлантирилади; терроористик мақсадларни амалга ошириш учун молиявий таъминлаб халқаро банк тизимини йўқотиш зарур деган фикрлар келтирилган.

Кейинги йилларда терроризм ва диний экстремизм холатлари бир-бири билан қоришиб кетди, десак адашмаймиз.

<sup>1</sup> Ыша жойда.

Зоро, терроризм ва диний экстремимз бутун дунё халқларини қаттиқ ташвишга солмоқда. Террордан кўзланган мақсад муайян кишиларни қонини тўкиш эвазига миллионлаб инсонларнинг юрагига ваҳима солиш, уларда қўрқув уйғотиш ва охир-оқибат жамиятда парокандалик туғдиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2000 йил 15 деқабрда қабул қилинган «Терроризмга қарши кураш тўғсиида»ги Қонуннинг 2-моддаисда ёзилишича, «Терроризм – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлигига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши), хавфни келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир харакатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверентети, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига пурт етказишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар»<sup>1</sup>нинг асл моҳияти терроризм эканлигини қайд этилган.

Ҳозирги замон ижтимоий-сиёсий ҳаётида таҳдид солаётган энг хавфли оғат - бу халқаро миқиёсларда ривожланиб бораётган терроризмдир. «Терроризм – аср вабоси» сифатида ҳозирги кунга келганда халқаро терроризм тушунчасига айланмоқда.

Ўзбекистон террорчиликка қарши курашишда ўз сиёсатини мунтазам амалга оширмоқда. Марказий Осиё хамкорлиги ташкилотининг (МОХТ) Душанбеда бўлиб ўтган сўнгги йигилишида МДҲ худудида ва хусусан, МОХТ худудида мавжуд бўлган террорчилик гуруҳларининг қонундан ташқарида, деб эътироф этиш мақсадида, уларнинг рўйҳатини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу жиддий тадбир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда. Германия, Покистон, 16 та араб мамлакати «Хизбут таҳрир»ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОХТнинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга қўшилди.

Ҳозирги даврдаги терроризм ва экстремизмнинг таҳдида ва ривожланиш тенденциялари бизнингча қўйидагилардан иборат:

биринчидан, экстремистик ва фундаменталистик руҳдаги диний гуруҳлар кейинги йилларда қақшатгич зарбага учраганларидан сўнг, чет элда ҳам, Ўзбекистонда ҳам яшириш фаолият кўрсатиш холатига ўтдилар;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг =онуни. Терроризмга =арши кураш тығрисда (2004 йил 30 парел куни мазкур =онунга ызгартиришлар киритилди ва 06.07.2004 йилда кучга кирган).

иккинчидан, чет элдаги бу кучларнинг тарафдорлари «Ал-Қоида» ва «Хизбут-тхир» каби энг ашшаддий экстремистик ҳаракат ва ташкилотлар хамон тинчланмасдан ёшлардан (асосан 16-30 ёшгача) террорчилар, жангарилар тайёрлашни тўхтатганлари йўқ;

учинчидан, террористик ва экстремистик ҳаракатлар ислом динини сиёсатга айлантириб, ўз ёвузлик ва террочилик мафкурасини яратиш усулини хозирги шароитда янада чукурлаштиromoқда. Бунда ислом динини байроқ қилиб, мусулмонлар онгини турли йўллар билан заҳарлаб, ўз манфаатлари йўлида ишлатишга ҳаракат қилмоқдалар;

тўртинчидан, дин асосан эзгулик, хайру эҳсон, тинч-тотув яшаш каби ахлоқий қадрият ва инсоний фазилатларга чорлаб келган таълимот мажмуаси бўлишига қарамай, сиёсий кучлар ундан ўз ғаразли ниятларини амалга ошириш учун «вайрон қилувчи куч», «фанатизм сифатида» фойдаланмоқдалар. Ҳатто, ислом таълимотида қораланган одам «ўзини ўзи ўлдириши» тартибини ишлаб чиқиб, унга ўзларича «фатво» тўқимоқдалар;

бешинчидан, террористик, экстремистик ва фундаменталистик ҳаракатларнинг ривожланиши, уларга молиявий томондан таъминлаши билан ҳам боғлиқдир. Терроризм ва экстремизмни молиявий жиҳатдан таъминлайдиган ташкилотлар Миср, Жазоир, Суданда мавжуд бўлиб, унинг филиаллари ва вакиллари Европа ва Шарқ мамлакатларида ҳам бор;

олтинчидан, ислом динидаги бағрикенглик (толерантлик) хусусиятларидан фойдаланиб, диний экстремистик ва фундаменталистлар барча имконият ва кучларни сафарбар этиб, оддий мусулмонлар устидан хукмронлик қилишга уринмоқдалар. Уларнинг бу ҳаракатларида, исломни ниқоб қилиб олиши, унинг тагида ғаразли ниятлар мавжудлигини фош этиш муҳимдир.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хulosаларга келиш мумкин: биринчидан, исломий қадриятлардан ҳозирги даврда фойдаланиш асосида миллий ғоя ва ахлоқнинг шакллантириш кишиларнинг маънавий камолоти ва у билан боғлиқ жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалиши билан амалга ошади; иккинчидан, Ўзбекистон истиқлолга эришган биринчи йиллардан бошлаб, кишилар маънавиятини юксалтиришга эътибор берилиб, миллий ғоя ва мафкурани яратишда аждодларимиз мероси, айникса, исломий қадриятларни тиклаб, унинг фойдали тамонларини жамият юксалиши учун ишлатишга эътибор қаратилди. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов бундай ёзади: «Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унитилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби

кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз»<sup>1</sup>; учинчидан, жамиятнинг маънавий юксалишида исломий қадриятларнинг ва маданий меросининг ўрни бекиёсdir. Чунки, авлодлар қолдирган қадрият ва мерос, хусусан Қуръони карим, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида тарғиб қилиб келинган қадриятлар асрлар оша бизгача етиб келиб, кишилар онги ва қалбидан чуқур ўрин олди. Бу қадриятларнинг ривожланиши ва бойиб боришида миллийлик билан динийлик уйғунлашиб бориб миллий бирликни ва миллатлараро тотувлик, ҳамкорликни шаклланишига асос бўлди; тўртинчидан, ҳозирги вақтда ислом ва унинг қадриятларидан маънавиятни юксалтириш, эзгулик йўлида эмас, балки бузғунчилик, яъни диний экстремистик ва террористик йўлида фойдаланувчи кучлар ва ҳаракатлари мазмунини тез-тез ўзгартириб турадилар. Шунинг учун улар ҳаракатини фош қилиб бориш бугунги кун талабидир; бешинчидан, миллий маънавиятнинг, исломий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши нафақат халқнинг руҳий тикланишига, миллий ғояни шаклланишига, балки ўзлигини англашига, миллий ғуур, миллий ифтихор, ватанпарварлик хисси кабиларни пайдо бўлишига кенг имконият яратади.

### **Таянч сўзлар:**

- |                            |                       |
|----------------------------|-----------------------|
| 1. Уруғ-қабилачилик тузуми | 6. Миллий ғоя         |
| 2. Илоҳиёт                 | 7. Истиқлол мафкураси |
| 3. Мадраса                 | 8. Миллий мафкура     |
| 4. Хонақоҳ                 | 9. Диний мафкура      |
| 5. Тахяхона                | 10. Хаттотлик.        |

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. /оя ва мафкура тушунчаларини изоҳланг.
2. Миллий ғоя тушунчаси нима?
3. Истиқлол мафкураси нимани билдиради?
4. Диний ғоя ва мафкура қандай тушуечалар?
5. Миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишида дунёвийлик ва динийликни уйғунлигини аҳамияти нимада?
6. Миллий ғоя ва мафкуранинг диний илдизлари нима?

### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2003.

---

<sup>1</sup> Инсон баҳт учун туълилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг щикматли смызлари. – Т.: «Шар», 1998. Б. 35.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. «Жамиятни мағкураси халқни- халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин» «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавоблар.-Т.: 1998 йил, 2-сон.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Каримов И.А. «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда».-Т.: Ўзбекистон, 1999.

## **Фойдаланилган атамалар изоҳи:**

«Авесто»-зардуштийликнинг муқаддас китоби.

Ал-Ҳажар ал-асвод-(араб. «Қора тош») Каъбанинг жанубий-шарқий бурчагида ердан 1,5 м баландликда ўрнатилган муқаддас тош.

Ансорлар-араб. ёрдам берувчилар.

Арофат-араб. танимоқ, билмоқ феълидан.

Ахриман – зардуштийликнинг ёвузлик исоҳи.

Ахура-мазда-зардуштийликдаги энг олий яхшилик илоҳи.

Ақидапарастлик-диний ақидаларни асос қилиб олиб, келишлар янги ва қолбигамаълум мафкуравий тазииклар асосида сингдириш.

«Акромийлар»-1996-1997 йилларда Андижонда ташкил топган диний гурух, раҳбари Акром Йўлдошевдир. У хизб-ут таҳирнинг етакчиси ан-Набаҳоний ғоялари асосида «Иймонга йўл» рисоласини ёзган.

«Ал-Қоида»-Афғонистонда XX аср охирги чорагида вужудга келган радикал гуруҳлар уюшмаси.

Ал-Азҳар-Қоҳирадаги диний ва дунёвий ўқув юртлари комплекси.

Анимизм-(лотинча-анимус-жон; рух демакдир) қадимги замон динларидан бири.

Араб истилоси-ислом дини пайдо бўлган даврларда араб лашкарларининг қўшни мамлакатларга динни тарғибот қилиш учун бостириб кириши шундай деб аталган.

Астрология – илми нужум, юлдузларга қараб фол очиш билан шуғулланувчи сохта таълимот.

Ас-саҳиҳ-ишончли маънони англатади. Дунёга машҳур Имом Бухорийнинг ҳадислари шундай номда-«Саҳиҳ Бухорий» деб аталади.

Ашуро-(араб.-ўн кунлик)-шиаларда ўтказиладиган мотам маросимлари кунлари.

Ақида – (араб.-эътиқод қилинадиган тушунча)-диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, шак келтирмасдан эътиқод қилиниши лозим бўлган диний талаблар.

Бадавийлар-(араб.-саҳрои)-қадимда саҳро ва қумли ерларда яшаган арабларни шу ном билан аташган.

Байтуллоҳ-(араб.-Аллоҳнинг уйи)-Исломда Макка шаҳридаги Каъбага берилган ном.

Ваҳӣ-илоҳ билан инсонларнинг пайғамбарлар орқали мулоқат ўйли.

Вожиб-(араб.-мажбурият, бурч)-шариат аҳкомлари бўйича мамлакат ҳукмдори (халифа, подшо)нинг амрини бажариш мусулмонлар учун мажбур эканлигини англатади.

Варъа-(парҳез) унинг уч-тил, кўз, қалб варъалари мавжуд.

Ваҳҳобийлик-исломдаги диний-сиёсий оқим.

«Вуқуфи замоний»-инсон ўзи яшаётган замон, жамиятда кечаётган ҳадислардан вақуф бўлиши.

«Вуқуфи ададий»-инсонга Аллоҳ томонидан умр, ҳаёт бир марта берилиши, уни бир дақиқасини ҳам бекорга ўтказмаслик.

«Вуқуфий қалбий»-ҳар бир солиҳ Аллоҳ-таолони қалбида сақлаши, яъни ички қалб билан зикр қилиб яшашлари.

Жадидчилик-(араб. «усули жадид»-янги усул)-XX асрнинг бошларида исломни ислоҳ қилишга ва илм-маърифатни ёйишга интилган ҳаракат.

Жоҳилия-(араб. «жаҳула»-билимсизлик маъносини билдиради). Исломда «ягона Аллоҳни танимаслик» маъносини англатади. Арабларнинг исломдан олдинги ҳаёти.

Жаброил-исломда тўрт бош фариштадан бири, диний ақидага кўра ҳабар берувчи фаришта ҳисобланади.

«Жуз»-(араб.-жон солиги)-дастлаб араб халифаликдаги, кейинчалик Ўрта Осиёда мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинадиган жон солиги.

«Зам-зам»-Макка шаҳрида Каъба яқинидаги булоқ. Исломда Каъбани ва «Зам-зам» булоғини зиёрат қилиш, қурбонлик қилиш амалда «Зам-зам» булоқ сувини хожилар ва мусулмонлар муқаддас ҳисоблаб, уни истеъмол қиласилар.

Зуҳд-варъанинг давоми ҳисобланиб, таом ва ичкиликдан, молдунёдан пархез қилиш тушинилади.

Ислом маданияти-ислом дини пайдо бўлганидан кейин шаклланган ва ривожланган маданият.

Илоҳиёт – (араб.-худо тўғрисидаги таълимот) худо, унинг сифатлари белгилари ва сифатлари тўғрисидаги диний таълимот.

Ислом фалсафаси - Куръони каримга асосланган фалсафий таълимот.

Ислом маънавияти – ислом таълимотига асосланган урф-одат, маросимчилик, анъаналар, одоб – ахлоқ норомаларидан иборат маънавий-маданий тизим.

Ижмоъ – (араб.-яқдиллик билан қабул қилинган қарор)-исломда фақих ва муждаҳидларининг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши.

«Ипак йўли» - Қадимда Шарқ ва /арбни боғлаган карвон йўли.

Имом – (араб. – олдинда турувчи)-ислом динида мусулмонларнинг бошлиғи. Имом-хатиб деб ҳам юритилади.

Иснод - (араб.-айнан-«таянч») –ҳадисшуносликда қўлланилган тушунча, ҳар бир ҳадиснинг таркибий қисми.

Икки (қўш) ҳақиқат

Каъбатуллоҳ - (араб.–Каъба-куб)-ислом динининг энг муқаддас

ибодатхонаси.

Клерикализм-мамлакатнинг сиёсий ва маданий ҳаётда черков таъсирини кучайтиришга қаратилган оқим.

Кеш-қадимда Қарши шахри шу ном билан аталган.

Мадраса-(араб.-дарс ўқитиладиган жой)-исломда ўрта ва олий диний ўкув юрти.

Мұтазилийлар-(араб.-ақралиб чиққанлар)-илк исломда илохиёт оқимларидан бирининг тарафдорлари.

Мутакаллимлар-исломда дин фалсафаси – калом тарафдорлари.

Макка-Саудия Арабистондаги шаҳар. Хижоз вилоятининг маъмурий маркази.

Мадина-(араб.-шаҳар) Мадина ан-набий-пайғамбар шаҳри.

Мухожирлар-(араб.-кўчиб келганлар)-ислом тарихида Маккада динни қабул қилиб, 622 йилда Мұхаммад билан бирга қўчиб ўтган мусулмонлар.

Модернизм-динни ҳозирги замон воқеалигига мослаштиришни ёқлаб чиқувчи оқим.

Монотеизм-(қад. юон. «моно»- «ягона», «тео»-худо) яккахудолик.

Меъроҳ-(араб.-парвоз, кўтарилиш)-исломда Мұхамма(с.а.в.)днинг осмонга, Аллоҳ олдига қилган парвози.

Магия-(қад. юон. «магус», араб. «мажус») сехргарлик.

Мовароуннаҳр-араблар икки дарё оралиғидаги бизнинг худудни шундай деб атаганлар.

Масжид-мусулмонларнинг жамоа бўлиб, ибодат қиласидиган жойи.

Мубах-(араб. Умумий, ҳеч кимга таалуқли бўлмаган)-шариат кагегорияси.

Манба-ҳар қандай илмий ёки диний йўналишлар, тадқиқотларнинг асоси, ашёвий-далиллар тизими.

Мусҳаф-(араб.-саҳифаларни жамланиши)-Қуръони карим саҳифаларини жамлаб китоб ҳолига келтирилиши.

«Моликия мазҳаби»-исломдаги шариат мазҳабларидан бири.

Мазҳаб-(араб. «йўл») исломдаги шариат қоидалари тизими ва йўналиши.

Мұхаддис-исломда ҳадисшунослик илми билан шуғулланувчи олим.

Муснад-(араб.-асосланган, далилланган)-ҳадис тўпламларининг илк тури.

«Муватто»-Ибн Молик асарининг номи.

Муждаҳид-(араб.-интилевчи, ҳаракат қилувчи)-Ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган.

Мандуб-(араб.-тавсия этилган) шариатда бажарилиши лозим ва

савоб деб этиладиган, лекин гуноҳ бўлмаган ҳаракатлар.

Мубоҳ-(араб. Умумий ҳеч кимга таалуқли бўлмаган) шариатда ижозат берилмаган хатти-ҳаракатлар.

Макруҳ-(араб. – рад этилган, қораланган) шариатда қатъиян тақиқланган, аммо номақбул ҳисобланган хатти-ҳаракатлар.

Махзура-(араб.-ман этилган нарса) мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар.

Маърифат-зиё тарқатиш

Несторианчилик Византияда 5-асрнинг бошларида христианликда вужудга келган оқим.

Оят-(араб. «белги», «мўъжиза») Куръон сураларини ташкил этувчи қисм, «жумлалар».

Панисламизм-19 асрнинг охирида Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим.

Пантеизм-худо билан табиат бир деб ҳисоблайдиган диний-фалсафий таълимот.

Патриарх-қабила ёки уруғ бошлиғи, динда катта руҳоний.

Политеизм-кўп худолик (кўп худоликни тан олувчи дин)

Пайғамбар-(форс.-пайғам-хабар, бар-келтирмоқ, хабар келтирувчи) илоҳий кучлардан ваҳй (кўрсатма) олган шахслар номи.

Рукн – (араб.-асос, устун) исломда энг муҳим 5 та амалий маросимчилик талаблари рукн-аркони ад-дин деб аталади.

Расул-(араб.-элчи) исломда Расул Акрам тушунчаси бўлиб Мухаммад (с.а.в.) Худонинг ердаги элчиси ҳисобланади.

Ризо-қалбдан ҳаракат қилиш, қазо амрига таслим бўлиш.

Сутхўрлик-исломдан олдин арабларда пулни фоиз ҳисобига бериб фойдаланиш. Бу исломда қатъий қораланган ва тақиқланган.

Тариқат-шариатдаги тўрт босқичдан бири.

Тавба-суфийликда-қайтиш, яъни камолатга, ахлоқий сифатларга қайтиш.

Таваккул-барча ишларни худодан деб билиш, унга суюниш.

Фиқҳ-(араб. «тушуниш») шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи фан.

Фақих-фиқҳ илмининг билимдони.

Фетишизм-(франц. «фетико»)-ясалган тумор, бут, санам деган сўзлардан олинган) моддий буюмларда ҳам ғайритабиий хусусиятлар борлигига ишониш.

Фарз-шариатда бажарилиши мажбурий бўлган амал.

Фақр-қашшоқлик, бенаволик, суфийлар наздида улуғвор илоҳий моҳият касб этиш, бандаликни сидқидилдан бажо этиш.

Халифалик-илк исломдаги давлат тизими.

Хижоз-Макка яқинидаги шаҳарнинг номи.

Хаж-мусулмонларнинг Макка ва Мадинага сафар қилиб, исломнинг беш амалий маросимчилик амалларидан бирини адо этиш, хаж амалларини бажаришдир.

Сунна-исломда пайғамбар амаллари, урф-одат, яхши хулқ ҳақидаги ривоятлар тўплами.

Суҳуф-(араб. «суҳуф»-варака).

Сура-(араб. «девор», «тўсик») Куръонни ташкил этувчи қисмлар.

Суннийлик-исломдаги йўналишлардан бири.

Саҳоба-(араб. «суҳбат» сўзидан олинган) Исломда пайғамбарни кўрган, у билан мулоқатда бўлган ҳар бир мусулмон «соҳобий» дейилган.

Тасаввуф-исломда вужудга келган суфийлик таълимоти ёки тасаввуф фалсафаси деб ҳам юритилади.

Теология-илохиёт ҳақидаги фан.

Традиционизм-анъанавийлик, одат, расм бўлиб қолган анъаналарга амал қилиш.

Тотемизм-(ҳинд. «О тотем»-унинг уруғи). Тотемизм ибтидоий ғоят содда диний сўздан келиб чиққан.

Ҳаниф-исломдан олдинги даврда яккахудоликни тарғибот қилувчи киши.

«Ҳанбалия мазҳаби»-исломнинг сунний йўналишидаги мазҳаблардан бири.

«Ҳанафия мазҳаби»-исломдаги сунний йўналишдаги тўрт мазҳабдан бири.

Ҳадис-(араб. «янги; сўз») Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўzlари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар.

Ҳурфиксрилик-фанда ва динда эркинфиксрилийкни ёқловчи оқим.

«Шофеъия мазҳаби»-исломдаги суннийлик йўналишининг мазҳабларидан бири.

Шиалик-(араб. «шиа»-партия) исломдаги йўналишлардан бири, Али тарафдорлари.

Шариат-исломдаги диний-хуқуқий қонун-қоидалар мажмуи.

Ясириб-Мадина шаҳрининг олдинги номи.

Қабила-қадимги уруғ-қабилачилик даврида одамлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаганлар, катта ва кичик қабила шаклини олганлар.

Қадриятлар-инсониятнинг тарихан юзага келтирган маънавий-маданий бойликлари қадрият ҳисобланади. Диний қадриятлар эса ҳар бир диннинг муқаддас китoblари, таълимотлари билан боғлиқ ҳолда изоҳланади.

Куръон-(сурёний «кераин»-«муқаддас ёзув») ислом динининг муқаддас китоби.

Қиёс-исломда шариат манбаларидан бири. Ўхшаш масала орқали

мантикий таққослаш йўли билан ҳукм ёки фатво чиқариш.

## **Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйҳати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир). Ўзбекистонни янги қонунлари.-Т. 19, Т.: «Адолат», 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимида, юрагимида.-Т.: 1999.
5. Каримов И.А. «Ислом зиёси-ўзбегим сиймоси»да-Тошкент Ислом университети, 2005.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари-энг олий қадрият. Т.: «Ўзбекистон», 2005.-48 б.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон», 2005.-160 б.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон».-96 б.
9. Куръони карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001.
10. «Авесто» китоби-тариҳимиз ва маънавиятимизнинг илк ёзма манбай мазмунидаги илмий-амалий семинар материаллари. Т.: 2000.
11. Абдусамедов А.Э. Динлар тарихи. Т.: ЎзМУ, 2004.-208 б.
12. Азимов А. Ислом ва ҳозирги замон. –Т.: 1992.
13. Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (ишончли тўплам), 4 жилдлик Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
14. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий. А. Абдулло таржимаси. Т.: /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
15. Аҳмад Яссавий Ҳикматлари. Т.: /офур /улом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.-256 б.
16. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Беруний А.Р. Танланган асарлар. I том. Т.: 1968.

17. Буюк сиймолар, алломалар: Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар ва донишмандлар. К. 1. Т.: «Ўзбекистон», 1995.-101 б.
18. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари. «Тошкент Ислом университети» нашриёти-матбаа бирлашмаси. Т.: 2005.
19. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. Т.: «Ўзбекистон», 1990.
20. Исҳоқов М.М. Халқ даҳосининг қадимги илдизлари ва илк куртаклари (Зардуштийлик, Зардушт ва Авесто ҳақида). «Тил ва адабиёт таълими» журнали, 2-сон, 1992.
21. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. Т.: Ёзувчи, 1996.-272 б.
22. Маҳмуд, Шайх И smoил. Тошкентдаги Усмон мусҳафининг тарихи. Т.: 1995.
23. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. Т.: 2000.
24. Мўминов А. ва бошқ. Диншунослик (дарслик). Т.: «Mehnat», 2004.
25. Уватов У. Буюк мұхаддислар: Имом ал-Бухорий, Имом Мұслим, Имом ат-Термизий. Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1998.
26. Ҳасанов А.А. Макка ва Мадина тарихи. Т.: 1992.
27. Ҳусниддинов З.М. Ислом йўналишлари, мазҳаблар, оқимлар. Т.: «Мовароуннахр», 2000.
28. Закурлаев А. «/оялар кураши». Тошкент Мовароуннахр, 2000.
29. Отамуродов С., Ҳусанов С., Раматов Ж. Маънавият асослари. Т.: 2002.
30. Фалсафа қомусий луғат (масъул мұхаррир Қ.Назаров). Т.: 2004.

## **М У Н Д А Р И Ж А:**

**Сўз боши.....**

- 1-мавзу:**     «Диншунослик фанининг предмети,  
мақсади ва вазифалари».....  
-Диншунослик фанининг предмети  
-Диншунослик фанининг мақсади ва  
вазифалари  
-Диннинг функциялари  
-Курснинг амалий аҳамияти
- 2-мавзу:**     **Дин ижтимоий-тарихий, этник ҳодиса**  
-Диннинг дастлабки кўринишлари  
-Дин ва этномаданият тарихи  
-Дунёқарашнинг тарихий шакллари
- 3-мавзу:**     **Дин турлари, зардуштийлик ва миллий динлар**  
-Қабила ва миллий динлар (Яхудийлик, Хиндуилик, конфуцичилик, даосизм).  
-Дин ижтимоий онг шаклларидан бири эканлиги  
-Зардуштийлик таълимоти ва ахлоқи
- 4-мавзу:**     **Жаҳон динлари: буддавийлик, христианлик**  
-Буддавийликнинг таълимоти, унинг Марказий Осиёга тарқалиши  
-Буддавийликнинг Моҳаяна ва Ҳинояна йўналиши  
-Христианликнинг таълимоти, Ўзбекистонга тарқалиши  
-Христианлик йўналишлари (католицизм, провославия, протестантизм), ахлоқий хаётдаги ўрни
- 5-мавзу:**     **Жоҳилия даври ва араблар маънавий қиёфаси.**.....  
-Жоҳилия даври моҳияти  
-Жоҳилия давридаги кўп худолик ва араблар маънавияти  
-Ҳанифлар ҳаракати
- 6-мавзу:**     **Ислом динининг пайдо бўлиши ва**

**маънавият ҳаётининг янгиланиши. . . .**

- Ислом дини пайдо бўлган ижтимоий—  
иқтисодий шарт ва шароитлар. Муҳаммад  
пайғамбар ҳаётлари
- Ислом: Макка ва Мадина даври
- Ислом таълимотининг халқлар  
маданиятидаги ўрни

**7-мавзу:** **Ислом: қадриятлар, маънавият ва  
маърифат. . . . .**

- Исломий қадриятлар тарғиботи
- Политеизмдан монотеизмга ўтиш давридаги  
араблар маънавияти
- Ислом маънавияти ва маърифатининг шахс  
ва жамият муносабатларига таъсири

**8-мавзу:** **Қуръон сураларининг жамланиши ва шахс  
маънавий қиёфасининг шаклланиши. . . .**

- 
- Ислом динининг асосий манбалари
- Қуръоннинг жамланиши, тарихи ва унинг  
шахс маънавий қиёфасига таъсири
- Тошкентдаги «Мусҳафи Усмоний» тарихи ва  
Қуръон таржималари

**9-мавзу:** **Исломдаги оқимлар ва мазҳабларнинг  
минтақа маънавиятидаги ўрни. . . . .**

- Ислом йўналишларининг халқ  
маънавиятидаги ўрни
- Суннийлик мазҳаблари ва маънавият
- Шиалик: секта, мазҳаблар ва маънавият

**10-мавзу:** **Исломнинг эътиқодга айланиш даври ва  
Ўрта Осиё халқлари маданияти. . . . .**

- Исломгача бўлган Ўрта Осиё маданияти
- Исломни Ўрта Осиёга киритилиши ва  
халқлар маданияти
- Хозирги кунда маданиятимиз  
ривожланишида ислом динининг ўрни

**11-мавзу:** **Ҳадислар диний-ахлоқий дастурлар  
манбай. . . . .**

- Ҳадисшуносликнинг шаклланиши
- Ҳадисшунослик ва машҳур муҳаддислар
- Ўрта Осиё муҳаддисларининг

ҳадисшуносликка қўшган ҳиссалари

**12-мавзу:** **Шариат: маънавият ва ахлоқий камолот.**

- Шариат мазмуни ва тузилиши
- Шариат манбалари
- Шариат – ислом диний ҳукуқ, қонун-қоидалар мажмуи жамлиги ва маънавият

**13-мавзу:** **Марказий Осиёда ислом маънавиятиниң ривожланиши. . . . .**

- Ўрта Осиё халқлари маданиятиниң ислом билан алоқадорликда ривожланиши
- Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида исломгача муносабати ва маънавиятни ривожлантирилиши
- Тараққиётниң ҳозирги босқичи ва ислом маънавияти ривожига эътиборни кучайиши

**14-мавзу:** **Тасаввуф тариқати ва маънавияти. . . .**

- Тасаввуф тариқатининг шаклланиши
- Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг ривожлантирилиши
- Тасаввуф таълимоти ва ислом маънавиятиниң ривожланиши

**15-мавзу:** **Миллий ғоя ва ахло=ий маданиятиниң шакллантириш омиллари . . . . .**

- Диний фундаментализм ва экстремизм мазмуни, вужудга келиши сабаблари
- Жоҳилиядаги мафкуравий курашлар, терроризм ва экстремизм ҳаракатлари
- Диний экстремизм ҳаракатларини олдини олишниң маънавий-маърифий асослари

**16-мавзу:** **Миллий ғоя ва мафкуранинг диний илдизлари. . . . .**

- Миллий мафкуранинг шаклланишига ислом омилиниң таъсири
- Миллий ғоя ва мафкуранинг ривожида диний қадриятларининг ўрни

**Фойдаланилган атамалар изохи. . . . .**

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйҳати. . .**

